

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАИРИЙТИ
ТОШКЕНТ — 2013



Исматулло Йўлдошев

**ҲАЁТ
БИЛАН
ЮЗМА-ЮЗ**

*Публицистика, қиссалар,
суд очерклари, мақола ва
сұхбаттар*



**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2013**

УДК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6
Й-69

Тақризчи
Улубек Ҳамдам

Ушбу китобдан таниқли ёзувчи, ҳукуқшунос Исматулло Йўлдошевнинг қатор киссалари, суд очерклари, мақола ва сұхбатлари жой олган.

Й-69 **Йўлдошев, Исматулло.**

Ҳаёт билан юзма-юз: Публицистика, хужжатли ва хаётий қиссалар, очерклар, сұхбат ва лавҳалар. – Т.: «Sharq», 2013. – 288 б.

ISBN 978-9943-00-618-8

УДК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-00-618-8

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2013.

ПУБЛИЦИСТИКА



БИР ҲОВУЧ ОФТОБ

Бир томони ғаллазор, бир томони чексиз уфққа ту-
ташиб кетган пахтазордан кўзларида нур чақнаган бо-
лакай қўлларида бир ҳовуч офтобни уйига элтмоқда.

– Ойижон, офтоб олиб келдим, – дейди у онасиға.
Ва болакайнинг ҳовучидан тўкилган офтоб барча уй-
ларни, кўча-кўйларни зиёга тўлдиради.

*Бу уй – менинг юртимдир!
Бу юрт – Ўзбекистондир.*

Шууримда аллақайдада ўқиганимми, ёзганимми, исён
бўлиб уйфона бошлайди. Бўғзимга қўшиқ тиқилади:

*Энди нурлар таралгайдир,
Кўкка етгай дил хитобим.
Қалб қўридан яралгайдир,
Бош китобим – офтобим.*

Зулмат чекинади. Бошим узра чарх урган қора
қузғун айлана-айлана, сўнг узоклашади. Қузғуннинг
ўлимтик кўзларида зулмат соғинчи. Қўл узатса етади-
ган кечаги кун ҳаловатини қўмсайди у.

*Энди зулмат чекингайдур,
Қора кунлар ортдадур.
Гуллаётган чаманзор юрт,
Нигоҳларни тортадур.*

1886 йил. XIX асрнинг 60-йиларида курол билан
Россияга бўйсундирилган Туркистон тақдири оқ пош-
шо томонидан қабул қилинган “Туркистон ўлкасини
бошқариш тўғрисида низом” деб аталган маҳсус қо-
нун билан ҳал қилинди.

1917 йил. Октябрь тўнтариши Туркистоннинг
мазлум ҳалқи кулбаларига ҳам нур сочади деб умид
қилинди. Бироқ Туркистон Ҳалқ комиссарлари со-
вети таркибидаги 15 комиссар орасида бирорта ҳам
маҳаллий миллат вакили йўқ эди. Шунга қарши

ўлароқ Туркистон мусулмонларининг Кўқонда бўлиб ўтган IV фавқулодда қурултойи Туркистон муваққат ҳукуматини (Кўқон муҳториятини) тузди.

Бироқ қизил аскарлар ва арман буржуа миллатчиларининг “Дашноқлар” партияси томонидан Кўқон қонга ботирилди, муҳториятнинг ўн беш нафар раҳбари отиб ташланди. Қолганлари эса қамоққа олиниб, Сибирга сургун қилинди.

1936 йил. Ўзбекистон конституцияси қабул қилинди – тоталитар тузум эҳсони сифатида. Орадан 50 йил ўтган бўлса-да, ушбу конституция моҳияти жихатидан оқ пошшонинг “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом”идан фарқ қилмас эди. Ва ниҳоят 1978 йил. Яна битта конституция. “Катта ёлғон сиёсати” асосчиси Геббелъс ғояларига асосланган уйдирма.

Биз эса бўри кўкрагидан сут, қашқир панжасидан эт кутиб яшайвердик.

Найман она неча асрлар тўргай бўлиб манқуртга айланган Жўломон тепасида чарх уради: “Ўзлигингни унутма, болам! Сенинг отанг Дўнанбой, Дўнанбой, Дўнанбой!..”

1990 йил 20 июнь куни Ўзбекистон Мустақиллик декларацияси қабул қилинди.

1991 йил 31 август. Мустақиллик. Халқимиз, отабоболаримиз муштоқлик билан кутган хурлик, эркинлик.

1992 йил 8 декабрь. Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида унинг Конституцияси – Асосий Қонуни қабул қилинди.

Ўзликни англаш онги, дунёқараши сиртмоққа солиниб, боқимандаликка юз тутган киши учун бафоят азоблидир. Бироқ минг йиллик томиримизда жўш ураётган буюк алломаларимизнинг қайноқ қони, уйғоқ руҳи тинч қўярмикан? Уйғон энди, бас, етар қуллик, деди кимдир. Қарасам китоб жавонларида саф тортган Абу Али ибн Сино, Форобий, Навоий, Мирзо Улуғбек, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззок Самарқандий, Бурхониддин Марғиноний, Газзолий, Машраб каби

аждодларимиз қолдирган бой адабий мерос харорати юрагимга тафт бераяпти.

XIII–XVI асрларда Мовароуннарда конституцияйи ҳужжат асосини шариат ташкил қилиб келган. Шу билан бирга соҳибқирон Амир Темур “Тузуклари”га шарқона маданиятга монанд конституцияйи ҳужжат сифатида қарапган.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинган қонунлар ўзининг узоқ ўтмишига эга. Утопиячи олим Томас Морнинг ёзишича: “Инсон ҳаётининг қадрини дунёдаги жамики неъматлар биргаликда ташкил этадиган қийматга тенглаштириб бўлмайди”. Инсон ҳаётининг қадрини муҳофаза қилиш мақсадида дунё мамлакатларида XVIII–XIX асрлардан бошлаб бирин-кетин ўзига хос конституциялар пайдо бўла бошлаган (АҚШда 1787 йилда, Бельгияда 1831 йилда, Швейцарияда 1874 йилда). Шу маънода Соҳибқирон тузуклари наинки Маворауннардаги, балки бутун дунёдаги дастлабки конституциялардан бири эканлигини юрак билан, тафаккур билан англаб етдим. Соҳибқирон сатрлари юрагимда Ўзбекистон мадҳиясидай садо бермокда: “Салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида кўлланма (дастуруламал) ёзib қолдирдим... Токи фарзандларим... толеи баланд миллатнинг шарофатини, муҳаббат ва дўстлигим орқали кўлга киритган давлат ва салтанатни сақлагайлар”.

Соҳибқирон инсон қадрини улуғлайдиган тузукларини яратгунга қадар ўша дамгача ўтган сultonларнинг қонунларини, туриш-турмушларини ҳар томоннама ўрганган ва мушоҳада килган. Шу аснода уларнинг хуш ахлоқлари, маъкул сифатларидан намуна олган ва уни амалда қўллаган.

Асосий Қонунимиз, унинг фуқаро, жамият ва давлат ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида айтилган мана бу фикрлар соҳибқирон Амир Темур мушоҳадаларининг давомидай янграйди: “Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати

ва бошқа хуқук ҳамда эркинликлари муқаддасдир. Давлат ва жамиятнинг бурчи мазкур хуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлашдир”.

...Ўн ёшли болакай тупроқ йўлдан чопқиллаганича бир ҳовуч офтобни олиб уйига келаётир.

– Ойижон, офтоб олиб келдим, – дейди у энтикиб. Ва болакай ҳовучидан тўкилган офтоб дунёни ёритиб юборади...

2001 йил

БОҚИЙ ШАҲАР

Самарқанд илоҳий, мафтункор маскан. Унинг ҳар бир қаричида аллома ва авлиёлар хоки ётибди. Унинг кўхна тарихи, беқиёс қудрати ва бетакрор маданияти бугун дунё аҳлини ўзига тортаяпти. Зеро, жаҳон цивилизацияси ривожининг муҳим даврлари бевосита Самарқанд билан боғлиқ. Самарқанд жаҳоннинг энг қадимий цивилизация бешигидир. Кўхна Рим Европа цивилизациясининг шаклланишида қанчалик роль ўйнаган бўлса, Самарқанд бутун дунё маданияти ва тараққиётида асосий мезон бўлган.

Самарқанднинг 2750 йиллик тўйи муносабати билан шаҳарда уч босқичда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу ерда юздан зиёд маданий-маишӣ юбилей иншоотлари фойдаланишга топширилди.

Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари асносида Шоҳизинда тарихий мажмуаси атрофидаги хонадонлар тўла кўчирилиб, Бибихоним мадрасасигача бўлган майдон кўкаламзорлаштирилди ва туристлар сайр қиласигача хиёбонга айлантирилди. Даҳбед кўчасида янги хусусий меҳмонхона қуриб битказилди. Наврўз байрами арафасида унинг иккинчи навбати ишга туширилди. Тадбир доирасида Амир Темур мақбараси мажмуи ва Руҳобод тарихий ёдгорлиги атрофида жойлашган “Зарафшон” корхонаси кўчирилиб, ободонлаштирилди. Амир Темур ҳайкали ўрнатилган худуддан то Регистонгача бўлган майдон

ободонлаштирилиб, сайёхлик маршрутига айлантирилди.

Университет хиёбони қайта таъмирдан чиқарилиб, йўлак ва дам олиш жойлари тартибга келтирилди, икки томонлама ёритқичлар ўрнатилди. Юбилей эмблемаси, кўкрак нишонлари тайёрланди, Самарқандда кичик айланма ҳалқа йўл қурилиши якунига етди. Собиқ кўн-тери заводи ҳудудидан Улуғбек обсерваториясига чиқадиган йўл очилди, унинг ёнидан Оби Машҳад канали ўтказилди. Афросиёб очик осмон остидаги музейга айлантирилиб, бу ҳудудда сайёхлик йўналиши очилди.

“Самарқанд шахрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни”, “Ўзбек давлатчилиги тарихи” мавзуларида ўтказилган ҳалқаро илмий-амалий анжумандадунёning турли бурчакларидан келган олимлар ва тарихчилар, археологлар иштирок этдилар. Самарқанд тарихи даврларга бўлиб ёзилди ва бу китоб “Самарқанд кутубхонаси” сериясида чоп этилди. Икки томлик “Самарқанд тарихи” китоби қайта қўриб чиқилиб, тўлдирилди, “Самарқанд энциклопедияси” нашр қилинди.

Ҳар бир тарихий шаҳарнинг ўз рамзи бўлганидек, қадим Самарқанднинг ҳам рамзи азал-азалдан она шер ва қуёш тасвири бўлган. Соҳибқирон Амир Темур давригача, ундан кейин ҳам шаҳар рамзи шер ва қуёш бўлганлигини тасдиқлайдиган, инкор қилиб бўлмайдиган манбалар бор. ЮНЕСКО томонидан Самарқанднинг 2500 йиллиги нишонланган даврда ҳам унинг рамзи шер ва қуёш бўлган. Шунинг учун шер ва қуёш Самарқанднинг 2750 йиллик тўйига ҳам эмблема-рамз қилиб олинди.

Юбилейгача тўртта супермаркет ва гипермаркетлар, 850 ўринли концерт зали, Самарқанд санъат коллежининг янги биноси, янги “Баҳт уйи” барпо қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Самарқанд шаҳри аҳолиси доимий ичимлик суви билан таъминланадиган бўлди. Шаҳарда учта катта йўл қурилиш ишлари ҳам охирига етказилди. Булар

Шоҳизинда, Афросиёб музей қалъаси ва Самарқанд кичик ҳалқа йўли ҳисобланади.

Қадимий машриқзаминдаги навқирон Самарқанд ҳақида қадим замонлардан ҳозиргача жуда кўп асарлар ёзилган. Европадаги олимлар, тарихчилар билан бир қаторда араб олимлари ва тарихнавислари ҳам қадимги Самарқанднинг тарихи, маданияти, санъати ва географик жойлашуви ҳақида кўплаб асарлар ёзиб қолдирганлар. Тарихий манбаларда илк ўрта асрларда Сўғдда ҳунармандчилик ва савдо алоқалари ниҳоятда ривожланганлиги кўрсатилади. Самарқанд ҳунармандчиликнинг маркази бўлиб, бу ерда тўкимачилик, кулолчилик, чилангарлик, тақачилик ва заргарлик ўз даврида юқори даражада ривожланган.

Самарқанд шахрининг 2750 йиллик тўйи билан бирга бу ерда олтинчи бор “Шарқ тароналари” ҳалқаро мусиқа фестивали ўтказилади.

Самарқанд тарихини аниқлашда биринчи манба археологик кашфиётлар бўлса, иккинчиси манбашуносликдир. Учинчи манба сифатида “Худудул олам” китоби, ўрта аср тарихчиларидан Наршахий, Абдураззоқ Самарқандий, Беруний (“Осорул Боқия” ва “Тафхим”) китоблари, Хондамир, Али Яздий (“Зарфарномаи Темурий”), араб манбашуносликларидан ал Мақдисий, ибн Ҳавқал, ибн Батута, Табарий ва бошқаларни айтиш мумкин.

Ҳасантус (Ҳантус) қадимий юонон тарихчиси бўлиб, милоддан аввалги 547 йилда эронлик Куруши Бузург Юнонистонни босиб олган вақтда асир олинади. Дьюжанс Лютиюс милоднинг 210 йилларида Ҳасантуснинг 2 асарини тилга олиб, Зардуштнинг дунёга келганлигига 6 минг йил бўлди, деб ёзади.

Европадаги олимлар, тарихчилар билан бир қаторда араб олимлари ва тарихнавислари ҳам қадимги Самарқанднинг тарихи, маданияти, санъати ва географик жойлашуви ҳақида кўплаб асарлар ёзиб қолдирганлар. Форс-тожик, араб олимларидан Истаҳрий, Хурдодбех, Масъудий, Умар ибн Русто, ибн Факиҳи Ҳамавий, ибн Ҳавқал, Табарий, Хондамир, Биноий, Ибн Асир

ва бошқалар ўз асарларида Самарқанднинг тарихи ҳақида алоҳида боблар яратганлар. Албатта, асарларда келтирилган кўплаб далил ва қўлёзмаларнинг бир-бирига қарама-қаршилиги Самарқанднинг тарихи ҳақида аниқ фикрлашда кўплаб мунозараларга сабаб бўлган. Лекин XIII асрда яшаб ўтган араб олими Ёқут Ҳамавий ёзиг қолдирган “Мўъжам-ул-булдон” (Кишварлар луғати) луғатий асарида бошқаларга нисбатан Самарқанд ҳақида жуда кўплаб маълумотлар келтирилган.

Ёқут ўзининг “Мўъжам ул-булдон” асарининг ёзилиш жараёнида ўша йилларда ёзилган жуда кўп мавжуд тарихий асарларни мутолаа қилиб, уларга таяниб, тарихнавислар фикрларини бир-бирига солишиди, шундан кейингина далил-исботларини келтиради. У ўз асарининг Самарқанд ҳақидаги бобларida араб ўлкашуноси Ҳошим Азҳарнинг Самарқанд ҳақидаги ёзишмаларини, яъни аслида шаҳар номи “Шамирканд” бўлганлиги, лекин араб шеваларидаги талафуз жараёнида араблар “Самарқанд” деб айтишганлигини ёзган. Шунингдек, Ёқут “Ахбори мулки Яман” (“Яман мулкининг ахбороти”) китобининг муаллифи Алмуфажжанинг фикрларини ҳам назарда тутган. “Шом тахтига Ношир Юньямдан кейин Шамир бинни Ифрикис ўтиради (Яман мамлакати кўзда тутилган). Маълум муддатдан сўнг у Чин мамлакатига қўшин тортиб, Сўғд мамлакатига етиб келади”.

Ёқут Ҳамавийнинг ёзиг қолдирган далил-исботларидан диққатга сазовор жойи шундаки, у тарихшунос Насафийнинг (XI аср) “Самарқанд – Қутайба ҳужумидан олдин (VIII аср) 2250 йиллик тарихий ёшда бўлган” деган таъкидини асосий манба қилиб олади. Агар Ёқут Ҳамавийнинг ушбу айтганлари ҳақиқат бўлса, Самарқанднинг ёши бугунги кунда 3300 йилдан ҳам ошиб кетади ва бу унинг Римдан ҳам қадимирик шаҳар эканлигини кўрсатади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ёқут Ҳамавийнинг Самарқанд, Сўғд ва унинг вилоятлари борасида, Кушония давлати хусусида ёзиг қолдирган ишлари

М.Массон, А.Горбунова (собиқ СССР), Мұхаммад Қаводий Машхур (Эрон), М. Офел (Туркия) ва бошқаларнинг ЮНЕСКО конференциясида Буюк Күшонийлар давлатининг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни борасида айтилган фикрлари билан тұлалигича ўз исботини топған.

Хозиргача араб мамлакатларида Ёкут Ҳамавийнинг “Мўъжам ул-булдон” кўллэзмаси араб географлари ёзган асарлар ичидә энг аниғи ва тўғриси ҳисобланади. Олим томонидан берилган маълумотлар Искандар истилосидан ҳам олдинроқ, милоддан олдинги III-II асрларни ва милоднинг VIII-IX асрларида Самарқанд тарихини ўз ичига олади. Шундан келиб чиқкан ҳолда “Мўъжам ул-булдон” асарини катта тарихий ва географик аҳамиятга эга деб ҳисоблаш мумкин.

Боқий шахримизнинг XIX аср иккинчи ярмидаги қиёфаси тарихи ҳақида қимматли маълумот берувчи тарихий манба Абу Тоҳирхожа Самарқандийнинг 1844–1848 йиллар оралиғида ёзилган “Самария” асаридир. У ўн бир боб, муқаддима ва хотимадан иборат бўлиб, Самарқанднинг бунёд этилиши тарихи, шаҳарнинг Самарқанд деб аталиш сабаблари, географик ҳолати, об-ҳавоси ва XIX асрнинг учинчи чорагига қадар сақланиб қолган осориатиқалари, шунингдек, масжид ва мозорлари ҳақида маълумотлар беради. Асарда машҳур тарихий шахслар ҳаётiga оид ахборотлар ҳам кўп.

Абу Тоҳирхожа шаҳар кўргони биринчи ким томонидан солинганлиги ҳақида тарихий асарларга таянган ҳолда маълумот беради. “Осор ул-Билод” (муаллифи Закариё бин Мұхаммад ал-Қазвиний, 1275 йилда ёзилган, космографияга оид) асарида кўрсатилишича, Самарқанд кўргонини Кайқубод ўғли Кайковус солдирган. Бу шаҳарнинг биринчи иморати Кайковусдан-дир. Тўртинчи иморат Амир Темур Кўрагон томонидан, деб тарих китобларида ёзилгандир, деб келтирилади.

Самарқанд салтанат пойтахти, хунармандчилик ва савдо кенг ривожланган шаҳар сифатида дунё

халқларининг нигоҳини ўзига тортади. Кулолчилик махсулотлари ишлаб чиқариш учун Самарқанд атрофидаги тупроғидан унумли фойдаланилган. Руи Гонсалес де Клавихонинг эътироф этишича, бу энг яхши тупрок ҳисобланган. Ҳунарманд-кулоллар турли-туман идиш-товоқлар ясашган. Амир Темур қалъаси худудида топилган XV аср археологик осориатиқалари орасида ҳар хил коса, катта-кичик лаганлар, шунингдек, тогора, чироқ мавжудлиги бунинг далилидир. XIV–XV асрларда ҳашаматли биноларни безашда қўлланиладиган кошинкор таҳтачалар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган сифатли лой тайёрлашнинг унутилиб кетган усули қайта тикланган.

Амир Темур даврида Самарқанд энг гўзал шаҳарлардан бирига айланди. Соҳибқирон нафакат шаҳар ободончилиги ҳақида қайғурди, балки унинг тинчлиги, осойишталиги, урф-одатларига катта эътибор билан қаради, шаҳар ташқарисида бир-биридан гўзал боғлар бунёд килди. Шарқ ва Фарбдан келган сайдёхлар, савдогарлар, элчилар шаҳардаги урф-одатлар, меҳмондўстликлардан ҳайратга тушдилар ва унинг таърифини дунёга ёйдилар. Самарқанд цивилизацияси дунё давлатларининг ривожига катта таъсир кўрсатди. Дунё олимлари, файласуфлари Самарқанд урф-одатлари бўйича чукур илмий тадқиқотлар олиб бориб, унинг замирида тарихий даврнинг фалсафий мазмунини кашф қилдилар.

Самарқандда урф-одатларимиз, толерантлик, диний ва миллий бағрикенглик миллатлараро муносабатларнинг муҳим йўналиши сифатида кенг маъно кассб этмоқда. Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб номланиши ҳам унинг замирида, аввало, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш, муқаддас урф-одатларимизни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, энг муҳими жамиятимизда ўзаро қадр-киммат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш каби олийжаноб мақсадлар мужассамлигидан далолат беради.

2007 йил

МЕХР-МУРУВВАТ ЙЎЛИ

Навбатдаги йил Президентимиз томонидан “Мехр ва муруват йили” деб эълон қилинди. Зеро руҳиятни янгилаш ва уни жамият тараққиётига йўналтириш учун, аввало меҳр-муруват лозим. Давлатнинг фуқарога ғамхўрлиги, унинг тинч-осуда яшashi учун шарт-шароит яратиши, руҳий мадади меҳрда намоён бўлса, иқтисодий қўллаб-куватлаши, кучлининг кучсизга муносабати ахлоқий фазилатда – муруватда кўринади.

Мехр берилади, муруват эса кўрсатилади. Шунинг учун болалар меҳрга, катталар эътиборга зор бўлади. Биз эътиборсизлик сиёсатини татиб кўрдик, диний ва ирқий камситилдик, фаолиятимизни мажбурий чекладик, худонинг йўқлиги-ю, диннинг афюнлиги тўғрисидаги сохта ғоялар билан сугорилдик. Мустабид тузумда фуқарога эътиборсизлик натижасида Сахаров ва Солженицин каби катта зиёлилар жиноятчи деб эълон қилинди ва оқибат тузумнинг ўзи қатор адолатсизликларга йўл очди. Демак, адолатли сиёсат олиб бормоқ учун Пифагор тили билан айтганда, “куч ва эҳтиёж” қонунларига қатъий амал қилган ҳолда фалсафа, илм ва санъатдан оқилона фойдаланмоқ зарур экан. Соҳибқирон бобомиз шунинг учун ҳам “Куч – адолатдадир” дея табиатда барча кучлар адолатли тақсимланганлигини, бу қонунни бузиш табиатга қарши боришдан бошқа нарса эмаслигини сўфиёна талқин этган эди. Зеро, табиат устидан ҳукмронлик қилиш инқирозга олиб келишини биз кўрдик, табиат узвийликни талаб этишини англадик.

Президентимиз томонидан миллий ғуурни тикилаш соҳибқирон Амир Темур, Аҳмад Фарғоний, Мотуридий, Ғиждувоний, Навоий каби бир қатор улуғ даҳоларни берган ҳалқقا хеч кимдан кам эмаслигини англатиш, унинг руҳини кўтариш борасида тинимсиз изчил сиёсат олиб борилмоқда. Янги йилнинг “Мехр ва муруват йили” деб эълон қилиниши ушбу сиёсатнинг давомидир.

Ўзбекнинг тарихида халқига меҳр ва муруват билан муносабатда бўлган улуғ зотлар жуда кўплаб топилади. Ҳазрат Навоий ўз вақтида Ҳирот ахлига тушган солиқни бир ўзи тўлаганлиги, пири комил Ҳожа Ахрор Валийнинг халққа хизмати, бир қатор ўзбек бойларининг кўприклар, мактаб-мадрасалар қурилишига бош-қош бўлганлигига мисоллар етарлича бор. Мана шундай улуғ фазилат эгаси бўлган янги ўзбекларнинг пайдо бўлишига замин тайёрланган истиқлол сиёсати меҳр ва муруватни сўзда эмас, амалда кўрсатишимиизга йўл очиб берди, десак хато қилмаймиз.

Мустақиллигимиз ўн икки ёшга тўлди. Ўн икки ёшли боланинг онги шаклланиб бўлган бўлади. Ёш бола онасидан меҳр истайди, отасидан эса муруват. Агар бола тўсатдан бетоб бўлиб қолса ота-она табибга мурожаат этади. Табиийки, табиб болани соғломлаштириш учун унга муолажа қилиш лозимлигини уқтириб, игна санчади. Бола жисмидаги оғриқ туфайли табибга нафрат ва қўрқув билан қарап экан, онасининг пинжига интилади. Бироқ, онги шакллангач эса бир вақтлар уни ҳаётга қайтарган табибга меҳр ва муруват билан қарайди. Янги жамият қуриш ва уни вояга етказиш учун йиллар керак, кечагина ишончсиз ва журъатсиз бўлганлар бугун дадил қадам ташлаётган экан, бу истиқлол сиёсатининг тарбиявий аҳамиятидан далолат беради. Меҳр ва муруватнинг руҳий олами инсон қалбida ана шундай шаклланади.

Меҳр орадан кўтарилса, табиийки, оқибатсизлик, тартибсизлик ва ақидапарастлик каби иллатлар авж олади, жиноятчиликка кенг йўл очилади. Меҳр ва муруват хукмрон жамиятда эса ахиллик, миллий ифтихор, келажакка ишонч каби эзгу туйғулар томир отиб, буюк миллат ва давлат келажагини белгилайди.

2002 йил.

ҚИССАЛАР



ИБЛИС ТАЛВАСАСИ

Ниқобли қотиллар

Заминга тун қора либосини ёпмоқда. Гира-шира қоронги тушган, атроф сукунат кўйнига беркиниб бораёттир. Осмонда яккам-дуккам юлдузлар. Кўчанинг икки томони қатор дараҳтлар. Унинг орқаси пахта зор.

Толиб шийпон томонга кетмоқда. У ҳар-ҳар замонда атрофга аланглаб қўяди. Қаердандир келаётган бойўғли овози, чиябўрининг улиши ваҳимали. Бу овозлардан Толибнинг қалбида таҳлика пайдо бўлди. Хаёлга чўмди.

Узокдан машина овози эшитилди. Кўп ўтмай чироқлари ўчган машина унинг ёнига келиб тўхтади. Юзларига қора ниқоб кийиб олган кишилар тезда машинадан тушиб, Толибга ташланишди. Кийимлари ҳам қоп-қора. Толиб бирини тепди, бирига мушт туширди. Аммо орқадан бошига теккан зарбдан гандираклаб кетди. Кимdir қорнига тепди. Толиб йиқилди. Ҳар томондан тепки ёғилди. У бутунлай хушидан кетди. Ниқобли кишилар унинг қўл-оёғини боғлаб машина юхонасига буюмдай улоқтиришди. Машина юрди.

Дараҳтлар орқада қолди. Чироқсиз “Жигули” катта тезликда учиб бормоқда.

Машина канал кўприги устида тўхтади. Кўприк кенг ва узун. Канал сувга тўлиб оқмоқда. Четлари бетон тўсиқ. Катта канал сувида юлдузлар акси ўйнашиб, гўё сув тубида осмон, унда юлдузлар чайқалаётгандек.

Машинадан олдинма-кейин тушган ниқоблилардан иккитаси кўприкнинг икки томонини кўздан кечириб келди. Машинадан чала ўлик Толибни ту-

шириб оёғи ва бўйнига ҳарсангтош боғлашди. Кейин уни кўтариб, юлдузлар акси кўриниб турган сувга ташлашди. Сув бети чайқалди, юлдузлар акси сув билан баробар чайқалди.

Кўп ўтмай сув яна ўз ҳолича оқа бошлади. Ниқобли кишилар машинага ўтириб жўнаб қолишли.

Уч оғайни

Ғайрат, Эркин, Толиб бир қишлоқда туғилиб, бир мактабда ўқиб, бир даладан пахта териб улғайиши. Мактабни битиргач, учалови ҳам турли олий ўқув юртларига ҳужжат топшириши. Ғайрат агрономлик факультетига, Эркин юридик институтга, Толиб эса ҳалқ хўжалигига.

Ғайрат абитуриентлик пайтида институтнинг масъул котиби, ҳаракатлари чаққон, пўримгина кийиниб юрадиган Хондамир билан танишиб қолди. Хондамир негадир уни ўзига яқин тутиб, акаларча ғамхўрлик қилди, меҳрибонлик кўрсатди.

Кейинчалик иккалалари жуда қалинлашиб кетишиди.

Хуллас, ўша йили фақат Ғайратга омад қулиб боқди: етарли балл тўплаб қишлоқ хўжалиги институтининг агрономлик факультетига ўқишга кирди. Эркин иншодан “йиқилди”, Толиб мандатдан ўтолмади...

Икки ўртоқ қишлоққа қайтадиган бўлиши. Уч оғайнининг бу галги учрашувлари унчалик кўнгилли бўлмаса ҳам, аммо “шайтоннинг суви”дан отиб олишгандан кейин ўқувчилик йилларини, яхши кўрган қизларини эслашди... Толиб паст балл олиб қўйгани, Эркин келиб-келиб иншодан ўтолмагани учун бирбирига гал бермай ўзларини сўкишиди.

— Мен ўқишга кирган бўлсам ҳам, сизлар билан бирга қишлоққа кетгим келяпти, бир ўзим етим қўзидаидай, бу ерда қолиб нима қиласман, — деди Ғайрат.

— Йўқ, оғайни, кирдингми, ўқишинг керак. Худо хоҳласа, мен армияга кетмасам, янаги йилда, албатта, ўқишга кираман. Толибнинг-ку бир йили бор, молодой бу! Буям киради ўқишга!

— Муҳими сен ўқишга кирдим, деб бизларни унумасанг бўлди, — деди Толиб.

Ғайрат дўстларига далда берди. Шу тариқа ярим тунгача болалик хотираларини эслашиб, анча хумордан чиқдилар.

* * *

Ғайрат аббитуриентлик даврида шаҳарлик Фотима билан танишиб қолди. Йўл-йўлакай унга ҳужжат топширишда, имтиҳонлар пайтида масъул котиб — Хондамир акаси орқали ёрдам бериб юрди. Ўша танишув бора-бора муҳаббатга айланди. Улар учраша бошлишди. Ғайрат уни ўзи ижарада яшайдиган хонасига таклиф қилас, бир-икки соат бирга гаплашиб ўтириб, уни кузатиб кўяр, ораларида соғ, беғубор туйғулардан ўзга ҳеч нарса йўқ эди.

Учинчи курсда ўқиётганларида Ғайрат қизларни ҳам туғилган кунига чақирди. Бу ерга Хондамир акаси ҳам келган эди. Улар узоқ ўтиришди. Хондамир қизларга шампан виносидан ичирди. Қайтаётганларида Ғайратга, сен қолавер, мен қизларни машинада кузатиб кўяман, деб уларни олиб кетди. Шундан кейин Фотима кам кўринадиган, ўзини ундан олиб қочадиган бўлиб қолди. Бунинг сабабини эса Ғайрат кеч тушунди...

Эркин Москвада ҳарбий хизматни, сўнг ўша ердаги ўрта маҳсус милиция мактабини битириб келди. Туманда катта терговчи бўлди. Толибнинг омади келмади, ҳарбий комиссариат ошқозонидан касал топиб, армияга олмаганидан кейин у туман марказидаги қишлоқ хўжалиги техникумининг ҳисобчилик бўлимини битказиб олди. Хўжаликда табелчи бўлиб ишлаб юрди.

Ғайрат ҳам бу орада ўқиши битирди. У ҳали Фотиманинг доғини унутмаган, унинг Хондамир билан апоқ-чапок бўлиб кетганини кечира олмаган эди. Онаси уни ўзи кўз остига олиб қўйган қизга уйлантириш тараддудига тушди.

– Отанг ўлиб кетган бўлса, мен сени қайтиб уйлайман, деб юрган эдим, уйлан шу қизга, ҳар ҳолда раиснинг жияни, у ҳам қараб турмас, – деб ҳолижонига қўймади.

Охири Ғайрат Ҳанифа исмли шу қизга уйланди.

Ғайрат тез орада жамоа хўжалигида ҳосилот бўлиб ишлай бошлади...

Толибнинг тик сўз, чўрткесарлиги бошига бало бўлди. У раиснинг кўпгина кирдикорларидан хабардор, раис эса буни билар эди. Шу орада Толиб шубҳали тарзда йўқолиб қолди...

Аммо ўша машъум кунгача ҳам анча-мунча сувлар оқиб ўтди. Уч оғайни ҳалиям тўй-маъракаларда, туғилган кунларда учрашиб туришар, бир-бирларига берган ваъдаларини эслатишарди.

– Толибни кассирликка ўтказишгани ёмон бўлибди. Уни энди кўпчилик ёмон кўриб қолади, – деди учрашувларидан бирида Эркин. – Чунки одамларимиз оми, ўзларига раис эмас, кассир пул бермаяпти, деб ўйлайди.

– Йўғ-е? – ҳайрон бўлди Ғайрат.

– Шундай! – Эркиннинг гапини тасдиқлади Толиб. – Анави куни 5–6 та колхозчилар йўлимни тўсиб, нега пул бермаяпсан, раисга борсак сени айтди, сен пул бермаётган экансан, деб ўдағайлашди.

– Бўпти, мен раисга айтиб, сени бухгалтерияга ўтказаман, – ваъда берди Ғайрат.

Раис Ҳанифанинг амакиси, Ғайратнинг унчамунча гапига йўқ демасди.

Ғайрат идорага кириб, раисга бу гапнинг учини сал чиқарган эди, у хурпайиб олди.

– Сенинг ҳурматингни қилиб, ўртоғингни ёғли

жойга ишга олувдим. Қовун туширди-ку! Ҳар бир идоранинг ўзига яраша паст-баланди бўлади, идорага пул деб келганларга ҳар хил гаплар гапирибди, шу ерда юрганига шукур қилсан. Сен ҳам оғзим бор, деб ҳар нарсани гапираверма, – деб уни хонасидан чиқариб юборди.

Эркиннинг туғилган кунида улар яна учрашишди. Гайрат раис билан бўлган ҳангомани гапириб берган эди, Эркин ўйланиб қолди. Секин, фақат уччови эшитадиган паст овозда, “қайноғанг ҳақида ҳар хил гаплар юрибди, сен унга кўп яқинлашаверма!” деб қўйди. Шу гапдан бир ой ўтмай туриб Толибнинг тўсатдан йўқолиши Эркинни ҳам, Гайратни ҳам карахт қилиб қўйди...

Идора

Раиснинг хонаси. Полга Туркманистонда тўқилган қалин, қимматбаҳо гилам тўшалган. Деворда табиат манзараси акс этган суратлар. “Т” шаклидаги узун стол атрофида стуллар. Тўрда раис ўтирадиган кресло. Баланд ва ихчам ишланган. Раис Олимбек Султонов харакатланувчи креслода ялпайиб ўтирибди. Хонада ундан ташқари Эркин, боласини кўтариб олган 28–30 ёшлардаги жувон, кўз ёшларини артиб ялинибёлвориб йиглайди:

– Раис бува, болаларнинг отасини топишга ёрдам беринг. Уйимиз ғамхонага айланди. Уч кундан бери ҳеч қаерда йўқ. Қидирмаган жойимиз қолмади...

Олимбек жувонга ўқрайди:

– Нима, эрингни мен йўқотдимми? Гапини қаранг...

– Сиз йўқотдингиз деганим йўқ-ку. Ёрдам беринг деяпман, раис бува! – Аёл яшил пальтосининг чўнтагидан рўмолчасини олиб, кўз ёшларини артди.

– Ёрдам беринг, усиз кунимиз не кечади?

– Мен қандай қилиб ёрдам бераман сенга? Мели-

самидим? Ана, бухгалтер ёрдамчисидан сўра! Эринг одамларнинг иш ҳақидан 120 минг сўм пулини олиб кетган, деяпти. Балки, сенга бериб кетгандир. Тилларинг бирдир.

– Худо урсин, у ундаи қилмайди. Биласиз-ку!

– Билмадим. Ана, – милиция формасидаги Эркинни кўрсатди, – мелисадан сўра, эрингнинг ўртоғи, ийғла, ёлвор, топиб берсин. Бу унинг иши.

Эркин жувонга қаради.

– Келин, ростини айтинг, Толиб йўқолмасдан бурун сизга хеч нима демаганмиди?

– Худо урсин, дедим-ку, хеч нарса деган эмас...

Эркин камзул кийган, бўйдор, мўйловли, сочи сийрак бухгалтер ёрдамчисига юзланди.

– Холтой ака, айтинг-чи, Толиб қайси вақт, қанча пул олди сиздан?

– 120 минг, тушдан кейин.

– Пул олганини бирор киши кўрдими? Тилхат олганмисиз?

– Олмадим шекилли.

– Нега шекилли?

– Жиндак кайфим бор эди.

Толибжоннинг хотини йиғлаб, бухгалтер ёрдамчисига яқинлашди:

– Нега ёлғон гапирасиз, тушдан кейин деб, Толиб акам кечгача далада бўлган-ку? Ишонмасангиз одамлардан сўранг!

Туман ички ишлар жиноят қидирав бўлими катта нозири Эркин папкаларини йиғиштириб чиқиб кетмоқчи эди, шу пайт эшиқдан Файрат кириб қолди.

– Чиқиб тур, – деб бақирди раис Файратга.

Эркин эса унга:

– Тўхта, Файрат, – деди.

Файрат ноқулай ахволда қолди. Бир чеккага ўтирди. Олимбек ғазабнок ёниб турган қўзларини Файратга қадади. Эркин раисга:

– Узр, ака, агар иложи бўлса Файрат билан гаплашиб олсанм, – деди.

Раис эса:

– Эсингда тут, ука, сен райком бюроси аъзосининг хонасида ўтирибсан, кўп ўзингдан кетаверма, – дея дўқ уриб чиқиб кетди.

Эркин раиснинг гапини эшитмаганга олиб Файратга юзланди.

– Агроном Файрат Раҳимов эканлигинги биламиз, Толиб Бўтаевни уч кун бурун кўрганимидингиз?

– Кўргандим.

– Қаерда?

– Далада.

– Ойлик иш ҳақи ҳақида гапирганмиди?

Шу пайт раис яна хонага кирди, аммо Файрат унинг кирганини кўрмай қолди.

– Гапирганди. “Беришмаяпти, одамларнинг кўзига қарай олмаяпман”, деганди.

– Ҳой бола, сен менинг хонамни тергов хонасига айлантиromoқчимисан? – Ўдағайлаб бақирди Олимбек. – Ўртоғингнинг ёнини олиб, мени бадном қилмоқчимисан-а, куёвтўра?

– Ана кўрдингизми, Эркин ака, у киши пул олмаганлар. Буларнинг ўзи пулниям, униям бир бало қилишган, – жувон шундай деб боласини ерга қўйди-ю, ўрнидан туриб раисга ёпишди: – Топиб бер, эримни, топиб бер! Нима қилган бўлсанг, сен қилгансан!

Эркин уларни зўрға ажратди.

– Чиқинглар хонамдан. Бу ер сенларга терговхона эмас. Чиқинглар! – соchlари тўзиб бақирди Олимбек.

Эркин аёлнинг боласини қўлига тутқазди:

– Сиз бораверинг, Толибни топамиз, боринг, болангизга қаранг.

Хотин йиғлаб, қарғаниб чиқиб кетди. Эркин Олимбекнинг, Файратнинг юзига бир-бир қаради. Файратнинг юзлари оқариб кетган, кўзлари уйқусизликдан бўлса керақ, киртайиб қолган эди.

* * *

– Бўпти, раис бува, бирор янгилик бўлса, айтарсиз, – Эркин раис билан хайрлашди. Кейин Ғайратга: – Қани бу ёққа юр-чи, – деб уни ўзи билан олиб чиқиб кетди.

Аммо тез орада Ғайрат қайтиб келди.

– Ҳа, нима дейди оғайнинг?

– Қанақасига оғайнин? Мактабда бирга ўқиганмиз, холос. Мелисадан оғайнин чиқармиди?..

Олимбек агрономга ўқрайди:

– Аҳмоқ. Кўрмадим, десанг, ўлармидинг. Бу ерга келиб бало бормиди?

– Бегали участкавой “раиснинг хонасига боринг”, деди. Бирон ишингиз бордир, деб келдим. Эркин Толибни тўсатдан сўраб қолди, мен нима гаплигини билмай, кўрганимни айтдим. Қаёқдан билибман...

Олимбек айёrona кулди. Яна жиддий ҳолатга кирди.

– Демак, Толиб қандай йўқолганини сен биласан.

– Ҳазиллашманг-э, қанақасига мен биламан?

– Сен билан бирон марта ҳазиллашганмидим?

Тахминларимни ҳозироқ биринчи котибга, сўнг терговчига айтаман.

Ғайрат қизарди, асабийлашди, Олимбекка тикилди:

– Ўйлаб гапиринг, раис бува! Мен билсан айтардим-да!

Олимбек жаҳл отига минди. Кўзлари ола-кула бўлиб, ўтирган жойидан Ғайратга қўлини бигиз қилиб ўшқиришга тушди.

– Ҳой бола, олов билан ўйнашяпсан менинг ишимга аралашиб. Сендақаларнинг кўпини кўрганман. Нонни “нанна” деб юрганингда мен бригадир бўлганман. Отанг ҳам ўз бошини ўзи еди. Катталарга осила-осила. Сен келиб-келиб мен билан ўйнашяпсанми?! Мен республика депутатиман, қўлим узун, айтганим ўтади.

Раис унга яна отасини эслатяпти. Илгари, “отанг яхши одам эди”, деганди. Энди ёмонляпти. Ажабо! Файрат отасининг нега қамалганлигини, қамоқда қандай ўлиб кетганини билмайди. Онасидан сўраса, “отангнинг тили бошига етди. Индамасдан бухгалтерлик қилиб юраверганида, ҳеч нарса бўлмасди”, дейди. Бу бўлса, катталарга осилган, деяпти.

– Нимага серрайиб ўтирибсан? – Раиснинг ўдағайлашидан Файрат ўзига келди. – Агентмисан? Эркин нима деди? Раиснинг хонасида ўтири, дедими? Тилларинг бирда-а? Мени билмайди, деб ўйлайсанми?

– Қанақасига тилим бир бўлсин... Толибнинг тўсатдан йўқолиб қолганлигини тасодифан билган бўлсам...

– Нима, сен ҳам унинг йўқолганини мендан кўр-япсанми? Мендан кўраётган бўлсанг, – раис овозини пастилатди, – қисиб юрсин эди, колхозчиларнинг ҳақини фалончи еяпти, фалончи бермаяпти демасдан... Энди тур, кўзимдан йўқол!

– Бақирманг, қувмасангиз ҳам кетаман. Бизга ҳам замон кулиб боқар, – Файрат кета бошлади.

Раис ўрнидан сакраб туриб, олдидаги чойнакни Файратга отди. Файрат энгашиб қолди. Пахта гулли чойнак деворга тегиб чил-чил синди.

– Сендақаларга ҳеч қачон замон кулмайди. Орзу қилиб ўтиб кетаверасанлар, билдингми? Бас, етар сайраганларинг. Ҳам ўнг, ҳам чап қулоғинг билан эшитиб ол. Сен ва сенга ўхшаганлар илгари ҳам бизга ўхшаганларнинг измида бўлган, бундан кейин ҳам шундай қолаверасанлар. Сенлар кул бўлгансанлар, бундан кейин ҳам қул бўлиб қолаверасанлар. Ўнта революция бўлмайдими. Барибир дунёинг бойлик, бойлар измида бўлади, билдингми?

Олимбек бир оз сукутдан сўнг яна Файратга қўлини бигиз қилиб ўқталди.

– Тилингни тийиб юр, куёвбачча. Яна одам-

лар ўртасида мен ҳәқимда оғиз очадиган бўлсанг, ўзингдан кўр. Кириб келган вақтингдан ўргилдим. Ҳаммасини расво қилдинг, иблис. Йўқол!

Ертўла

Коронги кеча. Олимбекнинг уйи. Дарвоза олдида чироқ ёқилган. Итлар хуради. Қишлоқ ахли уйқуда. Осмон тўла юлдузлар. Олимбек шоҳона безатилган ер ости хонасида. Ойнабанд шкафда турили хил ичимликлар. Хона деворида филофли қилич осиғлиқ. Хонанинг темир эшиги икки жойдан беркитилган. Ерда қат-қат тўшалган гиламлар билур қандил ёруғида товланади. Хона ўртасида баҳмал кўрпачалар устида пар ёстиққа ёнбошлаб олган Олимбек олдида хум. Хумдан сал берида олтинлар уюми ёруғда нур таратиб ёнаётгандек товланади. Яхна гўшт, олма, нок каби ноз-неъматлар билан тўлдирилган дастурхон. Бир шиша “Наполеон” конъяги яrimлаб қолган. Олимбек ширакайф. Олтинларни ҳовучига олади. Ҳовуцидан сув тўқилгандек тўқади. Ўзи билан ўзи гаплашади.

– Отамнинг тиллалари. Отам сени не машаққатлар билан менга етказди. Нотинчликлар бўлмаганида отамнинг бутун бойликларига эга бўлардим. Подшоликни олсам ҳам бўларди. Бутун водийни сўрардим-а, бўзарганинг кўзини ўядим. Бақирганнинг тилини суғурадим. Бугунгидек акамнинг куёви билан айтишиб ўтирасдим. Акам ҳам аҳмоқ. Аҳмоқ бўлмаса қизини шу ялангоёққа берармиди?! Менга ўқраяди-я! Агар юқоридан унга тегманглар, деган буйруқ бўлмаганида, онасини Учқўрғондан эмас, ўнқўрғондан кўрсатардим. Қаёққадир бораман, дедими? Боравер, нодон. Катталар ҳам менга ўҳшаганларку. У иккинчи секретарь Собиржоновга суюнмоқчи. Ўзига ўҳшаган ялангоёқларни ўша суюйди. Ўзи ҳам камбағалдан чиқкан-да. Акамнинг ландавурлигини

отам раҳматли ҳам билган. Шунинг учун ҳам олтинларни менга топширган. – У яна олтинлардан бир ҳовучини қўлга олади. – Сен отамнинг олтинларининг бир заррасисан, холос. Агар ҳаммасига эга бўлганимдами? Афсус... Ҳалиям Ғайрат отасининг ўлимида кимнинг қўли борлигини билмайди. Эҳ, Ғайрат, Ғайрат! Агар ўзинг ҳам, ўртоғинг ҳам жим юришганида итимнинг ялоғигача тилладан бўларди... Сени ўша Московдаги ҳомийинг билан таниширардим... Шу бўлмаганида, куёв бўлмай ким бўлсанг ҳам асфаласофилинга равона қиласадим...

У яна тиллаларни ҳовучига олиб эзғилай бошлади.

– Шунга ҳам шукур. Соғ-саломат бўлсам, ҳали сен билан кўп ишлар қиласиз. Олтин, пул ҳамиша одамнинг қудратини белгилаган. Пул – подшолик, пул – давлат, пул – қудрат, пул – обрў, пул – ҳаёт. Сен орқали бу ялангоёқларни шундай каловлатайки нима иш қилаётганларини ўzlари билмасин. Сен шунака қудратлисанки, бутун дунёни ағдар-тўнтар қилса бўлади. Ҳаммани сотиб оламан, ҳаммани йўлдан ураман. Измимизда бўлмаса, ҳар қандай тузумни ҳам издан чиқараверамиз.

Олимбек яна ичади ва кайфи ошиб ухлаб қолади.

Мажлис

Жамоа хўжалиги идораси. Олимбек ширакайф кўзлари қизарив, ҳаммани сўкиб, тергаб ўтирибди. Ўрта қаторда семизликдан кўзлари қисилган, ястаниб ўтирган кишига:

– Ҳов, бошингни қозондай қилиб серрайиб юраверасанми? – деб ўшқирди. – Бугун қанча пахта берасан? Судралиш жонингга тегмадими? Тўнғиздай семирмай ўл...

– Ҳаракат қиласиз, раис бува, – деди семиз Нижонбой бригадир пешонасидан қуйилиб келаётган

терини белбоғига арта туриб. – Эрта-индинга бажарамиз!

– Билмайман! Ё шу кеча бажарасан, ё изингни куритаман.

– Бажарамиз, Олимбек ака. Бахтимизга сиз омон бўлсангиз, бажарамиз. Агрономга айтинг, бошни оғритмасдан “ведемост”га қўл қўйиб берсин.

Олимбек одамлар орасидан Файратни қидирди. Кўзлар тўқнаш келди:

– Ҳов, агрономбачча. Қўл қўйиб бер!

Файрат ўрнидан турди:

– Раис бува, инсоф қиласи, аввалги олган пулларини тарқатсин колхозчиларга, кейин қўл қўяман. Одамларга олти ойдан бери сариқ чақа ҳам бермаган. Умуман, кассирнинг ўзи тарқатса қўл қўяман.

Олимбекнинг жаҳли чиқиб, олдидағи столга муштuriб бақирди:

– Аввалгилари менда, билдингми? Мана чўнтағимда. Қўл қўйиб бер, бўлмаса чатоқ бўлади, бола. Куёвман, деб керилаверма, танобингни шундай тортиб қўяманки...

– Ишдан бўшатсангиз бўшатинг, лекин қўл қўймайман.

Олимбек бош ҳисобчини турғазди:

– Менга қара. Агрономнинг подписи чепуха, уни бўшади, деб ҳисоблайвер. Акрам пиён борми? – Ўтирганлар кўзлари билан пиённи қидирди. – Ўзингни кўрсат!

Ичкиликдан бурни қизарган Акрам пиён ўрнидан турди. Қўй кўзлари мўлтираб, бошидан телпагини олди, кир галстугини тўғрилади.

– Менда гап йўқ, хўжайин. Ҳаммаси жойида, тушунарли, – деди Олимбекнинг гапини англамай. – Во! – деб бош бармоғини кўрсатди.

Хонада кулги кўтарилди. Олимбек ҳам унинг қилиғидан кулди. Ўзини зўрға тўхтатиб:

– Ишим “Во!” дегин, яхши! Бош агроном бўласанми?

– Бўламан, раис бува. Нега бўлмас эканман? Сиз айтсангиз, агроном бўлиш ҳам гапми, дунёнинг нариги чеккасига бор, десангиз ҳам боравераман. Яшайвер, десангиз яшайман, ўл десангиз ўламан, хўжайин.

– Бўлмаса бўлди, шу дақиқадан бошлаб сен бош агрономсан.

Акрам қўлини кўксига қўйиб, қуллук қилди.

– Раҳмат, ўла-ўлгунимча хизматингиздаман.

Раис қўлини белига тираганича дераза олдига борди. Бир оз сукунатдан сўнг, ўтирганларга ёнбоши билан қаради.

– Эрталабгача ҳамманг 6 центнердан пахта топширасанлар. Йўқол ҳамманг! Файрат, Акрам, кассир – учаланг қол!

Ҳамма чикиб кетди. Олимбек дарғазаб бўлиб Файратнинг олдига келди:

– Менга қара, куёв, йиллик пахта тайёрлаш пла ни бажарилгани ҳакида рапорт ёзиб, қўл қўй. Ҳали Акрам пиённинг имзоси ўтмайди. Сени қўшни колхозга раис қилиб жўнатаман, гаплашиб қўйдим.

– Ундей қилолмайман. Уч йилдан бери нима десангиз, қилиб келдим... Умуман, шошилишнинг нима кераги бор?

– Ақлни энангга ўргатасан, – Олимбекнинг ғазаби хуруж қилди. – Нима бўлди ўзи сенга? Тўйдингми? Подпис қўясан.

– Қўймайман. Агар шундай дўқ қилаверсангиз, райкомга бораман, арз қиласман.

– Қишлоқдан бир чиқиб кўр-чи, нима қиласман. Йўқол! Нонкўр, ўзимизники деб кўтариб юрибман-а. Йўқол... Райкомга борармишлар. Райком ҳам, худоинг ҳам менман. Иккала қулоғинг билан эшитиб ол.

Файрат чиқиб кетди.

“Ажабо! Файратнинг тили чиқиб қолибдими. Ёки отасининг ошналари билан танишиб олдимикин? Кимдан ҳам эшитарди? Толиб-ку, адo бўлди... Аммо

буни... Буни ўлдириб бўлмайди, тоғдек таянчи бор. Қолаверса, куёв! Бу ёғи... Қариндошлиги. Эркин ҳам тинч юрмайди. Файратга бир нарса бўлса, жиноят қидирув бўлимининг бари шу ерга келиб, ётиб олиши мумкин... Бу ёғи ошкоралик деган бало бошланди.

Тепага Горбачёв дегани чиқиб, ошкоралик қилиб ётибди. Бизнинг одамларимиз эса уни йикита олмаяпти. Шу шароитда ими-жимида иш қилмаса бўлмайди..."

Барзангилар

Катта, серқатнов кўча. Машиналар ғиз-ғиз ўтиб турибди. Катта йўл ёқасида пиёдалар учун ажратилган йўлакда Файрат ўй-хаёлга ботганча қизил байроқлари хилпираб турган обком биноси томон бормоқда. Унинг ҳеч ким билан иши йўқ. Гоҳо-гоҳо ўткинчиларга туртилиб кетади. Қарамасдан “кечира-сиз” деб йўлида давом этади. Катта йўлнинг чеккасидаги одамлар ичидан кимнидир ахтариб, секин юриб келаётган оқ “Жигули” Файратдан йигирма қадамча ўтиб тўхтади. Машинадан уч барзангি тушди. Йўлакка ўтишди. Ҳаммаси ёш, қорувли. Тўхташди. Файрат яқин келди. Унга қараб уч киши юрди. Биттаси бирданига Файратнинг башарасига мушт туширди. Файрат кутилмаган зарбдан ўзини йўқотиб, гандираклаб бетон ариққа боши билан йиқилди, боши қонади. Ўзини ўнглаб улгурмасдан ҳар томонидан зил-замбил тепкилар тегди. Оғзидан сизиб қон оқа бошлади. Батамом ҳушини йўқотди. Куртка ва жинси шим кийган номаълум барзангилар уни икки томонидан қўлтиқлаб машинага судрашди. Ўткинчилар ҳайрон.

Бир кампир одамларга қараб: “Ёрдам беринглар, бечорани ўлдириб қўйишади. Куппа-кундузи одамларни шундоқ ўласи қилиб уришса-я. Милицияга хабар қилинглар”, деб жавради. Бир-икки хотин

ҳам унга қўшилишди. “Ҳов, одамлар, бироннинг боласини ўлдириб қўйишади, ажратсанглар-чи”, дебчувиллашди. Аммо ҳеч ким аралашмади. Файратни машинага ўтқазиб олиб кетишди. Томошибинлар тарқалишди.

Файрат Олимбекнинг хонасида хушига келди. Кўзи тиниб, боши зирқирап, ҳеч нарсани эшитмасди. Ўқрайиб қараб турган Олимбекка кўзи тушди. Олимбекнинг заҳил юзи ола-кула, ғазабдан ёнарди. Кенг пешонаси тиришган, хонанинг у ёғидан-бу ёғига юради.

– Сув, сув, – деди Файрат мажолсиз.

Хизматкорлардан бири Олимбекка қаради.

– Менга нега қарайсан, сув бер, – деди раис.

Қора костюм-шим, оқ кўйлак кийган, соchlари жингалак, 25 ёшлардаги йигит Файратга сув берди. Олимбек унинг тепасига келди. Файрат аламли нигоҳини Олимбекка тикди.

– Қаёққа бораётган эдинг, итвачча?

Файрат индамади.

– Сендан сўраяпман, – учли туфлиси билан Файратнинг елкасига тепди. – Гапир, ўша обкомга, ўша Собиржоновгами?

– Ҳа, – деди кўзини очмасдан хаста овозда, – адолат излаб.

– Адолат – менинг чўнтагимдаги пул, билдингми? Тирранчани директор қилмоқчи бўлиб юрибман-а! Собиржоновингдан қўрқмайман. “Ҳайт!” десам оёғимни ўпадиган қиласман.

– Имм... – ингранди Файрат.

– Ҳамма жой мени тинглайди. Мени осмонларга чиқариб мақтаб, ҳамма обрўни бериб, бирданига бадном қилишмайди, хомкалла. Қарға қарғанинг кўзини чўқиганини кўрганмисан, нодон? Ўйлаб иш қил,

Раис уччала йигитга қараб, масхаралаб кулди:

– Мулла қилолмабсизлар-ку?

– Бўлди, Олимбек ака, ҳозир мулла қилиб берамиз-да.

Учаласи ҳам қўлларини кўксига кўйиши. Олимбек уларга “тўхтанглар” ишорасини қилди.

– Бу ҳали билмас экан, уни партиядан ўчириб, қаматаман. Чўнтағидан партбилетини олинглар.

Учала барзангидан бири Файратга яқин келиб эгилди. Чўнтақларини ковлади. Ён чўнтағидан блокнот олиб, ичида турган қон рангидаги партия билетини Олимбекка узатди. Файрат ўрнидан турмоқчи бўлди. Мадори етмади. Аламли кўз ёшлари сизиб юзига оқди... Хушидан кетди. Олимбек унга парво қилмай шотирларига бақирди.

– Обориб ертўлага ташланглар! Эҳтиёт бўлинглар, ўлиб-нетиб қолмасин...

Зарбдан кейин

Файрат ертўлада ётганида бутун ҳаётини ўйлаб чиқди. Отаси тириклигига турмушлари яхши эди. Ейиш-ичишлари бинойидай, машиналари, данғиллама бўлмаса ҳам яхшигина ҳовлилари бор эди. Отаси камалгач, онаси барини сотиб, эрини кутқаришга ҳаракат қилди. Аммо ҳеч бир натижага эриша олмади. На кутқарди, на омон сақлаб қола олди.

Файрат ўзини ёруғ дунёга келиб, ёруғлик кўрмагандай ҳис этди. Ҳаётга келиб, еган калтакларини эслади. Болалик йилларида ўзидан бақувват болалалар билан уришар, ҳамиша бўлмаса ҳам аксарият пайтларда калтак ерди. Талабалик йилларини эслади. Фотима унинг жони-тани эди, у бевафолик қилди. Масъул котиб Хондамир билан дон олишди.

Дарвоқе, Хондамир қаерда экан ҳозир? Бир гал уни ўз уйига олиб борган, онаси бояқиши яхши кутиб олган, “ака-ука бўлиб юринглар”, деб дуо қилган эди. Хондамир эса ака-укаликни ҳам боплади. Юрадиган қизини кўриб-билиб илиб кетди. Ўшанда у маст ҳолда Хондамирнинг олдига бориб, уни

урмоқчи бўлди. Аммо Хондамир уни иккита тала-бага ўласи қилиб калтаклатди. Шундан сўнг Ғайрат сиртқи бўлимга ўтиб кетди. Фотима эса шу инсти-тутда ишлаб қолди. Бир гал улар коридорда учрашиб қолишиди. Фотима ўзини ундан олиб қочди.

Кейинчалик, Хондамир Москвага кетиб қолганини эшитгач, Фотима лаборант бўлиб ишлайдиган кафе-драга борди. Аҳволини, уй шароитини сўради. Шун-да Фотима Хондамир аввалги хотинини ҳам, уни ҳам ташлаб Москвага кетганини, у ёқда бошқага – қайсиdir “катта”нинг қизига уйланиб олганини, ўзи эса ўғли билан уйида яшаётганини айтди. Энди умр-бод турмуш курмаслигини билдириди. Шундан кейин улар учрашишмади.

* * *

Кишлоқ қўчаси. Пахса деворлар хонадонларни кўчадан ажратиб туради. Кўчадан машинада, велоси-педда, пиёда ўткинчилар у ёқ-бу ёққа ўтиб турибди. Ғайрат дарвозанинг ўнг томонида ўрнатилган тахта ўриндикда ўтирибди. Эгнида олачипор тўн, бошида чорсу дўпписи, оёғида калиш, пешонаси бинт билан боғланган. Ўткинчилар ундан ҳол-аҳвол сўраб ўтиб кетишади. Ёнидаги жамалак соchlарига лента тақсан, чит кўйлакли 5–6 ёшлардаги қизчаси копток ўйнаб ўтирибди.

Ғайратнинг ёнига ёзги милиция формасидаги Эр-кин машинада келиб қолди. Чап қўлида қора папка, ўнг қўлини саломга чўзди.

- Яхшимисан, агроном?
- Раҳмат, кел!
- Келдим, ўтирсам бўладими?
- Ичкарига кирайлик, – Ғайрат ўрнидан турди.

Улар ичкарига киришди.

- Бирпасга кўриб ўтай дедим. Сенга неча марта айтдим, бир ўзинг ҳеч қаерга борма деб...
- Собиржоновни кўраман, деб ўйлагандим.

– Собиржонов ҳаммасидан хабардор. Иш бизлар ўйлаганчалик осон кўчмаётган экан... Уларнинг энг юқорида, Москвада ҳам одамлари бор экан.

– Ҳа, чучварани хом санаб юрган эканмиз-да! Собиржонов ҳам ҳеч нарса қила олмаяптими? Демак, Толибнинг иши ёпиларкан-да!

– Нега ёпилар экан?

– Олимбек ёптиради-да!

– Олимбек очтиряпти. Олимбек сенга тўнкаб қутулмоқчи.

– Бўлмаса қама. Биратўла қутулардим бу ғалвалардан.

– Мен сен билан дилдан сухбатлашмоқчи бўлсам-у...

Эркин чўнтагидан сигарет олиб, Ғайратга узатди.

– Чекмайман.

– Яхши қиласан. Мана мен ташлай олмай юрибман. Сени огоҳлантиromoқчиман. Эҳтиёт бўл, ҳамма айбни сенга ағдариб юборишлари мумкин.

Ғайратнинг кўзига ёш келди.

– Дўстинг учун қон ют, деганлар. Толибни Олимбек йўқотди. Олимбекни мен йўқотишим керак. Бошига тош-пош билан уриб ўлдириб қўя қолсаммикан? Биласан, хотиним Олимбекнинг жияни, мен эса Олимбекка душман! Зўр-а?

– Хотининг сени дейдими ё амакисиними?

– Илгари мени дерди, ҳозир билмадим. Умуман, бошим қотган. Уйига ўт кўйгим келади.

– Ўт кўйма-ю, кураш.

– Кураш? – истеҳзоли кулди Ғайрат. – Қандай курашиш керак? Одамларни қўзғолонга бошлайми?

– Қўзғолонинг нимаси? Ақлингни ишлат, демоқчиман. Гапимни диққат билан эшит! Кечқурун соат 11 дан кейин уйингга бир йигит келади. Тепакал, дехқонга ўхшаб кетадиган йигит. У сенга тансокчи бўлади. Ўзимизнинг одамлардан. Бирон жойга бормоқчи бўлсанг, у билан маслаҳатлашасан, у айтса борасан, айтмаса бормайсан.

- Тушунарли!
- Иккинчи гап! Мени вилоятга катта терговчи қилиб жўнатишяпти...
- Ким?
- Ўзим ҳам билмайман. Собиржоновга айтсан, “майли” деявер, деди. Ё ўшанинг ўзи бу ишни қилган ёки мени тумандан кетказиш учун Олимбекнинг одамлари иш кўрсатган.
- Сени менга ёрдам бермасин, деган-да.
- Шундай бўлиши мумкин. Аммо биз ҳам анойи эмасмиз. Ўрнимга ўзимизнинг одамни, Қобилни қўйиб кетяпман. У сенга ёрдам бериб туради. Бугун олдингга келадиган ҳам ўша. Аммо ўзи эпчил, ақлли йигит. Бизга ўхшаб ҳадеб таваккал қиласкермайди. Сенга яна бир сирни айтай. Олимбекнинг Сиёсий бюорода одами бор экан...
- Гердайиб юрганининг сабаби бор экан-да.
- Бор экан. Аммо бу гапларни фақат ўзинг учун айтаяпман. Хуллас, энди етти ўлчаб иш қиласидан пайт келиб қолди. Ортиқча ҳаракат қилма.
- Эркин Файратга яна аллақанча гапларни айтиб, у билан хайрлашди.

Қишлоқдаги ҳовли

Олимбекнинг қишлоқдаги ҳовлиси. Кўчада унинг уйи бошқаларникидан ажralиб туради. Дарвоза жимжимадор қилиб ишланган. Ёнида кичик эшик. Тепада болохона. Эшиқдан киришининг билан ҳовли ўртасидаги гулзор кўзни қамаштиради. Гулзор ортида қатор ишком, гулзор билан ишком ўртасида кичик ҳовуз. Ҳовузда ўрдакчалар сузуб юрибди. Ҳовлининг бир четида ошпаз тимирскиланиб, ҳар хил иш билан банд: гоҳ сабзи тўғрайди, гоҳ қозон остида ёнаётган оловни кўзгайди. Ёнида самовар қайнаб турибди. Олимбек меҳмонлар билан гуллар олдидағи шоҳсупада ўтирибди. Улардан бир киши чиқиб кетаётib Олимбекнинг ёнига борди.

– Тоғдаги дачага бор. Бошқа бу ерда қорангни күрмай. Юкни ҳам ўша ерга олиб бор, – деди Олимбек унинг қулоғига шипшитиб...

Дала ҳовли

Тоғ ёнбағри. Қишлоқ. Атрофда буғдойзор, узумзор, күм-күк паст-баланд арчазорлар кўзга ташланади. Ўткинчилар кўринмайди. Туш пайти. Ғайрат билан Қобил кўринади, улардан сал олдинроқда кетаётган бир нотаниш киши хавфсираб орқасига қараб-қараб қўяди. Ғайрат Қобилни туртди:

– Олдимизда кетаётган одамни кўряпсанми?
– Кўраяпман. Сездирмай, билмаган кишидек юравер.

Шу пайт нотаниш одам ўзини бирдан тутзорга урди. Улар ҳам орқасидан югуришди, аммо топишолмади.

– Кўлдан чиқардик. Сумкасида нима бор экан? Ҳарқалай ушласак бўларди, – деди Қобил.

– Балки сотилмай қолган тилла-кумушлар, балким қора доридир. Ёзда Олимбекнинг одамлари камайиб қолади. Шулар қаердадир кўжнори экишса керагов... Бир гапида “Менга пул оқиб келадиган жойлар кўп” деганди. Нимага шама қилди, билмайман. Ҳар ҳолда пул келадиган жойлари кўп. Унинг гапи ҳамма жойда ўтади.

– Йўқотиб қўйганимиз чатоқ бўлди.
– Нимани йўқотиб қўйдинглар?

Яқингинада қорачадан келган йигит билан кассир тиржайиб туришарди. Қорани Ғайрат бир кўргандаёқ таниди. Обкомга кетаётганда уни роса тепганлардан бири. Улар осмондан тушдими, ердан чиқдими, билмай қолишиди.

– Дачани пойлаяпсизларми? Пойламасдан юраверинглар. Пастдаги дачага борасизларми ё юқоридагисигами?

— Ўйўқ, ўзимиз шунчаки айланиб юрибмиз, — Қобил босиқлик билан жавоб берди. — Иккимиз бир қишлоқ атрофини пиёда сайр қилмоқчи бўлгандик-да.

— Эй, укам, эртагингни бошқага айтасан. Лаққа ишонадиган замонлар ўтиб кетди. Атрофни кузатиб юрибсизлар. Буни биламиз. Аникрофи, Олимбекка тегишли бирон-бир ишни очиш илинжида юрибсизлар, лекин сизлар кутган аҳмоқ эмасмиз, — ўтли қўзларини Ғайратга қадади ҳалиги қора йигит. — Сенга тунов кунги тарбия кор бўлмабди-да. Биз билан ўйнашиш яхшилик келтирмаслигини ҳали ҳам тушуниб етмабсан. — Қобилга юзланди. — Сени танимайроқ турибман, мелисадан бўлсанг кераг-ов.

Йигит қўлини ҳавода ўйнатиб кимнидир ишора билан чакирди. Шу пайт ярим ялангоч иккита қиз келиб, Қобил ва Ғайратни қучоқлаб олишди. Келганлардан бири сумкасидан фотоаппарат олиб, бу “кўриниш”ни суратга туширди. Яна бири тўкин дастурхон ёзиб, устига ичимликлар қўйдириб уни ҳам суратга олдирди. Сал пайт ўтар-ўтмас Фармон чўлоч деган лўли қиёфали югурдак қишлоқдан аёлу эркак, анча кишини эргаштириб келди. Кассир икки қизнинг устки кийимини қўлида ушлаб турарди. Шу орада Олимбек пайдо бўлди. У одамларга қараб:

— Кўриб қўйинглар, юзсизларнинг аҳволини. Ғайратни айтмайсизларми? Уйида хотин-боласи бўла туриб, қилиб ўтирган ишини қаранг. Анавиниси, — у қўлини бигиз қилиб Қобилни кўрсатди, — районнинг жиноят қидирув бўлимидан бўлиши керак. Ўргилдим, бундай ҳимоячидан!

У бақириб гапирав, Ғайрат билан Қобилга гапиришга имкон бермасди. Гапириб-гапириб, одамларни орқага қайтарди. Яна Олимбек, қора йигит, кассир, икки қиз, Қобил ва Ғайрат қолди. Ғайрат ва Қобилнинг бўйинларида қизлар ўпиб тишлигаган излар қизариб турарди.

— Тўғриси, қойилман, — деди Ғайрат айёрилик қилмоқчи бўлиб.

— Мен зёр эканманми? Энди сен қай юзинг билан уйингга борасан. Ҳамма гап сен боргунингча тарқайди. Сен-чи, мелиса? Тугади кунинг. Эрталабоқ бу суратлар бошлиғинг, областдаги каттант, обком столида бўлади. Қандай? Шундан кейин ҳам мелиса-да ишлашга кўзинг етадими?

— Жон ака! Бўлди сиз енгдингиз, биз енгилдик, — деди Қобил.

— Шунақами? — жиддийлашди Олимбек, — енгилдик дегин... Қайси райондансан?

— Ака! Мен Чуқурқишлоқданман. Милицияга ишга кирмоқчи эдим. Булар синаб кўриш учунми, мени бу киши билан юборишиди. Бор айбим... ишга кирмоқчи бўлганим... Кечириңг, ака! Иш-пишини ҳам йиғишириб, уйга кетаман.

— Чуқурқишлоқда кимларни танийсан?

— Кўпини танийман.

— Кудрат сўфини танийсанми?

— Танийман. Ака, Кудрат ўғрини, э сўфини танимаган борми?

Олимбек унинг Чуқурқишлоқдан эканлигига ишонди, шекилли:

— Танисанг, салом айт, Олимбек билан ўйнашиш нималарга олиб келиши мумкинлигини ҳам сўра ундан, — деди мийигида кулиб. — Менинг измимда юрсанг, мелисада ишлайсан. Мансабинг ҳам юкорилайверади. Менинг измимга кирмаган райком ҳам, прокурор ҳам, начальнигинг ҳам ишламайди. Қанчадан-қанчасининг думини тутдим. Ақл билан иш кўринглар, сизларга яратган имкондан фойдаланиб қолинглар, кейин кеч бўлади. Пул ҳукмрон бўлган шароитда қўлларингдан ҳеч нарса келмай-ди, — деди Олимбек файласуфона.

Кейин Қобилга қаради:

— Сен-ку, анча бамаъни кўринасан. Лекин анавининг, — Файратга ишора қилди, — тилини кесиш кепрак. Жуда узун бўлиб кетган. Куёв-да, битта кўзимиз

ўшанда, бўлмаса-ку аллақачон тилини суғурардим. Ҳали шошмай турсин, ё измимда юради, ё, умуман, яшамайди.

Ғайрат индамади. Ўрнига Қобил гапирди.

– Ўзингиз ҳам куёвингизни жуда эзид юборибсизда.

– Ҳали эзганим йўқ. Эзадиган бўлсан, у чида-ёлмайди менинг эзишларимга, – заҳарханда кулди Олимбек. – Гапни қисқа қиласайлик. Менга ишлайсанларми, ёки қамалиб кетаверасанларми?

– Ҳеч бўлмаса бир-икки кун дурустроқ ўйлаб кўрайлик-да. Сизнинг измингизда юриш ҳазил гапми? Ҳар эҳтимолга қарши, пайти келиб жавоб беришга тўғри келса, енгиб ўтиб бўладими, йўқми?

– Бир кун муҳлат. Вассалом! Эртага шу пайт, шу жойда жавобини айтасанлар.

– Келишдик.

“Сенларга муҳлат-пуҳлат бериб ўтирмасдим-у, умуман, юқорида “об-ҳаво” ўзгаётганмиш. Горбачёвнинг бош котиб бўлиши бошга бало бўлди”, – ўйлади Олимбек. Кейин уларга:

– Яна ўйин кўрсатиб ўтирманглар. Натижаси ўзларингга маълум, – дея хайрлашмай жўнаворди.

Ғайрат билан Қобил катта йўлга чиқиши. Анча вақт гап-сўзсиз юриши. Атрофга назар ташлаб, Қобил гап бошлиди:

– Тирик қолганимизга шукур.

– Бундай яшагандан кўра шартта униям, ўзимниям ўлдирганим яхшийди.

– Ўлиш қочмайди. Курашиш керак.

– Курашиш керак эмиш. Қанчадан-қанча инсон курашган. Лекин ҳеч вақога эришмаган. Яна Олимбекка ўхшаган қаллоб бойларга қарам бўлиб қолаверган. Уни ҳамма танийди, тинглайди. Комиссия ундан фикр сўрайди. Қандай курашасан? Дардингни кимга айтасан?

– Бир оз кутайлик-чи, ҳамиша шундай бўлиб турмас, партия бор-ку ахир.

– Партия ҳам Олимбекка ўхшаган пулдорларга хизмат қилишини билиб қолдик-ку энди, – деди Файрат.

Она

Файрат уйида, шолча устида, рўмол ўраб олган кекса онаси билан сухбатлашиб ўтирибди. Файратнинг пешонаси дока билан боғланган, кўзининг пасти шишган, ранги бир ҳолда.

– Она, бу жойда яшаб бўлмайди. Одамларнинг кўзига қаролмай қолдим. Ойликларини олишмаганига худди мен айбордай, ҳаммаси хўмраяди. Бунинг устига “Файрат ведомостга қўл қўймай, ойликларни кечиктирияпти”, деган ёлғон гап тарқатишибди. Ҳамма “Ундай қилманг ука, қийналиб қолдик, ҳарна бергани бизга” дейишиб ҳоли жонимга қўйишмаяпти. Қўл қўйганим билан барибир пул беришмайди. Одамлар ҳам қизиқ. Ким нима деса, лаққа ишонишади. Бундай бир ўйлаб кўришмайдими? Ахир, улар онгсиз махлук эмас, инсон-ку! Нима учун ўзларига ўхшаган инсондан қўрқишишади? Подага ўхшаб, қайга ҳайдаса, ўша ерга кетаверадими?

– Улар қўрқиб қолган, ўғлим. Арз-додини ҳеч ким эшитмаганидан кейин нима қилсин... Мана, Давлат малим ҳам уларнинг устидан ёзган эди. Балиқ бошидан сасиган. Иш чиқмади. Катталарга Олимбекдайлар керак. Қайтанга малимни жиннихонага ётқизиб, ўлдириб юборишиди, болам. Бошқалар шундан кейин қўрқиб қолишиди. Ҳаммаси бир ҳукумат-ку, буларинг.

– Энди мен ёзаман. Москвагача бораман...

– Шошқалоқлик қилма, бир ўзинг ҳеч нарса қилолмайсан. Замон пулдору амалдорларники. Уларга бас келолмайсан. Ҳалиям куёвлигинг иш бериб турибди. Бўлмаса аллақачон...

– Она! Менинг йўлим тўғри. Аммо суюйдиган суюнчиғим йўқ. Маслаҳатдошим, кўмакчим бўлганида ютиб чиқардим.

Шу пайт эшик очилиб, Ҳанифа кириб келди. Эгнида атлас кўйлак, оёғида импорт туфли. Қовоғи солик. Она-болани кўрмаганга олиб, индамай ичка-рига кириб кетди.

– Борақол, келин келди. Мен дамимни оламан.

Ғайрат хотинининг ёнига кирди. Хотини тумтай-ганича бир нуқтага тикилиб турарди.

– Ҳа, намунча қовоқ-тумшук, сабаби борми?

– Ғайрат ака, ажрашамиз, – деди хотини томдан тараша тушгандек.

– Ажрашамиз? – ҳайрон бўлиб сўради Ғайрат. – Нега ажрашамиз? Нега!? – Ғайратнинг ранги ўзгарди. – Амакинг, сенга янги эр топибди-да!? А?

– Амакимни ўртага қўшманг. Шуям турмуш бўлдими? Уй эски, ҳамма нарсамиз эски, уйдан зах хиди келади. Отам олиб берай деса, кўнмайсиз. Амаким айтса, сакраб тушасиз. Одамларнинг уйига кирсанг, чиққинг келмайди.

– Мен факат пешона терим эвазига яшайман, бироннинг ҳаром пулига зор эмасман.

– Ичингиз қора-да! Ўзингиз бўлолмайсиз, бўлганни кўролмайсиз. Амакимни ҳам жонидан безор қилибсиз. Ўзи адашган эканман-да. Мен аҳмоқ сизнинг нимангизга учганман-а?

– Нафсониятимга тегма. Сенинг амакинг.... Ҳаммаларинг ҳаромхўрсанлар. Пулнинг қулисанлар, – деб юборди Ғайрат.

– Сафсатабоз... хаёлпараст... Қуруқсиз... Мен молхонага ўхшаган бу ҳовлингизда яшолмайман. Отам билан амакимнинг йўриғига юрсангиз, яшайман. Акс ҳолда...

– Бориб айт ўша амакингга. Улардек бироннинг ҳақига кўз олайтириб яшамайман. Бир кун бориб улар хор-зор бўлишади. Ўшанда сен ҳам бир бурда ҳалол ноннинг қадрига етасан.

Хотини қошларини чимириди:

– Фол очяпсизми? Нимангизга ишонасиз ўзи? Эркингами? Ё анови янги топган ўртоғингизгами?

– Кетадиган бўлсанг тезроқ кетақол. Факат кизимни қолдирасан...

– Олиб кетаман, деб кўзим учиб тургани йўқ.

– Келишдик, нарсаларингни ол-да, кетавер.

Хотини бир муддат уйни кўздан кечирди-да:

– Ҳаммаси сизга совға, ҳеч нарсанинг кераги йўқ, – деди. Қизи ётган хонага кирди. Унинг икки юзидан ўп-ди. – Мен кетдим.

Қизалоқ ҳеч нарсани тушунмади. Қўлларини силкитиб хайрлашди. Ғайрат бошини қуи эгиб туриб қолди. Хотини билан бирга ўтказган осуда дамлари эсига тушди. У талабалик йилларида ҳар гал қишлоққа келганида овлоқ жойларда учрашишар, Ҳанифа унинг қалин соч-ларини орқага тараб:

– Сочингиз мунча қалин... Менга беринг, – деб ҳазиллашар, бу ҳазил Ғайратга ёқарди.

“Наҳотки мендан бутунлай кўнгли қолган?.. Шунчаки амакисининг тарғиботими, ёки чиндан ҳам ўзгариб қолганми?” У уйнинг ўртасида бошини чангallаганича ўтириб қолди.

Тоғ ҳовли

Олимбекнинг тоғ ҳовлиси. Ишкомларга булбул, бедана тўрлари осилган. Атроф гулзор. Олимбек сўри остида стулга ўтириб, қип-қизил олмани қўлида ўйнаяпти. У одми кийинган, бир кўзи қисик, мусичабош, озғин, бир томонга қийшайиб юрадиган идора қоровули, Ғайратнинг қўшниси Фармон чўлоқнинг сўзларига қулоқ соларди. Фармон чўлоқнинг лаби-лабига тегмайди.

– Раис бува, Ғайрат ёнидаги одамга “Толибни Олимбек йўқотган, мени ҳам йўқотади”, деди. Улар план тузишди, деворнинг орқасидан эшитдим.

– Қандай план?

Фармон чўлоқ унинг ёнига келиб, нималарнидир шивирлади.

– Бўлди, етар сайраганлари. Даҳадаги йигитларга айт, Ғайратни жиннихонага обориб топширишсин. Ўзим гаплашиб қўяман. Бошига бир-икки мушт туширишсин, аммо ўлдириб қўйишмасин. Ҳа, оқ ҳалат кийиб олишсин. Яна Ғайрат танимайдигани, янги келганлари борсин. Бор жўна, тезроқ айт. Шу кечадан қолдиришмасин.

Фармон чўлоқ кетди. Раис ёнидаги стол устидаги телефон гўшагини кўтариб рақам тера бошлади.

* * *

Раис руҳий касалликлар шифохонаси бош врачи билан қарама-қарши ўтирибди.

– Сиз билан кеча ёки бугун эмас, ўн йиллик оғайнимиз. Ҳаммасини ими-жимида, бир укол билан қилиш мумкин-ку?..

– Сизга осон туюлса керак, унинг ёнига ички ишлардан одамлар келиб туришибди. Укол қилинган шприцгача текширишибди. Укол қилган ҳамширага “қайси шприцдан укол қилсангиз, ўшани дори шиша-си билан бир пакетга солиб ўзига берасиз, бу йигитнинг ҳаёти бизнинг назоратимизда”, дейишибди.

– Хўп бўлади, деб қўлларингни кўксиларингга кўйгандирсизлар?

– Одамни пастга ураверманг, ака, умуман унинг жинни бўлиб қолиши нима учун зарил бўлиб қолди?

– Униси билан ишингиз бўлмасин, – Олимбек ўрнидан туриб сейфни очди. Ундан 25 сўмликдан икки пачкасини олиб врачнинг олдига қўйди. – Мана бу 5 минг. Яна 5 минг бераман. Уни бутунлай ишга яроқсиз, жинни, деган қоғоз қилиб беринг.

Врачнинг чехрасида ўзгариш пайдо бўлди.

– Иккинчи таклифингизга розиман. Умуман, жавобгарлик, раҳбарлик ишига қайтмайдиган қилиб хужжат тайёрлашим мумкин...

– Бўйти, гап битта.

– Битта.

Раис, столда турган арман конъягидан икки пиёла-га қуиб, бирини врачга узатди:

– Олайлик, олдирмайлик,— ичишди.

Врач кетгач, хонага кассир кирди.

– Раис бува, пулларни олиб келдим.

– Қанча?

– 198 минг.

– Так... 8 минг ўзингга ол. 10 мингини тарқат. 15 минг боғлардаги дўстларга, яъни қоровулларга. Қолганини каминага келтирасан. Ҳа, айтмоқчи, идорадаги кўпракларга ҳам 10 минг бер. Ҳайит кал буғолтирга айт, тўғрилаб қўйсин. Унинг ойлигини биласан-ку, ўзим бераман.

– Хўп бўлади, – кетишга тараддуудланди.

– Ҳа, яна қандай гапинг бор?

– Раис бува, – деди кулиб кассир. – Қоровулларингизга айтинг, менга ҳалиги каратэсини ўргатишин.

– Бўлти боравер, керак бўлса сенга каратэни ўзим ўргатаман.

Мехмондорчилик

Олимбекнинг меҳмонхонаси. Ҳовлининг бир че-тида шўрва, бир жойида кабоб, бир жойида ош тай-ёрланмоқда. Хизматдагилар оқ ҳалатда елиб югу-ришяпти. Бир киши эшик олдида тайёр нарсаларни олиб киради. Ичкарида туман раҳбари, вилоятдан келган мансабдор шахслар ўтиришибди. Шуларнинг орасида Қобил ҳам бор.

Олимбек бир гапириб, ўн кулади. Ўтириш ниҳоялаб қолганда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи раиснинг ёнига келди. Полковник келиши билан Олимбек бурилиб қаради.

– Қалай, чарчатиб қўймадикми Олимбек ака?

– Ҳо, Олимбек меҳмондорчиликдан чарчаркан-ми? Сизлардек одамларимиз келса, бошимиз шифтга

етади. Айтганча, ҳалиги мелисангиз бор-ку, янги инспекторингиз, бураб қўйдингизми ёки ўзим калишини тўғрилаб қўяйми?

Полковник кулди. Ёнида ўтирган милиция формасидаги Қобилни кўрсатди.

– Кечиринг акаси, сизни бошқа безовта қилмайди, – деди. Кейин Қобилга қараб: – Олимбек акангиз чинорлар, биз ҳам ўша чинорнинг паноҳидамиз, ҳазиллашманг. – Яна Олимбекка қаради: – Хафа бўлмайсиз, ёшда ҳали. Ёшлик қилган, кечиринг. Ходим учун кечиримни биз сўраяпмиз.

– Ўзининг тили йўқми? – Қобилнинг олдига ўтди Олимбек. – Хўш, йигитча, хуш келибсиз. Келганингиздан бошим кўкка етди. Нега ичмадилар, рози эмасмилар? – Шишани олиб икки стаканга кўди. – Қани, мулла йигит, бир чўқиширийлик. Бўлмаса тутзордагини эслаймиз.

– Ўзи кўп бўлиб кетди, бугунга етар, Олимбек ака.

– Олимбекман! Қўлимни ҳеч ким қайтартмаган, олинг!

Қобил олди.

– Бундан кейин ака-ука бўлиб қолайлик, қани олдик, – ичиб, тўкин дастурхондан олиб газак қилишди.

– Файрат учун қўйиниб ётманг, кимгадир омадобрў, кимгадир хўрлик берилган. Бу худонинг иши, укам. Шу жумладан менга ҳаммасини берган. Демак, қилмишларим худога ҳам маъкул тушгандирда-а?

Қобил “билмадим” дегандек елкасини қисди.

– Елкангизни нега қисяпсиз етим баччадай, тилпил борми?

– Ким билади, – деди Қобил.

– Ким эмас, мен – Олимбек бўламан. Хоҳласам, сени областдаги ҳамма мелисангга бошлиқ қиласман. Хоҳласам, Ғайратнинг кунини бошингга соламан. Ҳамма нарсага қодирман.

Атрофга ўнғайсиз жимлик чўқди.

– Энди қайтсак, – деди ижроқўм раиси ўтирганлар номидан.

– Ўтирамиз, тандир кабоб еймиз.

Ҳамма жим бўлди. Қобил энди ўзининг ортиқчалигини сезиб, деди:

– Менга рухсат берсангиз, уйга айтмай келгандим.

– Ўтирасан, ҳамма қатори кетасан.

Бирон ишқал чиқишини сезган полковник:

– Энди Қобилжонга рухсат берақолинг... Ўз одамнингиз бўлиб қолибди. Ҳалиги воқеадан кейин “сивновдан ўтолмади” деб думини тушишаётувди. Орага ўзим тушиб ишда олиб қолдим. Худо хоҳласа сизу бизни уялтирумайди, – деди.

– Тўғри! – кўлинин кўксига кўйди Қобил.

– Сиз гапга аралашманг, – Олимбек Қобилга ёвқараш билан кесатиқли сизсирашда давом этди:
– Кетадиларми, ўтирибсиз-да. Ҳазил қилдим. Ҳафа бўлмайсиз энди.

– Рухсат берсангиз... Ҳеч ҳам хафа эмасман. Каталарнинг гапидан хафа бўлиб ўлибманми?

– Юракданми?

– Юракдан.

– Бўлмаса, майли, рухсат. Обориб кўйишади.

Қобил ҳамма билан хайрлашиб, чиқиб кетди.

* * *

Раиснинг хилват тоғ оралиғидаги дала ҳовлиси. Кишини ҳайратга соладиган меҳмонхона қад кўтарган. Олдида фаввора. Ариқчаларда сувлар шилдираб оқиб ётиби. Йўлакчалар атрофи гуллар, дарахтлар, чўмиладиган ҳовуз. Ҳовузнинг тўрт тарафидаги ёғоч каравотларга гиламлар, кўрпачалар тўшалган. Каравотларнинг учови бўш, биттасида 5–6 йигит кайф-сафо билан банд. Стол устида арок, конъяк, турли хил газаклар уйиб ташланган. Магнитофондан қандайдир чет эл ашуласи эшитилмоқда. Барзанги йигитлар ёстиққа ёнбошлаб, қарта суришяпти. Ўртада пул уюми...

Улардан бири, қорачадан келган барзанги даврабошилик қыляпти шекилли, ҳар замон-ҳар замон қадаҳни юқорига кўтариб, “қани олдик бўлмаса”, деб кўяди. Картабозлар ичишиб, яна ўз машғулотлари – карта ўйини билан банд бўлишади. Ора-орада ўчоқдаги оловда ниманидир ёндириб, тутунини трубка орқали ичга тортишади. Ичкаридан бир тўда хушсурат қизлар чиқишидди. Йигитлардан иккитаси қизларни кўришлари билан ўринларидан туриб, магнитофоннинг овозини баландлатиб, уларни ўйинга таклиф этишидди. Сўнг қолганлари ҳам карта ўйинини ташлаб, қизлар билан машғул бўлишади. Қора лақабли йигит биттасининг белидан ушлаб, каравотга босаётганида ичкаридан Олимбек чиқди. Олимбекни кўрган Қора қучоғидаги қизни бўшатиб, унга қараб юрди. Бир-бирларига яқин келиб сўрашишидди. Олимбекнинг таъби хира.

– Қора, сен қанақа одамсан, ишонганим сен бўлсанг, ўлгудек калтабин экансан-ку.

– Тинчликми, хўжайин, нима қилдим?

– Биринчидан, ҳамманинг кўз олдида... Шунақа ишлар қилишинг яхши эмас. Иккинчидан, бу йигитларинг пачоқ-ку?

– Тушунмадим, хўжайин?

– Чақир, тушунтираман.

Қора иккитасини чақирди.

– Қани мени пичоқла-чи, – деди Олимбек улардан бирига.

– Ҳақиқий пичноқдами ё резинкасидами?

– Ҳақиқийсида!

У пичноқни ўқталиши билан Олимбек тезда бир айланиб, унинг қорнига шундай тепдики, рақиб ғужанак бўлиб йиқилиб қолди.

– Раис, ёмон тепдингиз, – деди Қора. – Яна қасдлашиб қолмасин. Унинг феъли ёмон.

– Унда сен нима қилиб юрибсан?

– Унда сал қасоскорлик одати бор-да...

– Ўзининг бошини ейди.

– Ҳарқалай мукофотлаб қўйинг.

Раис чўнтағидан бир сиқим пул чиқариб:

– Лақаби нима? – деб Қорадан сўради.

– Тош.

Олимбек Тошга яқин борди:

– Ма, мукофотинг, киши сал эпчилроқ бўлиши керак.

Шунда Тош Олимбекка яна ташланди. Раис эпчилроқ ҳаракат қилиб, кифтилинг қирраси билан унинг белига урди. Тош энди туролмай қолди.

– Йигитларга айт, мўмиё суриб даволашсин, ичкарига ётқизишсин.

Сариқ башара йигит раисга яқинлашди.

– Зўр, раис. Агар Японияда бўлганингизда жаҳонни титратардингиз.

– Ҳозир ҳам Япониядагидан кам эмасман.

Сариқ нашанинг кайфидан аранг турарди.

– Раис, бизлар зерикиб қоляпмиз. Ундан кўра бизга қизиқарлироқ иш буюринг. Банкни урайликми, биронтасини гумдон қилайликми, буюраверинг, бизлар қиласидиган ишни орган икки дунёда ҳам очолмайди.

– Бор, бориб қизларни зериктирмай тур. Қора билан ҳозир борамиз.

– Хўп бўлади, раис! – деганича Сариқ қайта-қайта қўлини кўксига қўйди. Гандираклаб, ярим яланғоч қизлар томон кетди.

Иккаласи боғнинг чеккаси томон юришди.

– Қора, йўлда нега қоровулинг йўқ? Бу аҳволда ҳаммангни босиб олиб кетса ҳам, ҳеч нарса қиломайсанлар-ку! Ёки бегона одам кириб биронтангни таниб қолса нима қиласан? Бешаловингни суратлалинг ҳамма мелисаҳонада осиғлиқ.

– Виноват раис, бошқа бўлмайди. Аммо ростдан ҳам булар зерикиб қоляпти, бирор иш буюринг.

Олимбек чўнтағидан Қобилнинг суратини олиб, Қорага кўрсатди:

- Шуни йўқ қилиш керак.
- Ия? Анови куни тил топишувдинглар шекилли?
- Э, қўявер, бундайлар билан тил топишиш қийин. Бугун бизга сотилдими, эртага бизни ҳам сотади.
- Бўлди бир оғиз гапингиз. Есть қиласиз, хўжайн! Бутунлайми?
- Бутунлай бўлса ҳам бўлади, ёки кўр, ёки гаранг қилиб ташлаш керак.
- Кейингиси маъқул.
- Розиман, фақат тутуни чиқмасин. Унда ўзларингдан кўринглар. “Тутун”дан маҳрум қиласан.
- Э йўқ, бизни қўрқитманг раис бува, шартномада қўрқитиши йўқ. Бизлар сизсиз ҳам зўр яшаймиз. Бирон магазин ёки бойваччанинг уйини урсак ҳам мана шундай етади. Бизлар ялиниб келганимиз йўқ. Грифда бизларни ҳеч ким танимайди, раис.
- Бўлди, бўлди, дарров гинахонлик қилма. Мелиса формаларинг борми?
- Бор, машина билан тўппонча керак бўлади.
- Машина муюлишда, чап томонда янги “Жигули” бўлади. Номерсиз. Иш битгач, машинани ўша жойга келтириб, балонини алмаштириб, номерини тақиб кетаверасизлар, вассалом. Мана ўн минг доллар.
- Оз! Мелиса учун оз!
- Ўн беш, кўнсаларинг шу, бўлмаса бошқалар қиласади.
- Йўқ, ўзимиздан ортадиган иш йўқ. Бу дейман, целий полкингиз бор-ов.
- Жуда зўрсан-ку, Қора. Мен сендан бу жойга қандай келдинг, қаердансан, деб сўрамадим, шекилли.
- Кечиринг, раис бува. Шунчаки ҳаддим сифиб сўрагандим-да. Тўппончаларни қаердан оламиз?
- Раис чўнтагидан патрон билан тўппонча олиб узатди.
- Иложсиз қолган тақдирингда ишлатасан. مليция ходими сифатида ўқталсанг бўлади. Машинага

чиқса бўлди. Қолган ишни токка келтириб, хилват жойда амалга ошир.

– Айтганингиздек бўлади, раис бува. Адресини берсангиз бўлди. Эртаданоқ дарвозасини қўриқлаймиз.

– Ҳамманг борма. Тўрттанг борсанг етар. Кайфий билан Сариқни Қўқонга жўнат. Мана иккита юмшоқ вагонга билет. Вагонга кириши билан бир киши сумка киритиб беради. Шуни Қўқон бозоридағи ҳожатхона олдига олиб боради. 11:00 да, тушунарлимиз?

– Тушунарли.

– 11:00 да худди шундай сумка қўтарган киши ўша ерда туради. Саломлашмайди. У кишидан бир пасга сумкасини ушлаб туришни илтимос қилиб, ўзи ҳожатхонага кириб чиқади. У берган сумкани олиб, обший вагонга қайтади.

– Тушундим, раис. Сизга қойилман. Ишингиз шпионнинг ишидан ҳам пухта.

– Сен мени бир калтабин деб ўйлаганмидинг? Киши айёрдан айёр, терговчидан кўра билимдон ва муғамбирроқ бўлиши керак. Шунинг учун ҳам яшаяпмиз-да биз...

– Қойил, сиз ғалаба қилишингиз аниқ. Лекин бизларни ҳам камситманг.

– Сенга ўҳшаган нашавандлар бўлмаса ҳам биз бўлаверардик.

– Ерга урманг катта. Биз ҳам қанча ишларни милициянинг ақли етмайдиган қойилмақом қилганмиз. Ўғри бўлсак-да, келиб чиқишимиш вижданли одамларданмиз. Нонимизни ҳалоллаб еймиз.

– Хафа бўлма, ҳазилим ҳам жиддийлашиб кетган. Қани, ишга киришинглар.

* * *

Эрталаб руҳий касалликлар шифохонасидан юз метрча нарига кулранг “Жигули” келиб тўхтади.

Шифохонанинг олди майдон. Майдон атрофида дўконлар ва кўп қаватли уйлар. Қора милиция капитани формасида. Қолган учта йигит қора костюмшим, оқ кўйлак кийиб, бўйнига галстук тақиб олган. Машинадан тушиб атрофга аланглашди. Шифохона билан рўпарама-рўпара чойхонага бориб кузатишга қулай жойни танлаб ўтиришди. Чойхона олди пахтазор. Мажнунтоллар остига каравотлар қўйилган. Чойхоначи қўлини кўксига қўйганича уларга яқин келди:

— Хуш кўрдик, келинглар.

Қора жиддий турганича:

— Битта ош қилиб берасиз, — деб чўнтағидан 50 сўм пул олиб, чойхоначига узатди. — Булар юқоридан келишган.

— Ўзим қилиб бераман, хўжайин. Пулингизни олиб қўяверинг. Бизлар ҳам одамгарчиликни била-миз.

— Унақаси кетмайди, олинг.

— Хўп бўлади, хўжайин, — деб қўлини кўксига қўйди.

Улар кулишди.

— Бўпти, тезроқ бўлинг, ҳа, айтгандай, — яна ўн сўм узатди, — ҳалигиндан битта олиб келинг, ош пишгунча эрмак қилиб турамиз.

— Энди буниси биздан бўлақолсин, хўжайин, илтимос.

— Битта арақ билан тўрттасининг оғзини мойлаб юбордим, деб талтайиб юрасиз-да! А?

— Энди тирикчилик, хўжайин, — чойхоначи қиқирлаб қулиб чиқиб кетди.

Шом паллада шифохона дарвозаси олдида Қобил кўринди. “Ошхўр”лар суратга қарашди. Ӯхшайди. Машинага бориб ўтиришди. Қобил ичкарига кириб кетди.

Палата ичи оқقا бўялган, пардалар ҳам оқ. Хонада иккита каравот. Боши боғланган Ғайрат баъзан ўзича қулиб қўяди. Даволовчи врач Ғайратнинг соғлигини текширди.

– Хавотирланманг. Ўзим кўз-қўлоқ бўлиб турибман, ука. Бир нарсага ҳайронман. Эл яхши яшаймиз деб революция қилди, нима кўрди? Яна замон зўрники, пулдорники бўлиб қолаверди.

– Кўз-қўлоқ бўлиб тулинг, акахон, ёрдамингизни унутмаймиз, – деди Қобил.

– Кўрқманг, бошлиққа ёмон кўринсан-да, Ғайратни эҳтиётлайман. Кеча кучайтирилган наркоз беришмоқчи экан, йўл қўймадим. Аммо, ўзимнинг тинчим бузилди.

– Нима бўлди?

– Ишдан бўшатишармиш, гўё, бу уколни мен қилаётганимда бош врач қўлга туширган эмиш.

– Парво қилманг, бузоқнинг юргани сомонхона-гача. Булар барибир ютқазади.

– Ўзи атрофимиизда нималар бўляпти? Кимга ишониш керак? Виждонан иш қилсанг, балога қоласан. Яна ҳақиқат-ҳақиқат дейишади. Қани ўша ҳақиқат? Фақат китобларда ўқиймиз.

Ғайрат кулиб бошини кўрсатди.

– Мана ҳақиқат. Индамай ўтираверсак, ҳақиқатни бутунлай куйдириб кул қилишади. Яхшиям, сизга ўхшаганлар бор.

– Унчалик ҳам тушкунликка тушиб ярамайди. Мана, ҳақиқат бор эканки, сиз Ғайратга хайриҳоҳ, ёмон ниятли кишилардан кўз-қўлоқ бўлиб турибсиз. Менга, сизга, Собиржоновга ўхшаганлар кўп. Бош врач бўшаса бўшайди, аммо сиз бўшамайсиз. Олимбекка ўхшаган раисларнинг ишига ёрдам берадиганлар эмас, ғов бўлиб турадиганлар кўпайиб бормоқда.

– Нега шуларни супуриб ташлай олмайсизлар? Жиноий ишлари маълум-ку, – деди асабийлашиб Ғайрат. – Мана, мени ҳам ўшанинг одамлари шу кўйга солди-ку.

– Гумонсираб, айборга чиқариш осон. Айнан жиноят устида қўлга олиш керак. Эшитиш бошқа-ю, далил бошқа. Қани айтинг-чи, Толибни гумдон

қилаётганларни кўрганмисиз? Сиз-чи? – Қобил врача га юзланди.

– Йўқ, – деди врач.

– Шунака, гапириш, тахмин билан иш битмайди, дўстларим. Сабр қилиш керак.

– Биз сабр қилиб турибмиз-ку, улар бизни ҳам йўқ қилишмаса.

Кулишди. Қобил, ўрнидан турди:

– Бўлмаса, бизга рухсат, – Файратнинг елкасига туртди Қобил. – Божанинг туғилган куни эди, энди борай.

Эшиккача кузатиб боришди.

– Хайр, мени деб сен ҳам анчагина душман ортиридинг, эҳтиёт бўл, – деди Файрат Қобилнинг қўлини сиқиб.

– Кўрқма, менга тегишолмайди, – жавоб берди кулиб Қобил, – тўппончамдан қўрқишиади.

– Уларни сен ҳали яхши билмайсан. Уларда ҳам бор бунингдан. Хўп, омон бўл!

– Омон бўлинг, Қобилжон! – врач хайрлашди.

Қобил шифохонадан чиқиб машинасига яқинлашди. Қўлини машина эшигини очишга узатган эди, шу пайт милиция формасидаги Қора ва икки йигит Қобилнинг қўлидан ушлаб бошқа машинага олиб кетишиди.

– Кимсизлар? – Қобил машинага чиқишга қаршилик қилди.

– Машинага чиқинг, сабабини бошқармада биласиз, – бири Қобилнинг суратини олиб ўзига кўрсатди. – Ўзингизми?

– Ҳа, мен!

– Бўлмаса, жимгина машинага чиқиб ўтиринг.

– Ўзимнинг машинамда боравераман, қочиб кетмайман.

– Гапни кўпайтиранг, куч ишлатишга мажбур бўламиз.

– Ҳарқалай кимликларингизни айтарсизлар?

– Биз алоҳида топшириқ бажарувчи бўлинмаданмиз. Сизни олиб келишни буоришган. Бажарайпимиз.

Қобил чор-ночор машинага ўтирди.

– Қизиқ, нега керак бўлиб қолибман?

– Билмадик. Қуролингизни топширинг.

– Мен жиноятчи эмасман, қуролсизлантирсанглар.

– Қуролни топширишдан бош тортди, деймиз.

– Ўзингизга оғир бўлади, – деди Қора, тилла тишини қўрсатиб.

– Топширмаса топширмасин, бизга нима, – деди рулдаги Тош лақаблиси.

Машина юрди. Қобил машинанинг бошқарма томонга эмас, тоғ томонга кетаётганини қўриб, булар орган ходимлари эмаслигини билди.

“Ҳозир олиб бориб, ўлдириб сувга ташлаб юборишади. Ўлим-ўлим бир ўлим. Ҳозир ўлдим нима-ю, бирпасдан кейин ўлдим, нима?..” Секин тўппончасини олиб, эпчиллик билан бамайлихотир кетаётган икки ёнбошдагиларнинг оёғига отиб ярадор қилди-да, ўзини йўқотмай ҳайдовчининг орқасига тўппончанинг милини тиради.

– Тўхтат!

Ҳайдовчи бирдан тормоз берди. Қобилнинг боши унинг бошига тегди. Ҳайдовчи Қобилнинг қўлига ёпишди. Қобил иккинчи қўли билан ҳайдовчининг бўйнидан бўғиб олди. Қора билан шериги инграб беҳол ётарди. Ҳайдовчининг нафаси сиқилди. Қобил қўлини ҳайдовчининг бўйнидан бўшатди-да, сочидан ушлаб орқасига тўппонча тиради.

– Туш машинадан. Сал ножӯя ҳаракат қилсанг, отаман. – Ҳайдовчи тушди. – Беш метр олдинга юр, – жиноятчи юрди. – Қорнинг билан ёт, – жиноятчи ётмади. – Ёт, бўлмаса отаман.

Жиноятчи қорни билан тошлоқ йўлга ётди. Қобил машинадан тушиши билан ичкарида инграб ётган жиноятчи унга ўқ узаётганини қўриб, сакраб ўзини

ҳарсангтош панасига олди. Қора судралиб машинадан тушди, эшикка суюнганча олдинги эшикни очди. Ҳайдовчининг ўриндиғига ўтириб, машинани юргизди. Бир қўли билан рулни бошқариб, Қобилга кетма-кет ўқ узди. Қобилнинг қулай жойдалиги иш берди. Унга ўқ тегмади. Қора нима қилаётганини ўзи ҳам билмасди. Машинани катта йўлга ҳайдаб чиқди. Ҳайдовчи “тўхта, мени ҳам олиб кет” дейишига қарамасдан машинани ҳайдаб кетди. Қобил билан отишаётган ҳайдовчининг ўқи тугади. У бошини бирпас асфальтга қўйиб ётди. Сўнг иргиб ўрнидан турди-ю:

– От! Мана мен, от, – деб кўкрагини тутиб Қобилга қараб керди.

– Тўхта, қўлингни кўтар!

– Кўтармайман, от деяпман сенга. Ҳаммангдан, милициянгдан ҳам, Олимбекингдан ҳам, партия-мартиянгдан ҳам, хукуматингдан ҳам тўйдим. От! – деб ерга ўзини ташлади, бақириб бошини тошга ура бошлиди.

– Ҳолинг шу экан, нима қилардинг бу йўлга кириб?

– Э, сен нимани ҳам тушунардинг!

– Нимани тушунишим керак? Гапир!

– Мени барибир ўлдиришади, ундан кўра ҳозир ўлганим яхши. Жон оғайни, мени отиб ташла!!

– Отмайман, қонун олдида жавоб берасан.

– Борадиган жойим, кутиб турадиган бола-чақам бўймаса. Ўша айтган қонунинг ҳам пулдорларнинг кўлида бўлса. Қўй, қийнама, от! Шу дўзах дунёдан қутуламан.

Қобил камарини олиб, жиноятчининг қўлини боғлади.

– Боғлайвер, сенлар факат боғлашни, қамашни билласанлар. Дард нималигини билмайсанлар.

Йўлга чиқишиди. Йўловчи машина кўринмайди. Ҳайдовчи тинимсиз йиғлаб, юрагини тўкиб соларди...

– Тўйдим бу дунёдан, нимага керагим бор мени?
От оғайни. Оғайнимисан, акамисан, от!

– Ёшинг нечада?

– 28 да.

– Энди кучга тўлган пайтинг экан-а. Ишлаб, оила қуриб тинчгина яшасанг бўлмайдими? Мендан ўн ёш кичик экансан.

– Бўларди, сенга ўхшаганлар халал бермаса.

– Менга ўхшаганлар?

– Ҳа! Қўшиб ёзди, деб отам партиядан ўчирилди, сўнг қамалди. Қарабсанки, бизга қора бўёқ чапланди. Кўчада қолдик. Замонанг зўрники бўлса. Бошимизни силайдиган бир меҳрибон топилмаса, мен нима қиласай? Ўғрилик қилдим.

– Кейин-чи?

– Бир йилга қамалдим. Чиқиб йўлтўсарларга қўшилдим. Йўлдан қайтарадиган одам бўлмади. Қамоқдан келсам, участкавой тинч қўймади. Нима йўқолса ҳам, бирон-бир жиноят бўлса ҳам мени тергайди. “Бўрининг оғзи еса ҳам, емаса ҳам қон эканда”, деб яна эски улфатларимга қўшилдим. Бунинг устига яхши кўрган қизимнинг ота-онаси “қамалган йигитга қиз бермаймиз”, деб тўйимизга розилик беришмади. Мана сизга ҳаёт! Ҳаётдан илинжи қолмаган киши нима ҳам қиласди...

– Қотиллик ҳам қилганмисан?

– Сизни ўлдирсам биринчиси бўларди. – Узоқдан бири қизил, бири кўк “Жигули” кўзга ташланди. – Қоч! Олимбекнинг одамлари келяпти. Тезроқ бўл. Иккимизни ҳам ўлдиришади. Ҳаммаси тамом энди.

Қобилнинг кун ботар томондан келаётган машинага кўзи тушди.

– Нега энди Олимбекнинг одамлари бўлар экан?

– Сизни тинчтишимиз билан улар келиши керак эди. Балки Қора...

– Ростми?

– Рост.

– Сен уларни кутмайсанми?

– Падарига лаънат барини. Кеча биттаси бир уриб ўлдириб қўяй, деди.

Қобил унинг қўлини бўшатди.

– Кетдик.

Улар паналаб қочишиди. Турган жойларидан юз метр-ча узоқлашар-узоқлашмас иккала машина ҳам тўхтади. Саккиз киши ён атрофга аланглаб уларни ахтара бошлади. Улар паналаб қочиб анча баландликка кўтарилишиди. Арча орқасига ўтиб орқага қарашди. Жиноятчилар воқеа жойни бир оз кузатишб, машиналарига ўтиришиди. Машинани йўл чеккасидан секин ҳайдаганича бири бошини машина деб разасидан чиқариб, атрофни кузатиб борарди, сўнг кўздан узоқлашиб кетишиди. Иккаласи – бири жиноятчи, бири милиция ходими дараҳт панасида бир-бирига қарама-қарши ўтиришарди. Борликқа тинчлик чўйкан, тоғда жимлик. Атрофга қарашди. Сўнг Қобил оғир тин олди.

– Кетавер, факат уйингга кет.

– Уйим бўлса кетаман-да. Бир онам бор эди. Унга ҳам дунё тор келди, сиғмади, оламдан ўтди.

Яна жим қолишиди. Пастда сой, тип-тиниқ сув жилваланади. Сой қирғоқлари ям-яшил майсалар – у дараҳтзорлар билан ўралган. Сув тепасида ёввойи ўрдаклар учади. Сой тоғни иккига ажратиб оқмоқда. Теваракда баланд чўққилар. Мунгли ва осойишта. Қулайман, деб турган харсанѓтошлар ҳам мунгли, гўё бутун олам азалига ўхшайди.

– Бу ерларга ҳеч ким келмаса, чодир тикиб яшасам. Одам зотини кўрмасам, – деди ҳайдовчи.

– Бундан нима фойда?

– Қалбимни сувга тўкиб солардим. Юрагим сиқилиб кетди. Бировга кўнглингдагини айтсанг, кулади. Сувга айтмоқчиман, елларга, тоғу тошларга, жониворларга айтмоқчиман.

– Сен одамгарчиликни йўқотганлар билан юравериб, ҳаммани ўшалардек деб ўйлайсан.

– Билмадим, тинчгина меҳнат қилиб яшамоқчи эдим. Аммо қамалганимни, отамнинг партиядан ўчирилганини юзимга солишиди. Сўнг Қоранинг тўдасига қўшилиб кетдим.

– Ишга жойлаб қўяйми?

Йигит “ялт” этиб Қобилга қаради. Қарашида ишончизслик бор эди.

– Ўзимга келиб олишим керак. Иродамни синовдан ўтказай-чи! Бунинг устига қора дорига ўрганиб қолдим. Ҳозир бирам қўмсаяпманки...

– Юр чўмиламиз, – Қобил тошларни ушлаб-ушлаб сойга туша бошлади, шериги ҳам унга эргашди.

– Исминг нима? – йўл-йўлакай сўради Қобил.

– Лақабим Тош, исмим Учқун.

– Лақабинг ҳам, исминг ҳам яхши экан. Отанонаг “Учқун бўлиб ҳамманинг қўзини ўйнатадиган, ҳавасини келтирадиган ёруғ юзли бўлсин”, деб ният қилган экан. Сен-чи, нималар қилдинг?

– Таъна қилманг, таъналардан тўйиб бўлганман.

– Энди нима қиласан?

– Билмайман. Ҳозир қўзимга нашадан бошқа нарса кўринмайди.

– Иродамни синовдан ўтказаман, дегандинг. Қани, ироданг нимага қодир?

– Ҳозир бирдан-а?

– Кутиб ўтирасанми? Менга қаранг! – Қобил ўзидан Учқунни сизлаб гапира бошлади. – Ҳозирча улар орасида бўлиб туролмайсизми?

– Улар энди менга ишонишмайди.

– Юзингиз, оёғингиз яраланди. Қочиб келдим, дейсиз.

– Сиз уларни билмайсиз, улар айёрликда шпиондан ҳам ўтишади.

– Бундай қиламиз. Мен қўлимни боғлаб оламан. Отгандим, йиқилди, ўлдими-ўлмадими, билмайман дейсиз. Мен уч кундан сўнг қўлимни боғлаб ишга бораман. Шунда уларнинг агенти гапингизни тасдиқлайди.

Учкун ўйланиб қолди: “Ростдан ҳам, қачонгача жиноятчилар ичида юриш мумкин?! Бир кун келиб улардан ажралиш ҳам керак-ку! Қачон бўлса ҳам улардан ажралиш керак... Акс ҳолда ўлдириб юборишиади. Бир таваккал қилсан... Орган ходимлари адашганимни ҳисобга олиб кечиришар?...”

– Бўпти, розиман.

Улар сойнинг буралиб оқадиган жойига тушиб чўмилишди. Сой суви атрофида тол-тераклар, мажнунтоллар майин сув билан ўйнашади. Атроф сокин. Юқори қисмидан сойга булоқ суви шовиллаб тушиб турибди. Ер сатҳи майсалар билан қопланган. Иккисининг ҳам кайфияти тетик. Айниқса, Учкун ўзини барча “кир-чирлар”дан холи бўлгандай сезар, дили соғ ҳаводек равшан эди.

* * *

Қобилдан дарак бўлавермагач, Гайрат ҳавотирга тушиб, ҳовлига безовта қараб кўйди. У ерда руҳий касаллар сайр қилиб юришар, оқ ҳалатли киши кўриниши билан ҳамма унга қараб жим турарди. Эшик очилиб, Гайратнинг диққати бузилди. Эшикка қаради. Врач ўртоғи ташвишли ва ҳавотирли қиёфада эди. Унинг олдига келиб, саломлашди.

– Бўл тезроқ, орқамдан юр! – деди.

– Нега?

– Негалигини кўчага чиққанда айтаман. Имилласанг, кеч бўлади. Бош врач йўқлигига кетиб олайлик.

Коридорда оқ ҳалатли навбатчи врач учради.

– Қаёққа? Бош врач бу кишини ҳеч қаёққа чиқарманглар, деб тайнлаган.

– Менга рентгендан ўтказиш тайнланган. Рентгендан ўтказиб, ўзим олиб келаман.

– Ундан кўра, ҳовлида бир-бирини еб ётганларга қарамайсизми?

– Биз келгунча уларни тинчлантириб туринг. Кейин ҳам қўриқлайверасиз. Бу киши соғайиб қолганлар.

Қочмайдилар ҳам, шовқин ҳам солмайдилар. Тұғри-ми? – деб Ғайратга қаради. Ғайрат дарров фаҳмлаб, “ха” дегандек боши билан жавоб қилди.

– Хүжайингиз үзингиз жавоб берасиз. Мен-га буни ҳеч қаёққа чиқмасин, қутурған, ташқарига чиқса уринг, деганди. Сиз бұлса бундай дейсиз. Бир-бираңгизга гапингиз тұғри келмайди-я!? – деб ел-касини қисиб, навбатчи врач эшик томон йўналди. Врач билан Ғайрат қоровулхонага етишди. Қоровул эшикни очмай:

– Қудратов, мумкин эмас, хўжайин бу кишини чи-карманг, деган.

– Очинг, рентгендан ўтказиб келаман. Бошининг суяги чатоқ.

– Йўқ, бошлиқ келмагунча очмайман.

Қудратов панжарали деразага яқин борди.

– Ҳозир бошлиқ билан сизни телефонда улайман, хонага мени киритинг.

Қоровул иккиланиб турди-да, темир эшиқдан уни киритди. Врач кира солиб унга пичок ўқталди:

– Қани, калитни бер.

Қоровул иккиланиб туриб, ташқи дарвозани очиб, оқсоқлана-оқсоқлана қайтиб кирди-ю, тревога күтарди. Врач билан Ғайрат Қобилнинг машинаси-га ўтириб жўнашди. Уларнинг орқасидан шифохона машинаси йўлга чиқди. Қобил қалтис йўллардан ма-шинани адаштириб юрди. Бир жойга келганда очик турган икки табақали дарвоза ичкарисига машина-ни ҳайдаб киришиб, дарвозани беркитишиди. Уй эга-си ҳанг-манг, титраб-қалтираб айвондаги телефонга ёпишди. Қобил югуриб бориб унинг йўлини тўсади.

– Амаки, қўнғироқ қилманг, илтимос, биз орган ходимларимиз, жиноятчи эмасмиз, жиноятчилардан қочиб кирдик.

Жавоб ўрнига чол ғудранди:

– Болалар ҳам аҳмок-да, дарвозани ланг очик қолдираверишади. Энди нима қилдим, сизларни кў-ришган бўлса, мени ҳам бир ёқлик қилиб кетишади.

– Ҳеч ким кўргани йўқ. Қоронғи тушиши билан бизлар кетамиз.

Чол оппоқ соқолини текислаганча ўзича гапиради.

– Эҳ, одамлар-а, тинчгина ишлаб, ҳалол нон еб, бола-чақангни бағрингга олиб, шукур қилиб яшасаларинг бўлмайдими? Шу ҳам ҳаёт бўлдими? Одам одамдан қўрқиб яшаса. Замонингга лаънат! Бир бечорани қон қақшатиб машинасини олиб қочиб нима қиласдинглар. Барибир қўлга тушасанлар-ку!

– Отахон! Худо ҳаққи, биз сиз ўйлаган ёмон одамлар эмасмиз. Ўшалардан беркиндиқ, – деб Қобил чолга бор гапни тушунтириди.

Чол бир оз ўйланиб қолди... Уларга синовчан тикилди. Сўнг бир қарорга келди, шекилли.

– Гапларинг рост бўлса, майли. Худонинг ўзи асрасин сизларни. Шу дейман, барибир милисага қўнгироқ қилсан бўлмасмикан?

– Уларнинг ичига Олимбекнинг одамлари борлиги аниқ – деди Қобил. – Ҳозир Ғайратнинг шифохонадан қочганини билган бўлса, у ҳам типирчилаб қолган. Бир ишонарли ўртоғимиз бор эди, ундан ҳам дарак йўқ.

– Қойил, орган ходими бўла туриб милисадан, ўз шерикларингиздан сир яшириб юрибсизми?

– Шунга мажбур бўлдик. ДХҚ ичидаги одамларимиз бу ишдан хабардор. Ҳаммага ҳам буни айта олмаймиз. Бизнинг ичимиизда ҳам уларнинг одамлари бўлиши мумкин.

– Бўлмаса бундай қиласиз. Фронтовой қўшним бор, ҳозир военкоматда ишлайди. Шундан ёрдам сўраймиз.

– У киши қандай ёрдам бера оладилар?

– Бобоси ҳам офицер ўтган, ўзи разведкада командир бўлган. Сизларни айтган жойларингизга бехавотир олиб бориб қўяди. Кундузи қидирган одам, кечаси қидирмайдими? Раз! Падарлаънат, шу ўрисча

сўз мияга ўтириб қолган-да, шундай экан, унинг машинасидан ҳеч ким хавфсирамайди, изига тушмайди, билдиларингми?

– Ишдан чарчаб келганман, – дейиши мумкин.

– Ҳечам-да, унга айтсан Москвағачаям обориб қўяди. Эллик йиллик қўшни, бунинг устига уч йил бирга разведкада бўлганмиз.

– Раҳмат, отахон, – Қобил енгил жилмайди. – Қаранг, яхшилар ҳам бор экан, сизларни ҳам ташвишга қўйдик.

– Аммо бирпас шу ерда ўтириб турасизлар... Мен уни ташвиқот қилиб келай.

Чол шундай деб столга ноз-неъматлар қўйди. Пахта гулли чойнакда пиёлаларга чой қуийлди. Нон ушатилди. Суҳбат анча чўзилди. Сўнгра чол қўшнисининг уйига чиқиб кетди. Кўп ўтмай кўча эшиги очилиб, ҳарбий хизмат полковниги кириб келди. Сўрашишди. Қария дўстига ҳамма гапни яна бир бор айтиб берди. У гоҳ ачиниб, гоҳ асабий бошини қимирлатиб қўярди.

– Да! “Читтак”, вазият оғир! Урушда-ку, қаршингдаги душманнинг кимлигини билардинг. Бу ерда ким дўст, ким душманлигини билмайсан, киши. Олимбек донгдор раис, депутат, “герой”, бюро аъзо-си. Ҳамма катта-кичик йифинларда ҳайъатда ўтиради. Так что, пухта ўйлаб иш қилмаса бўлмайди. – Чол Ғайратнинг синиққан юзига, мунгли кўзларига қараб деди: – У сизга қаттиқ тиш қайрабди. Вилоят милициясининг катта терговчиси ҳам йўқолиб қолган экан. Топилмаганмиш. Ўша терговчининг сейфидан яrim миллион сўм пул ва бир қанча қимматбаҳо узуллар ҳам йўқолибди. Рапорт ёзишганмиш.

Ғайрат сигарета олиб тутатди.

“Бошлиқ ҳам, ўринбосари ҳам унинг одами. Ҳозир тергов ва қидирув бўлинмаларининг ишини билиб туриш учун митти магнитофонни стол тагига қўйиб, овоз ёзиб олиб юрганмиш. Ўшани билиб

қолганимдан бери изимга тушиб қолишиди, бунинг устига сенинг тарафингда турганимга, ҳақиқатни ҳимоя қилаётганимга чидолмаяпти”, деганди Эркин. Наҳотки, Эркинни ҳам ўғирлаб кетишган бўлишса. Уни худди ўшаларнинг одамлари йўқ қилиши мумкин. Тузогига тушган кишини соғ чиқаришмайди. Ҳамма рецедевистлар бекнинг хизматида.

– Ҳозир тўғри Собиржоновнинг олдига боришимиз керак, – деди Ғайрат.

– Анави, обкомдаги Собиржоновми? – сўради уй эгаси.

Ғайрат бош силкиди.

– Ҳарқалай, билган одамга бориш керак, – деди врач.

– Майли, ўзим обориб қўяман. Йўлларда машиналарни текшириб ўтказишяпти. Улар милициями, мафиями, билиб бўлмайди. Балки сизларни излашётгандир. Кечасидан кўра ҳарқалай ёруғда кетган дуруст. – Полковник ўртоғига қаради: – Сен нима дейсан, читтак?

– Айтганингиздек бўлади, ўртоқ командир.

Ҳовлига чиқишиди. Уй олди боғ. Боғда олма, ўриклар ён-атрофга соя ташлаб турибди. Уй олдида баланд сўри, чор-атроф кўм-кўк ток новдалари билан ўралган.

Кочоқлар аста-секин юришиб ташқарига чиқишиди. Полковник машинасини уларга яқинлаштириди. Ҳаммалари бирин-кетин орқа ўриндиқقا ўрнашиб олишиди. Машина аста-секин кўздан узоқлашди.

* * *

Кутилмаганда Эркинга Собиржоновнинг ўзи ўқунгироқ қилиб чақириб қолди. Водийда қайсиидир қора кучларнинг кутқуси билан месхет турклари ва ўзбекларнинг жанжали бошланганини, ўзини эса шошилинч Москвага чақиришаётганини айтди.

– Вилоятда сизга суюниб юргандик, энди бизга қийин бўларкан-да, – деди Эркин.

– Қийин бўлмайди, мен барини ўйлаб қўйғанман. Сени Тошпўлатовга айтиб қўйдим. Вилоят ички ишларидан муҳим иш беради. Аммо эҳтиёт бўлиб ишла. Хозир ҳаммага қийин. Агар мени республикага ишга олишса, ўша ёққа ўтасан.

– Майли, ишқилиб тинчлик бўлсин. Сиз Москва-дан келгунча...

– Майда гап бўлма. Ҳали Худо ҳоҳласа, кўп яхши ишлар қиласиз. Бўпти, сенга ажратилган вақт тугади. Вақт-бевақт керак бўлиб қолсам, мана телефон номе-рим. Кўнғироқ қил!

– Хўп бўлади. Барча айтганларингизни бажара-ман.

– Хайр, саломат бўл. – Эркин Собиржоновнинг қабулидан кайфияти кўтарилиб қайтди.

“Ажойиб одам-да, Собиржонов. Ҳам меҳрибон, ҳам қаттиққўл. Шунча иш орасида унинг ташвишини ҳам қилиб юрибди. Вилоятга ишга тавсия этибди... Мен бўлсан тузукроқ раҳмат ҳам айтмабман...”.

Уч кундан кейин барча ахборот воситалари Собиржонов Республика раҳбарлигига ишга ўтганлиги ҳақидаги хабарни тарқатди. Бу пайтда вилоят ички ишлар бўлимида катта терговчи бўлиб ишлаётган Эркин ўзича хурсанд бўлиб қўйди. “Қара-я, мени қўллаётган одамни Худо қўллади. Вақти келиб, унинг ҳам йўли очилади. Шунда Олимбекдақалар билан пачакилашиб ўтиrmайди. Шартта бориб, ҳибсга олади”.

Эркин ҳали бу ишлар осон эмаслигини, Олимбекларнинг “илдизи” сувга етиб қолганини билмасди.

* * *

Вилоят ички ишлар бошқармаси. Милиция формасидаги кишилар коридорда ўралашиб юришибди. Эркин иш кабинетида. Телефон жиринглади.

– Ўртоқ майор. Сизда ишим бор эди.

– Кимсиз, нима иш экан. Айтинг?

– Телефонда айтиб бўлмайди.

– Менинг махфий ишим йўқ. Ишингиз бўлса айтинг, бўлмаса вақтимни олманг.

– Бир сирни айтсан мен билан учрашасизми?

– Учрашаман. Агар арзирли бўлса. Сир кимга тааллукли?

– Барибир телефонда айтмайман. Ҳозир ўрнингиздан туриング-да, столингизнинг тагига қаранг, кейин жавобини айтасиз, кутиб тураман.

Эркин ажабланиб ўрнидан турди. Кабинетни ичкаридан беркитиб, иккинчи стол остини эгилиб кўздан кечира бошлади, кафтдек магнитофонни кўриб ажабланди. “Менинг хонамдаги гаплар кимга керак бўлиб қолди экан”, деб ўз-ўзига гапирди. Бориб труккани кўлига олди.

– Алло, нотаниш биродар, мен сизни қандай топаман?

– Қийин эмас, машинангизга мининг-да, катта кўча бўйлаб ўнг томонга, кинотеатрга қараб юринг. Ўзим сизни тўхтатаман. Кўлимда қизғиш папка бўлади. Ҳозироқ чиқаверинг.

– Хўп келишдик. Мен чиқяпман, – майор тўппон-часини олиб ўқлади. Кўшимча саккиз дона ўқ ҳам олди. “Нима бўлса бўлди”, деганча коридорга чиқди.

Навбатчи честь бериб:

– Ўртоқ майор, сўраб қолиши, нима деб қўйай?

– Иш билан чиқиб кетди, тушдан кейин бўлади, денг, вассалом.

Серқатнов кўча. Эркин одамлар орасидан нотаниш кишини ахтариб бораяпти. Қўл кўтараман, деган киши кўринмайди. Қўл кўтаришайпти, фақат қўлида қизғиш папка ушлаган киши йўқ. Энди умидини узиб, светофорнинг кўк чироги ёнишини кутиб турганида, ёнбошидаги машинада ўтирган икки кишининг бири машинанинг очиқ деразасидан ҳатто ёнидаги одамга ҳам сездирмай қофоз ташлади. Эркин четга ўтиб тўхтаб, қофозни олиб очди.

“Бир соатдан сўнг, сизни Горький номли кол-

хоз четидан оқиб ўтадиган канал бўйида, кўприкдан ўтгандан сўнг тупроқ йўлда кутаман”. Майорнинг боши қотди. Магнитофонни кўздан кечириб ишлатиб кўрди.

“– Терговчи ака, худо урсин, кўрганим йўқ.

– Сиз ёлғон гапирайпсиз, уларни милиция фор-
масидаги жиноятчилар олиб кетганини чойхоначи айтяпти-ку. Сиз бўлсангиз билмайман дейсиз.

– Мен кўрмадим, кўрсам айтардим...”

Ўчириди.

“Ё алҳазар, менинг тергов сухбатим кимга керак бўлиб қолди экан. Мен вилоят прокуратурасида ту-
зилган тергов гурухида иш олиб бораётган бўлсам.
Балки, Қобил ва Ғайратни олиб кетганларни ким
кўрганини билиш учун қўйишгандир? Шошма, чой-
хоначи чолни йўқотишмасин тафин. Яккаю ягона
гувоҳ ўша”. Ҳозирча бир соат вақт бор. Эркин маши-
нани чойхона томон бурди. Чол йўқ эди. Шеригидан
уй адресини олиб машинани юргизди. Катта йўлда
унга қизил фургон машина эргашди. Олдин ёнма-ён
келиб майорга қаради. Сўнг орқада қолди. Яна қувиб
ўтиб, фашига тега бошлади. Эркин нима қиласини
билмай дўкон ёнида тўхтади. Сўнг телефон будкаси-
га кириб дўсти, вилоят хавфсизлик бошқармаси ин-
спекторига телефон қилди.

– Алло, Эргашмисан?

– Ҳа, сенмисан Эркин?

– Ўзимман. Вақting бўлса, машинангда тез чик.
Мен фабрика ёнидаги дўкон олдидаман.

– Нега? Бунчалик шошилинч? Америка айғоқ-
чинини кўрдингми дейман?

– Ёрдаминг керак.

– Ишим кўпроқ эди.

– Жуда кераксан, орқамдан одам тушган.

– Ўзимизнинг одамларданми ёки жиноятчилар-
данми?

– Жиноятчиларникига ўхшайди. Умуман, қолган

гапларни кейин айтаман. Тезроқ етиб кел. Мен билан учрашмасдан ортимдан юравер. Қолганини операция тугагач гаплашамиз. Мен каналдан ўтиб буриламан. Сен бир километр ўтиб кутиб тур. Ўқ овози эшилса ёки ярим соатдан кўп кечиксам орқамдан келасан.

– Зўр-ку, яна бир иш бошладингми?

– Бўл, тезроқ, кутиб тураман.

– Чиқаяпман.

Эркин телефон будкасидан чиқиб, нон дўконига борди. Нон олиб машина орқасига солган киши бўлиб атрофни кузатди. Фургон йўқ. Ундан сал нарида оғир юк машинаси турибди. Сигарета тутатди. Бу орада ўртоғининг машинаси кўринди. Эркин машинани юргизди. Улар олдинма-кейин кетиб боришмоқда. Каналга етишди. Эркин ўнгга бурилди. Анча юргач, тўхтади. Мотоцикл тузатиб турган киши олдин парво қилмагандек қаради. Сўнг сигналини синаган киши бўлиб, уч марта сигнал берди. Сигнал овози тинартинмас, қорачадан келган, бошида кепка, жинси шимда бир йигит дараҳтлар орасидан чиқиб келди.

– Салом, ўртоқ майор.

– Салом, – деди Эркин ва унга бир оз тикилиб қолди.

– Танимадим?

– Танимайсиз ҳам. Вақт зик, Хўжайин йўқлаб қолиши мумкин. Мен жиноят қилиб қамалиб чиқсан Учқунман. Хўжайнинг шайкасиданман. Шунинг учун ўзим айтиб қўя қолай. Хўжайин машҳур раис Олимбек Султонов. Биздан ташқари ҳам анча одами бор. Гапнинг индаллоси, улар сизнинг назоратингиздаги врач билан Ғайратни ўлдириш учун қидиришяпти. Сизлар қидираётган ашаддий жиноятчи “Сарик” лақабли Умарни Қобил аканинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўлдиридим. Шуни билиб ва ҳисобга олиб қўйишингиз учун учрашяпман. Кабинетингиз ва уйингиздаги телефон сухбатини эшишишади. Уларнинг қарамоғида сизларнинг бошлиқ

ўринбосарингиз Розиков ҳам бор. Хайр, – деб кета бошлади.

- Тўхтанг, бир таклифим бор.
- Нима қилишим керак, шпионликми?
- Сиз шу пайтгача етарли жиноятларни содир қилиб бўлдингиз. Ювиш учун сизда имконият бор.
- Мен жиноятчилигимни ўзим ҳам биламан. Қўрқитмай қўя қолинг. Унинг устига одамингизни кутқариб қолган тентак ҳам мен.
- Толибни сизлар гумдан қилганмисизлар?
- У қўрқоқ, фирт гўйл экан. Имладим, тушунмади. Шерикларимга халал бериб турдим. Қочишни хаёлига ҳам келтирмади. Қибла томондаги каналга ташланган.
- Барибир сиз иштирокчи бўлгансиз. Буни инкор қилиб бўлмайди.
- Сиз билмас экансиз. Уч марта одам ўлдирган Қора лақабли тўданинг одамлари Олимбекка ёлланниб, бу ишни амалга оширишган.
- Мактабдаги қуролларни ҳам сизлар ўғирлаган-сизлар.
- Мен фақат пойлоқчилик қилганман. Унинг устига бирор сезсин, деб томга бир неча марта тош ҳам отдим. Милтиқларни ҳам шундай қўриқлайдими? Коровули тепса тебранмас уйқучи экан.
- Файрат билан врачни ҳам кутқариш керак.
- Улар бизнинг тўда қамоқхонасида йўқ.
- Қамоқхона?
- Ҳа, қамоқхона. Ўнга яқин киши бор у ерда.
- Сиз билан қандай учрашиб турса бўлади?
- Сиз билан учрашиб туриш менинг ҳаётимни хавф остига қўяди. Бунинг устига ҳаммамизни кузатишади, сўроқсиз дачадан чиқишимиз ман этилган. Агар дарагини эшитсан, бир амаллаб хабар бераман. Эртага менинг гуруҳим анавиларнинг иккаласини излашга тушади.
- Яхши... Шеригингиз сотиб қўйишидан қўрқмай-сизми?

– У дўстим бўлади, у ҳақда кейин маълумот бераман. Бугун биз юк олишимиз керак. Шунга чиқсанмиз.

– Қанақа юк?

– Бу юк қўлга тушгани билан ҳеч нарса ўзгармайди. Юк келтирадиган одам гунг ва соқов. Бунинг устига ўта садоқатли.

– Унда сиз кечикмайсизми?

– Кечикмаймиз. Орқамидан “хит” тушгандай бўлди, деб айтишимиз мумкин. Мотор ишламай қолди, ёрилди, хуллас ишонарли баҳона топишимиз мумкин. Юкни тоққа етар-етмас ўрик тагидан оламиз. Юкка қизиқсангиз, унда қорадори ва қуроллар бор.

– Ҳа, атрофимиз жиноятчилар уясиға айланиб қолган экан. Хайр.

Эркин машинага ўтириб жўнаб кетди.

Шаҳарга киргач, машинани тўғри ўртоғига айтган жой томонга бурди. Орқада ўртоғидан бошқа шубҳали машина кўринмагач, тўхтади. Ўртоғи етиб келди. Етиб тўхтади. Машинадан тушиб сўрашди.

– Нима гап ўзи?

– Жуда катта шайканинг изини топдим. Лекин улар ҳам менинг орқамдан тушишган. Ўша шайкадан бири билан учрашиб келяпман. Улар сен билан мендан кўра тажрибалироқ юристга ўхшайди. Шаҳардаги ҳамма жиноятчилар шуларнинг одамлари экан.

– Тутсанг, герой бўларкансан-да! Мени ҳам шерик қилиб ол ёки ишни ўзимга сўраб олай.

– Олишга оласан. Шундоқ ҳам менинг кучим етмайди. Унинг устига “зам” уларнинг одами экан. Бошлиқ унинг измидан чиқмайди.

– Сени операцияга шерик қилиб оламиз. Розимисан?

– Розиман.

– Ишлар тўғрисида тергов гуруҳи раҳбарини хабардор қилиб, ишни эртагаёқ бизга топшир.

- Бошлиқ бермайди. Ўзларинг сўраб олинглар.
- У томонини менга қўйиб бер.
- Ўзингга эҳтиёт бўлиб юр. Қуролсиз юрма, – сочини бармоқлари билан таради Эркин. – Сенга ҳўв бирда айтган одамларимиз Қобил, Файрат ва врачдан дарак йўқ. Агар Олимбек гумдон қилмаган бўлса, каналга ғаввос юбориб, Толибни қидиртириш керак. Шундай хабар келган. Қобилни эса кечаси ҳам, кундузи ҳам Олимбекларнинг одамлари қидириб юрганишиш.

Улар бу ҳақда Собиржонов билан маслаҳатлашадиган бўлишди.

Изма-из йўлга чиқиши. Теракзор қишлоғидан ўтгач, қўққисдан “Газик” машинасини қувиб бораётган бир “Жигули” ва самосвални кўриб қолишиди. Машинани ўша томонга буришди. “Газик” қочмоқчи бўлар, лекин унинг олдини кесиб чиқсан “Жигули” йўл бермас, самосвал мажақлаб босиб ўтишга шайланарди. “Газик”нинг эски балони ўтларга сирғаниб кетар, рулда полковник эди. Улар етиб келишганида самосвал жуда яқинлашиб қолган эди. Эркин билан ўртоғи бараварига самосвал балонига ўқ узишди. Кутилмаган ҳужумдан ғафлатда қолган ҳайдовчининг қўлидан рул чиқиб кетиб, машина харсангтошга урилди. “Жигули” қочишга шайланганида, унинг ҳам балонига ўқ отиб, ишдан чиқаришди. Шу пайт самосвал ҳайдовчиси ҳам ўқ узди. Ўқ Эркиннинг елкаси ни ялаб ўтди. “Жигули” дагилар қоча бошлашди. “Газик” уларнинг орқасидан тушди. Жиноятчи “Газик”-ка ўқ узди. Ўқ бензин бакига тегиб, машина ёна бошлади. Полковник, Қобил, Файрат ва врач машинадан сакрашди. Улардан сал нарида бензин баки портлаб машина жарликка қулаб тушди. Эркин кетма-кет ўқ узиб, қуролли жиноятчиларни эсанкиратиб қўйди. Бу орада самосвал ҳаракатланиб қолди. Файрат самосвал кузовига чиқди. Кузовда турган белкуракни олди-да, кабинанинг ҳар тарафидан ура бошлади. Зарбдан ма-

шинанинг олд ойнаси синиб, хайдовчининг кўзига шиша синиқлари кирди, шекилли, ерга қараб эгилиб қолди.

Эркин паналаб кабинага яқинлашди. Жиноятчнинг шериги ҳам нарироқда харсангтош панасида тўхтади. Сўнг тезлик билан самосвал машинасига яқинлашди. Буни кўриб турган иккинчи ҳайдовчи ўзини ерга отди. Шу пайт уни мўлжаллаб турган Файрат устига отилди. “Жигули”дан уч жиноятчи чиқди. Бу орада Эргаш ҳам етиб келди. Каратэ усусларини пухта эгаллаган жиноятчилар қўл жангига киришишди. Полковник билан врач ҳам жангга кўшилишди. Эргаш жиноятчилардан бирининг оёғига ўқ узиб йиқитди. Шу пайт врач яна бир жиноятчнинг бошига тош билан урди. Орқадан келиб улгурган полковник учинчи жиноятчини қучоқлаб олди. Тўрттала жиноятчининг қўл-оёқларини боғлашди Файрат, Эркин, Қобил сигарета олиб тутатишди.

Бир-бировини бағрига босиб, жим омонлашишди. Сал нарига бориб, паст овозда суҳбатлашишди.

– Бизни қандай топдинглар? – сўради Қобил.

– Худонинг ўзи ёрдам берди. Уларнинг шайкасидан бир йигит қўнғироқ қилиб мен олиб бораётган тергов ишлари митти магнитофонга ёзид олинаётганигидан хабар берди. Гаплари рост чиқди.

– Ҳа, Учқунми? У яна нималар деди?

– Толиб ҳақида хабар берди. Ўлдириб қибладаги каналга ташланган экан. У билан Эргаш, – ДХҚ ходимига ишора қилди, – шуғулланадиган бўлди. Эргаш, ёрдаминг учун раҳмат. Энди сен боравер, муҳим ишлар олдинда. Хабарлашиб турамиз.

– Майли, ишқилиб, ишлар битганидан кейин зиёфатга чақириш эсдан чиқмасин.

– Худо хоҳласа, тинчлик бўлса зиёфатнинг қуюғи биздан, – кулди Эркин.

Эргаш машинасини орқа томонга буриб, ҳайдаб кетди. Эркин, Қобил ва Файрат қолишли.

– Қани эди ҳозир дачага ҳам бостириб борсак, – деди Файрат.

– Ҳаққимиз йўқ, прокурорнинг рухсати керак, – деди Эркин.

– Бориб бўпсанлар, ҳаммангни гумдон қилишади. Бизларни номардлик билан қўлга олдиларинг, – деди бу гапни эшишиб қолган қулоғи динг жиноятчилардан бири. – Кучларинг етмайди.

– Олимбекнинг куни тугади.

– Унинг куни тугагунча сизларники тугайди.

– Сизларга ўхшаб.

– Бизлар барибир отилишга тайёр одамлармиз.

Кимлигимизни ҳам билолмайсанлар.

– Ўзингнинг номингдан гапир, – бақирди полковник.– Улар учун гапиришга ҳаққинг йўқ.

– Ҳаққи бор, – жиноятчилардан бири бақирди. – Биз бир-биримизни сотмаймиз.

– Сенлар фақат ўғри эмас, қотилсанлар.

– Олдин бўйнимизга қўй, начальник, кейин айблайсан. Бизда ҳеч ким бир-бирига хиёнат қилмайди. Қолаверса, ҳали бизларни Олимбек чиқариб олади. Оғзингни очиб қоласан ҳамманг.

– Сенлар билан айтишиб ўтиришга вақт йўқ, – деди Эркин ва жиноятчиларни машиналарга чиқариб, олиб кетди.

Вилоят милиция биноси қаршисида тўхтаган уч машинада қўл-оёғи боғланган жиноятчиларни кўриб, навбатчи ҳайратланди:

– Целий шайкани қўлга олибсизлар-ку. Қойил. Шошманглар, шошманглар, ҳаммаси қидирилаётган жиноятчилар-ку. Ўртоқ майор, буларни қандай ушландинглар?

– Эски гвардия, – Эркин полковникка ишора қилди, – ёрдам берди. Акс ҳолда ҳозир Файрат ҳам, Қобил ҳам уларнинг қўлига тушарди.

– Врач ҳам, – қўшиб қўйди Файрат.

Эркин жиноятчининг тўппончасини навбатчига узатди.

– Расмийлаштиринг. Биз чарчадик.

Жиноятчиларни топшириб, ҳовлига чиқишиди. Бир- бирига қарашибди. Кулишибди.

– Ғайрат, энди сени нима қиласиз. Уйингга юбориш хавфли. Яхиси, бошлиқнинг олдига кираман. Бирон бехавотирроқ жой топармиз.

Уларни бошлаб бошлиқ хонасига йўл олди.

Қабулхона. Милиция формасидаги сержант қиз машинкани чиқиллатиб ўтирибди. Ундан ташқари иккита сержант навбат кутишмоқда. Улар Эркинни кўришлари билан ўринларидан туриб, қад ростлашибди. Эркин сержант қизга юзланди.

– Ўртоқ полковник ўзларидамилар?

– Ўзларида, ўртоқ катта терговчи, – яrim ҳазил оҳангига жавоб берди сержант қиз. – Келганингизни айтайми?

– Хабардор қилинг.

Сержант қиз дарров кириб қайтиб чиқди. Эшикни очганича:

– Сизни ўртоқ полковник кутяптилар, – деди.

Эркин ичкарига кирди. Ғайрат билан врач уни қабулхонада кутиб қолишибди. Деворга осигулик соат билан машинка овози хонада ҳукмрон. Беш-үн минут деганда сержант қиз олдидаги радиобоғлагичдан овоз чиқди: “Құдратов, Шоюсупов! Киринглар”.

Сержант қиз Ғайрат билан врачга қаради:

– Киринглар.

Кенг хона. Тўрда вилоят харитаси. Ўрта бўйли полковник уларни хомуш қарши олди.

– Шунаقا гаплар, Эркин! – полковник Ғайрат, Қобил ва врачга синовчан тикилди. – Қабулхонада яна кимлар бор?

– Иккита сержант ўтирибди.

Полковник ўрнидан туриб, қабулхонада ўтирган йигитлар билан бир-бир кўришибди.

– Йигитлар, тушдан кейин келинглар, – деб уларга жавоб бериб юборди. – Сиз ҳам bemalol тушлик қилиб келаверинг, – деди сержант қизга.

Йигитлар ва қиз чиқиб кетгач, қабулхонадан ким-гадир күнғироқ қилди.

– Вазият жиддий. Ҳамма шай бўлиб турсин. Менинг буйруғимсиз ҳеч ким ҳеч қаёққа тарқалмасин, – деди-ю ичкарига кириб Эркинга гапирди: – Эркин, бу йигитларни кечгача мен дам оладиган хонага беркитиб қўямиз. Ҳозир ош-сувини берамиз. Сен кечқурун уларни бошқа бир жойга кўчирасан. Вазият жиддий.

– Хўп бўлади, ўртоқ полковник, – деди Эркин гавдасини ғоз тутиб, расмий оҳангда.

Полковник кресло орқасидаги парданчи четга сурди. Кулранг эшикни очиб Файрат, Қобил ва врачни уерга олиб кирди.

Хонанинг ўртасида мўъжаз стол, атрофида тўртта стул, тўрда диван-каравот турар, стол усти артилмаганидан яқин орада бу ерга бирон зот кирмагани сезилиб туарди.

– Шу ерда ўтириб турасизлар. Диван битта, нашибат билан дам оласизлар. Эркин, анави совутгичдан сув, колбаса, пишлоқ олиб бер буларга.

Эркин бошлиқнинг айтганини бажариб, унинг ёнига ўтирди.

– Озод Ҳусанович! Нима гап ўзи? Тинчликми? Нега бунча безовтасиз?

– Юқоридан, Москвадан хабар келди. Горбачёв дам олишга кетгач, Янаев бошлиқ бир гуруҳ ҳокимиятни эгаллабди. Горбачёв Кримда уй қамоғида эмиш... Бундан ҳам қизифи шуки, Олимбекнинг уйидаги айғоқчиларимизнинг айтишича, бу гапларни биздан ҳам олдин улар эшитиб, байрам қилиб ўтиришганмиш.

– Демак, у Янаев билан таниш экан-да!

– Таниш ҳам гапми? Ўша унинг Москвадаги тиргаги экан. Тез орада камида вилоятни бошқарадиган бўламан, деб конъяқ уриштириб ичаётганмиш.

– Оббо, унда ҳаётимиз ҳам хавф остида экан-да!

– Ҳаммамизнинг ҳаётимиз хавф остида. Менинг

муовиним Розиков Олимбекка ишлаётган экан. Демак, Олимбек унинг одамларини ҳибсга олганимизни билади.

Шу пайт селектордан таҳдидли овоз эшитилиб қолди:

– Полковник Тошпўлатов, ўзингиздамисиз? Сизни Республика Ички ишлар вазири сўраяпти. Телефон гўшагини кўтаринг!

Полковникнинг қалин қошлари чимирилиб, ранги оқарди-ю, беихтиёр гўшакни кўтарди.

– Эшитаман, ўртоқ вазир! Ҳа, эшитдим. Телевизор ва радиоларни ишлатиб қўямиз. Барча туманларга ГКЧП бўлганлигини, саросимага тушмасликларини, тартиб сақланиши кераклигини эълон қиласман... Рахмат!

Полковник телефон гўшагини қўйиб, қархисида турган телевизорни ёқди, Москва каналини улади. Экранда диктор кўриниб, амиrona овоз эшитила бошлади. У Шўро давлатида фавқулодда вазият эълон қилиниб, ҳокимият Янаев бошлиқ комиссия қўлига ўтганлигини эълон қиласми.

Полковник Тошпўлатов барча туманларда кўчадаги радио карнайларни ишлатиб қўйишларини, саросимага берилмасдан, тартиб сақлаб туриш лозимлигини бирма-бир таъкидлади. Негадир, у Эркинга ҳеч нарса демас, асабийлашган қўйи соchlарини қўллари билан гоҳ орқага, гоҳ ён томонга тарапди.

– Гап, бундай, – деди ниҳоят, – Толибжоннинг жасади топилган. Уни ўласи қилиб уриб, бўйнига тош боғлаб каналга ташлашган экан. Ҳозирча моргга олиб бориб қўйдик. Шошилмайлик. Вазият қалтис. Бу ишни Олимбеклар қилгани аниқ бўлса-да, қўлимизда исбот-далил йўқ.

– Менда уларнинг Учқун деган одами берган кўрсатма бор. Аммо унинг ўзи ҳалиям Олимбек чорбоғида... Бунинг устига...

– Тушунаман. Аммо битта одамнинг кўрсатмаси

билан бутун бир мафияни фош килиб бўлмайди. Кўплаб ашёвий далиллар, экспертиза хулосалари керак. Бу шароитда уларни топиш ва тайёрлашнинг иложи йўқ. Ўлганнинг устига тепган, дегандай, ГКЧП, Янаев деганлари чиқиб турибди.

– Тўғри, – тан олди Эркин ҳам, – аммо биз ушлаганларнинг ҳаммаси Олимбекнинг одамлари. Уларнинг ўзлари Олимбек бизни қутқаради, деб очиқ айтаяпти.

– Хозирги шароитда бу жиноятчиларнинг вилоятда, бизнинг қўл остимизда бўлиши хавфли. Сен уларни Тошкентга олиб бориб, ўта хавфли жиноятчилар сифатида Давлат хавфсизлик қўмитаси ертўласига топшириб келасан. Ўзинг ҳам 3–4 кун ўша томонларда бўлиб тур. Буни мен, навбатчи ва сен биласан. Розиқов эшита кўрмасин. Анави уч йигитни қаерга жойлаштиришни ўзим ўйлаб қўйдим.

– Маъқул! Аммо ҳар 2–3 соатда сизга қўнғироқ қилиб тураман.

– Бўпти, келишдик.

* * *

Полковник Тошпўлатов Файрат, Қобил ва врачни фургон машинада қўшни вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи хузурига юборди. Бошқарма бошлиғи уларни дарё бўйидаги ўз дала ҳовлисига олиб бориб жойлаштирди.

– Ким келиб сўраса, Аҳмедовнинг меҳмонларимиз, бир хафта дам олиб кетамиз, дейсизлар. Бошқа гапни билмайсизлар. Бу Тошпўлатовнинг топшириғи, – деб қўйди.

Уч оғайни икки кун давомида дам олган бўлишди, чўмилишди, ора-чора телевизор кўришди. Телевизорда бўлаётган ҳангомаларгина уларни ташки дунё билан боғлаб турарди. Дикторлар Янаев чиқарган қарорларни қироат билан ўқишар, яқинда бутун Иттифоқда янги тартиблар жорий этилишидан, ҳаёт яхшиланишидан лоф уришарди.

Орадан уч кун ўтар-ўтмас, Горбачёв қутқарилиб, ГКЧП аъзолари қамоққа олинди.

Учта қочоқ ҳам эркин нафас олди.

Эркин вилоят ИИБ идорасига шошилинч келди.

– Тинчликми? – сўради навбатчи.

– Тинчлик эмас. Шошилиш керак. Уч-тўрт кишининг ҳаёти хавф остида. Сўнг кечикиб қолишимиз мумкин.

Эркин бўлган воқеани қисқача тушунтириди. Навбатчи бошлиққа телефон орқали хабар қилди. Бошлиқ рухсат этди шекилли, у Эркинни қабул қилди. Улар бўлган воқеани ўзаро муҳокама қилишиди.

– Ҳозир жиноятчиларни шу ерда, пайтида қўлга олмасак бўлмайди, акс ҳолда улар тутқич бермайди. Бизлар ахтариб юрган жиноятчиларнинг аксарияти Олимбекнинг чорбоғида экан. Менга хабар қилишди, – куйиб-пишиб гапиради Эркин.

Бошлиқ бир оз ўйланиб турди-ю, Эркинни тезкор гурухга бошлиқ қилиб жўнатди.

– Ўйлаб иш қилгин, Олимбекка ортиқча гап гапирма. Биз жиноятчиларни ахтариб келдик, шу ерда экан деб эшидик, дегин...

– Хўп бўлади, ўртоқ полковник.

Йўлга чиққан уч машина шитоб билан Олимбекнинг ёзги дачасига йўл олди. Улар етиб келганларида бу ерда на кучук ва на одам бор эди. Фақат кекса қоровул ва машиналарнинг шовқинини эшитиб, тўн ёпиниб, уларга пешвоз чиққан Олимбекдан бошқа ҳеч ким кўринмади.

– Келинглар, келинглар, тинчликми? – Ўзини овсарликка олиб, беписандлик билан юзланди Олимбек.

– Бу ердаги одамлар қани? – сўради Эркин.

– Қанақа одамлар? Мана мен, қоровул, ошпаз кетмаган бўлса, у бор, бошқа одам бугун келгани йўқ.

– Артистликни қўйинг, Олимбек ака. Кўпчилик

бор эди. Уларнинг орасида ички ишлар ходимлари ахтариб юрганлар ҳам бор.

– Бемалол, кўриб чиқинглар.

Ҳамма жойни тинтув қилиб чиқишиди. Ҳеч кимни топишолмади.

– Менга, обком аъзосига ишонмадинглар-а, энди мен ҳам обкомни хабардор қилиб қўйман,— деб телефон трубкасини кўтарди раис. – Алло, биринчи ни уланг... Алло, саломалейкум, ўртоқ биринчи, мен Олимбекман. Бизнинг уйни тинтув қилишиди. Ҳозиргина. А, лаббай, ким дейсизми? Ўзимизнинг вилоят милициясидан. Ҳозир трубкани бераман.

У Эркинга трубкани узатди.

– Сизни сўраяптилар.

– Алло, эшитаман.

Трубкадан овоз келди:

– Ким рухсат берди, тинтув ўтказишига? Нима, де-путатни обрўсизлантириши бу? Бас қилларинг.

– Бошлиқ, ўртоқ биринчи секретарь...

– Бошлифинг билан олдимга кел.

– Хўп бўлади.

Эркин бўшашиб, трубкани жойига қўйди.

Олимбек унинг олдига келди. Қўлини елкасига қўйиб:

– Ўзимизнинг қишлоқ вакили деб, вилоятга кўтарилиганингда индамагандим. Яхшиликка ёмонлик экан-да.

Эркин индамади. Гурух машиналарга чиқиб, қайтиб кетди. Бошқармага келгач, Эркин бошлиқнинг хонасига кирди.

– Бу ишда жуда пухта бўлмасак бўлмайди. Жиноятчилар жуда пишиқ. Унинг устига орамизда айғоқчилари ҳам бор. Гурух боришини билган.

– Бундай қилсан-чи! – Эркин тез-тез миясига келган фикрини гапира бошлади. – Олимбек ГКЧП енгилганидан кейин тарвузи қўлтиғидан тушиб ўтиргандир. Гайратни юборсак, у Олимбекдан қарз

сўраб, ишга олиши учун ёлғондакам тавба-тазарру қиласа.

– Ишонармикан?

– Бу ҳам бир уриниш-да, зора жойлашиб, унинг ишончини қозонса, припскаси ҳам, қўшиб ёзишлиари ҳам, пахта қабул қиласидиган заводларнинг қаллобликлари ҳам очиларди, – деди Эркин.

– Ўзларинг ҳал қилларинг. Мен биринчининг олдига кетдим, – дея бошлиқ сейфни беркитиб, калитни чўнтағига солди.

– Кейин хабардор қиласиз, – деди.

Ҳамма чиқиб кетди. Орқасидан бошлиқ ҳам кўчага йўналди.

* * *

Ғайрат уйига тун қоронғисида кириб борди.
Ғайратни кўриб, онаси йиглаб юборди:

– Болам, қизчанг Шаҳноза йўқолиб қолди.
Шаҳнозгинамни ўғирлаб кетишиди.

Ғайрат бошини ушлаганича маъюс ўтириб қолди.

– Болам, ўзинг қаерларда юрибсан, докторлар қидириб келди. “Қочди, қутурган пайти, хавфли, келиши билан хабар беринглар”, деб сени пойлашиб, кечагина кетишиди. Она ўғлининг ўтдек ёниб турган кўзларига тикилди. – Соппа-соғсан-а, болам.

– Кўриб турибсиз-ку, соғман. Жинни бўлишим Олимбекка керак бўлиб қолган экан.

– Уни одам боласи түккан эмас, йигитгина ўлгурни. Ҳаммани қон қақшатди. Энди билдим, отангнинг бошига етганлардан бири шу экан.

– Қанақасига?

– Кеча Ойназарнинг хотини раиснинг ёқасига оси-либ, “Эримни тухмат билан қаматгансан, Ғайратнинг отасини ҳам сен қаматгансан, Гдлянларнинг одами-сан”, дебди. Бу итнинг дастидан аёлларнинг номуси ҳам топталди. Аёлларнинг қарғиши барибир уни бир ёқлик қиласа.

– Жуда яқин қолди. Шаҳнозани топаман. Ҳаммаси учун ўч оламан.

Улар узоқ гаплашиб ўтиришди.

Кечакутдек ёруғ. Ғайрат чиқиб сигарета тутатди. Шу пайт дераза тагида бир киши ўрик панасига беркинганини сезиб қолди. Секин тўппончасини олиб, сигарет чекиб юрган киши бўлиб, чироқ ёққичнинг олдига келди. Тезда ҳовли чироғини ёқиб, шарпага тўппонча ўқталди.

– Қимирласанг отаман! Қўлингни кўтар, баландроқ. Энди қани девор томонга ўт.

Шарпа ўрик панасидан чиқавермагач, унга яқинроқ борди. Икки-уч қадам берида тўхтади.

– Қани чиқасанми, ёки... – Шарпа чиқди. – Шунча гавданг билан ўрикнинг панасида турибсанми? Болшингни кўтар!.. Ие, Сувон бригад, ҳали айгоқчилик ҳам қиласизми?

– Сен билан йўқолган Бурҳон бригаддан ташқари ҳаммамиз. Тўппончани қаёқдан олдинг?

– Зўрми? Сизгаям олиб берайми? Олимбек бермадими? Қўйнингда нима бор? Ёлғонингни Олимбекка айтасан. Ерга ташла.

Шу пайт ичкаридан онаси чиқиб қолди.

– Вой!...

– Жим, ичкарига киринг! – кўзини Сувон бригадирдан узмай буюрди Ғайрат. Онаси ичкарига кириб кетди. – Қани, бўл тезроқ. – Бригадир қўйнидан қинли пичноқни олиб, ерга ташлади. – Бери кел! Сенга айтяпман. Қўлингни кўтариб, бери кел!

Сувон кўлини кўтариб, Ғайратга яқин жойда тўхтади. Ғайрат пичноқни олиб, Сувоннинг елкасига тўппончани тиради.

– Сал аҳмоқлик қилсанг нариги дунёга жўнатаман. Ичкарига кир. – Коридорга киришди. – Энди чапдаги уйга кир. Ўтири.

– Қўлимни туширсам бўладими?

– Йўқ, қўлингни орқангга қил! – тўппончани

унинг пешонасига тиради. Файрат. Сўнг онасига: – Арқон олиб келинг! – деди.

Онаси чиқиб, арқон олиб келди. Файрат Сувоннинг қўлини боғлади. Сўнг унинг қаршиисига ўтириди.

– Қани, айт-чи, нега келдинг? Чайналишга ҳожат йўқ. Олимбек нега жўнатди? Битта ўзингмисан, ёки...

– Ўзимни жўнатувди, яна билмадим.

– Сувонқул, қариндош бўлатуриб уялмадингми? Ахир, қимматчилик йиллари бир-бири мизга суюниб яшагандик-ку. Эсингдан чиқдими, тузим кўр қилгур, – она жиғибийрони чиқиб гапирди.

– Шайтон йўлдан урдими, қўрқдимми, билмадим, хола.

– Олимбек сенга қандай топшириқ берган?

– Сенинг келган-келмаганингни билиб келиш. Бошқасини билмайман.

– Ҳозир ўзи қаерда?

– Ҳарқалай, дачада бўлса керак, замначальник меслиса билан дача томонга кетувди.

– Унда келганимни қандай хабар қиласан?

– Коровул Самад чўлоқقا айтишим керак эди.

Файрат ўйланиб турди-да, ўрнидан туриб, унинг қўлини ечди.

– Билиб қўй, Олимбекнинг Москвадаги тиргаги, Янаев дегани қамоқقا олинди. Яқинда Олимбекнинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Толибни ўшалар ўлдиргани аниқланди.

– Йўғ-е? – деди бригадир ҳайрон бўлиб.

– Бу рост, исботланган, керак бўлса судда яна исботланади. Агар гуноҳим енгиллашсин, десангиз, – у сизлашга ўтди, – менга ишлайсиз. Акс ҳолда ҳозироқ олиб бориб, мелисага топшираман.

– Йўғ-е, Файрат, мелисага бало борми? Ўзи, Олимбекда менинг ҳам қасдим бор. Жияним Ойназарга қилган ифлослиги учун уни бўғизлаб ташласа арзиди. Аммо илож қанча?

– Илож бор. Фақат бу ёғига сотқинлик қилмайсиз.

– Онт ичаман. Фақат мен ҳам қамалиб кетмасам бўлди.

– Қамалмайсиз, бу ёғи ўзингизга боғлиқ.

– Ҳозир нима қилай?

– Менинг келганим ҳозирча сир. Олимбекка менинг келганимни айтмайсиз. Агар гап чиқиб қолса, “яхши одам эди, ўзимиздан бездирмайлик”, деб қўйинг.

– Шуми бор-йўғи?

– Шу.

Сувонқул чиқиб кетди. Ғайрат қўча эшикни беркитиб қайтиб кирди.

– Болам, Шаҳноза нима бўлади? Ўлдириб-нетиб қўйишмадимикан?

Шу пайт уйга хотини кириб келди. Кўзлари шишиган.

– Шаҳноз қани? Шаҳноз қизалогим қани? Йўқолгани ростми?

Ғайрат унга қарамай “рост” деди.

– Мана, шунча одам бирга ишлаб ётибди, егани олдида, емагани кетида. Сал бошларини эгганларидага бундай қора кунларга тушмасдик. Мана, эвазига қизимиз йўқолди. Қозонимиз қайнамай қолди...

Хотинининг таъналари Ғайратнинг нафсониятига қаттиқ тегди.

– Сенга мен шоҳона ҳаёт ваъда қилган эмасман.

– Доим гапингиз шу. Бундай, одамлардек яшайлик десам жиғибийронингиз чиқади. Атрофингизга қаранг. Оддий бригадирнинг уйига кирсангиз, чиққингиз келмайди. Болаларининг, хотинининг кийинишига кишининг ҳаваси келади. Менинг кийган кийимимга колхозчининг хотини ҳам кулади. Яна бу киши агроном эмишлар. Ўртамиизда битта қора кўз бор-да, бўлмаса келмасдим.

– Бўлмаса келмасдим, деганинг нимаси, сени бoshимга урмасдим, деганингми? Кетавер! Бойвачча эрлардан топасан. Балки, амакинг аллақачон топиб ҳам

кўйгандир. Нега келдинг? Бола керак бўлса кетармидинг?

– Бўлди қилинглар. Шаҳноза йўқолиб турганида жанжалга бало борми? Иккаланг ҳам одамга ўхшаб гаплашсаларинг-чи?!

– Бу кишига хотин ҳам, бола ҳам керак эмас. Тортишув бўлса бўлгани, – ийғлаб юборди хотини.

– Бола ҳам, хотин ҳам керак. Амакинг мени одам ўрнида кўрганида ишлаб юраверардим, хор қилиб ташлади-ку! Руҳий касалхонага жойлаштириди. Сал бўш келсан, жинни қилиб қўйиши ҳеч гап эмас, эди. Худога шукур, яхши одамлар кўмагида қутулиб келдим.

– Ҳозир амакимнинг ўзи ҳам бу ишларидан пушаймон. Бош эгиб борсангиз, йўқ демас, Шаҳнозани топайлик.

Файрат ўрнидан турди.

– Бўпти, мен кетдим.

– Қаёққа? – онаси билан хотини норози оҳангда сўрашди.

– Шаҳнозани топиб келаман.

– Ундей қилма, бир ўзингнинг қўлингдан ҳеч нарса келмайди. Қолаверса, Олимбек беркитганми, бошқами, билмайсан. Анави тоғдаги уйига-ку, ҳеч ким боролмасмиш. Кўчада кампирлар гапиришяпти. Олдин аниқла.

Файрат индамай кўчага чиқиб кетди. Муюлишдаги уйнинг деразасини чертди. Ичкарида чироқ ёнди. Деразага бир киши яқин келиб:

– Ким керак бемахалда? – деди тайсаллаб.

– Мен Файратман, бир иш бор. Маслаҳат.

– Файрат, сени ўлдига чиқариб юришувди-ку.

Арвоҳ эмасмисан ўзи?

– Тезроқ чиқ, чироғингни ўчир, арвоҳ эмас, ўзимман.

– Ҳозир.

Ичкарида чироқ ўчди. Бир дақиқадан сўнг елкаси-

га тўн ташлаб Розик чиқди. Кўришишди. Деразадан ичкарига киришди.

– Ростдан ҳам тирикмисан? Қара-я, ҳамма сени Олимбек асфальтнинг тагига кўйиб юборган, деб юрувди. Ёлғон экан-а, ростини айт, ўзингмисан? Арвоҳмисан? Чўнтағимда пиёз, нон, пичоқ бор-а! Арвоҳ бўлсанг ҳам ҳеч нарса қилолмайсан.

Ғайратнинг жаҳли чиқди.

– Нима, арвоҳ пиёз, нон, пичоқдан қўрқар эканми?

– Онам шундай дердилар.

– Унда қўрқмай қўяқол, – Ғайрат тўппончасини кўрсатди. – Арвоҳда бу нарса бўлмайдими?

– Нима-нима, Олимбек билан ярашдингми? У бердими, зўр ҳамроҳ-да.

– Фақат Олимбекда борми бу?

– Ундан бошқа кимда бўлади? Автоматлари ҳам бор дейишади.

– Зўр-ку. Юр бўлмаса, автоматини ўғирлаб кела-миз.

– Оғайни, бизга тинчлик керак. Қолаверса, жонимдан тўйганим йўқ.

– Ростдан ҳам юр, менга шерик бўл. Тоғдаги дачага бориб келамиз.

– Нима, жонингдан тўйдингми?

– Эшитгансан-ку, қизим йўқолган. Ўша ерда деб эшитдим.

– Боролмайман. Олов билан ўйнашишнинг нима кераги бор?

– Унда отингни бериб тур.

Розик бир оз ўйланиб турди-да, от-олов турадиган молхонадан отини олиб чиқиб, жиловини унга тутқизди.

– Бекор қиляпсан, жўра. Ундан кўра унинг ёнига бош уриб бор. Кечирим сўра, балки қизинг топилиб қолар. Бир марта фарзандинг учун бош эгсанг, ҳеч нарса қилмайди.

Ғайрат индамади, отни миниб, кетма-кет қамчи босди. Қишлоқдан чиқиб, манзилга яқинлашгач, отни бир дараҳтга боғлаб, ўзи эгила-эгила сим тўсиққа яқинлашди. Шарпани сезиб, итлар хура бошлади. Шарпа панага яшириниб, чўнқайди. Итлар ҳуришдан тинмади. Шийпондан бир киши туриб, атрофга аланглади. Болохонали уйнинг пастки деразасида ҳам чироқ ёнди. Қўлида милтиқ тутган беш киши итлар талпинаётган Ғайрат томонга юрди. Ғайрат ариқнинг нариги томонига ўтди ва отига миниб, қамчи босди. Шу ҳайдаша тоғнинг сўқмоқ йўллари орқали тўғри шаҳарга йўл олди. Эркиннинг ҳовлисига келиб, дарвозани тақиллатди. Эркиннинг ўзи уни қарши олди.

– Худога шукур, уйда экансан. Отни тезда ичкарига боғлаш керак. Кейин тезда Тошпўлатовнинг ҳузурига борайлик.

– Нима гап? Тинчликми?

– Тинчлик эмас, қизим Шаҳнозани ўғирлаб кетишибди. Ҳойнаҳой қўлга тушган одамларига алмашишмоқчи.

– Чучварани хом санашади. Уларнинг Москвадаги тиргаклари қамоқда. Аммо Шаҳнозанинг ҳёти хавф остида эканлиги яхши бўлмабди. Буни чуқурроқ ўйламасак бўлмайди. “Ўладиган хўқиз болтадан той-мас”, деганларидай қизингни...

– Қизимни-ку ҳеч нарса қилишмас, жиянининг қизи эканлигини билади-ку!

– Ҳа, айтганча, хотининг келдими?

– Келди, уйда. Бош эгиб, кечирим сўраб боринг, қизимизни берар, деяпти.

Эркин билан Ғайрат тонгга яқин ИИБ идорасига кириб боришибди. Бошқармада уларни навбатчилар кутиб олишибди.

Тошпўлатов билан узоқ маслаҳатлашишибди. Ахийри Ғайрат Олимбекнинг олдига “бош эгиб”, кечирим сўраб борадиган, унинг қўл остида ишлаб, Эркинга ахборот бериб турадиган бўлди.

* * *

Эрталаб Гайрат Олимбекнинг қабулига борганида ҳамма унга ҳайратланиб қаради. Гайрат парво қилмай, оҳори тўкилган костюм-шим, оддий туфлида Олимбекнинг қабулхонасида турарди. Қўғирчоқдек ясанган котиба қиз йигитнинг саломига аранг алик олди.

- Телефонда гаплашаяптилар, кутиб туринг.
- Келганимни айтиб қўйсангиз.
- Телефонда гаплашаяптилар, дедим-ку, ўзбекчага тушунасизми?

Гайрат индамай стулга ўтириди. Котиба чой дамлаб ичкарига кириб кетди. Анчадан кейин чиқди. Қошларини чимириб, Гайратга қаради.

- Киравераркансиз, – котиба қиз жойига ўтириб, модалар журналини варақлай бошлади.

Гайрат эски телпагини қўлига олиб, эшикни очди:

- Мумкинми?

Олимбек киравер, маъносида бошини қимирлатди. Гайрат ичкарига кирди.

- Ассаломалайкум!

Олимбек алик ўрнига:

- Хўш, хизмат, – дея бошини қофозлардан кўтариб унга ўқрайди.

– Мени кечиринг Олимбек ака, қийналиб қолдим. Иш берсангиз. Уйда тинчлик йўқ. Ҳаммаси йиғлаб ўтиришибди. Қизим топилмаяпти, ёрдам беринг.

- Мен қандай ёрдам бераман. Қизингни мелисага айт, топсин.

– Аҳмоқлик қилибман, кечиринг. Топишолмаяпти. Сиз айтсангиз, яхшироқ излашармиди!

- Шунаقا дегин, сен менга ёмонлик қил-у, мен сенга яхшилик қилайми?

– Энди, Олимбек ака, аҳмоқлик қилдим деяпманку! Катта одамлар кечирувчан бўлади. Қолаверса, мен ҳам касалхонада ётиб кўрадиганимни кўрдим.

“Шунақами? Бекорларни бештасини ебсан, – ўйлади ичидা Олимбек, – нима учун келганингни, мақсадингни сендан кўра яхшироқ биламан...”.

– Хўш, мендан нима истайдилар?

– Озроқ пул бериб туришса, айтсангиз.

– Ҳозир хўжаликда пул йўқ. Бўлганда ҳам, ҳаммага эмас, ишлаганга берилади.

– Майли мен ҳам ишлайман. Қайси бригадага чиқай?

– Хоҳлаганингга.

– Сиз айтмасангиз олишмайди.

Олимбек ўрнидан турди.

– Ростдан ишламоқчимисан?

– Ҳа, ишламасдан иложим йўқ.

– Собиржоновинг иш бермадими? Бирон бошқа совхозга агроном керакдир? – Синовчан назар ташлadi Олимбек.

– Уй-жойдан узоқда қийин бўлади.

– Агар бошинг ростдан тошга теккан бўлса, кўрамиз. Ҳозирча Баротнинг бригадасида ишлаб тур.

– Раҳмат, раис бува, авансни қачон олсан бўлади?

– Бир-икки кун ишла-чи, кейин оларсан.

– Уйда ҳеч вақо қолмаган.

Олимбек чўнтагидан бир даста пул олди.

– Дунёда пулдан зўр нарса йўқлигини англадингми? Шуни билиб қўй. Пулинг бўлса дўстинг кўп, обрўйинг ҳам баланд. Умуман, пул подшо. Пуллик киши – шоҳ. Менинг сендан яшириб, кўрқадиган гапим йўқ. Сени кувган одамларим турмадан қочди.

“Қочиб бўпти. Улар Тошкентда. ертўлада ётганини биламиз”, хаёлидан ўтказди Гайрат. Аммо сир бой бермади. Ўзини Олимбекни дикқат билан тинглаётган киши қилиб кўрсатди.

– Пул билан бутун дунёни сотиб олса бўлади. Озгина пул билан уларни қочирдим, кўрдингми, кўлим калта эмас, узатган жойимга етади. Пулнинг кудрати ўзгармайди. Менга кўз олайтирганнинг

кўзини, менга гап қайтарганинг тилини узаман. Менга ҳеч қандай айб қўйишолмайди. Кеча обкомнинг мажлисида нутқ сўзладим. Қарсаклар билан кутиб олишди. Кўрдингми, менинг бир оғиз гапим билан секретарь ўзгарди. Мен ўша-ўшаман. Устимдан ҳаммаёққа арз қилдинг, эвазига шу аҳволга тушдинг. Билиб қўй, сени гумдон қилишга икки марта шайландим-у, лекин қилмадим. Сени иккинчи секретарингдан ёки Эркинингдан қўрқиб эмас. Ўлдиришнинг усуллари кўп эди. “Кассага тушмоқчи экан, қоровул отиб қўйибди”, деган ёлғон билан ҳам кутулиб кетишим мумкин эди. Лекин индамадим. Бирида ўзинг кутулиб кетдинг, бирида сенга яқин бир киши асраб қолди.

– У киши ким экан? – сал истехзо билан гапирдию, бирдан ўзини бечора қилиб қўрсатиши кераклигини эслади. – Ўша одамга ҳам, сизга ҳам раҳмат. Қарздорман. Энди йўрифингиздан чиқмайман.

– Ана ҳамма сирларни айтиб қўйдим қўрқмасдан. Бориб чақишинг мумкин.

– Хизматингиздаман дедим-ку, Олимбек ака!

– Қўрамиз. Ҳозирча ишлаб тур-чи, агар бу гапларнинг биронтаси бу ердан чиқса, ажалинг етгани шу. Унда ҳеч ким сени асраб қололмайди, билиб қўй.— Чангалидаги пулдан юз сўм олиб унга узатди. – Боравер!

– Раҳмат, раис бува, бу яхшилигингизни ўла-ўлгунимча эсдан чиқармайман, – деди Ғайрат, сўнг хонадан чиқиб кетди.

Олимбек бошқа унга эътибор қилмади, қофоз тит-килашга тушди.

Ғайрат идорадан чиқиб, нима қиласини билмаган киши бўлиб бир оз турди. Далага йўл олди.

Бригада шийпонига етиб келганида, одамлар тушлик қилиб ўтиришарди. Кимдир ачиниб бошини қимиirlатди, кимдир мазах қилгандек кулиб қаради. Шийпон шифер томли. Сал нарида ҳовуз. Ҳовуз

атрофида тол, терак, кўчанинг икки тарафи қатор тутлар. Шийпон ёнида қозон ва самовар қайнаб турибди. Ошхонанинг тепаси тунука билан ёпилган. Файрат Барот бригадир ўтирадиган ховуз бўйидаги сўрига яқин бориб, унга қўл чўзди. Семиз гавдали Барот қўл учини аранг узатди, сўнг одамларга қараб:

– Аммамнинг бузогига ўхшаб ўтираверасанларми? Қани турларинг, далага марш, – деди-да, Файратга қараб: – Хўп кептилар-да, жинни бўлганмиш, деб эшигдик, юриптиларми?

– Раис юборганди...
– Раис! – бир қимирлаб қўйди Барот семиз сергакланиб. – Нега юбордилар?

– Ишга.

Бригадир елкасини қисди, ажабланди:

– Текширганими, ўрнимгами?

– Ишчи бўлиб ишларканман.

– Эй, шундай демайсанми, одамнинг ўтакасини ёриб юбординг-ку! Жиннивой, ўзи жининг тез-тез кўзғайдими? Яна битта-яримта кишини уриб-нетиб қолмайсанми?

– Тузалганман, Барот ака. – Ўзини бечора қилиб кўрсатиб гапирди. – Ўтиб кетди, даволашди.

– Агрономчилигинг, дипломинг нима бўлади? Уни сотиб юбордингми? Сотмаган бўлсанг, бизга сотақол керак бўлмаса, – пайров қилиб кулди семиз.

– Йўқ, кейинроқ иш беришса, ишларман. Шунча одам меҳнатдан ўлгани йўқ-ку?

– Ақлинг илгарироқ кирмайдими? Шунча қийналмасдинг. Белкурагинг қани? Ҳа, майли, бугун сен гўнг ташишга борақол. Одам керак бўлиб турувди. Эртага белни эсдан чиқарма, сув тутасан. Бел билан кетмон – дехқоннинг нони, қуроли, билиб қўй. Энди гўнг титкилаб, ташиб юрсанг уят бўлар, институтни битиргансан, ахир. Бизам тушунамиз. Ҳарқалай, сувчининг ҳурмати бўлак-да.

– Ҳақ берсангиз бўлди, ишлайвераман.

— Ана шундай бўл, укам, кам бўлмайсан. Сенга ким қўювди раис билан ўйнашишни. Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан. Шунақа, ука, – қиҳ-қиҳлаб кулди семиз.

Файрат бўйини эгганича жим турарди. Барот тракторчини излади.

— Сайдвали, ҳов Сайдвали. Қаёққа гумдон бўлдинг?

— Шу ердаман, Барот ака! – тол танасидан эски тўнининг чангини қоқчанича чиқиб келди Сайдвали.

– Хизмат, ака?

— Сен ҳозир фермадан, – Файратни кўрсатди, – агроном ука билан гўнг ташийсан.

— Майли, ака. Агрономимиз одамни лапатка билан солиб қолмайдими? Сал анақа бўлди, дейишганди.

— Справкаси бор. Тузалган. – Файратга қараб гапирди Барот семиз. – Ука, справка олиб келдингми?

— Рухсат берсангиз, эрта-индин олиб келаман.

— Обкелинг, ука. Бизам сиз учун жавоб бериб юрмайлик тағин. Эртага қолдириб турасизми, ҳов шопир, – тол соясидаги тўшалган тўшакда ётган кишини чақирди. – Ҳой, Эшим қора, тур, намунча имилайсан, сенга айтяпман, тур. Бозорга бориб кел.

— Кечқурун дегандингиз-ку!

— Ҳозир боришга тўғри келиб қолди.

Эшим юзини ҳовузга чайди. Чўнтағидан кир рўмолчасини олиб, юз-қўлини артди.

— Барот ака, ҳеч тинчлик бермайсиз-да.

— Қўп ухлаш зарар. Бу гапни медицина айтган.

— Ўргилдим ўша медицинангиздан. Уйкунинг ҳам зарари бор эканми?

— Улар билишади. Испитат қилишган. Гапти қўпайтирма-да, қулоқ сол. Агроном аканг бизни бригадага ишга кепти, дўхтири қофози йўқ экан.

— Нима бўлти? Ҳамманики ҳам йўқ. Сизникиям.

— Бошқаларнинг йўриғи бошқа, билдингми? Ўзингдан катта гапирдими, қулоқ сол. Ҳозир аканг-

ни айтган жойига обориб, ишини битказасан. Кейин аканг машинага қараб туради. Сен бозорлик қиласан, билдингми?

– Бўпти, Барот ака, бизлар кетдик. – Эшим Ғайратга юзланди: – Кетдикми, ака?

– Майли!

Иккаласи кузовли юк машинасига чиқишиди. Машина ўрнидан қўзғалиб, йўлга тушди.

– Ғайрат ака.

– Лаббай!

– Чакки қилибсиз. Агрономлик дипломингиз билан шу тўнканинг қўлида ишлайсизми? Ишлаганингиз билан уч ойда арзимас пул беради. Бошқа жойда ишласангиз бўларди.

– Ука, онам кексайиб қолди. Олдида бўлай, дегандим.

– Кўнгил ҳам сўрамадим бундай ўтиб, қизингиздан дарак борми?

– Дарак йўқ. Раис ёрдамлашаман, дегандай бўлди.

– Раис ёрдамлашармиш. Икки дунёда ҳам ёрдам бермайди. Ким билади, сиз билан ўчакишиб ўшанинг ўзи қилганми?

– Билмасдан туриб бир нима деб бўлмайди, ука, бунинг устига у хотинимнинг амакиси бўлади. Яна ким билади?

– Одамни одам ўрнида кўрмайди. Юқорига ёзсангиз, юқоридагилар “чора кўрилди, ҳайфсан берилди” дейишади-да, алдашади. Шикоят қилганнинг кунини беришмайди. Мана, ўзингизни нималар қилишмади. Унга ҳам қаноат қилмай, жиннихонага ҳам ётқизишиди. Нимасини гапираман, ҳаммаси бошингиздан ўтди-ку. Мана болаларим гўштли овқат емаганига бир ой бўлди. Ойлик берганига тўрт ой бўлди. Ҳали пулдан дарак йўқ. Яхшиям вақтида улбул экканман, ўшаларни сотиб, кун кўриб ўтирибмиз.

– Ойнинг ўн беши қоронги бўлса, ўн беши ёруғ, ука.

– Қани ўша ёруғ кун, бирон бурчакда йилтираб кўринмайди-ку?

– Сабр қилиб турайлик.

У шундай деди-ю, Эркиннинг “оғзингга келганини гапиравермасдан, жим юр”, дегани эсига тушиб индамай қолди.

– Порахўрлик, кўзбўямачиликка қарши кураш бошланди, деб ўзимизни овутамиш. Яна бирон қарор чиқади, биз эса ўша-ўшалигимизча қолаверамиш, – ҳасрат қилди ҳайдовчи.

– Ҳақсан, ука. Лекин ўзимизнинг айбимиз ҳам кам эмас. Фақат қуллик қилдик, Москвага кўз тикиб яшадик. Аслида ҳамма қаллоблик ўша Москвадан тарқалади. Ион-ихтиёrimiz бир ипга боғланган-у, унинг тизгини гўё пулдорлар кўлидадек. Шу боис қулларга айландик. “Ура!”, “Яшасин коммунистик партия!”, “Совет ҳукуматига шон-шарафлар”, деган шиорларнинг орасида кўр бўлиб яшаемиз-да.

Сухбат билан манзилга етиб келишди. Ғайрат справкани олгач, уни врач ўртоги кузатиб чиқди.

– Хайр, омон бўл. Хўжаликка ишга жойлашганингни Эркинга етказаман.

– Бош врач шундай қилиб қаёққа кетди?

– Вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига ўринбосар бўлиб ўтди. Бундайлар қаллоб замонга керак. Улардан ҳали яхши одамларни азоблаш учун кўп фойдаланишади. Кўрдингми, аслида қамалиши керак эди. Кўтаришди. Бу дунёинг бир жумбоқ. Оми халқ тушенолмай оғиз очиб ҳайрон бўлиб ўтиб кетаверади. Пулдорлар эса замонга эга бўлиб қолаверишади. Мана сенга ҳаёт ҳақиқати. Шунақа, дўстим. Раис жуда пухта, ҳар қандай артистдан қолишмайди. Бу ёғи ўзингга боғлиқ, чидам билан ишлайсан. Ҳушёр бўлишингни қаттиқ тайинлашди.

– Хотиржам бўл, унчалик гўл эмасман, – улар машинагача шу тахлитда гаплашиб келишди.

Ҳайдовчининг ёнига келгач, врач бошқача гапира бошлади:

– Эҳтиёт бўлинг, жаҳлингиз бўлар-бўлмасга чиқавермасин. Умуман, бизнинг касалхонага бошқа ишингиз тушмасин.

– Раҳмат! Тушмасликка ҳаракат қиласман.

Ғайрат кабина эшигини ёпиб, врач билан хайрлашди. Машина ўрнидан қўзғалди.

– Ғайрат ака, дўхтирингиз яхши одам экан.

– Ҳа, шундай одамларнинг борига шукур, ука. Шундай яхшилар бўлмаса билмадим, яшашнинг ҳам ҳожати қолмасди.

Улар йўл-йўлакай бозорга киришди. Гавжум бозорни айланиб, ул-бул харид қилиб машинага чиқишиди.

Сухбат билан фермага етиб келишди. Ферма олди-даги шийпон тагидаги чорпояда Олимбек билан ферма мудири Нормат чой ичишарди. Машина секинлаби, молхонанинг гўнг йигиладиган чуқури олдида тўхтади. Эшим бозорликни шийпон қоровулига берди. Ғайрат белкуракни олиб, ишга тушди. Ҳайдовчи йигит ҳам қаердандир белкурак топиб келди-да, гўнг ортишга киришди. Машина ярим бўлганида Олимбекнинг Тўхлибой деган ҳайдовчии келди. Кулиб, бир оз уларнинг ишини кузатиб турди.

– Ҳорманглар, ҳорманглар энди!

Иккаласи бепарво:

– Саломат бўлинг, – деб алик олишди.

– Агроном, сизни катта чақирайтилар, – деди ҳайдовчи.

– Ҳозир бораман, оз қолди.

– Бораверинг, мен ортиб тураман, – деди Эшим.

Ғайрат белкуракни қўйиб, қўлини ариқда оқиб турган сувга чайди. Рўмолча билан артинди. Устбошининг чангини қоқиб, Олимбек ўтирган жойга борди.

– Ассалому алайкум, Олимбек ака.

– Ўтири, – қаршисидан жой кўрсатди Олимбек, – шаҳарга нега чиқдиларинг?

- Барот ака справка талаб қылдилар.
Раис кулди. Нормат унга қўшилиб кулди.
– Вой Бароти тушмагур, жа закунчи бўп кетибди-да. Майли, зиён қилмайди, бориб ишлайвер, – деди кула-кула.
– Хўп, – Ғайрат чорпоядан узоқлашди.
Ферма мудири тиззаларига уриб кулди.
– Эгарланган отдек қипсиз, қойил, катта. Мулла бўп қопти.
– Мулла бўлмай кўрсин-чи, қочар жойини минг танга қиласман. Эрталаб йиғлаб кирганини кўрмадинг. Гадодек пул сўради. 100 сўм бердим. Минг бор таъзим қилиб, чиқиб кетди. Шунақа! Ўжарлиги бошига етди.
– Қойил сизга, беш кетдим.

Ғайрат шу зайлда 6–7 кунни ўтказди. Раисга яқинлашмади.

Кутилмаганда бир куни Ғайратнинг уйига Олимбек кириб келди.

- Келинг, Олимбек ака. Қани ичкарига. Ҳанифа, амакинг келдилар, жой тайёрла, – раисга мурожаат қилди.– Келинг, кираверинг, Олимбек ака.
– Вақт зиқ, кийиниб чиқ. Уйдагиларингга айт, эртага келасан.

- Яна нима гуноҳ қилдим, Олимбек ака?
– Ҳеч қандай, бу сафар ростакамига меҳмонга борасан.
– Сиз нима десангиз шу-да, – дея у ичкарига кириб кийиниб чиқди.

- Олимбек ўғлим, чой ичиб кетсангиз бўларди.
– Бошқа сафар, албатта, ичамиз. Жиянча топилсин, қидиртиряпмиз.

Улар машинага чиқишли. Рулда раиснинг ўзи, анча жойгача жим кетишиди. Жимликни раис бузди:

- Кўрқаяпсан-а?
– Тўғри топдингиз. Қизим йўқолди, энди ўзимга навбат келганга ўхшайди.

– Вой жиннивой, сени йўқ қилиб, жоним мингтами? Сенинг орқангда тоғдек суюнчиғинг бор. Бир чертса, учиб кетаман. Тўғри, бир-икки марта ўша тоғингга ҳам қарамасдан сени гумдон қилишга буйруқ бердим, уддасидан чиқишолмади...

– Шунчалик мустаҳкам тогим борми? Ўзим билмаганим қизик.

– Ҳозир биласан.

Олимбек тоғдаги боққа етишгач, машинани тўхатди.

– Кўзингни боғлашим керак.

– Нега?

– Бу жойга келган ҳамма кишининг кўзи борадиган ерга етгунича боғланади.

– Шунчалик зарур бўлса боғлай қолинг.

Раис ўриндиқдаги сумкадан қора рўмол олиб, Файратнинг кўзини боғлади. Яна машина бир оз ўнқир-чўнқир йўлдан юрди. Тўхтади. Сўнг уни отга миндиришди. Қандайдир ўнқир-чўнқирлардан ўтишди. Бир соатча йўл юришгач, Файратнинг кўзидаги боғични ечишди. Бу пайтга келиб, зимзиё қоронгилик бошланган, атрофда ҳеч нарса кўринмасди. Файрат раиснинг қора шарпасига эргашди. Уни ваҳима босди. Аланг-жаланг атрофга боқди. Кўзи қоронгиликда ҳеч нарсани илғамади. Афтидан, улар ғорда кетишаётган экан, ўн қадамча юришгач, ташқарига чиқишидди. Ойдин кеча. Кўлига курол ушлаган бир киши уларни тўхтатди.

– Яхши келдингизларми, Олимбек ака? Қуролингизни беринг.

Раис кўйинидан тўппончасини олиб узатди. Номаълум киши қуролни олиб, чўнтағига солди.

– Шеригингизда ҳам курол борми?

– Билмадим.

Номаълум шахс Файратга юзланди:

– Қурол борми?

– Йўқ.

– Ҳарқалай хафа бўлмайсиз. Эҳтиёткорлик яхши. Тинтув қилиб кўрамиз.

– Иҳтиёрингиз.

Ғайратнинг чўнтак ва кийимлари сермалаб кўрилди. Ҳеч нарса йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, соқчи йўл бошлади. Баландлик олдидаги ғорга яқин боришгач, эшик кўринди. Номаълум шахс эшикни очиб, русчалаб:

– Леон, меҳмонлар келишди. Хабар қил, – деб қайтиб кетди.

Бир оздан сўнг иккинчи номаълум шахс ташқарига чиқди.

– Кираверинглар. Ҳамма йигилган, сизларни кутишаётганди.

Ичкарига кириб Ғайратнинг оғзи очилиб қолди. Чироқлар ёнган, юмшоқ, қимматбаҳо гиламлар кишининг кўзини ўйнатади. Ичкарима-ичкари учта хонадан сўнг ёруғ хонага киришди. Мебеллар чет элники, ҳаммаси яшил рангда. Хона ҳам яшил. Деворларга ялангоч қизларнинг суратлари чизилган. Қаердандир, узоқ-узоклардан, электр дизелнинг овози эшитилади. Хонада беш-ён одам креслоларда ястаниб, видео томоша қилишарди. Парда орқасидан кириб-чиқиб турган иккита хушсурат қиз кимнингдир дастурхонидаги бўш шишани янгилайди, кимгадир овқат келтиради, ўтирганларнинг баъзиси қизларга тегажоғлик қилишади. Тўрдаги чоғроқ тебранчик креслода тўладан келган, юзлари қизил, эгнида вельвет костюм-шим, оқ кўйлак, галстук тақиб олган бир киши ўтирибди. Ғайрат зехн солиб қараса, Хондамирга ўхшайди.

Ҳаммага гердаядиган Олимбек ҳам мулойимгина бўлиб қолганди. Уларни кўрган ҳалиги киши ўрнидан туриб, истиқболларига келди. Ғайратнинг эсига “лоп” этиб институтга ҳужжат топширган пайтлари тушди. Бундан йигирма йилча олдин ёши ўттизларда бўлган шу одам – қабул комиссияси котиби, Ғайрат

билин бир умрлик ака-ука тутинган Хондамир унинг рўпарасида қулиб турар эди. У қулоч очиб келиб:

– Насиб экан-да, топдим-а, кўрдим-а, – дея Файратни бағрига босди.

Файрат унинг муомаласидан ҳайрон қолди.

Шеф ўтирганларга қараб:

– Бизларни холи қолдиринглар, – деди.

Олимбекдан бошқа ҳамма ўрнидан туриб, чиқиб кетди.

– Қара-я, кўришмаганимизга ҳам йигирма йил бўлиб қолипти, – меҳр билан гап бошлади Хондамир.

– Ўшанда айтмаган эдим, аслида ўгай аканг бўламан. Дадамиз сенинг онангга уйланишдан олдин, студент пайтида менинг онамга уйланган, мен унинг пушти камаридан эканман, ҳов, бир гал сен уйга келганингдан кейин онамдан эшитгандим. Институтда партком секретари бўлганимдан, кейин Москвага ишга кўтарилиб кетганимдан хабаринг бор. Москвада катта одамлар билан танишдим. Бир қизга уйландим. Айтганча, сени Фотима билан муносабатингни кейинроқ эшитиб қолдим. Билганимда унга тегинмасдим. Тўғрисини айтсан, у сенга ҳам вафо қилмасди. Бир марта айтганимдаёқ машинамга ўтириб, мен истаган жойларга бордими, ундан вафо кутишинг ортиқча, шунинг учун сен хафа бўлма, мен жанжаллашиш учун келганингни яхши эслайман. Ўшанда йигитлар бир оз “сийпалаб” қўйишганидан ҳам хабарим бор. Мени тўғри тушунгандирсан, деб ўйлайман!?

– Тушундим! – деди Файрат кутилмаганда акалик бўлганидан ҳайрон бўлиб.

– Олимбек ака, қани айтиб беринг, бўлиб ўтган гапларни.

Олимбек ерга қараганча гап бошлади:

– Ҳақиқатан ҳам бу мард киши сенинг аканг бўладилар. Бундан роппа-роса эллик йил муқаддам аданг шаҳарда бу кишининг онасига уйлангандар. Ҳозир бир сабаб билан шу ерда дам оляптилар.

Шу киши билан яқин бўлмаганимда сени барибир ўлдирирардим, – деди Олимбек.

– Пастки хонага тушинг, Олимбек ака, – дея шеф унга жавоб берди. Сўнг Ғайратга қаради. – Сен менга ўгай бўлсанг ҳам, укамсан. “Отаси бир отга мин, отаси бошқа отдан туш”, деган мақол бор. Мана мен ҳам элликка қараб бораяпман. Йиқсан бойлигим етти пуштимга етади. Энди улар менга тотли кўринмайди. Гапдан гап чиқиб, Олимбек ака бир куни менга онанг ҳақида гапирди, сенга ўзининг жияни хотин бўлиб тушганини сўзлади. Шундагина эсимга келдинг. Сизларга ортиқча жабр қилмасликни мен тайинлагандим.

– Ха, раҳмат! Ортиқча жабр қилишмади, ўлдириб кўйишиларига сал қолди, холос, – деди Ғайрат.

– Ўзинг ҳам бекор ўчакишибсан-да! Олимбек – менинг одамим... Ҳозир омади келмай турибди. Омади келай деб турувди – вилоятнинг каттасига айланётувди.

Ғайрат бу гапларнинг бир қисмидан хабардорлигини яширди. Аммо акасининг Олимбекка қандай алоқаси борлигини тушунмади.

– Ҳатто қўшни вилоятлардаги бойваччалар ҳам уни билишади.

– Биламан қўли узунлигини. Айтганча, қизингни кўргинг келмадими? Одам ҳам боласини йўқотиб, лаллайиб юрадими? Бўшлигинг учун Олимбекка эзғиланиб юргансан. Менга ўхшаганингда кекирдагини узиб, қўлига берган бўлардинг.

Хондамир ёнида қизил, кўк ёниб турган тугмачани босди. Гилам орқасидан “ғийқ” этиб эшик очилиб, бир хотин кўринди.

– Лаббай, хўжайин.

– Шаҳнозани олиб чиқ.

Сал ўтмай зар лиbosга чулғанган 5-6 яшар қизалоқ – Шаҳноза билан аёл чиқди.

– Амакијон, мен келдим, – қизалоқ югуриб ке-

либ Хондамирни қучоқлади, икки юзидан ўпди. Кейин отасига кўзи тушди. – Адамла кептила, ура! – қизалоқ Файратни қучоқлаб ўпди. – Ада-чи, ада, амаким зўрла, ҳамма кўрқади. Мани яхши кўралла. Онамлани обкелинг, бу ер жа яхши экан...

– Майли, қизалоғим, майли, эсон-омон экансанку, шунисига ҳам шукур.

– Мен бор эканман, сенга зиён-заҳмат етмайди,
– деди Хондамир. Кейин Шаҳнозани қучоғига олди:
– Кетасанми?

– Кетмайман. Уйда ўйинчоқлар йўғ-у! Онам билан момомни олиб келайлик, амаки, хўпми?

– Майли, эркажон, майли, ҳаммаси сен айтганча бўлади..

– Амакижон, обкела қолинг.

– Борақол, қизалоғим, – дея у ҳалиги хотинга “олиб кет” имосини қилди. Чиқиб кетишди.

– Кўрдингми, гўдак ҳам яхши яшашни истайди. Сенга нима бўлган, гапир укам. Нега бегонага ўхшайсан? Мени ҳам хўрлашган. Билиб қўй, давлати йўқ одам ҳамиша ҳақоратланади. Мен сенга бир яхшилик қилмоқчиман. Ўзимнинг бошимга қўнган баҳт қушини сенинг бошингга қўндиromoқчиман. Чунки шу моментда менинг сендан яқин одамим йўқ. Факат бир шартим бор: буни мен уюштириб бераман, аммо ҳеч кимга айтмайсан.

– Тўғрисини айтсам, ҳеч нарсани тушунмадим.

– Бунинг нимаси тушунарсиз. Менинг шу худудни бошқаришга ваколатим бор эди. Энди вазият ўзгарди. Аммо, арслоннинг ўлиги сичқоннинг тириги, дегандай, ҳалиям бу вилоятга бошлиқ қўя олишга кучим етади. Шунга, бошқа бир одамни эмас, укам бўлганинг учун сени танламоқчиман. Ҳозирги вазијатда бундан оқилона иш тополмадим.

Файрат бу гапдан кулиб юборди. Яқиндагина гўнг ортишга мажбур бўлгани, руҳий хастахонадаги аҳволи эсига тушди. Бир зум ўзини вилоятни

бошқараётган одам сифатида тасаввур қилиб кўрди ва яна кулиб юборди.

– Нега куласан? Ё ростдан ҳам психлигинг борми?
– сўради Хондамир.

– Психлигим-ку, йўқ. Оддий агроном қандай қилиб вилоятни бошқаришини ўйлаяпман.

– Бу ёғини бизга кўйиб беравер, мен ҳаммасини тарозига солиб кўрдим. Собиржонов сенга кўпроқ ишонаркан, рози бўлсанг, ўзим сенга маслаҳатчи бўламан ва... бошқараверамиз.

– Олимбек aka нима қилади?

– Уни қўявер, биз нима иш қил десак, шуни қилиб юраверади...

– Бу мен учун кутилмаган гап бўлди-ку. Бир куннекки кун ўйлашга рухсат берасизми?

– Икки кун эмас, ярим сутка рухсат бераман. Эртага эрталаб жавобини айтасан.

– Бўпти, келишдик...

Ака-ука аввал қўл бериб, сўнг кучоқлашишди.

Файрат кутилмаган бу таклифдан гаранг эди.

Яна кўзлари боғланган ҳолда чиқиб кетар экан, ўйлаб ўйига етолмасди.

* * *

Файрат эндигина уйига етиб келиб ечинган эди, кимдир эшикни қаттиқ тақиллатди. “Ким?” деган саволга, “Мен, отингни олиб келдим”, деб жавоб берди. Овозидан Эркинлигини билган Файрат отни оғилхонага ҳайдаб, дўстини меҳмонхонага таклиф қилди.

– Ўзгариш катта-ку, – деди Эркин унинг “Adidas”ига ва столдаги ноз-неъматларга ишора қилиб.

– Ўзгариш катта, – унинг гапини такрорлади Файрат.

– Хўш, нима янгиликлар, гапир, Олимбек билан ярашиб олдингми?

– Ярашиш ҳам гапми, акамни ҳам топиб берди.

– Аканг? Қанақа ака?!

– Хўв, ўқишига кираётганимизда “сенинг узоқ қариндошингман”, деган одам бор эди-ку!

– Хўш-хўш.

– Ўша одам Москвага ишга кўтарилиган экан. Ўзининг айтишича, бир сабаб билан Олимбекнинг бизлар билмайдиган дачасида ётган экан.

– Бизлар, яъни, ҳеч ким билмайдиган дачаси қаерда экан?

– Менинг кўзимни боғлаб олиб боришди. Аммо ўзимча “Бургутдара”га боряпмиз, деб хаёл қилдим.

– Бургутдарада? Хўш-хўш, гапиравер-чи?

Ғайрат акаси билан бўлиб ўтган сухбатни оқизмай-томизмай гапириб берди.

– Да!.. Фалати гаплар. Олимбек Янаевнинг одами. Аканг Москвада ишлаган... Тўхта-тўхта.

– Тўхтадим.

– Собиржонов бир гапида: “Янаев Ўзбекистондаги қатор вилоятларни бошқаришга ўз одамларини юборган, аммо биз уларнинг кимлигини ҳам, қаерга келишганини ҳам билмаймиз”, деганди. Тағин ўша одамлардан бири аканг бўлмасин?

– Ким билади. Хуллас, жуда бой-бадавлат яшаётган экан. Қайтаётганимда кийим-пийимингни янгилашиб ол, деб, ўн минг бериб юборди...

– Ўн минг... Ўзингни ҳам сотиб олмадими ишқилиб?

– Мени сотиб олиб бўпти!..

– Бўлмаса, сен билан эртага учрашамиз, – деди Эркин ва шитоб билан чиқиб кетди.

* * *

Ғайрат Бургутдарадан кетганидан кейин, Олимбек ва Хондамир ёлғиз сухбатлашишиди.

– Мен шу укангизга, ўзимнинг куёвимга унчалик ишонмай турибман, – деди Олимбек.

– Нега?

— Чунки, бу болани анча-мунча синааб кўрганман. Ўлгудай ўжар.

— Ўжар бўлса ўзига. Биз уни вақтинча мансабдор қиляпмиз. Вақти келганда осонгина тортиб олиш учун.

— Ундан бошқа одам қуриб қолувдими? Нега шунга ёпишиб олдик, тушунмадим.

— Буни тушуниш учун маълумотга эга бўлиш керак. Бизга маълум бўлган ахборотлар шуни тақозо қиласди. Вақтинча ишлайверсин, керак бўлмаган пайти секин алмаштириб қўямиз, — деди деярли шивирлаб Хондамир.

Олимбек унинг уддабуронлигига қойил қолди. “Сопини ўзидан чиқаряпти, балки Файратнинг ҳам ақли кириб қолгандир”, деди хаёлидан ўтказди. Бу пайт вақт алламаҳал бўлган, одамларнинг аксарияти бир уйқуни олган эди...

* * *

Тонг отар-отмас Бургутдара осмонида иккита вертолёт пайдо бўлди. Уларнинг биридан ўн, иккинчисидан ўн бешта тиш-тирноғигача қуролланган йигитлар – ОМОНчилар ва ДҲҚ ходимлари парашютда сакрашди.

15–20 дақиқа ўтмасдан улар Бургутдарани ҳалқа шаклида ўраб олишди. Ҳалқа аста-секин торайиб борар, гурӯҳ ғорга яқинлашарди. Ғордан бирин-кетин ўтишган ҳам эдики, қарши томондан автоматлар тариллаб қолди. Йигитлар ўзларини тоғ-тош орасига олишди. Шу пайт тепада яна битта вертолёт пайдо бўлди ва ундан яна ўн бештacha одам сакради. Бургутдарага хужум бошланди. Ичкаридагилар кирқ одамнинг хужумига бир соатча бардош беришди, сўнг бирин-кетин қўл кўтариб, қоялар ортидан чиқа бошлишди. Биринчи бўлиб Хондамир ва Олимбек чиқди. Кейин қолганлар ҳам ҳисбга олинди. Шаҳноза соғомон уйига олиб келинди.

* * *

Иблис уяси ишғол қилингандын күннинг эртасига Толибнинг жасадини ўликхонадан олиб келишиб, кағанлаб кўмишди. Бутун қишлоқ аҳли азага қатнашди. Эркин ва Ғайрат бел боғлаб, таёқ суюниб туришди. Биргалашиб маъракаларини ўтказиши.

Кўп ўтмай Олимбек, Хондамир ва уларнинг ҳамтовоқлари устидан жиноий иш очилиб, тергов бошланди. Тергов давомида бу талвасадаги иблислар томонидан Толибга ўхшаган ўнлаб бегуноҳ инсонлар умри барбод қилинганини аниқланди.

Суд олти ой давом этди. Зўравонларнинг қутқуси билан қамалган бегуноҳ инсонлар озодликка чиқарилди. Ўлганларнинг номи оқланди. Гувоҳлар кўпайди, ҳатто Олимбекнинг гумаштаси бўлиб юрган Сувон пиён, Барот семиз ҳам унга қарши гувоҳлик бериши. Россия Федерал хавфсизлиги хизмати томонидан қидирудва бўлган Хондамир қамоққа олинди. Бургутдара қўйнидаги иблис уяси эса Олимбек қўлга тушган күннинг эртасига ёқ бутун мол-дунёси билан номаълум кишилар томонидан портлатиб юборилган эди.

1991–1992 йиллар

КЎЗОЙНАҚ

Ёзниңг сўнгти жазирама кунлари. Самарқанд шаҳрининг Сартепа мавзеси Дарғом каналига яқин бўлгани сабабли бир оз шабада эсиб, жонга ором баҳш этади. Темир-бетондан қурилган кўп қаватли уйлар оралиғи дим, кечқурун вақт алламаҳал бўлганича одамлар хоналарига киришга юраклари бетламайди. Шундан бўлса керак, айниқса, аёллар юқори қаватлардан пастга тушишиб, ўтган-кетган гаплар билан вақтни кеч қилишади.

– Нодираой! – деди пучуккина аёл. – Қўшнингиз

Мехриой икки-уч кундан бери кўринмай қолди. Ё бирон жойга кетиб қолдимикан-а?

– Хайронман, – дея учинчи қаватга ажабланиб тикилди лўппи юзли жувон.

– Невараларининг ҳам овози эштилмай қолди, уйни кўттаргудек шовкин-сурон солиб ётишарди.

– Шуни айтаман-да, – пучуқина аёл ҳам тепага назар солди.

– Шарпаси ҳам сезилмайди. Уйида бўлганида, пастга тушмасдан қолмасди-я.

Нодира шаҳардаги коллежлардан бирида ишларди. Кундузи уйда кам бўлади. Турмуш ўртоғи ҳам ўз иши билан банд. Нодира кечадан бошлаб қўшнисиникида жимжитлик бўлганидан кўнгли хавотирда. Мехри хола ҳар сафар қаерга борса, албатта, Нодирага айтиб кетарди. Уйида неваралари борлиги учун яқин ойларда бир-икки кунга меҳмондорчиликка кетмаган. Нодира эрталаб ишга жўнар экан, қўшнисиникидан қандайдир димокқа урилувчи қўланса ҳид келаётганини сезди. Пешиндан кейин ишдан қайтса, ҳид яна кучайибди. Шу сабабли ҳам гумонини пучуқ хотинга айтгиси келди.

– Мушарраф хола, қўшнимнинг меҳмонга кетгани рост. Уйидан офтобда бузилган гўштнинг ҳиди анқияпти.

– Гўштнинг? – ажабланди пучуққина аёл.

– Нима деяпсизлар? – гапга аралашибди яқинда нафакага чиққан аёл. – Уйидан бузилган гўштнинг ҳиди чиқаяпти?

– Шунга ўхшашроқ, – деди Нодира.

– Бефарқ қараб бўлмайди, – аёлнинг юзини жиддийлик қоплади. – Яна икки кундан бери кўринмай қолди, деяпсизлар. Қўшнингизга бирор кори-хол бўлган.

– Билмадим, – Нодиранинг ҳам юзини маъюслик эгаллади.

– Саодатхон! – пучуқ аёл киноя қилгандек бўлди.– Юристлигингизга бордингиз-да!

Саодат опа ички ишлар бўлимида меҳнат қилган аёллардан эди. Мушарраф холанинг киноясига эътибор бермади. Аксинча, аёлларни етаклаб юқорига кўтарилди. Мехрининг эшигини ташвиш билан қоқишиди. Лекин уйдан садо чиқмади. Фақат кўнгилларни айнитгувчи ҳид уларни янада шубҳага солди, холос. Саодат опа хеч иккиланмай яқинда жойлашган милиция таянч пунктига телефон қилди. Тез орада бир лейтенант йигит етиб келди. Қўшнилар гувоҳлигига эшик бузилиб, уйга кирдилар. Не кўз билан кўрсинларки, уйнинг ҳаммомхонасида аёл кишининг қонга бўялган мурдаси ётарди. Дам олиш хоналарида эса З нафар зўрланган ва бўғиб ўлдирилган норасида гўдаклар тошдай қотган эди. Қўшниларни безовта қилган ҳид қандайдир қотилнинг жирканч қилмишидан далолат бериб турарди.

Лейтенант йигит шаҳар прокуратурасига шошилинч хабар берди. Тез орада қотиллик содир бўлган уйга Самарқанд шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси А.Зокиров бошчилигидаги гуруҳ етиб келди ва уйда синчковлик билан текширув ўтказилди. Чиндан ҳам хонада қўланса ҳид анқишига кўра, бу ерда бир неча кун илгари даҳшатли ҳодиса юз берган эди. Ҳаммомда кўкрак қафаси бурдаланган, қўл ва оёклари кесилган яланғоч аёл ётарди.

– Бу аёл ким? – деди А.Зокиров эшикда ёпирилиб турган қўшниларнинг иккитасини чақириб. – Танийизларми?

– Ҳа!

– Танийиз!

Қўшнилар кўркувдан йиглаб юбордилар.

– Бу шу хонадон бекаси, Мехрий Соҳибова! – улардан бири ўзини йифидан аранг тутиб олар экан, шу сўзларни айтди.

Шошилинч гуруҳ уйнинг хоналарини кузатишга киришиди. Дам олиш хоналарида сиртмоқ билан бўғиб ўлдирилган уч норасида гўдакнинг жасади ётарди.

А.Зокиров сўрашга ҳали оғиз жуфтламаган эди, ёнида хонага қўшилиб кирган қўшнилардан бирининг нафрат ва ғазаби қайнаб кетди.

– Эҳ, абллаҳлар! Невараларини ҳам ўлдириб кетишибди-ку!

А.Зокиров фожиани вилоят прокуратурасига етказди. Вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси А.Шамсиқулов тўпланган материалар билан обдан танишиб чиқар экан, юзида ғазаб кўпчиб, қошларини чимиради. Бу қайси қотилнинг иши, қонсираган муртаднинг қилмиши экан. Бойлик учун қилинганми ёки шаҳвоний хирс учунми? А.Шамсиқулов ушбу жиноят иши жуда мураккаб ва ўта долзарблигини ҳамда жиноят иши юзасидан кўплаб процессуал ҳаракатлар ўтказилишини назарга олиб, дастлабки тергов юритишни тезкор тергов гурухига топшириш лозим деган хулосага келди. Тергов гурухига Самарқанд вилоят прокуратуроси жиноятларни тергов қилиш бўлими алоҳида мухим ишлар бўйича терговчиси I даражали юрист И.Асроров раҳбар қилиб тайинланди.

Ёш терговчи И.М.Асроров қасддан одам ўлдириш фожиасидаги жиноятчини аниқлаш ва топиш нақадар қийин эканлигини сезса-да, тезкор-тергов гурухига раҳбарликни ўз зиммасига олди. Аввало, қасддан ўлдирилганларнинг шахси аниқланди.

Соҳибова Мехриой – 1955 йилда туғилган, оиласлик, эри ўлган, 1 фарзанди бор. “Мадина” чойхонасида ишлаган.

Рахимов Рустам – 1999 йилда туғилган, 1 синфда ўқиган.

Рахимов Султон – 2001 йилда туғилган, боғчада тарбияланувчи.

Рахимов Бекжон – 2003 йилда туғилган, боғчада тарбияланувчи.

Тезкор-тергов гурухи воеа жойини синчковлик билан кўздан кечириб, ашёвий далиллар сифати-

да қонга ўхшаш доғлари бўлган икки дона ошхона пичоги, қонга ўхшаш доғлардан намуналар, сим ва арқон бўлаклари, қон доғлари бўлган эркаклар жинси шими, эшиқдан қўл бармоқ излари олишди ҳамда воқеа жойи рангли фото ва видео тасвирга туширилди. Марҳума ва марҳумларга суд-тибиёт экспертизаси тайинланди. Қотиллик аниқ, тезкор-тергов гурухини фақат уни аниқлаш ва исботлаш муаммоси қийнарди. Кўни-қўшнилар ёрдамга чакирилиб, сўров ўтказилди. Ёши ўттизларга яқинлашган йигит анчадан бериб сезиб юрган гумонларини айтишга жазм этди.

– Сезишимча, икки йиллардан бери шу хонадонга Шуҳрат исмли йигит келади. Ёши тахминан ўттизлардан ошган, қора соч, қора кўз, мўйлов кўйган, ҳамиша қора кўзойнак тақади. Бир-икки марта Мехрий опа билан ҳам, унинг келини Раънохон билан ҳам бозор қилишиб келиشاётганини кўрган эдим. 26 август куни шу йигитнинг подъездга кириб кетаётган эди. Аммо унинг қаерда яшашидан хабарим йўқ.

– Унинг шахсини аниқроқ ким билади, деб ўйлайиз? – тергов гуруҳи раҳбари босиқлиқ билан савол берди.

– Албатта, норасидаларнинг онаси-да!

– Раънохонни айтаяпсизми?

– Ҳа-да! Йигитни Раънохон билан ҳам бир неча бор кўрганман дедим-ку!

Жиноятнинг изи топиласяпти, лекин Раънохон билан сухбатлашишнинг ҳозирча иложи анча қийин, у Россиянинг Белгород шаҳрида, эри Ўқтамнинг ёнида эди.

Ўқтам иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолгач, 2003 йилда ўғиллари ва хотинини онаси Мехрийга қолдириб, Россияга ишга кетган эди. Кейин Раънохон 2006 йилнинг 10 июлида болаларини қайнонасига қолдириб, Белгородга учиб кетди. Эру хотин ижара-

да турган уйнинг эгаси Бринцев Анатолий Иванович кутилмагандан уларга совуқ хабарни етказди.

– Ўкта! Самарқанддан телефон қилишди. Онанг билан уч ўғлинг касалхонага тушибди, ахволи оғир эмиш.

Эру хотин тугунни тугиб, 2006 йилнинг 1 сентябрь куни Самарқандга етиб келишди. Ўкта мушфиқ онаси ва бегуноҳ фарзандларини ким ўлдирганини сира тасаввур эта олмасди. Чунки умрида бирорга зиёни теккани йўқ, қўни-кўшниларни хафа қилмаган. Раънохон ҳам қотиллиқда ҳеч кимдан гумони йўқлигини билдириди. Лекин унинг фарзанд доғида куйган юзларию, қизарган кўзларида қандайдир сирли дард, кимдандир гумондорлик ҳисси сезилиб турарди. Тезкортергов гурухи раҳбари Раънохонни жабрланувчи сифатида сўроқ қилди.

– Мусибатдан оғир изтироб чекканингизни билб туриман, – деди бир оз ғамгин оҳангда гурух бошлиги.– Наилож!

Раънохон бошини эгган ҳолатда пиқирлаб йиғлади-ю, бир сўз демади. Яна гурух бошлиғи сухбатни давом эттириди.

– Бирор кишидан гумонингиз йўқмиди?

– Сира ўйлаб тополмаяпман.

– Қайнонангизнинг эри йўқ экан, балки бирор яқини бўлгандир?

– Ҳеч сезмаганман.

– Сезмаганман, денг-а? – гурух раҳбари бу саволни атайлаб берди.

Раънохон бошини кўтарди-ю, унга шубҳали тикилгандай, бир муддат қараб қолди. Сўнгра яна бошини хам қилиб пиқиллади ва ниҳоят ўкириб йиглаб юборди.

– Ҳеч ким билан яқинлигини сезмаганман, дедимку! Уйимизга сира бегона эркак келмаган.

– Яхшилаб ўйлаб кўринг, – деди гурух бошлиғи босиқлик билан. – Ахир, яқин жигаргўшаларингизни

ўлдиради-ю, бирор гумонингизни айтмасангиз, уларнинг руҳи олдида гуноҳга ботасиз. Ҳа, айтгандай. – Раънохоннинг йиглаши қўнглини бузгандек, “ух” тортди-ю, қўшиб қўйди. – Балки ўзингизда бирор таниш бўлиб, гапингиз қочган жойи бордир.

– Йўқ! – деди Раънохон кескин оҳангда.

– Яна билмадим! – гуруҳ бошлиғи талмовсираган бўлди. – Эрингиз Россияга кетгандан буён уйларингизга Шуҳрат деган йигит кириб чиқарканми-ей!

– Ким айтди? Ёлғон!

– Яхшилаб эсланг! Ёши ўттизлардан ошган, қора соч, қора кўз, мўйловли йигит. Қора кўзойнак тақиб юрган, қўшнилар баъзан сизни, баъзан қайнонангизни у йигит билан кўришган. – Гуруҳ бошлиғи овозини кескинлатди: – Мурдалар тахминимизча, тўрт кун уйда қолиб кетишган. 26 августда ўша йигит уйларингизга кираётганлигини аниқ кўрганлар бор. Яширмасдан айтаверинг, шаҳардаги ўттиз ёшларни қоралаган Шуҳрат исмли йигитлар рўйхатга олинди. Сиз билан учраштиришга тўғри келади. Улар орасида шаҳар ёнидаги қишлоқда яшовчилари ҳам бор.

Тергов гуруҳи раҳбари сўнгги сўзини атайлаб айтди. Бундан мақсад Шуҳрат шаҳарда ёки қишлоқда яшашини билиб олишдан иборат эди. Ҳаракат ёмон чиқмади. Раънохон тергов гуруҳи раҳбари жазманни Шуҳрат билан алоқаси борлигини қандай билиб қолганидан ҳайратланди. Шу боис унинг юзига ялт этиб боқар экан, жазмани қотиллик қилганига сира ишонгиси келмасди. Нима бўлса-да, тўғрисини айтишга мажбур бўлди.

– Шуҳрат деган йигитни таниган жойим бор. Ко-мила янгамнинг таниши. Ёлғон эмас, уйимизга ҳам янгам билан бир-икки марта келган. Ўзининг айтиши бўйича, шаҳар атрофидаги Пулимуғоб деган жойда яшайди.

Тезкор-тергов гуруҳи анча фаоллашди. Улар Самарқанд туманидаги Пулимуғоб қишлоғи то-

мон йўл олдилар. Шуҳрат Оллоёровнинг уйи тинтуб қилиниб, керакли ашёвий далиллар олинди. Шуҳратнинг ўзини уйидан топиш амри маҳол бўлсада, лекин гурух аъзоларининг диққатини стол устида турган қора кўзойнак жалб этди. Кўзойнак қоғозга ўралди ва унга алоҳида рақам қўйилиб олиб кетилди. Яна шунга ўхшаш иккита қора кўзойнак билан биргаликда Раънохонга таниб олиш учун тайёрлаб қўйилди.

- Хўш, Шуҳрат қора кўзойнак тақармиди?
- Ҳа! – деди Раънохон сўниқ овозда.
- Сизга бир нечтаси кўрсатилса, таниб оласизми?
- Таниб олсан керак.

Тергов гурухи бошлиғи қоғоз халтачадан учта қора кўзойнакни олиб, унинг қаршиисига қўйди. Раънохон гурух аъзолари белгилаган қора кўзойнакни адашмасдан таниб олди.

– Бу кўзойнакни Шуҳрат таққан пайтда кўрганман. У кўзни яхши кўришга мўлжалланган. Эсимда қолгани ойнакнинг ойна четлари қорароқ рангда, ойналари ўртача ўлчамда, бошқа кўзойнакларга қараганда анча тиник.

Тергов гурухида Шуҳратни қотилликда айблаш мумкинми, деган гумон уйғонди. Кўзойнак билан боғлиқ тергов ҳаракати тасвирга туширилди. Кўзойнак қоғоз халтачага солиниб, муҳрланди. Шуҳрат Оллоёров 2 сентябрь куни жиноятни содир қилинганликда гумонланувчи тариқасида ушланди ва унинг шахсини аниқлашга киришилди.

* * *

Оллоёров Шуҳрат 1973 йил 15 марта Самарқанд туманидаги Пулимуғоб қишлоғида туғилган. Маълумоти 9 синф. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси билан 20 йилга судланган. 2005 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги

муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарорга асосан тайинланган жазосидан озод этилган. Оиласи билан ажрашган, икки фарзанди бор. Ҳеч қаерда доимий ишламай, якка тартибда меҳнат қилиб юрган.

2005 йилнинг 30 декабрь куни, қишининг изғиринли бир палласида Пулимубобда Шухрат қамоқдан келибди, деган гап тарқалди. Ахир у 20 йилга қамоқ жазосига тортилган эди-ку? Хайрият, одам бўлиб қолибди шекилли? Элнинг оғзида турли тахминлар юради. Нима бўлса-да, Шухратнинг қишлоққа келгани рост эди. У қамоқдан қайтгани билан юриштуришида ўзгариш сезилмади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, яна оғирнинг устидан, енгилнинг остидан яшашни одатга айлантириди. Якка тартибда ишлади, гохи-гоҳида ўғирлик қилишдан ҳам ўзини тиймади. Шухрат қишлоғида яшовчи Кўлдош исмли амакиси билан мардикорлик қилиб юрди.

2006 йилнинг баҳор кунларида. Шухрат Кўлдош билан Самарқанд шаҳридаги “Чашма” ресторанида ишлаётган эди. Кутимаганда у, Кўлдошга мурожаат қилди.

– Оғайни, ҳеч кўникмаяпман-да?

– Нимага?

– Нимага бўларди, қишлоқда яшашга-да!

– Бу кайфиятингни йўқот, – деди Кўлдош унга тасалли бериб. – Қишлоқ сен туғилган жой, иззатхурмат қиласидиган шу қишлоқ. Бунинг устига, қариндош-урӯғ, оғайни, дўстларинг шу ерда. Кетиб қаерга борардинг?

– Қишлоққа меҳрим қолмади. Оила, бола-чақа бўлсаям, эрмак бўларди. Ишдан сўнг уйга меҳр тортиб боролмаяпман.

– Хафа бўлма, – деди Кўлдош унинг кўнглини кўтариб. – Ҳали уйланасан, бола-чақа кўрасан. Қишлоқда сендан зўри бўлмайди.

– Билмадим-да! ...

Шухрат хаёлчан кўчага қаради. У қаергадир ке-

тиб қолиши истарди. Шуҳрат Кўлдошнинг ёнида ишлагандек, у ёқдан-бу ёққа ўтди-ю, тез орада гум-дон бўлди. Кўлдош унинг йўқолганини сезди, гапи, берган маслахати кор қилмаганидан бир оз ранжи-ди. Ишни яқунлаб, кийимларини ечиб, янгиси билан алмаштирди. Шуҳрат қишлоққа кетиб қолган бўлса, эртага панд-насиҳат билан яна ишга қайтаришни ният қилди. У бекатга келиб, қишлоққа жўнайдиган “Дамас”га чиқди. Чипта пулини узатиш учун чўнтағига қўлини тиққан эди, юраги орқасига тортиб кетди. Эрталаб ресторон бошлиғи берган ўн минг сўм йўқ эди. Бу Шуҳратнинг иши эканлигини англа-ди. Ич-ичидан куйинди: хотинига бугун хўжайндан пул олишини айтиб келган эди. Аблаҳ, болалар ризқини ўғирлаб кетибди-да! Кўлдош оғир хўрсинди ва ўзидан-ўзи нафратланди.

– Қаердан ҳам топиб бердим унга шу аёлни?!

Кўлдош билан Шуҳрат икки ака-уканинг болали-ри эди. Улар мардикорликда ишлаб юрган кунларнинг бирида Самарқанднинг Сартепа манзилидаги кафелардан бирига тамадди қилгани киришди. Илон-нинг нонуштасига чумчук келиб қўнганидек, бу ерда Кўлдошнинг эски танишларидан бири – Раъно учраб қолди. У кафеда официант бўлиб ишлар экан.

– Э-э, Раънохон, – гап отди Кўлдош. – Кўриш-маганимизга ҳам анча бўлди. Ёшарив кетибсиз-а. Бу дейман, куёв почча сизни зап эркалатади-да!

– Қайдам? – нолиган бўлди Раъно. – Поччангиз ҳам Россияга кетган. Бир йилдан бери хабар йўқ.

– Бирон Марусани топиб кетгандир-да, – гапга аралашди Шуҳрат.

– Гапингиз тўғрига ўхшайди, – Раънохон унга қараб нозланди. – Самарқандда хотиним қолган демайди-я!

– Хафа бўлманг, – деди Кўлдош амакиси Шуҳратнинг елкасига қўл ташлар экан. – Эркакнинг хўрози шу ерда.

Раънохон хандон отиб кулар экан, улардан буюртма сўради. Кўлдош юзта отар экан, жағи очилиб кетди.

– Шуҳрат, хўп десанг шу аёл билан танишиб ол. Хотинсизсан, зерикканингда асқотиб қолар.

Ўша пайтдаёқ Раънохон Кўлдошнинг таклифига рози бўлган, Шуҳратни эртаси куни Сартепадаги уйига таклиф этган эди. Кўлдош пулсиз қолган чўнтагини чантгаллар экан, ўз қилмишидан ранжиди.

Шуҳрат амакиси ўйлаганидек Раънохоннинг хузурига шошилган эди. Раънохон бугун кафега кечкурун боришини, ҳозир уйида эканлигини биларди. Эшикни унинг қайнонаси Мехриой очди. Шуҳратни кўрди-ю, ранги бўзариб, унга ғазабнок тикилганича қўлини мушт қилди. Лекин тезда жаҳлидан тушиб, Шуҳратнинг орқасига қўлини ўтқазиб, бағрига босган бўлди. Мехриойнинг бу ҳаракати – ғазабию қувончида алланечук сирли маъно бор эди... Бу орада уларга Раънохон яқинлашди ва мулоим табассум билан саломлашди.

– Узр, куруққина келдим. Мана бунга, – у қўлини чўнтаигига солиб бир даста пул олиб чиқди ва Мехриойга узатди, – пастдан бозор қилиб чиқарсиз.

Мехриой йўқ демади. Кўлига целлофан халтани олиб пастга тушиб кетди. Отнинг ўлими, итнинг байрами бўлди. Шуҳрат Раънохонга оч бўридай тармашиб, уни қўярда-қўймай жиҳозланган диванга етаклади. Раънохон ҳар қанча қаршилик кўрсатмасин, айғир ҳирсини қондиришга эришди.

– Шуҳрат ака, энди етар, – деди Раънохон зорланиб.– Қайнонам ҳам сезган кўринади. Бегонани кўрсанг, иштонинг тушиб кетгандай бўласан, деб неча марта киноя қилган...

– Йўғ-е! – Шуҳрат завқланиб қулди. – Раъно, хўп десанг, сенга уйланаман, болаларинг билан бирга қишлоққа олиб кетаман.

– Қўйинг шу гапингизни, эл эшитса уят қилади.

Ахир, узокда бўлсаям бошимда эрим бор. Яххиси, сизга бошқа хотин топиб бераман.

Суҳбат шу ерга етганда эшик очилиб, хона-га Мехрий кириб келди. Ўғирлик пулга қилинган зиёфат тугагунча кеч кириб қолди. Раънохон ўғилларидан бирини мактабдан, иккитасини болалар боғчасидан олиб келиб, бувисига топширап экан, ўзи кафега йўл олди. Мехрий билан Шухратнинг суҳбати болалар уйқуга киргунича давом этди. Сўнгра Шухрат ҳам тунагани Мехрийнинг хонасига кирди. Улар тўшакни битта қилишди. Шухрат Раънохоннинг висолига етишган бўлса-да, сирни бой бермади. Кўрпага кирар экан, Мехрийни бағрига тортиди. Лекин Мехрий ўзини орқага тортар экан, дардини араздан бошлади.

- Икки қайиққа қўлинин чўзган ғарқ бўлади.
- Гапингизга тушуна олмадим, – ўзини овсарликка олди Шухрат.
- Тезак еган, биттасиникини ейди, – аёл бир оз жаҳлланган бўлди. Унинг бу сўзларида рашк ва қизғаниш ҳам бор эди.

- Янглишяпсиз, – Шухрат ўзини оқламоқчи бўлди. – Биз Раънохон билан кафеда танишдик, ака-сингил бўлиб қолдик. У сизнинг келинингиз эканлигини билмагандим.

- Айтдим, қўйдим-да, – Мехрий гапни чувалантириб ўтирмади.

Шухрат эрта тонгда туриб, қаергадир жўнаб қолди. Раънохон айтган куни кафега келиб, бўш жойга ўтирди. Раънохон оқ юзли, сочи малла ранг аёлни бошлаб келди.

- Танишиб олинг, – деди у Шухратга ишора қилиб.– Сизга айтган танишими.

Шухрат меҳмон шарафига буюртма берди. Биринчи қадаҳни кўтариш арафасида жувон ўзини “Зебо” деб таништириди.

- Исмингиз жисмингизга мос экан, – Шухратнинг хирси кўзғалди. – Бугун тунни бирга ўтказамизми?

– Нима? – аёлнинг бир оз жаҳли чиққандек бўлди.– Биз кўчада қолганлардан эмасмиз. Турмуш қуриш ниятингиз бор экан, шунга танишгани келганман.

– Кечирасиз, – Шухрат устомонликка ўтди. – Мен ҳам бир ақлли аёлни ахтариб юрибман. Биринчи таклифга лаққа тушадиган аёллардан эканми, деб синааб кўрмоқчи бўлдим-да!

Янги танишлар жим қолишди. Лекин Зебо хўп деганида ҳам Шухратнинг борар жойи йўқ эди. Агар Мехрийнинг уйига бормаса, бирор меҳмонхонада тунагани чўнтағида ҳемири ҳам йўқ. Иккинчи учрашувда Зебоҳон бирга ётишга рози бўлди. Шухрат ҳеч иккиланмасдан жувонни Мехрийникуга етаклаб келди. Уй бекалари хоналарида экан, уларни Мехрий қовоқ солиб, Раъноҳон хурсандчилик билан кутиб олди. Раъноҳон Шухратдан қутулганидан ҳам чехраси ёришган эди. У қайнонасининг буйруғи билан меҳмонларга алоҳида хонага жой қилиб берди. Улар тўшакка киришар экан, Зебоҳон гуноҳкорона овоз билан Шухратнинг бўйнига қўлини узатди.

– Шухрат ака, сизни алдаганим учун узр! Менинг исмим Зебо эмас, Комила.

– Шундайми? – Шухрат бепарвогина эътиroz билдириди. Унинг хаёли жувоннинг исмини аниқлаш эмас, балки шаҳвоний мақсадига эришиш эди. – Ундей бўлса, нега Зебо деб атадингиз?

– Синамаган отнинг сиртидан ўтма дейишадику, яна менинг отимни ҳар жойда айтиб юрманг, деб яширгандим. Иккинчи учрашувда менга ёқиб қолдингиз, агар мен ҳам сизга ёқкан бўлсан, танимни бафишлашга тайёрман.

Тонггача Комиланинг кўзи уйқуга кетмади.

Комила бахтига шукrona айтди, излаган йигитини топгандек бўлди. 2006 йилнинг мудҳиши 26 августини ҳам улар бирга ўтказишган эди.

* * *

Арман миллатига мансуб шахснинг қаҳвахонаси. Хўрандалар унчалик кўп эмас. Шуҳрат жазмани Ко-милани етаклаб қаҳвахонага кириб келганида соат 10 лар чамаси эди. Улар эрта-индин тўй қилишмоқчи, Комила хушторига қалбига туғиб келган сўнгги сўроқларига ҳам аниқлик киритмоқчи.

– Шуҳрат ака, – нозланди Комила. – Тўйдан ке-йин дам олишга кетсак, фирмангизнинг иши тўхтаб қолмайдими?

– Бе-е! – сир бой бермади Шуҳрат. – Ўринбосарлар эплашаверади. Ҳозир айтганимдек, “Чашма” ресто-ранини битказаяпмиз. Насиб бўлса, ресторандаги би-ринчи тўй бизники бўлади.

Шуҳрат ўз кечмишини Комилага билдирама-ган эди. Омадни қарангки, Раънохон ҳам Шуҳрат ҳақида эшитган узук-юлуқ гапларни унга айтмаган экан. Хайрият, Раънохон ҳам Россияга эрининг ёни-га жўнаб кетди. Энди Шуҳратнинг ўтмиши ҳақида унга ҳеч ким гулламайди. Энди у Комила учун пул-дор фирмдер жазман сифатида қолаверади. Икки жаз-ман қаҳвахонада кечгача ўтиришди. Ароқнинг сўнгги хили-ю, пивонинг муздеккинаси аралашига кетавер-ди. Комила ҳам кайфнинг зўридан алжираб қолди.

– Шу-у-х ... ака! Ҳ-оҳ-ла-яп-ман!

– Нимани?

Бу томони Шуҳратнинг ўзига маълум эди. У ҳеч бир иккиланмасдан Мехрийнинг уйига йўл олди. Уй бекаси қовогини осилтирса-да, уларни кутиб ол-ди. Эшикка Раънохоннинг уч фарзанди ҳам чопиб ке-лишди. Улар Шуҳратдан бегонасирашмади, аксинча, мулойим табассум билан тикилиб туришди. Мехрий “мехмон”ларнинг кайфи анча баланд эканлигини сез-ди, айниқса, Комила ўзини ташлашга жой излаётгани уни ажаблантирди. У невараларига жаҳл қилди:

– Сенларга маймун ўйнатаяптими, кириб ётинг-лар.

Бу орада Комила аввал уй бекаси Шухрат билан ётиб юрган хонага кириб, диванга узала тушди. Мехриой у жазманини интиқлик билан кутаётганини харакатидан сезди. Шухрат ичкарига киришга уринаётган эди, Мехриой унинг қўлидан ушлади:

– Биз сизга ярамай қолдикми?

Комила маст бўлса-да, ҳали ҳуши жойида эди. Мехриойнинг киноясини эшитар экан, кўнглига оғир олди. Демак, Шухрат бу аёл билан ҳам донлашар экан-да. У жаҳл билан ўрнидан турдию, Шухратнинг “хой-хой”ига қарамасдан эшикни очганича, ўзини тун қўйнига урди.

Шухрат Комилага “уйланаман” деган ваъдалари ёлғон эканлигини ўзи биларди. Шу сабабли унинг кетишидан унчалик хафа бўлмади. Аксинча, аламини Мехриойдан оладиган бўлди.

– Раъно қанжиғингиз қачон келади? – ўшқирди хонани бузгудек бақириб.

– Қанжиқ?! Келиним сенга қанжик бўлдими? Эрининг олдида ишлаб юрибди. Нима, яна уни тусаб қолдингми?

– Тусасам сон мингта. Ҳали онаси ўпмаганларини гаҳ десам, қўлимга қўндираман.

Шухрат аёлга яқинлашиди:

– У ҳароми мендан қарздорлигини биласизми?

– Қанақасига қарздор?

– Шунақасига! Сизга айтмаганмиди? Катта ўғлимни ит тишлади, деб мендан 230 минг сўм пул олган эди.

– Йўқ! – деди Мехриой кескин оҳангда. – Шу ерда вақтида нега сўрамадинг?

– Эримга айтдим, Россиядан пул жўнатади, деб ялтоқланганди-ку!

Хонадаги шовқиндан болаларнинг ороми бузилди. Улар бирин-кетин ўринларидан туриб, бувисига яқинлашишди. Мехриой Шухратнинг юзидаги важноҳатни кўриб, болалар қўрқмасин деган мақсадда

уларни ташқарига чиқариб юборди. Ўзи ички хонага кириб, кўйлакларини ечди-да, эгнига гулоби халатини ташлади ва ҳали хона йўлагида турган Шуҳратнинг қаршиисига келганича деворга суюнди. Халатининг пастки тугмалари ўтказилмаган, шу боис икки сони оқариб кўринарди. У ўз туриши билан Шуҳратнинг ҳирсини қўзғатишга уринар экан, сўзи билан ҳам уни ўзига жалб этишни ўйлади.

– Хўш, Раънохон сендан қарздор экан. Унга берган пулингнинг қарзини мен узаяпман-ку, ҳаққини истаганингча олаяпсан. Мен йўқ деган жойим йўқку! Хўп десанг, ҳозир ҳам тайёрман.

– Ҳали қарзни узаяпман денг! – Шуҳрат ғазабини тилига чиқарди: – Мен бу пулларни пешона терим билан топгандим. Уйланишимга керак бўлади, деб йиғиб қўйгандим!

– Хафа бўлма, жонгинам, – Мехриой уни юпатишга уринди. – Пул бўлса топилар, кир хонага, ўзим заҳарингни олиб қўяман.

Шуҳрат аёлнинг эркалашидан бир оз эриди шекилли, эгнидаги сарғиши футболькасини ечиб, кўрпача устига ташлади. Лекин ҳали ғазабини йиғиб ололмаган эди. Шуҳратнинг ечинганини кўриб, Мехриойнинг умиди қўзғалди, энди тўшакда ўзига келтираман, деган ўй билан ичкарига кирди. Шуҳрат ошхонага бориб у ердан ўткир пичоқни чап ёнига яшириб хонага кирди. Бағрига жазмани яқинлашишини интизорлик билан кутаётган Мехриой Шуҳратнинг қўлидаги пичоқни кўриб, кўрқинчдан бақириб юборди.

– Нима қилмоқчисан?

У ўрнидан туришга, Шуҳратни йиқитишига уринди. Шуҳратнинг ғазабли овози янгради:

– Сен манжалақининг жазоси шу!

У аёлнинг кўкрак қафасига бир неча бор пичоқ санчди. Мехрининг нафаси кўрқинчдан ичига тушиб, гапира олмади. Сўнгги ўтинчини ҳам айтольмас-

дан жон берди. Шуҳрат жиноят изини яшириш учун Мехрийнинг икки қўлтиғидан кўтариб, юваниш хонасига олиб ўтди ва жонсиз тананинг бош қисмини бетон деворга суюб қўйди. Қўлларидаги қон изларини ювди, қонга бўялган кўк рангли жинсисини ечиб, диван орқасига ташлади. Шолча ва кўрпачадаги қон доғларини ювди. Бу орада ташқари эшик тақиллаб қолди, Мехрийнинг уч невараси кечки сайрдан қайтган эди.

– Бувинглар тўйга кетди, – деди Шуҳрат ўзини йўқотмаган ҳолда ва болаларни ички хонага олиб ўтди.

Бу пайтда у шимсиз эди. Шуҳрат уй эгаси – Раънохоннинг эрини эски спорт шимини топиб олди. Сўнгра болалардан икки кичигини уйга қамаб, устидан қулфлаб, каттасини кўчага олиб чиқди. Пастдаги дўкончадан 200 грамм ароқ сотиб олиб ичди. Ўзини меҳрли кўрсатиш мақсадида, болани нариги дўконга етаклади. Уни музқаймоқ билан сийлади. Шуҳрат уйга қайтиб, зиналардан кўтарилар экан, ҳамон хаёлида қотилликни қандай йўқотиш йўлларини изларди.

– Нима қилсан экан, – у ўзига-ўзи пиҷирларди.
– Ҳозир номаълум томонга қочиб кетсамми? Болалар мени танишади-ку! Эртага айтиб қўйишишса-я! Энг тўғри йўл – болаларнинг учаласини ҳам гумдон қилиш. Бирор гувоҳ қолмайди. Қандай қилиб йўқотиш мумкин?

Шуҳратнинг хаёлига разил ишлар келди ва дадиллик билан юқорига кўтарилди. Болалар ҳали ухлашмаган экан. Акасини уларнинг ёнига киритди-ю, ўртанчисининг қўлидан ушлаб, иккинчи хонага олиб ўтди ва ҳеч иккilanmasдан, уни ечинтириб, каравотга юзтубан ётқизди. Бола жонҳолатда типирчиларди. Шуҳрат унинг бошини пастга босди. Гўдак нафаси қайтиб, манфур маҳлук ифлослиги натижасида жон берди.

Ваҳший бу билан кифояланмади, кенжা гўдакни бошқа хонага кўтариб ўтди. Бу сафар гўдакни қийнаб ўлдиришнинг бошқа йўлини қўллади. Ошхонадан келтирган қизил дастали пичоқ билан унинг қорин қисмига бир неча бор урди. Бу қийноқ ва азоб етмаганидек, қўлига тушган резинали сим билан уни бўғди.

Энди болаларнинг тўнғичига навбат етди. Хайрият, у ухлаб қолган экан. Қонсираган Шуҳратга ҳам уйку зўрлик қилди. Боланинг ёнига чўзилиб, кўзи уйқуга кетди.

27 августнинг мудҳиш сахари. Эрта тонг, соат 4.00 лар чамаси. Шуҳрат ҳали уйкуда ётган болани ечинтириди. Бола жонҳолатда типирчилади. Шуҳрат бу болани ҳам зўрлагач, диван устига олдиндан келтириб қўйган оқ симни норасиданинг бўйнига боғлади ва қаттиқ сикди. Бола жон берди. Шуҳрат уни судраб, нариги хонага ўтказди ва устига кўрпача ташлаб қўйди.

Энди сўнгги ният жуфтакни ростлаб қолиш эди. Бу пайтда соат 7.00 га яқинлашганди. У эшик томон яқинлашар экан, нимадир эсидан чиққандек, яна орқасига қайтди. Энди унда қонли қўллари билан мурдаларнинг кийим-бошлари, қимматбаҳо буюмларини ўмаридек кетиш нияти туғилганди.

* * *

Қотил кийим жавонининг ичидан қора рангли спорт шим ва яшил рангли футболкани олиб, устига кийди. Шифонерда боғланган бўғча ҳам турар эди. Шошилмасдан боғичларини ечди. Унда резинага ўралган икки боғлам 200 сўмлик ҳамда аралаш ҳолда ўралган 500 ва 1000 сўмликлар ётарди. Эринмасдан санади: 125 минг сўм. Шуҳрат чўнтагини қаппайтирас экан, эшикни қулфлади ва пастга тушиб, “Дамас”га ўтирганича Сиёб бозори томон йўл олди.

Қотил бозордаги ошхоналардан бирига ўзини урди. Одатига кўра 200 граммни ҳаром томоғига

ташлаб олар экан, жонига бир оз ором киргандай бўлди. Лағмонни паққос тушириб, қаерга боришини билмасдан, кун бўйи санқиди. Одатий иши – хумори келганда, бирор дўкон ёки ошхонага кириб, хурмача қорнига ароқдан ташлаб олади. Бугунги зиёфат унга беминнат, чўнтак тўла ақча. Кайфини сураверив Шуҳрат кеч бўлганини ҳам билмай қолибди. Қаерга бориб тунасин? Қишлоққа қайтиб кетсинми? Тўғриси, анчадан бери Пулимуғобга борган эмас. “Чашма” ресторани қурилишидан кетиб қолганидан бери амакиси Кўлдошнинг олдида юзи йўқ. Нимасидан ташвиш қиласди. Чўнтағида Мехриойнинг калити бор-ку! У ҳеч иккиланмасдан Сартепа йўналишидаги “Дамас”га ўтирди. Бу пайтда вақт кечки ўндан ошган эди.

Шуҳрат чўнтағида калити бўлса-да, уйга кўрқинч исканжасида қадамини босди. У бирор киши кўриб қолишидан чўчиған эмас, аксинча уйнинг турли бурчакларида ётган мурдаларнинг руҳи унинг бўйнига сиртмоқ соладигандек эди. Қотил ўша кеча мурдалар ёнида ухлади. Ухлади эмас, тонггача алаҳсираб чиқди. Ўрнидан туриб ювениш хонасига борди. Даҳшат! Конга бўялган Мехриой унга совуқ чехрасини заҳарли сочиб турибди. Хоналардаги норасидалар қандай юзтубан ётқизган бўлса, шундайлигича тошдек қотган.

Шуҳратнинг фақат бир нарсадан кўнгли таскин топди. Бугун 28 август. Қотиллигини икки кундан бери ҳеч ким сезгани йўқ, бирор кимса безовта қилиб, эшикни ҳам қоққани йўқ. У тонг сахарда ўрнидан кўзгалар экан, яна шошилмасдан уйда тинтув ўтказди. Бу сафар қўлига аёлларнинг кийимлари тушди. Шуҳрат шифонерни очиб, у ердан аёлларнинг кўйлаклари, юбкалар, этик, жемфер, кофта-юбка, оқ жун рўмол, ҳали кийимга айланмаган қимматбаҳо материалларни олди, диван устидаги кулранг гулли чойшабга ўраб, уларни Сиёб бозоридаги эски нарса-

ларни сотиб ўтирадиган аёлларга арzon-гаровга – 8 минг сўмга сотиб, кечгача майшат қилди.

Мурдалар эвазига тўпланган чойчақа ҳам тугаб борарди. Шу сабабли Шухрат хумори тутиб, яна мурдалар хонасига йўл олди. Ҳали унинг мўлжалига кўра, Мехрийонинг тўплаган бисоти кўлга олинмаган эди. Кундузи соат 3.00 лар чамаси хонага етиб келди-ю, тўғри марҳуманинг шифонер устидаги вазаларини ковлай бошлади. Уни ағдарганида, ичидан бир дона катта қизил тошли узук, бир жуфт қубба шаклли, атрофи оқ тошли сирға, битта ингичка тилла занжир тушди. Шухрат хазина топган тентакдай эсанкираб қолди. Майдалаб сотиб есам, бир неча кун пичноғим мой устида бўлади. У ана шундай хаёл билан узукни қўлига олди, қолганларини дивандаги ёстиқ остига яширди. Шухрат иккilanmasdan таниши, кийимларни харид қилган аёл томон шошилди. Хайрият, аёл лаш-лушкини йиғиштириб кетиб қолмаган экан. У Шухратнинг узугини 63 минг сўмга баҳолади ва пулни нақд санаб берди. Шундан кейин қотил ўзини ҳар кунгидан кўпроқ тетик сезди, чўнтаги кўтаргани учун шаҳарнинг энг шов-шувли ресторанига бориб ўтирди. Қараса, вақт ҳам алламаҳал бўлган, кўп ичганлигидан боши ҳам жойида эмас. Шухрат бу тунни ҳам марҳумлар ёнида ўтказишга қарор қилди.

29 август. Тонг маҳали. Шухрат хоналарга кириб, мурдаларга назар солди. Тошдек қотиб ётишибди. Аммо улардан қандайдир ёқимсиз ҳид анқиётганлиги сезилиб турибди. Энди бу ерга келишнинг зарурияти йўқ. Шухратнинг қатъий қарори шу бўлди. У ёстиқ остида қолдирган тилла занжир ва бир жуфт сирғани чўнтагига солди-да, яна Сиёб бозори томон равона бўлди. Яна ўша аёлга мурожаат қилди. Тилла занжирни 77 мингга пуллади. Шухратнинг чўнтаги анча қаппайиб, кўнгли эски бир танишини тусаб қолди. Мардикорликда ишлаб юрганида Ҳалим ака деган киши билан сухбати тўғри келиб қолган эди. Бир-

ярим уйига бориб тунаған кечалари ҳам бўлган. Кунни бозор атрофидаги қаҳваҳоналарда кеч қилдию, сўнгра елим халтачага у-бу нарса харид қилиб Ҳалим аканикига жўнади. Кийинишию қўлидаги бозорлиги ни кўриб, Ҳалим ака Шуҳрат анча кучайиб қолганини сезди. Унинг остига кўрпача солар экан, ҳазиломуз гап ташлади.

– Бу дейман, Шуҳратжон, ишларингиз анча ривожланиб қолган кўринади.

– Сўраманг! – деди меҳмон сир бой бермасликка уриниб.– Бир оз Тошкентда ишладим, кейин қозоққа ўтдим. Ҳар ҳолда ризқу насибамни топиб келдим.

– Яшанг! – деди Ҳалим ака. – Йигит дегани шундай бўлиши керак-да.

Уй бекаси чой килди, Шуҳрат келтирган ма-саллиқдан ош дамлади. Улар алламаҳалгача отамлашдилар. Ҳалим ака эрта тонгда мардикорликка чиқишига тайёргарлик кўраётган эди, Шуҳратнинг мардлиги тошиб кетди.

– Акахон, бугунги харажат биздан, – у ёнидан 10 минг чиқариб, дастурхон устига қўйди. – Ҳар куни ишга боравериб, чарчагансиз. Бугун бирга дам олайлик. Эртага қишлоққа тушаман, кейин яна қозоққа қайтиб кетиш ниятим бор.

Ҳалим ака меҳмоннинг таклифига рози бўлди. Хотинига овқат буюрди. Шундай қилиб Шуҳрат 30–31 августни танишининг уйидаги зиёфат дастурхонида ўтказди. Ҳали пул манбаи – чўнтағида бир жуфт сирғаси турибди. 1 сентябрь куни эрталаб Шуҳрат таниши билан хайрлашди. Ҳар иккаласи ҳам ўз йўлига кетишиди. Шуҳрат яна йўлни Сиёб бозорига солди. Сирғани заргарлик дўконига кўрсатди. Улар нархини паст айтишиди. Яна унинг жонига ўша аёл аро кирди. 28 минг сўмга олди. Катта харажатга ўрганиб қолган Шуҳрат сирғанинг пулини ҳам кечгача тутатди. Чўнтағида бир чақа ҳам қолмади. Хайрият, бозордаги сомсаҳонада қишлоқдошларидан бири ишлар экан. Унга илтимос оҳангиди ялинди:

– Эргашвой, мардикорнинг куни қурсин. Ҳар кун ҳам омадинг чопавермас экан. Бугун харидор келмади. 3–4 минг бериб тур. Соч-соқолимни олай, эртага бозорга кирганимда ташлаб ўтарман.

Эргаш номини тутган йигитга синчиклаб тикилди. Қишлоқда ўғри деб донг таратган Шуҳрат. У билан ади-бади айтишиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Эргаш чўнтағидан 3 минг чиқарди-ю, узатиб юборди. Алдамаган экан, у тўғри сартарошхонага кирди. Соч-соқолини олдириб бўлгач, сартарошга илтимос оҳангидга мурожаат қилди.

– Менинг шу тугунчам, – эски иш кийимлари солинган елим халтачани кўрсатди, – бозорни айланиб келгунимча ёнингизда турса.

Сартарош йўқ демади. Лекин Шуҳрат шу кетганича қайтиб келмади. Балки у қилмишини аниқловчи тезкор-тергов гурухнинг изидан тушганини сезиб қолгандир? Чунки ўша куни терговчилар Сиёб бозорига ҳам етиб келишди. Қотилнинг навбатдаги қадами сартарошхонага етгани маълум бўлди. Сартарош Жамол Азимов ички ишлар ходимларига у қолдириб кетган елим халтачани кўрсатди. Қотилнинг қочар йўли қисқа бўлди. Эртаси куни қўлга олиниб, қора панжара орқасига ташланди. Тўрт кун эгасиз ётган тўрт марҳумнинг хонадонида қолган қўл излари Шуҳратнинг қонли қўлларига айнан мос тушди.

Суд ҳамиша кўзига қора кўзойнак тақиши одат қилган Шуҳрат Оллоёровнинг қилмишига яраша узоқ муддатли қамоқ жазосини берди. Аммо энг ачинарлиси, уч ёш, норасида гўдакларнинг умри ҳазон бўлди, уларни тарбиялаган бувининг ҳам умри қонли қўллардан янчилди. Фарзандларини ташлаб Россия кўчаларида тирикчилик ва ризқу рўз илинжида юрган ота ҳамда онанинг бағри эзилди, турмуши парчаланди, рўзғори бузилди. Воқеа содир бўлганидан буён анча кунлар ўтса-да, ҳамон қўни-қўшнилар қалбини

бир алам тирнайди. Шухрат сингари ҳаётга қора кўзойнак орқали бокувчилар ҳали кўп. Улар тинч оиласдаги айрим тили ва дили юмшоқ аёллардан фойдаланиб, уларнинг пинжига, сўнгра қалбига кириб оладилар. Бундай кимсалардан Оллоҳнинг ўзи сақласин.

2006–2007 йиллар

ҚОРА ФАРИШТА

Хуёжжатли қисса

Наҳанг

Ривоятларда Барсисо исмли зоҳид бузғунчилиги билан Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг жаннатдан бадарға бўлишига сабаб бўлган қора фаришта – шайтони лаъян васвасасига учиб, кофирга айланганлиги зикр этилади. Дастреб Барсисо банда молига хиёнат қиласлиги, нафс таъмасидан йироқ бўлганлиги туфайли раият ўртасида холис авлиё – малик ул-муслим даражасига эришибди. Лекин қўнгил тубида чўкиб ётган зиллат ва қабоҳат вулқони қуткуси уни оғулаб, ўзига ишониб топширилган бироннинг омонатига хиёнат қилибди. Кейин гуноҳларини ёпиш учун барча хийла-найрангларни ишлатиб, кўп бадкирдорликларга қўл уради. Қилмишлари фош бўлгач, у шаккок жонини омон сақлаб қолиш учун ҳатто иймонини шайтонга топширади ва Худодан юз ўтиради, лекин мукаррар жазодан қочиб қутулолмайди.

Наҳанг – китнинг кўринишини ва ҳаракатини эслатгувчи сув аждахоси ҳисобланади. У сувда оғзини ланг очганча сузиб юради ва йўлида учраган ҳар қандай жоноворни ямламай ютиб юборади, лекин сира тўйганини билмайди. Аслида Кундузхон тўра Эшонхоновнинг ҳаром луқма ортидан пойга қўйиб, қилган хиёнаткорликларининг олдида наҳанг ҳам ип эшолмай қолади. Ушбу қисса тўлалигича ҳужжатли

манбаларга асосланган ва ўйлаймизки, ўқувчиларга манзур бўлади.

Номуборак тўранинг муборак таваллуди

Ўтган аср олтмишинчи йилларининг аҳман-баҳманида Эшонхон тўранинг оиласида ўғил фарзанд дунёга келди. Урф-одатга кўра унга исм қўйиш маросимида барча уруғ-аймоқлар, чақалоқнинг келин томондан қариндош-уруғлари йифилдилар.

Улар:

– Оллоҳ умри билан бергани рост бўлсин, – дея мурғак гўдак ҳаққига дуо қилдилар.

Навбат исм қўйишга келди. Сўзни келинпошшанинг отаси бошлаб берди.

– Неварамиз қишининг аҳман-баҳманида туғилди. Агар бу сўзни араб тилидан ўзбекчага ағдараdigан бўлсак, аҳман – шайтон, баҳман – фаришта маъносини билдиради. Бу муборак валадликнинг белгисидир. Фарзанди аржумандимизнинг толеида илло фаришталик ситораси кўринадур ва у келгусида шайтонларни маҳв қилгусидир (Олдиндан таъкидлаш лозимки, эшон бобонинг шу ерда нафаси хато кетди, чунки у улғайиб, фаришта эмас, шайтонларга раҳнамолик қиладиган қора фариштага айланди). Шунинг учун Қундузларнинг кўриниши бўйича унинг исмини Кундузхон тўра қўйиш Оллоҳга маъқул бўлгай.

– Тўғри, – деди чақалоқнинг тоғаси. – Қуддус поклиник рамзиdir. Жиянимиз ҳамиша пок юрсин.

– Бе-е, нима деяпсиз! – бобо ранжиган бўлди. – Ўғлим, менинг муддаомни англамадингиз. Мен Қуддус эмас, Қундуз демоқчиман. Бизнинг авлодлар Санзор қишлоғида яшаганлар. Санзор – чашмаларнинг турнақатор қайнаб ётишидир. Шоир бобомиз Маҳмуд Коризий ҳам шу қишлоқдан ётишиб чиққан машхур алломадир. Илло, муборак зурриётимиз ҳам ўшандоқ улуғ зотларнинг давомчиси бўлғай. Биласизлар, Санзор чашмаларида қишининг чилласида

ҳам ҳар қандай иқлим шароитига мослаша оладиган чидамли жонивор яшайди. У ҳар қандай хавфдан огоҳ, ҳар қандай хатардан ҳам қутула олади. Сувда хавф туғилса, қуруқликка отилади, қуруқликда хавф сезса, сувга яширинади. Бу жонивор одам тугул, шайтонгаям ишонмайди ва тўғри қиласди. Чунки у одам-зоднинг қўлига тушадиган бўлса, териси телпак ёки поча пўстин бўлиб кетишини билади. Ризқи улуғлиги учун ҳам сувдан, ҳам ердан озиқланади. Бу жониворнинг номи – Кундуз. Мен неварамизнинг ҳаёти ҳамиша кундузниридай тўкин-сочин, ошиғи олчи, баҳти тўкис бўлсин, деган маънода унга Кундузхон тўра номини беришни лозим топдим.

Бу таклиф кимгадир маъқул бўлди, кимдир норозидай бўлди, лекин ҳеч ким эшон бобонинг раъйини икки қилолмади. Қизиги шундаки, анчадан бери йифиси уйни бузиб ётган чақалоқ ўзининг исми Кундузхон тўра эканлигини эшифтанидан сўнг тинч-иб қолиб, қўлчаларини мушт қилиб пинакка кетди. Ўшанда у қўлчаларини нимага мушт қилиб тугиб олди, бу ёлғиз Худога аён. Келинпошшага аҳман-баҳман номи маъқул бўлди шекилли, у гўдагини шу ном билан атай бошлади. Кейинчалик улғайганида ҳам тўрамиз шу лақаб билан тилга олинадиган бўлди.

Кундузхон тўрани бешикка солиш тантанаси бўлиб ўтди. Чақалоқ маросимда ичак узди кароматлар кўрсатди. Бешикка солди, дегунча у чинқиришни бошларди. Устидан сўлкавой пуллар сочишса, тинчланиб қоларди. Ана шундай ҳолат бир неча маротаба такрорланди. Сочилган тангларнинг жарангига чақалоқни ўзига жалб қилаётганини кўрган келинпошша маросимдан сўнг хўжайини Эшонхон тўрага бу воқеани кулиб-кулиб гапириб берди.

– Насиб қилса, полапонимиз топармон-тутармон йигит бўлади, иншооллоҳ, – деди Эшонхон тўра ўғлиниң қилиқларидан ғуурланиб. – Буям Худойимнинг бир каромати, фарзандимизнинг ризқи улуғлигига ишора бўлса, ажаб эмас.

Бошқа бир куни келинпошша яна бир қизиқ воқеани эрига айтиб берди:

– Тўрам, тунов куни айтган гапларингиз ростга ўхшайди. Илоё омон бўлгур, кеча аҳман-баҳманчангиз Қундузхон тўра чинқириб йиғлаб, уйни бошига кўтарди. Маммасини эммай, танглайи билан маҳкам қисиб олди! Жоним оғриб, бешикка осилган танга мунҷоқларни жаранглатган эдим, тинчланиб қолса бўладими!

Полапонларининг бу қилиғидан эру хотин роҳатланиб кулишди.

Орадан ойлар, йиллар ўтди. Қундузхон тўра бешикни тарк этди, тетапоя бўлди, ниҳоят мактабга ҳам қатнай бошлади. Бир куни аҳман-баҳманча отасининг елкасига миниб эркаланди:

– Ота, қачон менга велосипед олиб берасиз?

Эшонхон тўра ўйланиб қолди. “Велосипед олиб бераман”, деса, ҳали ўғлининг суяги қотмаган. Кўчада нима кўп, машина кўп. Яна бирор кор-ҳол рўй бермасин. “Велосипед олиб бермайман”, деса, уни жонидан ортиқ кўради. Ўғлининг сўзи синганча, хўқизнинг бўйни синсин.

– Қундузхон тўра, – у ўғлини бир оз кўндиришга уринди. – Сиз учун жонимни ҳам беришга тайёрман. Ҳали биринчи синфдасиз, бир оз ўқиб, ҳарфларни чиройли қилиб ёзишни яхшилаб ўрганиб олинг, велосипед қочмас. Дарсингизга халақит берадими, деб кўрқаман.

Отасининг бу жавобидан Қундузхон тўранинг жаҳли чиқиб кетиб, уни дўппослаб қолса бўладими? Эшонхон тўра шоввоз ўғлининг бу ишини кўнглига олмади, аксинча ҳазилга бурди.

– Пошшоийим, – у хотинига кулиб, – бу дейман, ўғлимиз боксчи бўладиганга ўхшайди, бўладиган бола бошидан маълум, деб шуни айтсалар керак-да!

Қундузхон тўра ўзи айтган нарсасини олиб беришга рози бўлмагунча, отасини дўппослашни қўймади.

Шундай қилиб, Эшонхон тўра охири бозордан ўғлига икки оёқли миттигина велосипед сотиб олиб бериб, дўппослашлардан қутулди.

Кунларнинг бирида уларнинг ҳовлисига қўшниси Ашур хола арз қилиб кирди. Ёнида Қундузхон тўра тенги ўғли, усти-боши тупроққа беланганд, бурнида қон қотиб турибди.

– Акатўра, – аёл сўзини йифи билан бошлади. – Сизларга фойдамиз теккан бўлса теккан, лекин сира зараримиз тегмаган. Супур-сидир, кир-чир дейсизми, ҳамиша сочим супурги, қўлим косов бўлган. Юзингизга солиш эмас, Қундузхон тўрани ҳам ўзим кўтариб катта қилганимни ўзингиз биласиз. – Аёлнинг хўрлиги келиб, бир хўрсиниб олди. – Боламнинг ахволига қаранг, Қундузхон тўра уни нега велосипедимга пулини тўламасдан миндинг, деб роса дўппослапти.

– Нима? – боядан буён қўшнисининг арзини эътиборсиз тинглаб ўтирган Эшонхон сергак тортди. – Пулини тўламадинг, дебди дейсизми?

– Ҳа, – деди аёл яна хўрсиниб. – Кичкина тўрача тушмагур ким пул берса, шуни велосипедига миндирап экан. Сўроқсиз тегинганларни урармиш. Шуям ишми? Пул деб...

Аёлнинг гапи оғзида қолди. Эшонхон тўра асабийлашди.

– Ҳа, падарлаънат! Аҳманмисан-баҳманмисан, шайтонмисан-фариштамисан! – бу унинг ўғлини биринчи марта ғойибона сўкиши эди. – Судхўрбачча!

Бу пайтда Қундузхон тўра кўчада болалардан кира ҳақини йифиш билан банд эди.

Яна йиллар ғириллаб ўтаверди. Қундузхон тўра йигит ёшига етиб қолди. Мактабни битириб, қўлига етуклиқ гувоҳномасини олди. Кутимагандан отаси уни хузурига чакирди.

– Тўрам, янги кийим-бошларингизни тайёрланг! Эртага Тошкентга жўнаймиз.

– Нега? – сўради меҳмондорчиликларга ўрганиб қолган Қундузхон тўра оғзининг суви қочиб. – Айланаб келамизми?

– Йўқ! – деди отаси кескин оҳангда. – Сизни ўқишга жойлаштириб қўяман.

– Ўқишга! – Қундузхон тўра ўқишни сира хаёлига келтирмаган эди. Шу сабабли отасининг бу гапи унга ажабланарли туюлди.

– Ҳа, ўқишга, – деди Эшонхон тўра янада жиддий тусга кириб. – Муридимизнинг ўғиллари “нархоз”га декан бўлиптилар. Сизни тарбиялаб, одам қилмоқчи.

– Ўқишинан нима фойда? – Қундузхон тўранинг ҳафсаласи пир бўлди. – Бир оз йиққаним бор эди. Яхшиси, устига қўшиб, битта “Жигули” олиб берсангиз бўларди. Жиззах–Тошкентга қатнаб пул ишлардим, аканг қарағай, деганлардан кам яшамасдим.

Эшонхон тўра ўғлига сўзини ўтказди. Эрта тонгда Қундузхон тўра отаси билан Тошкент қайдасан, дея жўнаб кетди.

Хамирдан қил сұғуриш

Автобус Тошкентга пешинда етиб келди. Эшонхон намози қазо бўлганидан кўнгли хижил бўлди. Лекин нима бўлса-да, ишнинг битишини ўйлаб, тўғри олийгоҳга йўл олди. Факультет декани Сафаров ваъдаси бўйича кутиб ўтирган экан. Эшонхонни қучоқ очиб қарши олди. Қундузхон тўранинг қўлини маҳкам қисди-да, елкасига қоқиб, унга хайриҳоҳлигини изҳор этди.

– Вой тўрам-эй, тўражоним-эй, катта йигит бўлиб қолибсиз-ку! Рона менга шогирд тушадиган даврингиз келибди-да!

– Щундай, шундай, – деди Эшонхон унинг сўзини тасдиқлаб.

Эшонхон муриди билан ўтириб гаплашиш ниятида стулга яқинлашаётган эди, у меҳмоннинг тирсагига қўлини қўйди.

– Акатўра, уйга борамиз. Келинингизга ош айтиб қўйганман. Йўл-йўлакай гаплашиб, муаммоларни ҳал қилиб оламиз.

Шундай қилиб, Қундузхон тўра институтга хужжатларини топширадиган, қабул имтиҳонлари туга-гунча декан Сафаровнинг уйида турадиган бўлди.

Тўра институтга деканнинг “жияни” сифатида жойлашиб олди. Ўқишилар ҳам бошланди. У ўзини деканга яқин тутиб юришини ўқитувчиларидан тортиб талабаларгача билишарди. Яқинлик сабабини сўраганларга Қундузхон тўра бўш келмасди. Кейинчалик улар Қундузхон тўранинг ўзидан у “деканни опасининг ўғли” эканлигини “аниқлашди”.

Ёш тўра тез орада институтда “ўртакаш”лиги билан машхур бўлди. Деканга йўл ахтариб юрган айrim кимсаларнинг ишини битириб берди, бирорга баҳо, бирорга зачёт қўйдирди, албатта текинга эмас. Текинга мушук офтобга чиқадиган даврлар капитализм ботқоғига ботиб кетган! Бир куни ассистент Саидов амалий машғулотлар сўнгидаги Қундузхон тўрадан икки дақиқага ушланиб қолишни илтимос қилди.

– Эшонхонов, – домла майнинлик билан сўз бошлади. – Шоҳнинг иши гадога, гадонинг иши шоҳга тушади, деган гап бор. Ўқитувчингиз сизга бир хизмат буюрса, айб деб билмайсизми?

– Хўп, устоз! – Қундузхон тўра камтарона бош эгди.

– Биламан, Сафаров тоғангиз сизни ўғлидек яхши кўради. Шу... – Саидов бир оз чайналгандек бўлди. – Гуруҳдошингиз бор, Эшимжон, шунга озроқ ёрдам керак.

– Хўш! – Қундузхон тўра нима ёрдам, дегандек домланинг кўзига тикилди.

– Шошилибми-адашибми, кузги имтиҳонлар якунида унга “ўрта” баҳо қўйиб юборибман. Ўзингиз биласиз, Эшимжон яхши ўқийдиган бола. Афсуски, деканатга қайдномани топшириб юборганман. Мен

унга “яхши” қўйишга розиман. Лекин.., – Сайдов яна чайналди. – Сафаров янги қайдномани имзолаб бериши керак. Агар сиз декан билан гаплашсангиз, қайдномани алмаштиришга йўқ демас. – Домла мийиғида кулиб, сўзини давом эттириди. – Эшимжон сизни куруқ қўймайди, атагани бор.

Асистент Сайдов ўрнидан туарар экан, Кундузхоннинг елкасига қўл ташлади.

– Жавобингизни кафедрада кутиб ўтираман.

Кундузхон тўра ўйланиб қолди. У илгарилари Сафаровнинг олдига майда-чуйда муаммолар билан кириб-чикиб турарди, лекин бу илтимосни қандай қабул қиласр экан?! Буни Сайдов илтимос қиласрпти. Ёзда имтиҳони ҳам бор, яна паст баҳо қўйиб юрмасин. Эшимнинг атагани ҳам бор, дедими?

Сайдовнинг бу ваъдаси Кундузхон тўрани жонлантириб юборди. Декан Сафаровнинг олдига кириб, воқеани Сайдов ўргатгандай қилиб тушунтириди. Декан бир оз ўйланиб турди-да, сўнгра чехраси ёришди.

– Дўстнинг қадрига етадиган фазилатингиз бор экан, менга жонкуярлигинги маъқул бўлди. Қайднома бўлса, қайднома-да...

Сафаров котибасига имтиҳон қайдномасини Кундузхон тўра айтганидай қилиб беришни буюорди. Сайдов кафедрада натижани кутиб ўтирган экан. Иш пишганини кўриб, қувониб кетди. Ўрнидан туриб, Кундузхонни четга тортар экан, миннатдорчилик маъносида уни бағрига босиб, чўнтагига тахлами бузилмаган бир пачка қип-қизил, шиқирлаган, Лениннинг сурати туширилган банкнотни солиб қўйди.

– Бу Эшимжоннинг ҳисобидан.

Кундузхон тўра номига бўлса-да, “Қўйинг-э, уят бўлади, олмайман”, демади. Кўзини лўқ қилиб, асистентга қараб ишшайди. Шундай қилиб, у “енг ичида” битадиган ишларнинг устасига айланди. Имтиҳон топширасанми, пулини тўла, юкори баҳо керакми, устига қўш, дея кейинчалик очиқ савдога

ўтди. Бир гал гурухдаги талабалар имтиҳон топширадиган бўлди. Барча талабалар Қундузхон тўрага умид кўзини тикди. Аҳман-баҳман тўра “Ҳа, майли”, дегандай, уларга шипшитиб кўйди:

– Бўпти, йиққанларингни олиб келаверинглар...

Қундузхон тўра сўзининг устидан чиқди. Имтиҳонидан ҳамма “яхши” ва “аъло” баҳолар олиб чиқди. Талабалар ҳам валломат чиқиб қолишиди. “Ўрта” баҳо олганлар Қундузхон тўрага уч юздан, “яхши” лар тўрт юздан, “аъло” лар беш юздан “соққа” қистиришиди.

Мазахўрак бўлиб қолган Қундузхон тўра шу кетишида ўн йил ўқиса ҳам рози эди. Ахир, талабалик олтин давр деганлари шу экан-да. Олтин то-пар давр-а?! Кўлида жарақ-жарақ соққа, қизларни хоҳлаган ресторанга таклиф қиласди, хоҳлаганини кўлқопдай алмаштиради, хоҳлаганига томдан тараша тушгандай, “севги” изҳор қиласди. Бечора қиз бу гапдан хушини йўқотгудай бўлиб, довдираб қолади. Ўзиям ғўлачалигини ҳисобга олмаганда кўзга яқин йигит, айниқса, қизларнинг қулоғига хуш ёқадиган ширин-ширин гапларни гапиришини ўрганиб олган. Қизлар қулоғи билан севади, дегандай, ҳамма жононалар унинг атрофида парвона. Қундузхон тўра буларга ҳам қаноат қилмасдан, камерунлик барваста, қорабайир отнинг байталидай бир қизга “ошиқ” бўлиб қолди. Ҳар гал унинг янги тобдан чиқкан мис кўзадай бўлиқ кўкракларига кўзи тушганида, ҳирс оташидан Қундузхон тўранинг нафаси тикилиб қоларди. Қизга яқинлашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Қундузхон тўра камерун тилидаги беш-олтита ўзига керакли сўзларни ўрганиб олди. Кейин қизни ресторанга таклиф қилди. Қизи тушмагур қорабайир байталидай бўлса ҳам, “Ламбада”га шунаقا чаққон ўйинга тушар эканки, қимирламаган жойи қолмас экан. Қизнинг ажабтовор орқасини қимирлатишларидан оғзининг сўлаги қочган Қундузхон тўра ҳам “лезгинка” часига ўйинга

тушиб кетди. Аммо лекин, тўра ўйинда ҳаммани қочиради, тенги топилмайди. Бу сафар қиз билан ўйинда баҳслашаман, деб, Қундузхон тўранинг тили осилиб қолди. Қизи тушмагур ҳеч балодан қайтмас экан, Қундузхон тўра билан теппа-тенг еб-ичиб, ҳеч нарса бўлмагандай, “қилт” этмай ўтираверди. Шунча ичилган ароғу шампанлар қаерга кетди, лекин қиз хушёрглигини йўқотмади, “яна нима каромат кўрсатар экан”, деган маънода Қундузхон тўрага бақрайиб тикилиб тураверди. Камерунлик байтални қўлга киритаман, деб, Қундузхон тўра ўнта қизга кетадиган пулни унинг бир ўзига сарфлаб юборди. Энди орқага қайтиш йўқ, улар яна бир шиша шампан, газагига шоколад олиб ётоқхонага қайтишди. Қундузхон тўра қизни хонасига бошлади. Унинг кўзини шамғалат қилиб, шампан солинган қадаҳига чўнтағида асраб юрган ухлатадиган дори кукунидан қўшди. Охири мақсадига етди. Лекин бу қилмиши унинг бошини еб кетишига сал қолди, ғафлатда қолган кора байтал содир бўлган ишни ҳаммага ошкор қилиб, экспертиза ўтказишни талаб қилиб туриб олди. Воқеа ҳалқаро жанжал тусини олишига бир баҳя қолди. Бундан қўрқиб кетган Қундузхон тўра қизга уйланмоқчи бўлди, лекин у “ўзимнинг девдай-девдай кора айғирларим турганда, сен ғўлачани бошимга косов қиласанми?”, деб унамади. Бундан ич-ичидан қувониб кетган тўра унга хазинасидаги бор пулинни тиқишитирди. Шундан кейин қиз бир оз тинчигандай бўлди, ишлар бости-бости қилинди..

“Эҳ, Худога шукур-эй, – сал енгил нафас олди шундан кейин Қундузхон тўра. – Бу шармандалик билан қора байталга уйлансанам, уруғ-аймоғим иснодга қолиб кетарди. Бу ҳам майли-я, номим Қора эшонга айланарди. Ҳамма ерда “Биз эшонмиз, оксуякмиз, биздан ўрнак олишларингиз керак”, дея муридлари га гариллаб юрган отам ҳам қоп-қора невараларига кўзи тушиб, қўрқанидан тилдан қоларди”. Кейинча-

лик камерунлик байталнинг йигитларни ана шу усул билан қўлига “таҳ!” деса қўнадиган қилиб олишга устаси фаранг эканлигини билиб қолган Қундузхон тўра роса аламзада бўлиб, бармоғини тишлади. У камерунлик байтал тузоққа илинтирган йигитларнинг биринчиси ҳам, охиргиси ҳам эмас экан. Бу ҳам майли, шундан кейин баданига қўтирилди, венерологик касалликка дучор бўлган Қундузхон тўрани дўхтирлар роса қийнаб уч ой даволашгани дард устига дардисар бўлди.

Институтда ўқишилар поёнига етиб бораётган дамлар эди. Декан Сафаров кутилмагандан Қундузхон тўрани ҳузурига чақирилди. Гарчанд унинг ишқий можароларидан боҳабар бўлса-да, у гўё ҳеч нарсадан хабари йўқдай, эшонзодани қучоғига олди:

– Оббо тўрам-эй, мана ҳаш-паш дегунча институтни ҳам битиряпсиз.

– Наҳотки, – Қундузхон тўра юзига ажабланиш тусини мужассамлаб устозига тикилиб қаради.

– Икки ойдан сўнг дипломни ҳам қўлга оласиз. Хўш, энди бу ёғига нима қилмоқчисиз?

– Устоз, сиз нима десангиз, шу! – Сафаров Қундузхон тўрадан келажак мақсадларини сўраганлиги ўнга куч берди. – Беш йил паноҳингизда ўқидим... Үзингиз ваъда қилгансиз, тарбиялайман, одам қиласман деб...

– Баракалла, тўрам! – Сафаров ўтирган ўрнида тебраниб, қониқиш билан кулди. – Йигитчиликда нималар бўлмайди, дейсиз? Сиз майда-чуйда гапларга унчалик парво ҳам қилаверманг. Менга келганда, айтилган сўз – отилган ўқ. Акатўрамнинг олдида берган сўзимнинг устидан чиқаман. Сиз энди аспирантурада ўқийсиз.

Аспирантураси жоннинг роҳати экан. Қундузхон тўра қўлида катта ва семиз портфель (ичида тўрт-беш китоб), ҳар хафтада бир-икки марта Сафаров ишлаётган кафедрага келиб-кетиб туради. Илмий раҳбар ҳам

бегона эмас, деканнинг ўzlари. Ана шу тариқа кунлар ўтаверди.

Бир куни Сафаров шогирдига деди:

– Тўрам, ҳадемай аспирантуранинг ҳам бир йили тугаб қолади. Мавзунгиз юзасидан бир-иккита мақола тайёрлашимиз керак. Бу томонидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Ўзим қоралаб, бирорта журналга бериб қўяман. – Сафаров шу сўзларни айтиб жим бўлиб қолди. Сўнгра томоғини бир қириб олди-да, муддаога кўчди. – Тўрам, хамирдан қил суғуриб кўрганмисиз?

– Гапингизга тушунолмадим, устоз.

– Хамирга қил тушса, суғурсангиз ўрни қолмайди. Ана шу гапим ҳаётда бош шиорингиз бўлсин. Бу деганим, бир иш қилайликки, бирор билмасин, ўрни қолмасин.

– Хўш! – Кундузхон тўра нима хизмат, дегандек, устозга маъноли тикилди.

– Хабарингиз бор, институтга абитуриентлар хужжатларини топширишайти. Хўп десангиз, қишлоқни бир айланиб келинг. Қариндош-уруғлардан ўқишига кирмоқчи бўлганларини даъват этасиз. Албатта, харжатга рози бўлганларини...

– Маъқул, устоз!

Шу таклифни айтишга анчадан бери қийналиб юрган Кундузхон тўра гул-гул яшнаб кетди. Айнан унинг юрагидаги гап бўлди-да!

– Ўзингизни ҳам сийлайдиганларидан топинг-да, тўрам, – Сафаров кулги билан гапнинг бу томонини ҳам келишитириб олди.

Ҳамма эшонлар мурид овласа, Кундузхон тўра ўша йили абитуриент овлади. Бир қишлоқ бўлмаса ҳам бир тўдасини қармоғига илинтирди. Сафаров ҳам ундан хурсанд, талабаликка ўтганлар ҳам хурсанд, Кундузхон тўра ўзи-ўзидан икки марталаб хурсанд бўлди. “Бунақа тил-забон билан Кремль Марказқўмида ишласанг ҳам асаканг кетмайди, ўртоқ Жаброил, нонинг бутун, соҳибжамол, комсо-

молка, спортсменка Нинага ўхшаган ойимқизлар бошингда парвона, шотирларинг атрофингда гиргиттон бўлишади”, деб ўйлади. Топган пулининг бир қисмига ҳали пашша ўтирганинг кийикдай оқ “Жигули” олди. Ана ўшанда унинг мўмай пул васвасасига тушган кўнглида илк бор мансабга ҳавас уйғонди.

Аспирантура ҳам тугади. Декан Сафаров Эшонхон тўрага берган ваъдасининг устидан чиқди. Қундузхон тўра номзодлик диссертациясини ёқламаса ҳам уни кафедрага ўқитувчиликка ўтказиб қўйди. Бу орада истиқлол бошланди-ю, кириш имтиҳонларига тест деган “бало” аралашиб, порахўрликнинг пайи қиркилди. Афсуски, Қундузхон тўранинг ўқитувчиликдан орзуси катта эди. Данғиллама уйлар, янги машиналар, кўша-кўша хотин... У энди ўз олдинга ҳукумат идораларидан бирига ўтиб, бирор мансабни эгаллаш мақсадини қўйди. Тўра устози Сафаровга маслаҳат солган эди, у бу таклифни маъқуллади. Ҳатто Қундузхон тўрани одам қилиб тарбиялашдек ваъдаси ёдига тушиб, бу масалада ҳам ёрдам беражагини айтди.

Шундай қилиб, Қундузхон тўра Эшонхонов 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига таҳлилчи вазифасига ишга ўтди. 2000 йилдан маҳкаманинг бош котибиятида фаолият кўрсатди. 2003 йилнинг 28 августидан эса “Ўзбекенгилсаноат” Давлат акционерлик компаниясининг бошқарув раиси лавозимига кўтарилиди. Қундузхон тўра ана энди ўз орзусига эришгандек эди. Унинг қиёфасида “Мана сенга мансаб шоҳсупаси, қўл остингда бутун республикадаги қанча корхона-ю, унинг манман деган раҳбарлари”, деса-дегудай кибр ва важоҳат пайдо бўлди. Уларнинг ҳаммаси энди ўзига бўйсунади, амалидан умиди бўлса, сўраганини келтириб беришга мажбур бўлади. Лекин кичик гавдага шернинг важоҳати тусини бериш анчайин ажабтовур кўринар экан, кўплар илгариги Қундузхон тўрани таниёлмай

қолди. Шер мушукка, мушук шерга ўхшаб қолгандек бўлди. Шундай қилиб, оддий тўрамиз Қундузхон Эшонхоновичга айланди, ҳеч бир тортинаасдан, кўрқмасдан орзуларига эрк берди – оғзига сиққанича пора олишни бошлаб юборди.

Шайтон

Вазирлар Маҳкамасида “Ўзбекенгилсаноат” Давлат акционерлик компанияси (ДАК)нинг бошқарув раислиги аҳман-баҳман Қ.Эшонхоновга шоҳлик салтанатини эслатарди. Остида хукумат машинаси. Ишхонада айтгани-айтган, дегани-деган. Бирор ходим сўзини икки қилолмайди. Вилоятларда унинг тизимиға кирувчи корхоналарнинг раҳбарлари нафбати билан хабар олиб туришади, “Қўл учি” қилиб “қуруғидан” қистириб кетишади. “Қуруғи” бўлгандаям, миллий валютада эмас, бари америкалик бобойлар. Қундузхон Эшонхонович уларнинг ичидаги, айниқса, Бенжамен Франклинни жуда ёқтириб қолди. Бирам ёқимтой, бирам ёқимтой, одамга қараб кулимсираб туради. Ҳайт, демасанг, қофоз ичидан чиқиб келиб, “Ассалому алайкум, Қундузхон Эшонхонович!” девориши ҳам ҳеч гап эмасдай туюлади. Акатўра ўша ёқимтой чолга меҳр қўйди. Хизмат сафарига борсаку, қўяверинг. Ҳурматини ўзи ўйлагандан ҳам зиёда қилишади, америкалик бобойлар уни қўлларини кўксига кўйиб кутиб олишади. Шунда Қ.Эшонхонов ич-ичидан “Ҳа уккоғор, Бухоро амири бўлиб кет-а!” деба ўзидан фахрланиб қўяди:

Ҳакиқатдан ҳам юриш-туришда Қ.Эшонхонов амирдан кам эмас эди. Акатўра энди бойлик йиғишида ҳам ўзини амирларга чоғлай бошлади, фақат унинг амирлардан битта фарқи бор эди: амирлар давлат хазинасини бойитиш учун курашарди. Қ.Эшонхонов эса шахсий чўнтагини тўлдириш йўлларини изларди. У ДАК бошқаруви раиси лавозимида ўз мансабидан ноқонуний бойлик ортириш мақсадида фойда-

ланди. Компания тизимида кирувчи айрим корхона раҳбарлари билан тил бириктириб, босим ўтказиб, пора олиш эвазига уларнинг жиноий фаолиятларига раҳнамолик қилди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Қ.Эшонхоновнинг ДАК бошқаруви раислиги давридаги жиноий фаолиятини ўрганиб, наҳангтўранинг иш жараёнида порахўрликнинг ақл бовар қилмас даражадаги кўринишларини содир қилганлигини аниқлаб, жамоатчилик эътиборига ҳавола қилганида, мана-ман деб юрган порахўрлар ҳам “воҳ!” деб юборди. Бу оламшумул муттаҳамликларни Гиннес китобига киритиши таклиф қилганлар ҳам бўлди. Гиннес китобига киритиши масаласи қандай ҳал қилинишини билмадиг-у, лекин бу элак-элаклардан кейин қора фариштанинг қора курсига ўтириши аниқ бўлиб қолди. Унинг қора қилмишларидан айримларини муҳтарам китобхоннинг эътиборига ҳавола қиласиз.

1. “Туя” қилинган думсиз миллиардлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 16 октябрда пахта толасини сотиш тартиби ва механизми тўғрисида қарор қабул қилди. Шу асосда компания тизимидағи 33 та корхонага Молия Вазирлиги ҳисобидан 17 миллиард сўмлик фоизсиз имтиёзли кредит бериш масаласи қўриб чиқилди. Ишчи гурӯҳ уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ўрганиб, 14 та корхонага имтиёзли кредит бериш мумкин, деган хulosани берди. Шундай қилиб, 7,2 миллиард сўмлик кредит маблағи ажратилди.

Кредит олган корхоналар ҳар ойда тенг улушдаги микдорда маблағни тўлаб бориши керак эди. Қ.Эшонхонов ҳомийлигидаги корхона раҳбарлари кредит маблағларини қайтармаслик ва кейинчалик тўлиғича ўзлаштириб юбориш йўлини қидирдилар. Натижада, қишлоқ хўжалигини молиялаштириш билан боғлиқ давлатнинг стратегик вазифалари амал-

га ошмади. Ушбу маблағни талон-тарож қилиш оқибатида давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп микдорда зарар етказилди. Қ.Эшонхонов имтиёзли кредит берилган корхоналарнинг раҳбарларига нисбатан таъмагирлик позициясида турди. Масалан, “Бухоротекс” ОАЖ бошқаруви раиси тўрамизга ҳар ойда 2 минг АҚШ доллари микдорида пора етказиб туриши лозим бўлган. Наҳангтўра бир пайтлар таваллуд айёмида бобоси каромат қилганидек, аҳманбаҳман, яъни шайтонни маҳв қиласидиган фариштага эмас, шайтон билан оғиз-бурун ўпишадиган қора фариштага айланиб, тўла шаклланиб бўлган эди.

2. “Етим”ни бойитган “битим”

ДАК раиси Қ.Эшонхонов Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунини жуда яхши биларди. Унда иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг жаҳон иқтисодий тизимиға қўшилишига кўмаклашиш, чет эл инвестицияларини юртимизга жалб этишни амалга ошириш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган. Акатўра тушмагур мазкур қонун талабларини шахсий ғаразли манфаатлари йўлида ишлатишга қарор қилди. Шахсий бойлик орттириш ниятларини кўзлаган ҳолда чет эл инвесторларини танлаш, уларни жалб қилиш ва шартномалар тузишда бозор конъюнктурасини ўрганмасдан, иқтисодиёт асосларига қарши бориб, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда иш кўрди. Ўзи ва воситачилар орқали жуда кўп микдордаги валюта маблағларини пора тариқасида олиш жиноятларини содир қилди.

Туркиянинг “Бурсел текстил” компанияси Ўзбекистонга 1998 йилда кириб келди. Қ.Эшонхонов “Чиноз тўқимачи”, “Оқсарой тўқимачи” ва “Бурсел текстил” Ўзбекистон–Туркия қўшма корхоналари таъсисчиси, Туркия фуқароси бўлган Бурхан Ануштегин раҳбарлик қилган уюшган гуруҳ манфаатлари-

ни кўзлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати асосидаги Япониянинг “Эксимбанк” кредит линияси бўйича “Бурсел-Богот” текстил корхонасини ташкил қилди. Қиммат нархларда ускуна ва дастгоҳларни олиб келтириб, нафи тегмаслиги олдиндан аён бўлган битимлар тузди. Жиноятларини яшириш учун ҳамтвоқлари билан жиной тил бириттириди. Бунинг эвазига Бурхан Ануштегиндан 500 минг АҚШ доллари миқдорида пора оладиган бўлди. Бу пулнинг бир қисмини чет эл банк муассасалари даги ҳисоб рақамига ўтказиш, бир қисмини эса нақд пулда олишга келишди.

Энди бу луқмаи иноятни оғиздан ҳид келмайдиган қилиб ҳазм қилмоқ лозим эди. Шунинг учун Қ.Эшонхонов 2004 йилнинг октябрь ойида Германиянинг Бремен шаҳрида хизмат сафарида бўлган вақтида ўзининг ёрдамчиси А.Хожиевнинг Бремен университетида ўқиб юрган укаси Омонулло билан учрашиб, уни 10 минг АҚШ доллари миқдорида ҳақ олиши эвазига бу ишга воситачилик қилишга кўндириди. Натижада О.Хожиев номига банкда ҳисоб рақами очилди. Бурхан Ануштегин 2004 йил ноябр ойининг бошларида 2 та тўлов топшириқномаси билан ҳар бири 50 минг АҚШ долларидан жами 100 мингни Германиянинг Бремендаги банклардан бирида О.Хожиев номига очилган шахсий ҳисоб рақамига ўтказиб берди. О.Хожиев эса ўз навбатида ушбу 100 минг АҚШ доллари унинг номига тушганидан сўнг 10 мингни ўз ҳисобига олиб қолиб, қолган 90 минг АҚШ долларини Қ.Эшонхонов кўрсатмасига биноан Бирлашган Араб Амирликлари давлатидаги таниши Шерзод Муҳаммадиевнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берди.

Қ.Эшонхонов Бурхан Ануштегиндан “Ўзбекен-гилсаноат” ДАК маъмурий биносининг иккинчи қаватида жойлашган хизмат хонасида 150 минг АҚШ долларини юқоридаги жиной келишувларнинг даво-

ми тариқасида ҳам такроран олган. Аммо 2005 йилда “Бурсел-Богот” лойиҳаси бўйича ҳукумат кафолати берилиши рад этилгач, уюшган гурӯҳ раҳбари Бурхан Ануштегин ва Қ.Эшонхоновлар учун лойиҳа ўз аҳамиятини йўқотган. 250 минг АҚШ долларини ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ололмаган ақатўра барибир бир пайтлар устози айтганидай, 150 минг АҚШ долларини чўнтағига солиб, ишни хамирдан қил суғургандай қилиб бажарганидан мамнун эди.

3. Устаси фаранг – ҳамёнлар таранг

Қ.Эшонхонов ДАК бошқаруви раиси сифатида чет элга 10 марта хизмат сафарига чиқди ва ҳар сафар ўз ватанига хиёнат қилиш эвазига чўнтакларини жарақ-жарақ долларлар билан тўлдириб қайтаверди. Ҳеч ким билмаяптими, демак босиш керак, деган хуносага келиб қолган ақатўра Истанбул шаҳрига хизмат сафарига борганида 2003 йил 27 сентябрь куни Швейцариянинг “Goldtex Finanz A.G.” компанияси эгаси Ибрагим Али Алтунжу билан учрашди. У билан ҳукумат кафолати асосидаги кредит линиялари бўйича ускуна ва дастгоҳларни олиб келишга келишди, уларни қиммат нархларда баҳолаб, давлат маблағларини талон-тарож қилишда уюшган гурӯҳ фаолиятига раҳнамолик қилишдан виждони қийналмади. Бор бўлса қийналади-да! Бунинг ўрнига жиноятларни содир этишига кўмаклашиш ва содир этилажак жиноятларни яширишда ҳамтовоқлари билан тил бириктирди. Улар билан ўзи раҳбарлик қилган уюшган гурӯҳ манфаатларини кўзлаб, наф келтирмаслиги олдиндан аён бўлган битим тузишга келишди. Шу бўйича тегишли ваколатли банкларга мансаб соҳтакорлиги асосида ва бозор конъюктураси ўрганилмаган ҳолда кафолат хатлари беришга розилигини билдириди. Бунинг эвазига қонун ва ватанини бир четга суриб қўйиб, Ибрагим Али Алтунжудан 35

минг АҚШ доллари миқдоридаги накд пулни “чўнтақ харажатлари”, 65 минг АҚШ долларини сафар харажатлари ниқоби остида, жами 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағни қуртдай қилиб санаб олди.

Қани энди тойчоининг бундай оламшумул ишларини падари бузруквори Эшонхонтўра ҳазратлари кўрсалар эди! Қундузхон тўра бундай ғамгин хаёллардан юраги эзилиб, америкалик бобойларнинг бошини меҳр билан силаб қўйди. Ҳозирча бу бобойлар ҳам унинг бошини силаб турибди, ишқилиб, охиригача силасин-да!

Кора фаришта Эшонхоновнинг нафси ҳакалак отганидан отиб кетди. “Пора” деганда, порахўр гўрдан туриб типратиканни ютгандай, наҳанг ҳам домига нима тўғри келса ютаверди. У Швейцариянинг “Goltex Finanz A.G” компанияси соҳиби Ибрагим Али Алтунжу раҳбарлик қилган уюшган гуруҳ манфаатини кўзлаб ДАК “Асака” банки орқали Германиянинг “Bankgesellschaft Berlin AG” банки кредит линияси бўйича Наманган вилоятининг Поп туманида “Исковуттекс” кўшма корхонасини ташкил қилди. Қимматбаҳо нархларда ускуна ва дастгоҳларни олиб кирди. “Исковуттекс” кўшма корхонаси ишга тушганидан сўнг 2004 йил август ойининг бошларида у “холис ва беғараз хизмати учун” Ибрагим Али Алтунжудан ўз хизмат хонасида 40 минг АҚШ долларини олади.

Қ.Эшонхонов хиёнат байроғи остидаги салиб юришларини давом эттириди. У Ибрагим Али Алтунжу билан тил бириктириб, 2003 йил сентябрь ойида ДАТ “Асака” банки орқали Германиянинг “Commerzbank” банк кредит лойиҳаси бўйича Тошкент шаҳрида “Ўзбексаноат” ДАКга қарашли “Тоштўқимачи” ҲЖ таъсисчилигигида “Фарҳодтекс” кўшма корхонасини ташкил қиласи ва бунинг эвазига Ибрагим Алиниң “қайнар хумчасидан” “Фарҳодтекс” кўшма корхонаси ишга тушганидан сўнг 40

минг АҚШ доллари микдорида пора олишга келишади.

Наҳангтўра 2003–2005 йиллар давомида 6 марта чет эл хизмат сафарларига чиққанида ҳар гал Ибрагим Али Алтунжудан майда харажатлар учун камтарлик билан 3 минг АҚШ долларидан, жами 18 минг пора олган. Буларни нима қилган, дейсизми? Катта наҳангнинг харажатлари ҳам катта бўлади-да!

4. “Мендерес” – авфу эдерериз

Туркия текстил саноатчилари уюшмаси рапбарлари Қ.Эшонхонов тўранинг хурмача қилиларидан хабардор бўлганлиги учун уни ўз ўғилларидај яхши кўриб қолиши. Наҳангтўра 2004 йилнинг май ойида Истанбул шахрида “Мендерес текстил” компанияси вакили Ахмет Ақча ўғли билан учрашиб, енгил саноат соҳасида Ўзбекистонга инвестиция киритмоқчи бўлса, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК бошқаруви раиси сифатида унга истиқболли эшикларни очиб беришга ва фаолият йўналишига раҳнамолик қилишига ваъда берди. Бунинг эвазига қора фаришта катта пора сўрайди. Дастлабки улуш сифатида 2004 йил 19 май куни Ахмет Ақча ўғлидан 8 минг АҚШ долларини меҳмонхонада санаб олади.

5. “Ритер”дан чўтал

Наҳангтўранинг жиноий фаолияти гуллагандан-гуллай бошлади. У Европадаги текстил ускуналари ишлаб чиқарадиган “Ритер”, “Труглер”, “Шлахфорст” ва “Марцелли” компанияларининг таклифи билан 2004 йил декабрь ойида Швейцариянинг Цюрих шахрида хизмат сафарида бўлди. Қора фаришта “Ритер” компанияси вакили Ретто Томдан “чўнтак харажатлари” учун 2 минг ва “сафар харажатлари” ниқоби остида яна 5 минг АҚШ долларини меҳмонхонада қуртдай қилиб санаб олади.

6. “Санко” ако марҳамати

Қ.Эшонхонов 2005 йил октябрь ойида Туркия-нинг Истанбул шаҳрида хизмат сафарида бўлади. “Санко” компанияси президенти Абдурашид Кунук ўғли, Туркияning “Зорлу” компанияси президенти Аҳмад Зорлулар билан учрашиб, уларга Ўзбекистон Республикасида компанияларининг ваколатхонасини очишда раҳнамолик қилишга вайда берди. Бунинг эвазига Абдурашид Кунук ўғлидан 2005 йил 21 октябр куни 3 минг АҚШ долларини “чўнтак харатлари” ва 7 минг АҚШ долларини эса “сафар харатлари” ниқоби остида меҳмонхонада санаб олди.

7. “Кабул”дан қабул

Қ.Эшонхонов “Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизими-га киравчи “Кабул–Тошкент–Тўйтепа” Ўзбекистон–Корея қўшма корхонаси бошқарувчиси, Корея фуқароси бўлган Ким Ил Жунгни 2004 йил август ойида хизмат хонасига чақиртирди. Хизмат мавқеидан фойдаланиб, унга тазийқ ўтказди. Агар ҳар ойда 10 минг АҚШ доллари микдорида пора бермаса, қўшма корхона фаолият юритиши учун зарур бўлган пахта толаси билан таъминлашни тўхтатиб қўйишини айтди. Таъмагирлик йўли билан Ким Ил Жунгдан пора талаб қилиб, ундан 2004 йил сентябрдан 2005 йил май ойига қадар 100 минг АҚШ долларини хизмат хонасида олади.

8. Фаргона тонг отгунча

Қ.Эшонхонов 2004 йил ноябрь ойида “Фаргона ип-газлама ишлаб чиқариш” ОАЖ раиси А.Тошпўлатовни хизмат хонасига чақиртирди. Унга корхонаси ДАК тизимида бўлганлиги туфайли солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланаётганлиги, агар ҳар чорак якуни бўйича 3 минг АҚШ долларидан улуш бермаса, бу имтиёз-

лардан маҳрум қилиши мумкинлиги билан таҳдид ўтказди. Натижада, А.Тошпўлатов қўйдай ювош тортиб, 2004 йил 6 ноябрь куни аҳман-баҳманга 3 минг, 2005 йил 3 апрель куни 2 минг АҚШ долларини хизмат хонасига келтириб берди. Шунингдек, 2006 йил июнь ойида Қ.Эшонхонов нархи 1 миллион 800 минг сўмлик зотдор бия от ва инглиз спорт отла-ри зотига мансуб бўлган “Фан-Фан” лақабли, нархи 1 миллион 680 минг сўмлик тойни, жами 3 миллион 480 минг сўмлик отларни Самарқанд отчопарининг бош отбоқари Салим Рўзманов ва мураббий Мурод Эшонқуловлар орқали А.Тошпўлатовга пуллайди.

9. Тўрам туғилганида нега айрим учарлар йиғлаган?

Хўш, нега йиғлаган? Албатта шунинг учунки, алдам-қалдамда бизни ҳам биру нолга уриб кетади-ган учар туғилди, деб йиғлашган. “Енгтижмарказ” очик акционерлик жамияти 1992–2000 йилларда ху-сусийлаштирилган бўлиб, ДАК биносидан ижара-га жой олган. Корхона ходимларни ишдан бўшатиш ёки ишга қабул қилишни мустақил ҳал этади. Қ.Эшонхонов 2003 йил ноябрь ойида “Енгтижмар-каз” АЖ бошқаруви раиси К.М.Нўймоновга тазиқ ўтказиб, ўзининг яқин оғайниси Ф.Суюновни унинг ўринбосари лавозимига ишга олишга ва маҳсулот экспорти билан шуғулланиш ваколатини беришга маж-бур қиласди. Ф.Суюновдан “Ўзбекенгилсаноат” ДАК-нинг Арманистон Республикаси, Ереван шаҳридаги “Ереван” савдо уйига тўқимачилик маҳсулотларини жўнатиши эвазига 30 минг АҚШ долларини ундан пора тариқасида олади.

Қ.Эшонхонов “Ереван” савдо уйи раҳбари Аветик Арушунянга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда тазиқ ўтказган. Ушбу савдо уйига тўқимачилик маҳсулотларини жўнатишини 2004 йил декабрь –

2005 йил январь ойлари давомида тўхтатиб қўйиб, Аветик Арушунянга агар у 10 минг АҚШ доллари миқдорида пора берса, бу жўнатмаларни қайта тиклашини билдирган. Аветик Арушунян йиғлаб-йиғлаб унинг шартини бажаришга мажбур бўлган.

Қ.Эшонхонов “Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимида бўлган ва ташқи иқтисодий фаолиятга ихтиослашган “Енгтижмарказ” АЖ бошқаруви раиси К.М.Нўймоновни хизмат хонасига чақиртириб, агарда жамият томонидан тузилган импорт шартномалиридан унга вақти-вақти билан улуш тариқасида пора бериб турмаса лавозимидан бўшатишни айтади. Натижада, К.М.Нўймонов 2004 йил сентябрь ойида 3 минг АҚШ долларини унинг хизмат хонасига келтириб берган.

10. “Унико”нинг уни ўчди

Бир куни Қ.Эшонхонов “Унико” Ўзбекистон–Германия қўшма корхонаси директори Ҳ.Қосимовни корхонага олиб келинган тўқимачилик ускуналари эскилиги, шу сабабли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатсиз эканлиги билан айблади. Корхонани ёпиб ташлаш билан қўрқитди. Директор бу гапдан чўчиб кетди. Қ.Эшонхоновнинг қистови билан унга 5 минг АҚШ долларини узатди. Бошқарув раиси 2005 йилнинг октябрь ойида яна директорни хонасига чақириб, чет эл сафарига кетаётганлигини айтади ва унга яна 5 минг АҚШ доллари миқдорида “солиқ” солади.

11. “Имтиёз”нинг нози

2004 йилнинг апрель ойида ДАК тизимиға киравчи “Фиждувоний” ОАЖ бошқаруви раиси Э.Илҳомов зудлик билан Тошкентга етиб келди. Уни Қ.Эшонхонов хонасида кутиб ўтирас эди. Раис Э.Илҳомовга корхонаси ДАК тизимида бўлганлиги учун солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланиб

келаётганлиги бекорга эмаслигини шама қиласы. Агар ҳар чорак якуни билан 3 минг АҚШ долларини улуш сифатида бериб турмаса, уни барча имтиёзлардан маҳрум қилажагини айтиб қўрқитади. Бундан чўчиб кетган Э.Илҳомов апрель-июль ойлари давомида аҳман-баҳманга 4 минг АҚШ долларини куртдай қилиб санаб беради.

12. Сурхон эҳсони

2004 йилнинг охирида К.Эшонхонов “Сурхонтек-стил” корхонаси директори Ё.Маматовни хонасига қақириб қолди. Унга ҳам пора олишнинг аввалдан ўйланган усули – имтиёзлардан маҳрум этиш билан дағдаға қилди. Ё.Маматов акатўранинг ниятини дарров тушуниб етди. Икки марта 5 мингдан 10 минг АҚШ долларини унга хамир учидан патир сифатида “ҳадя” қилди.

Қўлтиқ нега қичиыйди?

Порахўрлик эвазига тўпланиб бораётган жарақжарақ валюталар К.Эшонхоновни эсанкиратиб қўймади. У бу ҳаромдан келган бойликлар билан хоҳлаган номаъқулчилигини қилди, кўнгилнинг кўчасига қараб отини чоптираверди. Ўзига ёқсан жувонлар билан кайфу сафо суришни айб деб билмади, данғиллатиб кўша-кўша иморатлар қурди, ҳамма жойдан таниш-билишлари, ҳамтовоқлари орқали арzon-гаровга кўчмас мулкларни сотиб олиб, қалаштириб ташлади. Бир куни аҳман-баҳманга яна ақл киргандай бўлди. Хаёлига келган фикрдан оғзи қулоғига етди. “Қундузхон тўра! Ҳали ёшсиз, ўзини шер санаган ҳар қандай йигитдан ҳам қучлисиз. Онаси ўпмаган қизларни ҳам хотинликка олсангиз қўлингиз етади. Тўғри келгани билан ҳам ётиб-туриш яхшиликнинг белгиси эмас. Уларнинг орасида касаллари бўлса-чи? Пролетариатнинг отаси Ленин ҳам

дуч келган байталга чопавериб, захм касали билан ўлган. Биттасини маҳкам тутганингиз маъқул”.

2004 йилнинг бошларида аҳман-баҳман 1-хукумат стационар касалхонасида “Пошшойи қўйлагим” қўшиғи билан машҳур бўлиб кетган Пари Осмон деган қўшиқчи жувонни учратиб қолади. Қ.Эшонхонов ўз орзусига етгандек бўлди. “Хозир Пари Осмонни эрсиз деб эшитганман. Уни қўлдан чиқармаслик керак”, деб ўйлади. Қўшиқчи аёл роса қиёмига келтириб ноз қилди, ўта бандлигини айтди. Ундан анча вақт ўзини олиб қочиб юрди. Жазман бўлиб ёпишиб олганидан кейин узангисига оёғи етмай қолишини очиқласига шама қилди. Қундузхон сўзамол ва гапни топиб, сархиллаб гапирадиган эмасми, ширинширин сўзларни тилла бўйинбоғ ва сирғаларга ўраб, Пари Осмоннинг қалбини эритгандай бўлди. Туғилган кунига битта яп-янги “Кабриолет”ни шунчаки совға тарзида тортиқ қилиши унинг қалбида қайтадан ишқ чечакларини ғунчалатди. Гул қайтадан ғунчаласа, унинг ифори бошқача бўлади. ”Бу байталмоннинг сағрисига тўқим босиб, сувлигини оғзига урмасам, Қундузхон отимни бошқа қўяман”, деб қасам ичиб юборди гулнинг ифори димоfiga ўрнашиб қолган акатўра. Оғзига сикқунча доллар беришга қурби етиши ҳақидаги кескин ваъдалар Пари Осмонни Бенжамин Франклин олдида бош эгишга мажбур қилди. Бобойи тушмагурнинг “тутинган ўғлини” Пари Осмонга уйлантириб қўйишга олдиндан ваъдаси бормикан, хуллас, қарабсизки, Қ.Эшонхонов икки хотинли бўлиб олди. Бу орада Пари Осмон ўзининг хос шифохонасига бориб, юзининг терисини торттириб, қиз боладай бўлиб келди. Улар муллага никоҳ ўқитишга ҳам улгурдилар ва эру хотин бўлиб яшай бошладилар. Күёвтўра келинболага берган ваъдасининг устидан чиқди. Бўстонлиқ туманида ҳашаматли дала ҳовли куриб, уни қимматбаҳо буюмлар билан жихозлади ва бун-

га атиги 72 минг долларгинани сарфлади. Сүнгра дала ҳовлини қўшиқчи келинга совға қилди. Ундан ҳам кўпроқ сарфламоқчи эди, лекин америкалик чол Қундузхон тўрага “Ҳаддингни бил, бола, атрофингда сенга дўсту душман кўз тикиб турибди!” дея пўписа қилгандай бўлди.

Тимсоҳ Гена

Геннадий Битов ўз ўлжасини ямламай ютишда тимсоҳга ўхшаб кетарди. Чунки тимсоҳ ҳатто оғзига сифмайдиган ўлжани ютаётганида қийналганидан кўзларидан дув-дув ёш тўкади, лекин ўлжасини ба-рибир ютади. У ҳокимият тизимида бўлган, ҳаром луқма илинжида биргаликда ҳар қандай корруп-цион жиноятларга қўл уришдан тап тортмайдиган ҳамтовоқларга муҳтож, бусиз тимсоҳ Генанинг иши битмасди. Шунинг учун у ўз каналлари орқали ҳокимтўрага тобора яқинлашиб бормоқда эди.

Кунлар тинч ва осойишта ўтар, гўё дарё остида-ги пўртанааларни ҳеч ким сезмасди. Қ.Эшонхонов учун ДАК бошқаруви раислиги оддий амалга айла-ниб борарди. Энди у янги мансаб, жиноятда янги ҳамкорларни кўмсарди. Қундузхон тўра 2005 йил-нинг август ойларида жиноят содир этишда машҳур бўлган Геннадий Битов билан учрашиб қолди. Битов Россиянинг Москва ва бошқа шаҳарларида, шунинг-дек, Самарқандда хуфиёна иқтисодий қинғирликлар қилиб юрарди. Улар келгусида ҳамкорликда иш-лашга келишиб олдилар. Тасодифни қарангки, Қ.Эшонхонов 2005 йилнинг 20 декабряда ўз оёғи билан Самарқандга ишга келди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб тайинланди. Унинг би-ринчи қилган иши марказий боғдаги “Мўъжиза” амфитеатрига 2,5 минг нафар шаҳар фаолларини тўплаб йиғилиш ўtkазди. Миқтилиги, бичими, ҳатто қиёфаси ҳам қора танлидан оқ танлига айланиб қолган машҳур боксчи Тайсонга ўхшаб кетадиган бу

акатўрага ҳамма “Қандай ақлли гап айтаркан?” дегандай қулоқ тутиб ўтиради.

— Мен ҳам Самарқандга бегона эмасман, — деди у ўзини халқ меҳрибони қилиб кўрсатиб. — Аслида ҳаммамиз бир тоғнинг кийикларимиз, лекин қаерда ишлаган бўлсам халқ ишончини оқлашга ҳаракат қилганман. Бу ерга келиб шуни пайқадимки, шаҳар жуда қоронғи экан, уни ёритиш йўлларини қилишимиз керак. Бундан кейин аҳоли хонадонлари дарвозахонасида эрталаб соат тўққизда ҳам чироқ ёниб турган бўлади. Нима, бу ернинг келинлари соат ўн биргача оёғини осмонга кўтариб ётадими?

Халқ вилоят ҳокими ўринбосарининг бу нимкоса гапига орсизларча кулди. Самарқандда “оқ Тайсон” номини олган аҳман-баҳман ҳақиқатдан ҳам ёшлигига бокс билан шугулланган, мансабга минганидан кейин эса пора бермаганларни бокслаб ташлаш одатини чиқарди. Унда яна бир истеъдод бор эди: йиғилишларда ҳаммани сўкиб-сўкиб, ўргада битта ичакузди латифа айтиб қўярди.

Қ.Эшонхонов 2006 йилнинг 10 октябрида ҳоким вазифасини бажарувчи вазифасига ўтди. Энди жинонай ҳамкорлик қилиш, пораҳўрликни авж олдириш учун имкониятлар янада кенгайди. Жиноятда янги ҳамкорлар топилди. Улар кимлар эди?

Биринчиси ва энг яқин сирдоши Геннадий Битов ўз номи билан тимсоҳ Гена эди. У 1960 йилда Қозогистон Республикасининг Алмати вилоятида туғилган, миллати чечен. 1979 йилгача Чеченистон Республикасининг Урус-Мартан шаҳрида ота-онаси билан яшаб келган. 1979–1981 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1981 йилда хизматдан қайтгач, Самарқанд кооператив институтига ўқишига кириб, 1985 йилда тутатган. Ўқиб юрган вақтида институтнинг ётоқхонасидан вақтинча рўйхатдан ўтган. 1985 йил ноябрда Урус-Мартан шаҳар ИИБ томонидан унга СССР фуқароси эканлиги тўғрисида пас-

порт берилган. Ўша даврда доимий равишда спорт билан шуғулланиб келган. Бу орада эркин кураш бўйича ЎзССР ва СССР чемпиони бўлган. Институтни тугатиши билан Самарқанд шахрида эркин кураш бўйича катта мураббий лавозимида ишлаш учун қолган. Кейинчалик Самарқанд шахрининг Ш.Руставели қўчасидан бир хонали уй беришганида, доимий рўйхатга ўтган. 1986 йилда Хван Алла Моисеевнага уйланиб, 1991 йилгача бирга яшаган. Сўнгра Самарқанддан рўйхатдан чиқиб, доимий яшаш учун Урус-Мартан шахрига оиласи билан кўчиб кетган. 1991 йилдан бошлаб Россия Федерацияси фукароси ҳисобланишининг сабаби Урус-Мартан шахрида ҳарбий рўйхатда турган. 1995 йилда Самарқанд шахри ИИБдан Ўзбекистон Республикаси фукароси эканлиги тўғрисида паспорт ҳам олган.

2006 йилнинг октябридан Қ.Эшонхонов Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимида Г.Битов билан биргаликда коррупциялашган жиной фаолият билан шуғулланди. Жиной фаолият миқёсининг кенглиги туфайли у бир нечта уюшган гурухлар ташкил этиб, уларга раҳбарлик қилди.

Бу икки шахс Самарқанд вилоятидаги турли корхоналар иқтисодий фаолияти билан шуғулланиб, икки ёқлама ҳисобот, яъни расмий ва хуфиёна бухгалтерия ҳисоботи юритишган. Қ.Эшонхонов мансаб ваколатлари ва мавқеидан, Г.Битовнинг хориждаги алоқалари ва иерархик тизимдаги жиной тузилмаларни тузиш ҳамда бошқариш бўйича эгаллаган билим ва тажрибаларидан кенг фойдаланди. Жиноий фаолият орқасидан даромад топаётган шахсларга таъсир ўtkазиб, улар томонидан ҳадя ёки улуш тариқасида берилган пул ва моддий бойликлар эвазига қоррупцион элементларга раҳнамолик қилади. Ноқонуний молиявий-хўжалик фаолиятини ташкил қилиш ва рўйхатдан ўtkазиш билан шуғулланиб, жиноий ва хуфиёна йўллар билан бойлик тўплади.

Бунда ўзаро тақсимотга кўра жиноий уюшманинг Ўзбекистондаги фаолияти ва ҳимояланишига Қ.Эшонхонов, республикадан ташқаридағи фаолиятига эса Г.Битов раҳбарлик қилиб келган.

Хуфиёна жиноий фаолият давомида ноқонуний даромад манбалари ва унинг ҳажмини ошириш йўлида янги-янги ҳамкорларни топишга тўғри келди. Қ.Эшонхоновнинг укаси, Қорақалпоғистон божхонаси бошлигининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаган М.Эшонхонов ҳам жиноятчиларга ҳамтовоқ бўлиб олди. М.Эшонхонов Нукус шахридаги “Карташ-Нукус” МЧЖ негизида, З.Қобилов Самарқанд вилоятидаги “Ацетат-Силкасет” ва “Самарқанд атторлик” МЧЖлари, Х.Халилов Жиззах вилоятидаги “Зарбдор элеватори” ОАЖ, А.Мардонов Самарқанд шахридаги “Зарафшон” ва “Самарқанд-Калифорния” корхоналари, М.Сувонов Самарқанд шахридаги “Бахмал” қўшма корхонаси, Ш.Холиёров Самарқанд вилоятидаги донни қайта ишлаш корхоналари, А.Абдураҳимов “Парвоз” концерни, В.Аълоев “Самавангардтранс” хорижий корхонаси негизида фаолият кўрсатган ва Кундузхон акатўра бошчилигидаги ягона жиноий уюшмага бирлашган.

Жиноий уюшма раҳбари Қ.Эшонхонов ўз ҳамтовоқлари тўпланадиган, жиноий фаолият натижалари ва ўлаксахўрлик режаларини, жиноий низоларни муҳокама қиласидиган қароргоҳни ташкил қилган. Самарқанд шахри худудидаги Амир Темур кўчаси, 222-й улар учун марказ ҳисобланган. Бу бино 53 та хона ва тўрт қаватли бўлиб, аввал “Камола” савдо фирмасига тегишли майший хизмат уйи эди.

Жиноий уюшма раҳбарлари бу бинони 2006 йил 21 февралда “Камола” фирмаси таъсисчиси Л.Солиевадан 60 минг АҚШ доллари эвазига сошиб олади. Ушбу бинога нисбатан ҳақиқий эгалик ҳукуқини яшириш мақсадида у Г.Битовнинг ўғли Роман номига расмийлаштирилади. Бино баҳоси

қасддан камайтирилиб, 28 миллион 929 минг 506 сўм деб кўрсатилади ва банк тўловининг катта қисми яшириб қолинади.

Самарқанд шаҳар ҳокими ўз хизмат вазифасидан кетиб қолишдан қўрқиб, Қ.Эшонхоновнинг тазиёки билан ушбу бинони Г.Битовнинг ўғлига мулк қилиб беришга қарор чиқаради. Г.Битов бинони уюшманинг жиноий даромадлари ҳисобига замонавий ва ҳашаматли тарзда қайта қуриб, таъмирлайди, замонавий мебеллар билан жиҳозлаб, иншоотнинг тепа қисмига ўзининг “ТЮБ” лақабини катта ҳарфларда ёздириб қўяди. Жиноий уюшма қароргоҳи зиёфат ва тантаналарни ўтказадиган, аъзолар йиғиладиган ва дам оладиган жойга айланган.

Бино қаршисида аввал кичик бир савдо дўкони мавжуд бўлиб, у “Вазир-Д” МЧЖ раҳбари З.Мўминовга тегишли эди. Жиноятчилар бу дўкон қароргоҳнинг кўринишини бузиб турибди, деган баҳона билан меъморчилик ва шаҳарсозлик қоидаларига зид равишда, Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг ноқонуний қурилишлар бўйича ишловчи ер комиссияси қарорини чиқартирмасдан уни бино эгалари ва вакиллари иштирокисиз буздириб ташлашади. Онангни қози сўкса, дардингни кимга айтасан, деганлари шу бўлса керак-да!

Қ.Эшонхоновнинг фаолиятида зўравонлик кучай-гандан-кучайиб бораверди. “Оқ Тайсон” 2006 йилнинг январь ойида “Самарқандгазтъминот” корхонаси раҳбари Ш.Ўроқовга тазиқ ўтказиб, уни “УАЗ Патриот” русумли янги автомашинани 23 минг АҚШ долларига сотиб олишга мажбур қилди. Кейин ўзи маза қилиб уни 2008 йил апрель ойига қадар хизмат автомашинаси сифатида миниб юрди.

Қ.Эшонхонов 2007 йилнинг март ойида Самарқанд шаҳридаги “Самарқанд плаза” меҳмонхонаси директори Ў.Бўриевни хизмат хонасига чакиртиради. Уни тадбиркорлик фаолиятига барҳам бериш ва жиноий

жавобгар қилиш дағағаси билан кўркитади. Агар 59 минг АҚШ долларига тенг “Тойота Ланд Крузер” русумли, “ЖИП” типидаги автомашинасини берса, Бўриевнинг тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қиласлигини айтади ва бунга эришади.

Кора фаришта “Самарқандпахтасаноат” худудий акциядорлик бирлашмаси раиси Н.Аминовни хизмат хонасига чақириби, “Тойота Ланд Крузер” автомашинасининг божхона ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўловлари сифатида 65 миллион 152 минг сўмлик маблағни бирлашма ҳисобидан тўлаб юборишга мажбурлайди.

Уюшган жиной тўда мамлакатдан хомашё чиқариш ва киритиш билан боғлиқ бир қанча ноқонуний ишларни амалга оширади. Бунга Қ.Эшонхоновнинг укаси раҳнамолик кўрсатади. У қалбаки ҳужжатлар билан сунъий пасайтирилган нархларда Ўзбекистонга ноқонуний олиб кирилаётган ацетат ва вискоза толаларини божхона назоратидан яширган ҳолда чегарадан ўтказиб, содир этилаётган жиноятларга ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари, тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашиб, уларни хуқуқни муҳофаза этиш идораларига билдиримаган. Самарқанд вилояти худудида бахмал матосини ноқонуний ишлаб чиқариб, хуфиёна сотиш билан шуғулланган М.Сувонов, З.Қобилов, Г.Битов ва бошқалар қалбакилаштирилган сохта ҳужжатлар асосида “ацетат” ва “вискоза” толаларини сунъий пасайтирилган нархларда, яширин ҳолда божхона чегарасидан ўтказишган.

М.Эшонхонов “Карташ-Нукус” МЧЖ номига олиб келинган, Г.Битовга тегишли умумий қиймати 247 минг 270 АҚШ долларлик, жами 62,6 тонна “ацетатная нить” хомашёсини божхонадан арzon нарҳда расмийлаштирган.

Жиной уюшма раҳбари Қ.Эшонхоновнинг топшириғи асосида М.Эшонхонов “Карташ-Нукус”

МЧЖ номига расмийлаштирилган товарларни республикамизга жиной йўллар билан олиб келаётганинги ҳақидаги тезкор хабар ҳақида тегишли идораларга маълумот етган эди. Ана шу тариқа Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона Қўмитаси Марказий маҳкамаси хизматчилари томонидан тезкор маълумотлар таҳлил асосида аникланиб, 2007 йил 30 ноябрь куни ЖК 182-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва бошқа моддалар билан 17/07-1514-сонли жиноят иши кўзғатилган ва бу иш дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига юборилган эди. Ушбу иш тергови натижасида уюшма аъзоларининг жинояtlари фош этилиши ва улар жавобгарликка тортилиши муқаррар эди. Лекин уюшма ўз фаолиятини фош этмаслик ҳаракатини қилиб, Қ.Эшонхонов ва Г.Битовларнинг хуқуқ-тартибот идораларига зўравонлик билан таъсир ўтказиши туфайли бу жиноят иши адолатсиз равишда тутатилди. Худди шунингдек, М.Эшонхонов Г.Битовга тегишли 241 минг 584 АҚШ доллари қийматдаги, жами 172,56 тонна “вискозная нить” хомашёсини божхона расмийлаштирувидан арzon нархда ўтказилишини таъминлаб берди.

Жиноий уюшма раҳбари Кундузхон акатўранинг укатўраси М.Эшонхонов мулкий наф қўриш мақсадида сохта тадбиркорлик билан шуғулланишни давом эттириб, умумий қиймати 578 минг 119,78 АҚШ доллари миқдорида 10 та импорт шартномаларини тузган. Лекин валютага алмаштирилган маблағни ваколатли банк муассасаларига топширмасдан ва ўрнатилган тартибда конвертация қилмасдан, 762 минг 773,78 доллар валюта маблағини ноқонуний равишда четга олиб чиқишига кўмаклашган.

Қ.Эшонхонов “Самарқанд-Динамо” футбол клубининг президенти, М.Сувонов мазкур клубнинг вице-президенти сифатида фаолият кўрсатишиб, жуда кўплаб ғаразли мақсадларни амалга оши-

ришган. Клубнинг кўп миқдордаги мол-мулкини ўзлаштириш мақсадида ПФК ва “Бахмал” қўшма корхонаси ўртасида 100 миллион сўмлик шартнома тузилган. Шунга биноан футбол клубидан қўшма корхона ҳисоб рақамига “бахмал матоси” учун 98 миллион сўм маблағ ўтказиб берилган. Кейин эса маҳсулот йўқлиги баҳонаси билан футбол клубига 70 миллион сўм миқдорида маблағ қайтарилиб, қолган 28 миллион сўмга футбол клубига бахмал матоси берилганилиги тўғрисида қалбаки ҳужжатлар расмийлаштирилган. Сохта тадбиркор Г.Битовнинг қалбаки ҳужжатларини М.Сувонов қабул қилиб олган. Г.Битовга тегишли умумий қиймати 1 миллион 681 минг 631 АҚШ долларлик, жами 273,5 тонна “ацетатная нить” хомашёси ноқонуний равишда сунъий арzonлаштирилиб, божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши таъминланган ва гўё бу хомашё “Бахмал” қўшма корхонаси томонидан харид қилинаётгандек кўрсатилган. Корхона номидан сохта ҳужжатлар тузилиб, “ацетатная нить” хомашёсининг нархи 3,65 АҚШ долларига арzonлаштирилган. Натижада, давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 497 миллион 617 минг 672 сўмлик божхона тўловлари жиноятчиларнинг ҳамёнига тушган.

Жиной уюшма М.Сувонов билан биргаликда топилган даромадларни легаллаштириб бориши йўлларини ҳам топган. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хуфиёна тадбиркорлик субъектларига нақд пулга сотиш, бу пулларни ноқонуний равишда чет эл валютасига алмаштириш билан ҳам шуғулланилган. “Афгон почтаси” номи билан маълум бўлган усуlda Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳридан нақд 20.700 АҚШ долларига сотиб олинган “Тойота Лексус ЕС 350” русумли, ҳақиқий баҳоси 96 миллион 22 минг 800 сўм бўлган автомашина гўёки “Атекс” фирмасининг “Бахмал” қўшма корхонасидаги Низом улушини кўпайтириш

мақсадида олиб келингандар, дея сохта ҳужжатлар тузылган.

Бундан ташқари, Қ.Эшонхонов ва Г.Битовлар жиной уюшма фаолият йўналишини кенгайтириш, ноқонуний даромадларни ошириш мақсадида яқин танишлари бўлган “Парвоз” молиявий савдо ишлаб чиқариш компанияси ва хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат “Парвозбанк” эгаси А.Абдураҳимов ва унинг яқинларини жиной уюшма аъзолигига жалб қилишган.

Жиной уюшма тасарруфидаги бўлган “Парвозбанк”нинг молиявий аҳволи яхши эмас, фукаролардан омонат, юридик шахслардан эса банк депозити сифатида қабул қилинаётган маблағнинг шартли равишда қайтарилиши лозим бўлган муддатларда устама фоизлари билан қайтаришга тўлов қобилияти етмас эди. Лекин жиноятчилар алдов йўли билан жуда кўп микдордаги маблағларни омонат ва банк депозит жамғармаларига ўтказишиади. Кейин уларни ўзлаштириш учун пул маблағларини банк хазинасида сакламасдан, ўзлари томонидан бошқариб келинаётган хўжалик юритув субъектларининг ҳисобига кредит сифатида расмийлаштириб беришиади. Бир қисмини эса “фильтр фирмаси” сифатида жиной мақсадларини амалга оширишга сарфлаш мақсадида ташкил этилган фирма ва “хусусий тадбиркор” шаклидаги субъектларнинг ҳисоб рақамига ўтказишиади.

Қора фаришта ва тимсоҳ Гена томонидан давлат мулки бўлган “Абуали” ОАЖнинг кредиторлик қарзи сунъий равишда оширилиб, уни сохта банкротликка олиб бориш режаси тузилади. Кейинчалик эса уни жиной уюшма таркибидаги хўжалик юритувчи субъектлар таркибига қўшиб олиш асосида ва олинадиган даромадлар ҳажмини кўпайтириш ҳисобига жиной фаолиятдан олинган даромадларни ошкоралаштириш мақсад қилиб қўйилган. Барча маблағлар Қ.Эшонхонов ва Г.Битовларнинг топшириқ ҳамда

кўрсатмалари асосида сарфланиб, жиной уюшма қудратини оширишга қаратилган.

Депозитнинг ғози қани?

А.Абдураҳимов ва унинг раҳбарлигидаги уюшган гурух аъзолари ўнлаб корхона ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларни ўз қинғир йўлларига тортишган.

“Парвозбанк” юридик ва жисмоний шахслар томонидан қўйиладиган депозит ва омонат маблағларга Республика худуди бўйича энг юқори, яъни йиллик 16–18 фоиз тўланиши тўғрисида ёлғон реклама ва эълонлар бериб борган. Буни “Парвозбанк”нинг ширин алдовига учиб, 2005–2007 йиллар давомида банкка қўйган маблағларига куйиб қолган корхона ва ташкилотларнинг куйида берилаётган узундан-узун рўйхатларидан ҳам билса бўлади.

Акциядорлик тижорат “Ўзсаноаткурилишбанк”дан 4 миллиард сўм. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясидан 2 миллиард 70 миллион сўм. Республика Болалар спортини ривожлантириш фондидан 2 миллиард сўм. Самарқанд вилоят аҳолини иш билан таъминлаш фондидан 931 миллион сўм. Республика Адлия вазирлиги қошидаги Адлия органлари ва судларни ривожлантириш фондидан 850 миллион сўм. Акциядорлик тижорат “Микрокредитбанк”дан 800 миллион сўм. “Кафолат” Давлат акциядорлик суғурта компаниясидан 750 миллион сўм. Республика Болалар спортини ривожлантириш фонди Самарқанд шаҳар филиалидан 750 миллион сўм. Давлат тижорат “Халқ банки” Тошкент шаҳар филиалидан 630 миллион сўм. Ташқи иқтисодий фаолият “Миллий банки” Самарқанд шаҳар филиалидан 600 миллион сўм. Республика Мусулмонлари идорасидан 600 миллион сўм. Ўрта-маҳсус касб-хунар таълими марказидан 550 миллион сўм. Республика Марказий банкининг Бош Ахборотлаштириш Марказидан 500 миллион сўм. “UZ KDB” банкидан 495 миллион

сўм. “O’zbekinvest-Hayot” шуъба суғурта компаниясидан 400 миллион сўм. Республика Адлия вазирлигидан 400 миллион сўм. “Ўзагросуғурт” Давлат акциядорлик суғурта компаниясидан 400 миллион сўм. “MADAD” суғурта агентлигидан 400 миллион сўм. Акциядорлик тижорат “Капиталбанк”дан 350 миллион сўм. Самарқанд Давлат иқтисодиёт ва сервис институтидан 325 миллион сўм. Республика Болалар спортини ривожлантириш фонди Тошкент шаҳар филиалидан 300 миллион сўм. Самарқанд Давлат Чет тиллари институтидан 260 миллион сўм. “Ўзбектурк” банкидан 250 миллион сўм. Республика валюта биржасидан 230 миллион сўм. Тошкент шаҳридаги “Albeta” хорижий корхонасидан 270 миллион сўм. Бухоро вилоят Инкассация бошқармасидан 200 миллион сўм. Республика Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясидан 200 миллион сўм. Республика Давлат кимё комиссияси ишчи органидан 200 миллион сўм. Республика байналмилад маданият марказидан 180 миллион. Давлат чегараси ва транспортдаги ветеринария назорати бошқармасидан 140 миллион сўм. Самарқанд вилоят ҳокимлигининг Лоторея ўйинларини ташкил этиш бошқармасидан 123 миллион сўм. “Туркистан-Пресс” нодавлат ахборот агентлигидан 100 миллион сўм. М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг Тошкент филиалидан 100 миллион сўм. “Ишонч” газетаси таҳририятидан 160 миллион сўм. Республика Давлат Мулк Кўумитаси мажмуасидан 100 миллион сўм. Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетидан 100 миллион сўм. Тошкент Давлат автомобиль йўллари институтидан 100 миллион сўм. Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университетидан 100 миллион сўм. Бундан ташқари яна бошка бир неча ўнлаб ташкилотлар ўз ҳисобларидаги мавжуд пулларни “Парвозбанк”нинг депозит ва омонат жамғармаларига кўйишган.

Нафси аммора

А.Абдураҳимов ва унинг шериклари жиноий уюшма раҳбари – Қундузхон акатўра ҳомийлигига соҳта хужжатлар асосида ажратилган жами 32 миллиард 71 миллион сўмлик кредит маблағларини ўзлари томонидан ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб ракамларига гўёки “хомашё сотиб олиш” учун ўтказишган. Улардан эса товармоддий бойликлар сотиб олингандилиги тўғрисида қалбаки ҳисоб-фактуралар тузишган. Расмий хужжат ҳисоб-фактураларга соҳта маълумотлар киритишиб, ҳақиқатда пул маблағларининг бир қисмини нақдлаштириб олишган.

“Самарқанд-Динамо” ПФКга ХЁАТ “Парвозбанк”да мижозларнинг депозит жамгармаларидан шакллантирилган маблағлар ҳисобига “инвентарлар сотиб олиш ва футболни ривожлантириш учун” 1 йил муддатга 25 миллион сўм кредит маблағлари ажратилган. Қ.Эшонхонов ўзининг жиноий уюшмада эгаллаб турган мавқеидан, Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимида ишлашлиги ҳамда ушбу клуб президенти лавозимини бажараётганлигидан фойдаланиб, А.Абдураҳимовга футбол клубига ХЁАТ “Парвозбанк” мижозларининг маблағлари ҳисобидан ажратилган 20 миллион 664 минг 932 сўмлик кредит маблағларидан воз кечиши буоради. ХЁАТ “Парвозбанк” бошқарув раиси А.Ботиров мазкур кредит маблағларидан воз кечиши тўғрисида қарор қабул қиласди. Бунинг оқибатида кредит банкка қайтарилмасдан талон-тарож бўлади.

Шунингдек, Қ.Эшонхонов ва Г.Битовлар раҳбарлик қилган жиноий уюшма таркибида “Абуали” ОАЖнинг бошқарув раиси А.Абдураҳимов ҳам бўлган. У Қундузхон акатўранинг ҳакалак отган ўпқон нафсини қондириш мақсадида уни техник воситалар билан таъминлаб туриш баҳонасида 2006

йилнинг 30 майида “Абуали” ОАЖ ва “МТС” кўшма корхонаси ўртасида шартнома тузган. Унга кўра А.Абдураҳимов ўзига тегишли бўлган, “Парвозбанк” балансида турган “Leganza” русумли автомашинани Г.Битовга берган ва у машинадан жиноий уюшма фоилиятида фойдаланган. Ҳадя этилган “Leganza”нинг харажатларини қоплаш мақсадида вилоят хокимлигидаги капитал курилиш масалалари бўйича ўтказилган йигилишда Қундузхон акатўра коллеж ва мактаблар курилиш учун зарур бўлган пластик эшик ва ромларни фақат А.Абдураҳимов раҳбарлигидаги уюшмага тегишли “Парвоз” компанияси тизимидағи ташкилотлардан сотиб олишни буюрган. Аммо компания буюртмалар ҳажмини бажара олмаган. Пайариқ туманидаги “5-сонли МКК” “Парвоз” компаниясига 9 миллион сўм пул ўтказган бўлса, шундан унга 5 миллион 300 минг сўмлик пластик эшик ва ромлар етказиб берилиб, қолган 3 миллион 700 сўм маблағ жиноий уюшма томонидан ўзлаштирилган. Бундай алданганлар сон-саноқсиз эди.

А.Абдураҳимов “Абуали” ОАЖ директори лавозимида ишлаган пайтида хусусий тадбиркорлардан сунъий қарздорлик вужудга келтириб, корхонанинг соҳта банкротлигини эълон қиласди. Натижада, 2 миллиард 65 миллион 270 минг 295 сўмлик мол-мулк жиноий уюшма манфаатлари йўлида талон-тарож қилинади.

Бу эса Қ.Эшонхоновга А.Абдураҳимов учун “Абуали” ОАЖни хусусийлаштириб беришга асос бўлади. Шунингдек, А.Абдураҳимов “Парвозбанк”дан соҳта хусусий тадбиркор ва фирмалар ҳисоб раҳамлари орқали 9 миллиард 997 миллион 421 минг 100 сўмни нақдлаштириб, банкнинг валюта айирбошлиш шахобчаларидан давлат нархларида 1 миллион 247 минг 734 АҚШ долларини сотиб олади. Натижада унинг нафси аммораси ғолиблик туғини баланд кўтариб, А.Абдураҳимов орқа-ўнгига қарамасдан, кўзига

кўринган иншоотларни хусусийлаштира бошлайди. Уларнинг рўйхати узун...

Қассобга жон қайғу, эчкига-чи?

Ҳокимлик курсисида ўтиришни якка ҳукмронлик деб тушунган Қ.Эшонхоновнинг хаёлида энди вилоятни ёндирадиган ҳам, куйдирадиган ҳам ўзи эди.

Кўл остидаги раҳбарларни сўкиш ва калтаклаш Қ.Эшонхонов учун одатга айланиб борди. У ўтказган йифинларда ҳамма жонини ҳовучлаб ўтирап, Қундузхон акатўра эса янги бир “томуша” кўрсатмасдан қўймасди.

2007 йилнинг март ойида вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залида Оқдарё туманида ғалла парваришига бағишлиланган йиғилиш чақирилди. Унда туманнинг барча қишлоқ хўжалиги вакиллари иштирок этди. “Ўткир Иброҳимов” фермер хўжалиги раҳбари, ёши 60 ёшдан ошган Иброҳим Нарзуллаев ғаллани сифатсиз парвариш қилаётганликда айбланди, қўпол сўзлар билан ҳақоратланди, одамлар олдида оғзи-бурни аралаш мушт еди. Қ.Эшонхонов жазаваси тутиб, уни тепкилади, баданига енгил тан жароҳати етказди. Аслида, “Ўткир Иброҳимов” фермер хўжалигида иш талаб даражасида, мўлжалдаги 30 центнер ўрнига, 57 центнердан ғалла ҳосили олинган эди.

2007 йилнинг 17 марта Самарқанд шахрида қурилган янги концерт залининг очилиш маросими ўтказилди. Айрим техник сабабларга қўра электр қуввати беришда қисқа муддатли узилиш юз берди. Самарқанд шаҳар электр тармоқлари корхонаси раҳбари Т.Сатторов залга топиб келтирилди. У эл орасида ҳақоратли сўзлар эшитди. Қ.Эшонхонов уриб-тепиб, унга тан жароҳати етказди.

Иш пайтида спиртли ичимликларга ружу қўйиши Қ.Эшонхоновнинг доимий одати эди. 2007 йилнинг август ойида кечаси вилоят шифохонаси ёни-

даги янги қурилишлар ҳовлисига йиғилиш ча-қирилди. Қ.Эшонхонов унга кеч соат 12 лардан кейин маст ҳолатда келади. У бу ерга таклиф этилган ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Булунғур тумани бўлими бошқарувчиси Фурқат Сувонов, “Пахтабанк”нинг шу туман бўлими бошқарувчиси Алишер Пардаевни аввал турли масалалар билан сўроққа тутади, сўнгра уларни навбати билан дўпослайди. Ёки 2007 йил апрель ойида Қ.Эшонхонов Пайариқ туманидаги “Манибод” пахта қабул қилиш пунктига қарашли 13-чигит тарқатиш шахобчасига келади. Уларнинг ишидан ҳам камчилик топиб, шахобчанинг масъул ишчиси А.Умрзоқовни ҳақоратлади, юзига тарсаки тортиб, баданига жароҳат етказади.

Одамларни уриш-сўкишлар Қ.Эшонхонов учун порахўрликни авж олдиришга имкон беради. Самарқанддаги “Зарафшон” спиртли ичимликлар корхонасида раҳбар бўлиб ишлайтган А.Мардонов даврида Самарқанд шахри юбилейи муносабати билан уни бузиш ва ўрнини истироҳат боғига айлантириш масаласи қўйилади. Қ.Эшонхонов корхонага келиб, директорни топшириқни сустлик билан олиб бораётганликда айблайди, уни илон пўст ташлайдиган сўзлар билан ҳақоратлади. Хўш, бу ҳақорат ва дўқ-пўписалар қандай натижа берди?

Аввало, Қ.Эшонхонов ва Г.Битов раҳбарлигидаги жиной гуруҳ корхонани бузиш жараёнida ароқ ясадиган асбоб-ускуналарнинг катта қисмини талонтарож қилишга эришди. Иккинчидан, корхона ҳашар йўли билан бузилса-да, бу иш “Барака топкур” МЧЖ томонидан бажарилган, деб сохта равишда расмийлаштирилди ва директорга МЧЖ учун 300 миллион сўм ўтказиш ҳақида кўрсатма берилди. Директорни “соғиш” бу билан тугамади. Қ.Эшонхонов 2006 йилнинг июль ойида ўз ёрдамчиси О.Солиев воситачилигида А.Мардоновдан “Динамо” футбол клуби-

ни ривожлантириш учун нақд 10 минг АҚШ доллари сўраган. Аммо директор у талаб қилган поранинг 6.800 ни келтириб берган. Ўша йилнинг август ойида Қ.Эшонхонов вилоят ҳокимлигига йиғилиш ўтказади. Мажлисда А.Мардонов ҳам бор эди. Йиғилишдан сўнг аҳман-баҳман уни хизмат хонасига чақиртириб, футбол клуби учун 20 минг АҚШ доллари беришини, акс ҳолда ишдан кетказишини айтади. Аммо А.Мардонов айтилган порани беришга қурби етмайди. Эртаси куни у клуб раҳбари В.Аракеловга 3 минг АҚШ долларини етказади. Топшириқ ўринлатиб ба-жарилмаганлигидан кейин “Зарафшон” ОАЖ томонидан таъсис этилган “Ўзтехмагмато” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасининг бир қаватли биноси бошқа ташкилотга олиб берилади. А.Мардонов бинони қайтариб беришни сўраб мурожаат этганида, Қ.Эшонхонов ундан яна 20 минг АҚШ долларини келтириб беришни сўрайди. Афсуски, А.Мардонов маблағи бўлмаганлиги сабабли ўз мақсадига эриша олмайди. Қ.Эшонхонов унга қизининг Тошкент шаҳрида ўтказиладиган никоҳ тўйига умумий нарҳи 2 миллион сўмлик бўлган 200 шиша қиммабаҳо Самарқанд ароғини етказиб беришни топширади. “Совға” ниқобидаги пора ижро этилади.

Бундай тазиикли усул Ургут туманида жойлашган “Яшил олтин” МЧЖ директори З.Эсановга нисбатан ҳам қўлланилади. Қ.Эшонхонов уни ўз хизмат хонасига чақириб, бойлик орттиришга қаратилган мақсадини гапиришдан тортинмайди.

– Жиззахда қурилиш материаллари билан савдо қилувчи дўкон очмоқчиман. Агар минг дона шифер жўнатсанг, тадбиркорлик фаолиятингни қўллаб-кувватлайман. Бўйин товласанг...

“Яшил олтин” анчадан буён хўжаликлардан та-маки сотиб олиш билан шуғулланса-да, шифер ишлаб чиқариш цехини ҳам ташкил этган эди. З.Эсанов наҳангтўрага гап қайтаролмайди, зудлик билан ши-

фернинг ҳар бир донаси нархини 5.500 сўмдан расмийлаштириб, умумий баҳоси 5 миллион 500 минг сўмлик 1000 дона шиферни Жиззахга жўнатади. Уларни Қ.Эшонхоновнинг акаси қабул қилиб олади.

Ҳоким тўра ўз ёрдамчиси орқали яна “Яшил олтин” МЧЖ директорини чақириб олади. Бу гал “Динамо” футбол клубини ривожлантириш баҳонасида 20 минг АҚШ доллари келтириш буюрилади. З.Эсанов ўз “хўжайини”нинг ўпқон нафсини йўқ демасдан қондиради. 2008 йилнинг январь ойида “Яшил олтин” директори яна вилоят ҳокимлигига таклиф этилади. Бу сафар Қ.Эшонхонов унга меҳрибончилик кўрсатади. З.Эсановга ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун 4,6 гектар ер ажратиладиган бўлади. Фақат ўпқон нафсни қондириш керак: муркӣ нафснинг баҳоси 10 минг долларга баҳоланади, ҳоким тўра америкалик бобойлар сурати туширилган долларларни ўз хонасида санаб олди.

Рахбарлик вазифаларини сотиш кундан-кун авж олиб боради. “Самарқанд дон маҳсулотлари” ОАЖ бошқаруви раислиги лавозимига Қ.Эшонхонов кимни тавсия қилса, “Ўздонмаҳсулот” давлат акционерлик компанияси ўшани раис қилиб қўйишга рози эди. Раислик лавозими кимошди савдосига қўйилди. Ниҳоят, шу вазифани бажарувчи бўлиб ишлаб келаётган М.Неъматов наҳангнинг нафсини қондирадиган маблагни топишга эришди. 110 минг АҚШ доллари Қ.Эшонхоновнинг воситачиларига келтириб берилиди. 2007 йилнинг 12 октябрида М.Неъматов учун “Ўздонмаҳсулот” ДАҚ раиси номига тавсиянома ёзилади.

Бошини силайдиган ҳомий топилмаса, Валерий Аълоев мўмай даромад соҳиби бўлолмасди. У Г.Битов билан танишиб қолди-ю, чўнтакни бойитадиган режалар тузди. В.Аълоев Самарқанд шаҳрида транспорт хизматини яхшилаш учун “Самарқандавангартранс” корхонасини ташкил этиш керак, деган хulosага келди.

– Бу жуда мураккаб масала, – деди Г.Битов масъульиятли важноҳат билан. – Харажатига кучинг етадими?

– Айтганингизни келтириб бераман, – В.Аълоевнинг чехраси очилди. Демак, харажатини кўтарса, масала ҳал бўлади.

– Каттанинг ўзи бу вазифага “карам”дан 50 та сўрайди. Бунинг устига бизнинг улушимиз...

В.Аълоев “кўқ”ига қисиниб ўтирамади. Жиноий гурух раҳбарлари ҳам “мехрибонлик”да хотамтойлик қилишди. “ЎзОтайўл” Самарқанд автомобиль заводи В.Аълоевнинг корхонасига харид қилиш учун 100 та автобус ажратди. Дастлаб маблағнинг 10 фоизи тўланди. 12 ойга мўлжалланган шартнома В.Аълоев учун 18 ойга узайтирилди.

Автохизмат В.Аълоев ўйлагандек кетмади. Чунки Самарқанд шаҳрида “Дамас” русумли машиналар йўл хизматида эди. Еган оғиз уялар дегандек, В.Аълоев ҳокимга кириб ёрдам сўрасам, балки “Дамас”ларнинг бир оз танобини тортар деб ўйлади. Унинг ишларига америкалик қариндоши ҳомийлик қилас, иш ўнгидан келса яна Қ.Эшонхонов сўраган 50 минг АҚШ долларини ҳадя қилиш нияти бор эди. В. Аълоев восита-чи Г.Битовга дардини айтди. У жиноий ҳамтовоғига телефон қилиб, ҳузурига В.Аълоевни жўнатди. Пулнинг дарагини эшитиб, Қ.Эшонхоновнинг кўзлари чараклаб кетди. Вилоят солик идораси бошлиғига дарҳол “Дамас” русумли автомашиналарнинг қатнов тарифи ўрганиб чиқилсин, дея қатъий кўрсатма берди.

Порахўрлик Қ.Эшонхонов учун кундалик иш услугига айланиб қолди. Наҳангтўра ўзини Самарқанд шаҳрини ободонлаштиришга ва “Динамо” футбол клубини ривожлантиришга жонкуярдай қилиб кўрсатар, раҳбарларни ҳам шунга даъват этарди. Қ.Эшонхонов 2007 йилнинг август ойида “Самарқандпахтасаноат” худудий бошқармаси раи-

си Н.Яхшиевни шахсан ўзи телефон қилиб чакирди. Раис жонини ҳовучлаб, оёғи ерга тегмай учиб келди.

– Самарқанд юбилейини ўтказишга қаршимисан? – Қ.Эшонхонов раиснинг саломига алик олмай, унга вожоҳат билан ўшқирди.

– Йўғ-е, ҳоким бобо! – раиснинг пешонасидан совуқ тер оқди. – Самарқанд бизнинг фаҳримиз-ку!

– Ундай бўлса, ҳозирнинг ўзида зудлик билан 20 минг АҚШ доллари топиб келасан. Шаҳар харатларига ишлатамиз.

Раис акатурдан тарсаки емаганига хурсанд бўлиб, Қ.Эшонхонов айтган пулни келтириб берди.

2007 йилнинг ноябрь ойида яна Н.Яхшиевга қўнғироқ бўлди. “Дараҳтнинг бўшини қурт ейди доим”, деганларидек, Қ.Эшонхонов раиснинг жони дўқ-пўписада эканлигини яхши биларди.

– Нега футбол клубига ҳомийлик қилишга ҳиссангни қўшмайсан? – Қ.Эшонхонов ўрнидан турар экан, раисни дўппослаш учун муштини кўтарди.

– Сиз нима десангиз шу, – деди раис ўзини бўри чангалига тушган қуёндай ҳис этиб. – Биз ҳам четда турмаймиз...

– Нима, сенга бўйсунадиган барча пахта тозалаш корхоналарига тафтишчи ташлайми? Афтидан, шуни кутаётганга ўхшайсан.

Раиснинг хўрлиги келди. Яқиндагина Самарқанд юбилей баҳонасида ҳоким бобога 20 минг доллар келтириб берган эди. Миқ этмасдан бошини хам қилиб тураверди. Яна Қ.Эшонхоновнинг ўзи тилга кирди:

– Ўзинг ҳам, қўл остингдаги ҳодимларинг ҳам қамалиб кетишини истамасанг, 100 минг АҚШ долларини тўплаб келасан.

Раиснинг кўзига ёш қалқди. Иш бор жойда камчилик бор, бу қора фаришта уни қаматиб юбориши ҳеч гап эмас. У бир сўз демасдан ортига бурилди. Бу ризо аломати эди.

2008 йилнинг 10 апрелида вилоят ҳокимининг биносида катта йиғилиш бўлди. Ҳокимлик вазифасини бажарувчи Қ.Эшонхонов йиғилишдан сўнг “Самарқандпахтасоат” худудий бирлашмаси раиси Н.Яхшиевни яна ёнига чақирди.

– Ишингдан сира қониқмаяпман, – бу сўз қошқовоқ уйилган ҳолда айтилди. – Сенинг корхонанг тўғрисида эътиrozлар кўпайиб бораяпти. Яқинда вилоят кенгашининг сессияси чақирилади. Мен ҳақиқий ҳокимликка сайланаман. Шундан сўнг лавозимда қолиш-қолмаслигингни кўриб чиқаман.

Раис шунча берилган пораларни эсидан чиқарган акатўранинг ўзига нисбатан тошбағирлик қилаётганидан ўкинди. Эртаси куни унинг ёрдамчисига майда харажатлар учун 4 минг АҚШ доллари бериб кетди.

Вилоятда Қ.Эшонхоновнинг пўписаларини хушёрлик билан қабул қиласидиган айрим кишилар ҳам топиларди. Лекин улар ҳам қатъиятсизлик гирдобида эдилар. Қундузхон эшонтўра 2007 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Самарқанд худудий бўлими бошлиғи И.Ҳамидовни хизмат хонасига чақирди.

– Яқин дўстимнинг машинасини таъмирлаш кепрак, – деди у юмшоқ оҳангда. – Харажатларига 4700 доллар кетар экан. Шуни сен кўтарасан.

– Менда бунча маблағ йўқ, – деди И.Ҳамидов унинг қонунсиз талабини бажармаслик мақсадида.

Орага совуқлик тушди. Қ.Эшонхонов бундай жавобни сира кутмаган ва хонасига чақирганларнинг бирортаси унинг шаштини қайтармаган эди. Қ.Эшонхонов унинг кетишига кинояли рухсат берди.

– Бораверсинлар!

И.Ҳамидов бу совуқ сухбатнинг натижаси нима билан тугашини кутиб юрди. Бир куни вилоят фаолларининг йиғилиши чақирилди. И.Ҳамидов ҳам унда иштирок этаётган эди. Кутимаганда Қ.Эшонхонов унинг номини тилга олиб қолди:

– Вилоятдаги ташкилотларнинг раҳбарлари орасида ўз ишига панжа орасидан қараб келаётганлар бор. Биз уларнинг ишидан қониқмаймиз. Масалан, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Самарқанд вилояти худудий бўлими бизга нима қилиб беряпти? Унинг раҳбари И.Ҳамидовда ташаббускорлик етишмайди. У ўз вазифасига лойиқми-йўқми, яқинда вилоят кенгаши сессиясида кўриб чиқамиз.

Фаоллар йиғилиши тугади. И.Ҳамидов бу асосиз танқиддан бир оз гарангсиб қолди. Шунда Қ.Эшонхоновнинг ёрдамчиси унинг ёнида пайдо бўлиб, кўнглини кўтарди:

– Хужайин бағри кенг одам. Сиздан бир оз ранжиған, кўнглини топсангиз, кечириб юборади.

Эртаси куни И.Ҳамидов ҳокимнинг ёрдамчиси билан боғланди. Унга ҳозирча майда харажатларга ишлатиб туриш учун 2 минг АҚШ доллари қолдириб кетди.

Наҳангнинг нафси сира тўйдим, демасди. У ҳар куни янги бир раҳбарни қармоғига илинтириш режасини тузарди. Навбатдаги мулкий наф ундириш жазоси “Оқтошдон” АЖ бошқаруви раиси М.Раҳмоновга нисбатан қўлланиладиган бўлди. Жорий этилган одат бўйича у ҳам хизмат хонасига чақирилди.

– Яхшиликни билмаган ҳайвон, – деди Қ.Эшонхонов ҳали саломга ҳам оғиз жуфтлашга улгурмаган М.Раҳмоновни ҳақоратлаб. – Сенда одам-гарчиликдан тирноқча йўқ экан. Бу амални эгаллаш учун “Ўздонмаҳсолот” компанияси раиси номига тақдимнома берганим ёдингдан кўтарилибида-да?

– Хизматингизни бир умр унутмайман, – деди М.Раҳмонов бир оз ўнгайсизланиб.

– Унутмайсан-а?! – Қ.Эшонхонов ўзини жаҳлдорликка солди ва ўрнидан турди. – Унутмасанг, ҳозиргача бирор хизмат қиласардинг-да!

– Ҳоким бобо! – М.Раҳмонов тавба-тазарру

қилишга ўтди. – Биздан хатолик ўтибди, ёшлиқ қилибмиз, минг бор узр!

– Энди гап бундай, – Қ.Эшонхонов бир оз юмшагандай бўлди. – Аввал сенга берилган тавсия эвазига зудлик билан 10 минг АҚШ доллари келтирасан. Сўнгра ҳар чорак якуни бўйича 4 минг АҚШ доллари миқдорида улуш бериб борасан.

Йўқ, дейишга М.Раҳмоновда жон борми? У дастлабки топшириқни эртаси куниёқ бажарди. Кейин 4 мингдан икки марта 8 минг долларни шахсан ҳоким бованинг ўзларига келтириб берди. Бундай усул “Нуробод нефтбаза” унитар корхонаси директори Б.Умировдан пора олишда ҳам кўлланилди. Унга ҳам Қ.Эшонхонов “Ўзбекнефтмаҳсулотлари” Давлат акционерлик компанияси раиси номига тақдимнома берган эди. Б.Умиров ҳам аввал роса “тузланди”. Кейин Қ.Эшонхонов муомалага келди.

– Агар биз билан ишлашни хоҳласанг, қилган яхшиликларим эвазига 50 минг АҚШ доллари келтириб берасан.

Директор Б.Умиров “ҳа” ёки “йўқ” жавобини айттолмай ўйланиб қолди. Ниҳоят, тилга кирди:

– Ҳоким бобо, бунчага кучим етмайди...

– Кучи етадиганлар кўп. – Қ.Эшонхонов кинояли тиржайди. – Сени кўллайдиган қариндош-уруғларинг бордир ахир?

Ҳокимни ранжитиш яхшилик нишонаси эмас. Б.Умиров қариндош-уруғларидан қарз-қавола кўтариб бўлса-да, 30 минг АҚШ долларини топиб келди. Қ.Эшонхонов “қарам”нинг чўғини ҳисоблаб кўриб, кўнгли хуш бўлди, хайрият кам демади, Б.Умировнинг ишига “омад” тилади.

Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринbosари вазифасига ишга келган пайтларда Қ.Эшонхонов унинг оиласи Зебунисо кўчасидан қўним топди. У “Тегина ОАМ” МЧЖ қурилиш ташкилоти директори А.Воҳидовга ён қўшни бўлди. Омадни

қарангки, қўшниси соғин сигирнинг ўзгинаси экан. Қ.Эшонхонов бир куни саломга чиққан А.Воҳидовни ёнига ўтқазди.

– Ён қўшни, жон қўшни деган нақл бор. Мен сизга қўлимдан келганича ёрдам қилишга тайёрман. Лекин айбга буюрмайсиз, биз ҳали Самарқандда мусофири одаммиз. Оғайни ва дастёrlар узоқда. Биласиз, иш кўп, келинойингизнинг қўли калта. Бозор ишларимизга ёрдам бериб турсангиз, девдим...

Ҳоким ўринbosарининг иш буюриши А.Воҳидовни қувонтириб юборди. Қани энди, шу баҳона билан акатўра билан яқинлашиб олсан, деган фикр унинг хаёлидан чақмоқдай ялтиллаб ўтди. Эртаси куни келинпошша қўшнининг ҳовлисига озиқ-овқатлар рўйхати ёзилган узун қофозни олиб кирди.

– Қундузхон акам бердилар, – деди у ним табасум билан.

Қўшни унинг қўлидан қофозни олиб, бозорга жўнади. Йўл-йўлакай ўзига гапириб борди: “Майли, бу гал бозорни ўз хисобимдан қилиб бераман. Кейин пулинни бериб қолар”. Афсуски, бундай бўлмади. Акатўранинг хотини кунора бозорлик рўйхатини унга киритиб бераверди. А.Воҳидов келажакда ҳоким боғонинг бирор ишга фойдаси тегиб қолар, деб бозорликни ўз чўнтағидан қилаверди, ундан пул сўрашга тортинди. Қ.Эшонхонов вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимига кўтарилиб, янги яшаш жойига кўчгунга қадар унинг уйига бир ярим миллион сўм микдорида бозор қилиб берилди. Эвазига миннатдорчилик рамзи сифатида А.Воҳидовнинг қурилиш ташкилоти Ургутда 540 ўринли коллаж биносини тиклайдиган бўлди. Қ.Эшонхонов қўшнисининг қурилиш ишларига қаршилик қилмаслигини айтиб, яна 4 минг АҚШ долларини уйига киритиб бериши лозимлигини тайинлади. Қўшнининг топшириғини бажариш қўшни учун қонун бўлди.

Поранинг катта-кичиғи бўлмайди. Фақат наф-

си аммора ўртанганида мойлаб турилса бас. 2-механизациялашган қўчма колонна МЧЖ директори О.Жўраев вилоятда қурилиш масалаларига бағишиланган йиғилишларнинг айтарли барчасига қатнашиб келарди. 2007 йилнинг декабрь ойида вилоят ҳокимининг биносида қурилиш ва ободонлаштириш ишларига бағишиланган навбатдаги йиғилишдан кейин Қ.Эшонхоновнинг кўзи О.Жўраевни ахтариб топди ва уни ёнига имлади:

– Ёрдамчим Отабекка учраш, сенга бир гап айтади.

Директорнинг юраги жиғ этди. Ёрдамчига учрашганларга хизмат буюрилишини эшитиб юргани бор эди. Тахмини тўғри чиқди.

– Ҳоким ўзига 1100 долларга телефон сотиб олган, шунинг ҳисоб-китобини қилиб кетар экансиз, – деди ёрдамчи.

2007 йилнинг 7 декабрь куни О.Жўраев яшаб турган уйи ёниб кетган, у оиласи билан қўшнисиникидан паноҳ топган эди. Қариндош-уруг ёрдам сифатида О.Жўраевга анчагина пул йиғиб беришганди. У ночор ахволини ҳокимга баён этишни ўзига ор деб билди. Эртаси куни ёрдамчига телефоннинг харажатини келтириб берди.

Мансаб сартахтасига маҳкам ўрнашгани сайин ҳоким нафсига эрк берди. Уни қондириш учун вилоятдаги турли ўрта бўғин раҳбарлари биргалашиб “ҳисса” қўшдилар. Самарқанд шаҳридаги Темир йўл бозори қассоблари ҳам наҳангнинг оғзига 10 минг АҚШ долларини тиқиб, жонига бир оз таскин бердилар.

Темир йўл вокзали олдидағи “Деҳқон бозори” қайта таъмиранадиган бўлди. Бу ишларни амалга ошириш “Самарқанд автойўл” ҳудудий йўллардан фойдаланиш корхонаси раҳбари Ф.Рахимовга топширилди. 2007 йилнинг апрел ойида Қ.Эшонхонов янги бозорнинг қурилиши билан танишиш учун бу ерга

келиб йиғилиш ўтказади. Йиғилиш тугагач, у ёнига Ф.Рахимовни чақиради.

– Эртага сенга бозорқўм раиси учрайди. Касалхоналарни таъмирлаш учун ҳомийлик деб 10 минг доллар беради, уни шахсан ўзимга етказасан.

Суҳбат тугагач, ҳоким ҳузурига бозорқўм таклиф этилади. Қ.Эшонхонов унга қаттиқ топшириқ беради.

– Эртага олиб келадиганингни бу кишига берасан,— дея у Ф.Рахимовни кўрсатади. – Жонингдан умидинг бўлса, пулнинг чўйини камайтириб, нағма қилиб юрма.

Пора оловчи ва берувчилар эртаси куни вилоят ҳокимлиги биноси олдида учрашадиган бўлишди. Бозорқўм ўзи билан “Ҳожи ака” исмли қассобни эргаштириб келиб, ундан 10 минг АҚШ долларини олди ва Ф.Рахимовга узатди. У порани ҳеч тортина масдан чўнтағига солар экан, ҳокимият биносига шахдам қадамлар билан кириб кетди.

Арпа боди

Қ.Эшонхоновнинг нафсини бу гал 10 тонна арпа билан қондиришга тўғри келди.

2007 йилнинг октябрь ойида вилоят ҳокимлиги қабулхонасидан “Жомбойдон” ОАЖ раиси Т.Хусановга телефон бўлди.

– Сиз билан Қ.Эшонхонов гаплашмоқчилар, – деди қиз боланинг мулойим товуши.

– Тоир! – деган овоз эштилди телефон гўшагининг у томонидан буйруқ оҳангода. – Олдингга отбоқаримни жўнатаяпман, 10 тонна арпа бериб юборасан!

Раис “хўп” ёки “йўқ” демасдан, телефон гўшаги тақ этиб қўйилди. Ўша куни Қ.Эшонхонов номидан “отбоқар” этиб келди.

– Жуда ноқулай бўлди-да, – деди Т.Хусанов “отбоқар”нинг олдида мулзам бўлиб. – Бизда факат буғдой бор. Наилож, ҳоким айтганидан сўнг бажа-

рамиз. Сиз бизга етказиладиган манзилни айтинг, – деди у ёнидан дафтарчасини олиб.

“Отбоқар” манзилни қолдирди. Эртаси куни Т.Хусанов корхона ишчиларидан бирини ёнига олиб, Жиззах деҳқон бозорига жўнади. 2 миллион сўмга арпа сотиб олинди ва 150 минг сўм транспорт харажатларига тўланди. Шундай қилиб, ҳокимнинг буйруғи бајарилди ва натижаси телефон орқали айтиб қўйилди.

Ўзгалар маблағи хисобидан хотамтойлик қилишни Қ.Эшонхонов ўзига шуҳрат келтиради, деб ўйларди. 2007 йилнинг 25 августида Самарқанд шаҳрининг юбилейи ўтказилди. Тантана туга-гач, “Жомбайавтомагистрал” корхонаси раҳбари Д.Ёрматов ҳоким ҳузурига чақирилди.

– Режиссёр тантаналар сценарийси устида бир неча ой ишлади. Унинг меҳнатини қадрлашимиз ке-рак. Энди бу улуғ зотга битта “Нексия” русумли автомашина совға қилмасак, уят бўлади. Сен машина-нинг харажатини кўтарасан, бориб “Автотеххизмат” бошлиғи Ақбарга учрашиб шу гапларимни етказ!

Шу куни Д.Ёрматов “Автотеххизмат” бошлиғи А.Аҳмедовнинг уяли телефонига қўнғироқ қилди.

– Хабарим бор, – деди у вазмин оҳангда. – Ҳоким бобо “Нексия-донс” русумли машина сўраган. Нархи 15.367.580 сўм туради. Нақд пул шаклида тўланиши керак.

Корхона раҳбари Д.Ёрматов яқин кишиси орқали зудлик билан 11.700 АҚШ долларини А.Аҳмедов номига жўнатди. Қ.Эшонхоновнинг олдида юзлар ёруғ бўлди. Режиссёрнинг номига “Нексия-донс” автомобили расмийлаштирилди.

Қисир сигир туғар бўлди

Порани қандай олиш йўлларини яхши билган Қ.Эшонхонов уни “туғдириш” усусларини ҳам ахтарарди. Бир гал акатўра товламачилик билан Москва-

Тошкент–Самарқанд шаҳарлари ўртасида бўзчининг мокисидай қатнаб юрган ҳамтовоғи Г.Битовга кўнглини ёрди.

– Гена, мен Москвада бизнес юритмоқчиман, – деди Қ.Эшонхонов жиноий шеригига.

– Табриклайман, – деди Г.Битов сохта тиржайиш билан. – Москвада бу ишни бошлаш учун камида 400–500 минг АҚШ доллари керак.

– Ҳм-м! – Қ.Эшонхонов бир оз ўйланди. Сўнгра кўнглига туғиб юрган иккинчи масалага ўтди. – Агар банкларга омонат қўйилса, фоизи қанча?

– Бир йилга 16–19 фоизлар атрофида, – деди Г.Битов ишончли оҳангда.

2007 йилнинг 7 октябрида Г.Битов Тошкент шахридаги “Бек” меҳмонхонасида Қ.Эшонхоновнинг жияни Шухратдан Москвадаги кўп фоиз тўлайдиган банклардан бирига қўйиш учун 100 минг АҚШ доллари қабул қилиб олди. Кейин 10 октябрь куни Самарқандга келиб, Қ.Эшонхонов билан Университет хиёбонида учрашди. Наҳангтўра унга яна 150 минг долларни топширап экан, буларнинг ҳаммасини Москва банкларининг бирига фоизли омонат тарзида, туғадиган қилиб қўйишни илтимос қилди. Гена пулларни олиб, Москвага учиб кетди.

Хотин маъюс, эр даюс

2008 йилнинг январида Г.Битов яна Тошкентда пайдо бўлади. 17 январь куни “Аристократ” ресторани саунасида 27 йиллик дўсти Ф.Назаров билан учрашади. Ундан ўзининг эҳтиёжлари учун 300 минг АҚШ доллари миқдорида пул беришни талаб қиласди. Аммо Ф.Назаров унга рад жавобини бергач, Г.Битов буни ўзига нисбатан хурматсизлик ва таҳқирлаш деб қабул қиласди ва дўстини жазолаш режасини тузади. Жиноятнинг содир этилишини осонлаштириш ҳамда кўздан яшириш мақсадида Москва шаҳрида яшовчи

ўғиллари Роман ва Руслан Битовларга ҳамда собиқ турмуш ўртоғи Алла Хванга зудлик билан Тошкентга етиб келишларини буюради. 2008 йил 18 январь куни улар Тошкент шаҳрида хозир бўлишади. Г.Битов оиласи билан Ф.Назаровни иккинчи уйидан қидириб топади. Ф.Назаров Генанинг юзидаги важоҳат ва сўзларидаги қаҳрни кўриб ҳайратга тушади.

– Ўзгариб қолибсанми, нима гап?

– Ҳа, ўзгаришга ўзинг мажбур қилдинг! – дейди Г.Битов. – Сен дўстлигимизга хиёнат қилдинг!

– Гапингга тушунмадим?

– 2006 йилда Анталияда дам олганимизда сен хотинимни ўзингнинг хонангда зўрлагансан, номусига теккансан. – Г.Битов собиқ хотини Алла Хвани чакиради. – Шу гап тўғрими? Шундай қилган эдими? – дейди унга қараб.

Алла эрининг гапи тўғрилигини тасдиқлади. Кўрқувдан Ф.Назаровнинг капалиги учиб кетади. У дивандан туриб, қочишга уринади. Г.Битов Ф.Назаровнинг йўлини тўсиб, юзига кетма-кет тарсаки туширади ва ундан яна 300 минг АҚШ доллари миқдорида пул беришни талаб қиласди. Рад жавобини олгач, кўчада кутиб ўтирган ўғиллари Роман ва Русланга қўнғироқ қилиб, уйга чакиради. Улар Ф.Назаровнинг дуч келган жойига уриб-тепиб, бўйнига пичоқ тирашади, қулоқларини кесмоқчи бўлишади. Роман ички чўнтағидан 10 граммлик бир марта ишлатиладиган ичи қонга ўхашаш қизил рангли суюқлик билан тўлдирилган шприцни чиқаради. Г.Битов бу шприцнинг ичиди ОИТС вируси билан заррланган қон борлигини айтади ва Ф.Назаровнинг қўл-оёғини ушлаб “Пулни топасан, агар бирор органга мурожаат қиласиган бўлсанг, оилангни кириб, ўлдириб кетамиз” дейди ҳамда кўлидаги шприцни Ф.Назаровнинг чап думбасига уради.

Шундан кейин Г.Битов Самарқандга жўнайди. 19 январь куни дўсти Ф.Хуррамов унинг Самарқандга

келганидан хабар топиб, қўнғироқ килади ва у билан учрашмоқчи эканлигини айтади.

– Чарчаганман, келиб ўтирма, – дейди Г.Битов жаҳл билан.

Лекин бир оздан кейин яна телефон жиринглайди ва А.Абдураҳимов дўсти Ф.Хуррамов билан уни кўришга келганини айтади. Г.Битов ноилож уларни уйига таклиф этади.

– Нега кайфиятинг йўқ? – сўрайди А.Абдураҳимов унинг юзидағи маъюсликни кўриб.

– Назаров, Хуррамов, Маҳмудов каби номард дўстларим борлигидан хафаман, – дейди Гена.

– Ие, – ажабланади Ф.Хуррамов. – Орамиздан ҳали ола мушук ўтгани йўқ эди-ку!

– Сен хотиним билан жинсий алоқада бўлгансан!

Ф.Хуррамов Г.Битовнинг бу даъвосини тан олмайди. У хотинини чақиради. Алла ҳақиқатдан ҳам шундай бўлганлиги ҳакида кўрсатма беради. Гўё rashk ўтида ёнган Г.Битов Ф.Хуррамовнинг башарасига икки-уч марта тарсаки тортади. Ўғиллари Роман ва Русланлар билан биргаликда уни “оқ калтак-қора калтак”ка олишади, уриб-тепишади. Г.Битов қўлига 10 граммлик бир марта ишлатиладиган, ичи яшил рангли суюқлик билан тўлдирилган шприцни олиб, унинг ичиди ОИТС вируси борлигини айтади ва Ф.Хуррамовни касаллик юқтириш билан кўрқитади. Чуст пичоғини бўйнига тираб, ўлдирмоқчи бўлади. А.Абдураҳимов ўзини Г.Битов ва Ф.Хуррамовларнинг ўртасига ташлаб, “унинг ўрнига мени ўлдир”, дея ёлворади. Бу орада фурсатдан фойдаланган Ф.Хуррамов хонадан чиқиб қочади.

Г.Битов А.Абдураҳимов билан бирга рўй берган воқеани муҳокама қилишга киришди. Алла эрига дастлаб Э.Маҳмудов хиёнат қилганлигини айтди. Яъни, Алла Самарқандда бўлганида Э.Маҳмудовдан қариндошлариникига машинада олиб боришни илтимос қилган. Ўшанда Э.Маҳмудов уйини таъмирлаёт-

ган экан. У Аллани таъмирлаш ишларига баҳо бериш баҳонасида уйига олиб киради ва номусига тегади. Кейин Аллани агар бу сирни Генага айтса, оиласи бузилиб кетиши билан қўркитади. Г.Битов хотинининг сўзлари қанчалик тўғрилигини билиш учун 19 январь куни ундан Э.Махмудовнинг уйини кўрсатишни сўрайди. Алла унинг уйини кўрсатиб беради. Гена хотинидан уйнинг ичини тасвирлаб беришини сўрайди. Алла буни ҳам аниқ тасвирлаб беради. Г.Битов уй Э.Махмудовга тегишли эканлигини аввалдан биларди. Ҳақиқатдан ҳам шундай воқеа бўлиб ўтганлигига ишонч ҳосил қилгач, ўша куни хотини ва ўғилларини Москвага жўнатиб юборади.

2008 йилнинг 20 январида Г.Битов А.Абдураҳимовдан Э.Махмудовни уйига чақиртириб бериши илтимос қиласи. У келгач, “Нега хотинимнинг номусига тегдинг?” деб сўрайди. Э.Махмудов эса бу даъвони инкор қиласи. Шунда Г.Битов хотини Аллага қўнғироқ қилиб, телефон овозини баланд алоқага мослаштиради. Алла телефонда ҳақиқатдан ҳам Э.Махмудов номусига текканлиги ростлигини тасдиқлади. Шунда Г.Битов бирданига унинг юзибоши демай дўппослай кетади ва телевизор устида турган японларнинг самурай қиличини ҳамда 10 граммлик бир марта ишлатиладиган, ичида суюқлик бўлган шприцни олади. Бу шприцнинг ичида ОИТС вируси борлигини айтиб, Э.Махмудовга санчмоқчи бўлади. А.Абдураҳимов Г.Битовнинг қўлидан шприцни тортиб олади. Г.Битов Э.Махмудовнинг бўйин қисмига қўлидаги қилич билан жароҳат етказади, уни ўлдирмоқчи бўлади. Э.Махмудовнинг эгнида қалин чарм куртка ва свитер борлиги туфайли жони омон қолади. А.Абдураҳимов Г.Битовнинг жиноят қилишига қаршилик кўрсатаётганида Э.Махмудов хонадан қочиб қолади.

Жабрланувчи Ф.Назаров, Ф.Хуррамов ва Э.Махмудовлар ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари-

га ушбу жиноий ҳаракатлар юзасидан ариза билан мурожаат этишади. 2008 йил 25 январда Г.Битовга нисбатан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилиб, унинг паспорти тергов органи томонидан олиб қўйилади ва у қўлланилган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариши лозимлиги ҳақида огоҳлантирилади. Содир этган жиноятла-ри учун жазо муқаррарлигини билган Г.Битов Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонасига паспорти йўқолганлиги ҳақида ариза билан мурожаат этади. У қалбаки кўрсатмалар асосида вақтинчалик паспорт олади ва 2008 йилнинг 20 февралида Москвага учеб кетади.

Ҳамтовоғининг терговга тортилганлигини эшитган Қ.Эшонхоновнинг пайтавасига қурт тушади. У тергов жараёнига аралашиб, гувоҳ ва жабрланувчиларга кўрсатмаларини ўзгартиришлари учун турли усуllар билан тазийқ ўтказади ва жиноий улфатига нисбатан суд томонидан 2008 йил 11 март куни қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чораси ва қидирувни бекор қилдиради. Қ.Эшонхонов бунга ҳам қоникиш ҳосил қilmай, Г.Битовнинг тергов ҳаракатларига аралашади. Ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида чек-чегарасиз ваколатидан фойдаланиб, суриштирувчи ва терговчиларга қонунга хилоф равишда тазийқ ўтказади. Самарқанд вилоят ИИБ жиноят-қидирув бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари М.Хурсандовни вилоят хокимлигига, хизмат хонасига чақиритиб, ўзининг рухсатисиз Г.Битовни ушлаганлиги учун унга эътиroz билдиради. Дарҳол Г.Битовни вақтинча ушлаш жойидан чиқариб юборишни, акс ҳолда унинг ўзига ёмон бўлишини айтиб, таҳдид қилади. М.Хурсандов наҳангтўраннинг файриқонуний буйруғини бажармаганидан кейин Қ.Эшонхонов вилоят ИИБ бошлиғига қўнғироқ қилиб, унга Г.Битовни озод қилишни бу-

юради. Лекин воқеалар ривожи аллақачон вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи қора фариштанинг таъсир доирасидан чиқиб, катта қозонда қайнай бошлиған эди.


Акатўранинг таноби кеч бўлса ҳам тортилди. Қора фариштанинг жиноий ҳамтовоғи тимсоҳ Гена уни ўзи билан бирга қора курсига тортиб кетди. Ҳокимтўрадан катта умидлар кутиб юрган, соясида ёнбошлаб юрганлар доғда қолишиди.

Халқимизда шохига урсанг, туёғи зирқирайди, деган нақл бор. Жиноий гурухнинг ўзаги топилса бас, қолган лакқалар ўзидан-ўзи чиқиб келаверади. Ҳар қандай катта хўракни ютиб юборишга ўрганиб қолган ҳаромтомоқларни атрофида юрган шотирлари қанчалик ҳимоя қилишмасин, гулдор панжара уларнинг ҳашаматли қароргоҳига айланди. Аввалбошда қора фариштани ҳимоя қилишга интилганлар ҳам текширилгач, акатўра билан еган номаъқулчиликларини тан олишиб, биттадан қора курсини эгаллашди.

Аввалбошда келтирилган ривоятга қайтадиган бўлсак, Барсисо номли тақводор зоҳид шайтонлик йўлига ўтганидан сўнг ҳам анча вақтгача одамлар унга авлиё сифатида эҳтиром кўрсатишган экан. Аммо ҳақиқат барибир қарор топди. Аҳман-шайтон, баҳман фариштанинг қисмати ҳам ана шундай фожиали якун топди. Ложарам, ким қилмагай, ким топмагай.

2009 йил.

СУД ОЧЕРКЛАРИ



ОНА ЮРАГИ

Она! Муқаддас сўз, муқаддас калом. Ёруғ оламга келганимиздан улғайганимизга қадар, ҳатто насиб этса кексаликда ҳам бу инсондан мадад сўраймиз, кувват оламиз. Бир парча гўштни кипригининг учларида авайлаб, ҳол-бехол бўлиб асраса, емай едирса, киймай кийдирса, тунларни бедор ўтказса, биз бу азтз зотнинг хизматларини, оқ сутини қандай яхши амалларимиз билан оқлаймиз?

Ривоят қилишларича, золим шоҳ бир онани юз дарра урдирибди. Онадан садо чиқмабди. Навбат фарзандига келибди. Уни бир дарра урган экан, она-нинг фифони кўкларга етибди. Шунда шоҳ сўрабди: “Эй, она! Сени юз дарра урдик. “Воҳ” демадинг. Болангни ҳали бир даррагина урмасдан мунча фифон кўтарасан?” Она дебди: “Юз даррани жиссимга урдинг, бир дарра эса нақ юрагимга тегди”.

Ҳа, она учун фарзанд шунчалар ширин. Буни фарзандлар ҳар доим ҳам ҳис этишармикан? Шундай азиз зотнинг хизматларига, меҳру муҳаббатига лойик фарзанд бўла оляяпмизми? Бу мукаррам зот олдида бир умр қарздорлигимизни англамоғимиз, унинг ҳурмат-иззатини “лаббай” дея бажо келтиришимиз биз фарзандлар учун ҳам фарз, ҳам қарз эмасми?

Каттақўрғон қутлуг, ўтмиши, машхур кишилари билан етти иқлимга донг таратган туман. Ким ўйлабди шундай юртдан ўз муштипар онасининг, эндиғина ҳаётнинг мазмунини тушуниб келаётган икки гулдек синглисининг қотили чиқади деб...

Каттақўрғон шахрида яшовчи, спиртли ичимликларга муккасидан кетган Ғайрат Раҳмонов онасидан минг сўм пул беришни талаб қилади. Ўртада жанжал чиқади. Онага ҳурмат, меҳр-оқибатдан, пулнинг кучи устун келади. Ғайрат уйдаги пул, қимматбаҳо тақинчоқларни олиш мақсадида тандирхонадан

хўжалик пичоғини олиб келиб, онасиning юрагига санчади. Она, муштипар она ўз фарзанди қўлида жон беради!

Шундан сўнг кўзи қонга тўлган бу ваҳший фарзанд онаси яшайдиган хонага кириб, тилла тақинчоқларни олаётганда хонага 1981 йилда туғилган синглиси кириб қолади. Содир этган қотилликни яшириш мақсадида хунхўр ўғил худди ўша пичноқни синглисининг кўксига уради. Ўша қонли пичноқ бақир-чақир, шовқин-суронни эшитиб хонага кирган 19 ёшли Гўзалнинг ҳам юрагига санчилади...

“Гувоҳлар”дан қутулган одам қиёфасидаги иблис жавонда турган 11600 сўм пул ва қимматбаҳо тақинчоқларни олиб, ҳовлидаги ертўлага яширади. Онаси, сингиллари Гавҳар ҳамда Гўзалларнинг юракларини қиймалаган пичноқни хожатхонага ташлаб юборади. Кейин ошхонага кириб, бурнини уриб қонатади, бошқа бир пичноқ билан оёқларига, сонига тан жароҳати етказади. Ўзини гўё хушидан кетгандек кўрсатиб, чўзилиб ётиб олади.

...Жиноят содир этилган жой прокуратура ҳамда ички ишлар ходимлари томонидан зудлик билан ўрганиб чиқилади. Қотил аниқланади. У машъум жиноятдан қанчалик тонмасин, инкор қилиб бўлмас далиллар туфайли айбига икрор бўлди.

Вилоят суди уни олий жазога лойиқ топди. Бу қонун тайинлаган жазо. Унга Яратган берадиган жазо ҳам тайин.

Бу даҳшатли қотилликни эшитиб, ёқа ушлайсан киши. Одам боласи шу қадар тубанликка боришининг сабаблари нимада? Моддий муҳтоҷликлими? Ёки оиласи мухит шу даражада ёмонмиди? Хўш, биз фарзандларимизни қандай тарбияляпмиз? Уларнинг юриш-туришини кузатаяпмизми? Уларга меҳроқибат туйғуларини сингдираяпмизми? Қийинчилик йўлларини енгигб ўтишни ўргатаяпмизми? Улар ҳирсу ҳавасдан тийилиш, нафсни жиловлаш нималигини

билишадими? Жигаргўшаларимизнинг эрта бир кун мана шундай мудҳиш жиноятни содир этмаслигига ишончимиз комилми?

Савол ортидан савол ёғилаверади. Бу саволлар фарзанд тарбияси билан масъул ота-она, маҳалла аҳли, таълим-тарбия ўчоқлари, қолаверса, ҳар бир инсон олдига қўйилмоғи лозим.

ЛОҚАЙДЛИК КАСОФАТИ

Ольга Ильинична тор уйда ижарада яшаётган синглиси Татьяна Маркаровани оиласи билан Темирийўл туманидаги 36-боши берк кўча, 2-уйга кўчириб келганидан сўнг бу хонадондан жанжал аримасдан қолди. Уй О.Косова номида бўлса-да, отамерос мулк сифатида Т.Маркаровалар ҳам унга ўзларини ҳақдор деб ҳисоблашарди. Т.Маркарова “Уйни сотаман”, деганидан сўнг жанжал айниқса кучайди. О.Косованинг бўйи етган қизи Виктория холаси ва холаваччалари билан ҳар куни юлишар, ҳатто муштлашиб ҳам оларди.

Отаси қамалгач, назоратсиз қолиб, касалманд во-лидасига итоатсиз ўсган Виктория охири уйидагилари билан уришиб чиқиб кетади. Тўғрироғи, у анчадан буён дон олишиб юрадиган жазмани Илҳом Маматқобилов ижарага олган дала ҳовлига 15 ёшли укаси Денис билан кўчиб ўтади.

Муқаддам судланган И.Маматқобилов бу ерда содик шогирдлари Альберт Фаттоҳов ва Денис Косвлар билан сандиқ, элак ясад сотишар эди.

Навниҳол жазманининг дийдиёларини тинглаб, унинг уйини ишғол этган қариндошларидан тортиб олиб, эгалик қилиш фикри Илҳомга тинчлик бермай кўяди. Улар шу тарика Маркаровалардан ўч олиш пайига тушишади. “Мактаб” кўрган И. Маматқобилов ҳафсала билан шогирдларига сим сиртмоқ билан одамни бўғиб ўлдириш ва бошқа қотиллик усулларини ўргата бошлайди. Виктория уйидан зарур ашё-

лар, ўзи ва онасининг хужжатларини келтириб кўяди. Чунки режага кўра интиқомдан сўнг уй ёқиб юборилиб, жиноий излар йўқотилиши кўзда тутилган эди.

1997 йилнинг 27 октябрь қуни кечга яқин Викториянинг олдига кичик укалари Леонид ва Оксана йифлаб келиб, Татьяна хола бизларни уриб, хайдаб юборди, деб арз қилишади. Шу қуни кеч соат 7.00 ларда И.Маматқобиловнинг “Москвич-412” русумли машинасида ёвуз ниятли бу гурух Маркаровалардан “қасос” олиш учун жўнайди. Режага кўра Денис билан Альберт холавачаси Маринани кассета олиш баҳонасида алдаб олиб чиқиши ва шундан сўнг бўғиб ўлдиришлари лозим эди. Дастлаб Денис ва Альберт кўркқанларидан бу ишни амалга ошира олмайди.

И.Маматқобилов уларга: “Агар айтганларими ни қиласаларинг, ўзларингни йўқ қиласман!” деб кўркитади. Илҳомдан ўлгидай қўрқадиган шогирдлар ишга киришадилар. Энди улар ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ҳолга келгандилар. И.Маматқобилов Марина ва Натальяни ташқарига чақиради. Виктория уларни чалғитиб турган пайтда Денис уйга кириб, Т.Маркарованинг бўйнига сим сиртмоқ солиб бўғади. Альберт бўйнидаги сиртмоқдан қутулишга уринаётган Татьянани оёғидан чалиб йиқитади. Ва биргаликда Маркаровани ваҳшийларча ўлдирадилар. Кейин И.Маматқобиловнинг буйруғи билан Денис Маринани уйга чақиради.

Марина уйга кириши билан Илҳом унинг қўлини силтаб қайиради, Денис бўйнига сиртмоқ солиб бўғади. Альберт оёғидан тортиб йиқитгач, Маринанинг жони узилади.

Ичкаридаги шовқинни эшишиб келган Натальяни Альберт бўғиб олади. Илҳом эса жонидан жудо бўлгунича аёвсиз тепкилайди. Шундан кейин ёвуз қотиллар хонада ётган Татьянанинг етти яшар қизалоги Галинани тутиб олишиб, Илҳомнинг буйруғи билан Денис сим сиртмоқни гўдакнинг бўйнига солиб тортади.

Бутун оилани йўқ қилишни мақсад қилган жаллодлар бечора Натальянинг тўрт яшарлик руҳий қасал қизалогини ҳам оғзига ёстиқ босиб ўлдиришади.

Ниҳоят навбат марҳума Маринанинг ҳали бир ёшга тўлмаган чақалогига келади. Уни Денис ўлдиради.

Шу маҳал тасодифан келиб қолган қўшни бола – 1980 йилда туғилган Виктор Қосимовни ҳам гувоҳ қолдирмаслик учун йўқ қилишга киришишади. А.Фаттоҳов уни бўғиб туради, И. Маматқобилов эса болани то хушидан кетгунича тепади. Денис беҳуш Викторнинг кўксига пичоқ санчади. Етти нафар инсоннинг хаётини барбод этган бу мудҳиш қотиллик қарийб бир соат ичидага амалга оширилади.

Жиноятчилар изларини йўқотишига қанчалик уринишмасин, эртаси куниёқ қўлга олиндилар. И.Маматқобилов бошчилигидаги уюшган, маҳсус тайёрланган жиноий гурух амалга оширган қотилликлар ишонарли далиллар асосида фош этилди.

Бу оиласи қирғинбаротда бегуноҳ уч она, аёл ва уларнинг ҳимоясиз уч боласи ўлдирилган. Суд экспертизаси хulosасида аён бўлдики, уйга ўт қўйилганда Виктор Қосимов тирик бўлган. Уйни ёкиб юбориб, жиноятчилар маҳалла аҳолисига ҳам жиддий хавф тугдиргандар. Жиноий гурухга вояга етмаганлар жалб этилган. Улар балоғатга етмаган, норасида гўдакларни ўлдиришдан ҳам қайтмадилар. Жасадлар, уларда қолган излар, эксперт хulosалари асосидаги тугал тергов иши судга оширилди.

Суд жараёнида Денис Косов тергов қўрсатмасига ўзгартириш киритиб, бутун қотилликларни бир ўзим амалга оширганман, деди. Унинг айтишича, Виктория ва И.Маматқобилов ўша куни дала ҳовлидан чиқишимаган. Бироқ Дениснинг ўз опаси ва устози гуноҳини енгиллаштириш учун қилган ҳаракатлари беҳуда кетди.

Ўша куни дала ҳовлида бўлган И.Маматқобиловнинг укаси Икром акаси Виктория, Денис

ва Альбертларни олиб, кечки пайт чиқиб кетганлиги, ярим кеча сумка кўтариб қайтишганларини кўрганлигини айтиб, Дениснинг кўрсатмасини фош этди. Илҳомнинг машинасини Маркаровалар уйи олдида кўрган қўшнилар ва укаси Леониднинг терговдаги кўрсатмаси Дениснинг ёлғонларини пучга чиқарди. Суд тергови рад қилиб бўлмайдиган мантикий далиллар асосида олиб борилганлиги туфайли жиноят тафсилоти тўлиқ аниқланди.

Бу ҳолни тасаввур қилиш учун жиноятга тайёргарлик жараёнини кўздан кечириб чиқайлик. Аввалио, бу жиноятга ҳаракат ўта ғаразли мақсадни кўзлаб, яъни бошқа кишига тегишли бўлган мол-мулкни зўравонлик билан эгаллаб олиш ва уй-жойини йўқ қилиш учун тайёрланган. Тергов жараёнида кўплаб гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳам аниқлик билан ўрганилди...

1998 йил Самарқанд вилоят судининг очиқ мажлисида бу даҳшатли воқеа қонун тарозисига қўйилди. Инсонлик қиёфасини йўқотиб, етти нафар бегуноҳ одамнинг умрига зомин бўлган ёвузлар ўз жазоларини олишди. Илҳом Маматқобилов ва Альберт Фаттоҳовга ўлим жазоси тайинланди. Виктория Косова 18 йилни қаттиқ режимли колонияда, Денис Косов эса 12 йилни умумий режимли тарбиявий колонияда ўтайдиган бўлишди.

Хукм ўқилди, жиноятчилар тегишли жазога маҳкум этилди. Бироқ юз берган воқеа ҳар биримиздан огоҳликни, ҳушёрликни талаб қиласди. Сўнгги пайтда манфур ниятли жиноятчиларнинг таъсирига тушиб, қабоҳатга қўл ураётган ёшлар тарбияси бугунги кунимизнинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шунга ўхшаш ҳолатларда балоғат ёшидаги ўсмирларни ўз ҳолига ташлаб қўйгувчи бефарқ ва лоқайд ота-оналарнинг айби ҳам анчайин кўп. Жиноят иштирокчилари Илҳом Маматқобилов – 23, Виктория – 18, Альберт – 20, Денис эса бор-йўғи – 15 ёшда. Улар шу навқирон, куч-ғайратга тўлган

ёшда ҳақ йўлидан тойиб, қабоҳатга қўл уришди. Отанаолари, қариндошлари бор эди-ку. То инсонлик қиёфаларини буткул йўқотгунларига қадар ҳеч ким уларга эътибор қилмаган. Маҳалла-кўй, жамоатчиликнинг таъсир доираси ҳам сезилмайди. Ёшларни ёвуз кучлар таъсиридан ҳимоялаш, жиноятчиликнинг пайини қирқиши нафақат хукуқ-тартибот соҳаси ходимлари, балки барчамизнинг олдимизда турган дол зарб вазифа бўлиши керак.

1998 йил.

БУРГУТ БОЛАНИНГ ҚУЗҒУНЛИКЛАРИ

Сентябрь ойининг ўрталари. Самарқанд шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий қасбларга йўналтириш бўйича республика лицейи директори Алишер Бозоровни кутилмаган телефон қўнғироғи хушёр тортириди. Телефон гўшагидан қандайдир таниш, дўрилдоқ овоз эшитилди.

- Алишер Бозорович!
- Эшитаман!
- Сизни Миллий хавфсизлик хизматидан безовта қиляпмиз.
- Хўш, хизмат?
- Учрашишимиз керак, тақдирингиз ҳал бўляпти.
- Тушунмадим?! – Алишер Бозоров ҳайратланди.
- Ким билан гаплашаяпман.
- Ҳозир ўзимни таништиришим фойдангизга тош босмайди. Лицей қабул ишларида гап-сўз бор. Вилоят Миллий хавфсизлик қўмитасига сигнал етиб келди. Ёрдам керак бўлса, соат беш яримларда Оҳалик кўчасининг бош қисмидаги озиқ-овқат коллежи ёнига етиб келасиз.

Лицей директори Алишер Бозоров гўшакни кўлига тутганича гарангсираб қолди. Лицейга ўқувчиларни танлаш жараёнини кўз ўнгидан ўтказди. Бирор ножўя харакатларга йўл қўйилмаганлигига тўла ишонч ҳосил қилди. Миллий хавфсизлик хиз-

матидан, дедими? Исли шарифини айтмагани чатоқ бўлди-да. Ҳозир тўғри хавфсизлик идорасига борсанчи? Директорнинг миясида ҳар хил шубҳали фикрлар туғилар экан, нима бўлса-да, айтилган жойга боришга аҳд қилди.

Учрашувга таклиф этганлар “Дамас”да кутиб туришган экан. Лицей директори Оҳалик кўчасига етиб келиб, ҳали машинадан тушишга улгурмаган эди. Икки ёш йигитнинг бири директор ёнига, иккинчиси орка ўриндиққа чўкди.

— Сизни биз безовта қилдик, — деди телефондаги ўша таниш овоз.

Алишер Бозоров бу кимсани яқинда лицейда кўрган эди. У қабул муддати тугаганлигига қарамасдан бир жиянини қабул қилишларини илтимос қилганди. Үнга рад жавобини берганлиги ёдида.

Орка ўриндиққа ўтирган йигит Алишер Бозорвога букланган қофоз узатди.

— Нима бу?

— Сизнинг устингиздан тушган шикоят. Ўқувчиларни лицейга қабул қилишда ҳаром-ҳариш йўл тутганингиз ҳақида. Аввал бир танишинг, қолганини кейин гаплашамиз.

Директор букланган хатни қўлига олар экан, орасидаги бир неча дона АҚШ долларига кўзи тушди. У бошига қандайдир мусибат ёғилаётганини сезгандек, долларни орқага қайтаришга уринди. Хатни узатган киши уни директорнинг қўлига қайта тутқазиб, бу яхшиликка хизмат қилишини таъкидлади.

— Тортинмасдан олаверинг, — деди телефонда мулоқотда бўлган киши бир оз мийигида кулиб. — Бизнинг хизматда ҳам одамгарчиликни биладиганлар кўп. Шуни оласиз-да, бу кишининг жиянларини лицейга жойлаштирасиз.

— Нималар деяпсиз? Ахир, қабул муддати тугаган бўлса. Бунинг устига белгиланган ўринлар тўлган.

— Бу сизнинг муаммоингиз. Илтимосимизни рад этсангиз, лицейда ўтказган қабулингизни текширишга ва уни қайта ўтказишга қурбимиз етади.

– Майли! Қайта текширишларингизга розиман, – деди Алишер Бозоров қатъий оҳангда. – Қабулдан кўнглим тинч.

– Кўнглингиз тинчми? – йигит масхараомуз кулади. – Танишайлик. Орган ходими Акбар Бургутов бўламан, – дея у қизил ниқобли гувоҳномани директорнинг пешонасига яқинлаштириди. – Айни пайтда қафасга тушдингиз. Ўзингизни ҳар тарафга уришдан фойда йўқ. Кўлингизда жиноят излари қолди. Марҳамат, машинангиздан тушинг! Биз билан кетасиз.

Ё тавба, бу воқеалар тушда бўляяптими ёки ўнгда? Директорнинг сира ақли етмасди. Лекин долларларни қўли билан ушлади. Ўзи оёғи тортмаган эди-я! Келмаса бўлар экан. Унинг назарида, энди ялиниш ёки келишишдан бошқа чора йўқдек.

– Хўш, нима истайсизлар?

– Энди кеч бўлди. – Бургутов тўнини тескари кийганга солди ўзини.

– Наҳотки! Ё тавба! – Алишер Бозоровнинг кўз ўнгига қора панжара, қамоқхона ва азоб-уқубатнинг мудҳиш кўриниши намоён бўлди. – Ўртоқ Бургутов... Бир ўқувчи бўлса, иложини қиласиз. Лекин, бу “хат”ларингизни олиб қўйинглар.

У илтижоли оҳангда АҚШ валютасини Бургутовнинг олдига ташлади. Акбар долларни чўнтағига солар экан, бир оз юмшаган бўлди.

– Майли! Лекин шарти бор. Биринчидан, Анвар Мўминов эртаданоқ лицей талабаси бўлади. Иккичидан, ҳозироқ 50 минг АҚШ доллари келтириб берасиз.

– Нега? – Алишер Бозоров ҳайратланганидан баланд овозда қичқириб юборди.

– Овозингизни кўтарманг, – Бургутов хотиржамлик ишорасини қилди. – Нега бўларди, жиноятингиз эвазига! Шу пайтгача ҳам пора олгансиз, бунинг устига Миллий хавфсизлик хизмати ходимидан ҳам АҚШ долларини олишга улгурдингиз.

– 50 минг доллар? Бутун қариндош-уруғимнинг мол-мулкини сотсак ҳам бунга етмайди-ку!

– Бу сизнинг муаммоингиз, – Бургутов сира бўшашиб эди. – Кучингиз бирдан етмаса, секин-аста узасиз. Ҳозир учидан бир оз чўзиб турсангиз, хужатларни расмийлаштирмай турамиз.

Ўша куни Бозоров Миллий хавфсизлик хизмати ходими Бургутовга 1500 доллар бериб, жон сақлаб қолди.

Томонлар бир битимга келишишди. Бургутов кечиримли экан. Бозоровга раҳм-شاфқат қилди. 10 минг АҚШ долларини берса ва илтимос қилинган болани лицейга жойлаштирса, гуноҳидан кечадиган бўлди. Лекин бу миқдордаги доллар Алишер Бозоровда йўқ эди. Акбар директорнинг паспортини талаб қилди. Ёнида паспорти бўлмаганлиги сабабли хизмат гувоҳномасини тортиб олди.

– Эҳтиёт бўлинг! Уй телефонингиздаги ҳар бир сўз ёзиб олинмоқда. Уйингизга кириб-чиқадиган кишилар хисобда. Орамиздаги бўлган воқеани оғзингиздан гулласангиз, раҳбарларимиз сизни ҳам, оғайниларингизни ҳам тинч қўйишмайди. Эртага қолган 8500 долларни қарз олсангиз ҳам топасиз!

Алишер Бозоров уйга келиб, хотинига бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб берди. Эру хотин маслаҳат олиш учун онаси М.Хамроеванинг уйига келдилар.

– Айбинг бўлмаса, нимадан қўрқасан! – далда берди она. – Тўғри бошлигининг олдига бормайсанми? Бўлган воқеани айтиб бермайсанми?

– Мен ҳам шуни ўйлаб қўрдим. – Алишер Бозоров онасининг гапига қўшилди. – Лекин нима қиласай? Мени алдашди, шикоят хатини ўқинг, деб доллар тутқазишишди. Долларда бармоқ изларим қолган...

Онаси ва сингиллари Алишер Бозоровнинг юкини енгил қиладиган бўлишишди. Онаси яхши кунларга сақлаб қўйган 500 минг сўмни берди, сингиллари ҳам 500 минг сўмдан йиғиб бердилар. Хуллас, у қилди,

бу қилди, етмаганини оғайниларидан ундириди. Бозоров 8500 АҚШ долларини Бургутов ҳамда 35 ёшлар чамасидаги Обид деган йигитга тутқазар экан, унга нисбатан ҳужжатлаштирилган ариза ва хизмат гувоҳномасини қайтариб беришни сўради.

– Шошилманг, – деди вазмин оҳангда Бургутов. – Сизнинг ҳужжатларингиз Миллий хавфсизлик идора-сида. Уни йўқотиш осон эмас.

А.Мўминовни лицейга қабул қилиш чораси бўлмай турганида омадни қарангки, йўл топилиб қолди. Талабалардан бири саломатлиги туфайли ўқиши давом эттира олмаслиги тўғрисида ариза берди. Бунинг эвазига Анвар лицей ўқувчиси бўлди. Ўша куни Анварнинг отаси А.Мўминов директорга миннатдорчилигини билдириш учун келди. Директор ота билан танишар экан, органда ишловчи ходимлар билан қаердан танишлигини суриштириб қолди.

– Бу саволингизга жавоб беришим қийин, – деди А.Мўминов. – Сиз айтган Бургутовни сира танимайман. Лекин Боғишамол туман ҳокимлигига ишловчи Алишер исмли йигитни биламан, холос. У мендан ўғлимни ҳарбий лицейга жойлаштириб қўйиш учун 200 доллар олган.

А.Бозоров сир бой бермади. Бу орада Тошкентга даволанишга бориб келди. 22 октябрь куни Бургутов ҳамроҳи Обид билан биргаликда директор хонасига келди. Улар А.Бозоровга хизмат гувоҳномасини топширишар экан, яна унинг олдига янги талабни қўйдилар.

– Аввало, хизматларингиз учун ташаккур! Бундан кейин бизнинг химоямизда бўласиз. Бошлиғимиз яна бир болани ҳарбий лицейга жойлаштиришни қатъий илтимос қилди.

– Сира иложи йўқ! – директор чўрткесарлик билан жавоб берди.

– Иложини топасиз.

– Мени жиноятга бошламанг!

– Тушунаман! Қабул муддати аллақачон тугаган.

Лекин... Бошлиқлар буни тушунишмаса нима дейсиз. – У бир оз ўйланиб турар экан, яна сўзини давом эттирди.– Бафуржа гаплашиб олишимизга тўғри келади, шекилли. Бугун сауна ташкил қилсангиз, меҳмонлар бор, зиёфати билан...

– Кечирасиз! – директор тунд қиёфага кирди. – Мехмон кутишга шароитим йўқ.

Лицей директорининг жавоби Бургутовга оғир ботди шекилли, у орган ходими номидан пўписа қилди, қамоқда чиритишга онт ичиб, эшикни зарб билан ёпганча хонадан чиқиб кетди...

Бу орада яна бир шахс А.Бозоровга Тошкентда, органда ишлашини айтиб, Бургутов иши юзасидан кузатув ишлари олиб борилаётганлигини, у аъзо бўлган тўда товламачилик билан шуғулланиб келаётганлигини айтади. “Бургутов албатта ўз жазосини олади, мен бунга кафилман ва бу ишни ўзим охирига етказаман. Лекин айбга буюрмайсиз. Сиз билан боғлиқ бир юмуш чиқиб қолди. Бухоролик бир жиянимизни лицейга қабул қилишингизни ўтиниб сўрайман. Ўйлайманки, бу иш сизнинг қўлингиздан келади”, деди у ўзини самимий қўрсатиб. Директор тошкентлик меҳмонга ҳам рад жавобини беради-да, Самарқанд вилоятидаги тегишли органга мурожаат этиб, Бургутов ва унинг ҳамтовоқларини тартибга чақириш юзасидан шикоят аризаси йўллайди.

Шундан сўнг Бургутовнинг шахсини аниқлашга киришилади. Самарқанд шаҳар прокуратураси ходимларининг текширувига кўра, Акбар Бургутов 1960 йил 30 октябрда Пастдарғом туманида туғилган. Маълумоти олий, 1994 йилда Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. Чархин қўргонида яшайди. Хеч қаерда ишламайди.

Терговда А.Бозоровдан 8500 АҚШ долларини машинада қабул қилишда иштирок этган Обиднинг ҳам шахси аниқланди. О.Тиркашев 1967 йилда туғилган. Бирор фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан келади. Лекин касби-кори товламачилик, Бургутов билан

шерикчиликда орган ходими номи билан қўрқитиб, содда одамлардан пул ўмаришни касб қилиб олган.

Ута ишонувчанлик инсон бошига мусибат ёғилишига сабаб бўлса, хушёрлик ҳар қандай бало-офатларнинг олдини олиши мумкинлигини А.Бозоров ўз ҳаёти мисолида исботлади. Орган номидан иш кўрганлар тузогига илиниб, жабрини чекиши унинг соддалиги оқибати эди. А.Бозоров тасодифан ўқувчи А.Мўминовнинг отаси билан учрашганлиги, ундан Алишер исмли йигитнинг номини эшитганлиги калаванинг учини топишга бирмунча ёрдам берди. Иш юзасидан гувоҳ тариқасида Алишер Қудратов терговга чақирилди.

– Тўғри, Мўминовни танийман, – ерга қаради А.Кудратов. – 2001 йилнинг июль ойида қўшним Шоим Тожиев ўзи билан ишлаётган Ахрор исмли дўстининг ўғлини ҳарбий лицейга ўқишга жойлаштириш ҳақида маслаҳатга келди. Бу иш менинг қўлимдан келмаслигини айтганимда, у “полковник акангиз бор-ку. Унинг бир оғиз гапи”, деди. Шоим Жиззах вилоятидаги ҳарбий билим юртида ишлаган Ҳамид Низомовни назарда тутган эди. Лекин у кишининг аралашуви ҳам фойда бермади. Ҳарбий лицейда қабул тугади, лекин Ахрор Мўминов ўғлининг ўқишга киришини жуда-жуда хоҳлар эди. 28 август куни аввал вилоят ҳокимиятида ишлаган, кейинчалик “Ватанпарвар” ташкилотида фаолиятини давом эттираётган Ҳасан Халилов бу ишни ҳал қилиб беришини зиммасига олди. Шундан сўнг биз 200 долларни Ҳасаннинг уйига етказиб бердик.

Ҳа, Ҳасан Халилов устаси фаранг товламачилардан эди. У ўзи парда ортида туриб, шерикларига раҳнамолик қилас, товламачиликнинг турли қинғир-қийшиқ йўлларини ўйлаб топарди. Алишер Бозоровга нисбатан уюштирилган барча тазиик ва аралашувлар унинг маслаҳати билан амалга оширилган. Ҳасаннинг таржима ҳоли билан танишамиз:

Ҳ.Халилов 1962 йилда Пастдарғом туманида туғилган, маълумоти олий, 1984 йилда СВВА-

КУ, 1995 йилда Москва Давлат университетининг хукуқшунослик факультетини тамомлаган. Самарқанд шаҳар Сартепа масканида туради. Қамоққа олингунга қадар “Кристалл” фирмасида ҳайдовчи бўлиб ишлаган.

Жиноятчиларнинг товламачилик ва фирибгарлик йўли билан пул топишига чек қўйилди. Бургутов ва унинг ҳамтовоқлари фаолияти юзасидан жиноят иши қўзғатилганидан сўнг уларнинг янги кирдикорлари ҳам очила борди.

Маълумотларга кўра, Бургутов кўпроқ ҳарбий қисмларда ўралашиб юрган. Ўхшатиш жоиз бўлса, бургут қорнини тўйдириш учун ўлжага жон-жаҳди билан ташланганидек, у ҳам соддадил, бир ҳамла қилишда инъом берадиган кишиларнинг хузурига қўниб юрган. Бургутов Самарқанд шаҳар 79061-ҳарбий қисм ёрдамчи хўжалиги бўлимига бир неча марта келиб, ўзини орган ходими деб таништирган. Хўжалик бошлиғи Жабборкул Рўзимуродовнинг дехқончилик қилиш учун тузилган меҳнат шартномасини талаб қилиб, уни жазолаш ваҳимаси билан кўрқитган ва эвазига анча миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб кетган.

Бургутвлар тўдаси устидан ҳукм ўқилганидан сўнг прокуратурага даъво аризаси билан мурожаат қилганларнинг сони кўпайиб қолди. Маълум бўлишича, Бургутов кимнидир ички ишлар бўлимига, яна кимнидир бошқа органга ишга жойлаштириш шарти билан ҳам мўмай пул олган экан.

Ҳа, бургут эмас, қузғун боланинг қаноти қайрилди. Чунки бундай ҳамлани бургут эмас, ўлаксахўр қузғун қиласди. Бургут эса teng олишувда, ўз ўлжасини ҳалоллаб олади. Одил суд А.Бургутов ва Ҳ.Халиловларни узок муддатга озодликдан маҳрум қилди. Лекин унутмайлик, ҳаётда ҳали бургутвлардек текин ўлжа кидиравчи ўлаксахўрлар йўқ эмас. Соддадиллик ҳамиша ҳам дўст бўлмаслигини, ҳушёрлик эса ҳар доим ҳамроҳимиз бўлиши лозимлигини англаб етиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

ҚИЗИЛ “НЕКСИЯ” ИЗИДАН

2002 йил 31 октябрь куни Самарқанд шаҳар Сиёб туман ИИБга Тошкент шаҳар А.Икромов туманида яшовчи фуқаро Абдураҳмон Обидов ўғли – Абдулҳай Обидов “Тошкент – Самарқанд” йўналишида ўзига тегишли қизил рангдаги, давлат раками 10 Q 60–47 “Нексия” русумли автомашинага 2002 йил 26 октябрь куни соат тахминан 16 ларда Самарқанд автошоҳбекатида номаълум йўловчиларни миндириб кетиб, бедарак йўқолганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилди.

Ушбу ҳолат юзасидан Самарқанд шаҳар прокурори томонидан жиноят иши қўзғатилди.

* * *

“Тошкент–Самарқанд” йўналишида Абдураҳмон ака ўзининг “Нексия” русумли автомашинасида ўғли Абдулҳай билан навбатма-навбат киракашлик қилишарди. Тирикчиликнинг айби йўқ дегандай, у ўғлига машина бошқариш ҳуқуқи кўрсатилган ишонч қоғози олиб берганди. 2002 йилнинг 26 октябрида ҳар куни кечқурун жажжи фарзандига, хомиладор турмуш ўртоги Дилдорага у-бу нарса олиб келадиган Абдулҳай умуман уйига қайтмади. Унинг илгари бунақа одати йўқ эди. Абдураҳмон ака хавотирланиб, эртаси куни йўлга чиқди. Тошкент автошоҳбекатида турган ҳамкасларидан ўғлини суриштириб, Самарқандга йўловчи олиб кетганлигини аниқлади. Кейин Самарқанд автошоҳбекатига келиб, Абдулҳайнини суриштириди. Икки-учта ҳамкаслари Абдулҳай кеча иккита йўловчини машинасига олиб, Бухоро йўналиши томонга кетганини кўришганлигини айтишди. Абдураҳмон ака шу йўналишга бориб, йўл-патруль хизмати постларидан машинани суриштириб тополмади...

“Тошкент–Самарқанд” йўналиши бўйича киракашлик қилиб юрган ҳайдовчилар бир-бирларини яхши танишади. Абдулҳайнинг бедарак йўқолгани

ҳақидаги гап-сўзлар улар орасида тез тарқалди. Шундан бир кун кейин Самарқандга йўловчи олиб кетаётган Ҳамид Тошпўлатов Сирдарё вилояти худудида худди ўша рангда, ўша рақамдаги “Нексия”ни кўриб қолади. “Машина топилибди, рулда Абдураҳмон аканинг ўзи бўлса керак”, деб ўйлаб, ҳайдовчининг ёнидаги одамларга эътибор бермай ўтиб кетган Ҳамид уяли телефон орқали Абдулҳайнинг уйига телефон қиласи ва Абдулҳай уйга келгани йўқ, деган жавобни олади. Машинада йўловчилар бўлғанлиги туфайли Тошпўлатов тўғри Самарқандга келади ва бу ерда кимдан нажот кутишини билмай жавдираб ўтирган Абдураҳмон акани кўриб ҳайрон қолади...

Шундан сўнг улар зудлик билан Тошкент йўналишига отланишиб, барча йўл-назорат постларини кўриб чиқишидаи ва Сирдарёдаги Қозоғистон божхона постидан қизил рангли “Нексия” ўтганлигини аниқлайдилар. Лекин машина шу чегара жойда сувга тушган тошдай изсиз йўқолади...

* * *

Самарқанд шаҳар прокуратураси ходимлари томонидан тергов харакатлари 2002 йил 24 декабрь кунигача олиб борилиб, 10 Q 60-47 рақамили қизил “Нексия”нинг изи топилди, у билан боғлиқ бир неча ўнлаб гувоҳлар сўроқ қилинди. Лекин барибир жиноятчиларнинг кимлиги номаълумлигича қолаверди...

* * *

Ўша куни Абдусалом Шайматов оила аъзолари билан Имом Бухорий зиёратгоҳига боришаётган эди. Зиёратгоҳга буриладиган дарвозадан кирганларидан кейин уларнинг машинасини Тошкент рақамидаги қизил “Нексия” кувиб ўтаётганида орка юкхонаси очилиб кетиб, қўл-оёғи боғланган киши кўринади. “Нексия” тўхтаб, ундан икки йигит тушади ва юкхонани ёпишаётгандарига А.Шайматовнинг ўғли машинасини уларнинг ёнида тўхтатади. А.Шайматов йигитларга қаратади: “Тинчликми, ўғилларим, кимни юк-

хонага боғлаб олиб кетаяпсизлар?” деб сўраганида, улар: “Жўрамиз кўп ичиб, тўполон қиласяпти, шунинг учун оёқ-кўлини боғлаб уйига олиб кетаяпмиз”, деб жавоб беришади. Жавобдан кўнгли тўлмаган А.Шайматов бир фалокатни сезгандай, зиёратгоҳга борганларида шу ерда хизматда бўлган милиция ходимларига бу ҳақда хабар беради.

Милиция ходимлари зудлик билан воқеа содир бўлган жойга келишиб, машинани топишолмагач, атрофдагилардан сўраб-суриштиришади. Шу ерда келин-куёвлар билан тўпланиб турган кишилардан бири уларга қизил “Нексия” ярим соатча олдин шиддат билан орқага бурилиб кетиб қолганлигини айтгач, милиция ходимлари “машина ушлаш” амалиёти тадбири асосида постлар ташкил қилишиб, Самарқанд-Жиззах чегарасигача ички йўллар орқали боришади. Лекин уларнинг йўлларида бундай машина учрамайди.

Кизил “Нексия” юхонаси очилиб кетган пайтда унинг ёғичини жон ҳолатда тепаётган, қўл-оёқлари боғланган йигитни шу атрофда бўлган сувчилар Бўлтак Абдукаримов, Гулом Кўчқоров, мол боқиб юрган Феруза Баратовалар ҳам кўрганликлари ҳақида гувоҳлик беришган. Лекин машина ҳам, жиноятчилар ҳам топилмади. Ушбу жиноий иш бўйича тергов ҳаракатлари жиноят содир этган шахсларни аниқлаш имкони бўлмаганлиги туфайли 2002 йил 24 декабрда Ўзбекистон Республикаси ЖПКга кўра гувоҳлар ва жабрланувчилар берган 192 бетлик кўрсатмаларидан кейин тўхтатилди...

* * *

Ўралбой Элмуродов аллақачон ўттизни уриб кўйган бўлса-да, ишга бўйни ёр бермаганлиги туфайли енгил-елпи ишлар билан шуғулланиб юрарди. Хотини унинг бундай такасалтанг юришидан охири безор бўлиб, Митандан ота-онасиникига, Оқдарё туманидаги Р.Хамроев номли ширкат хўжалиги

худудидаги Жўрабой Дархон қишлоғига болаларини олиб кетиб қолди. Ўралбой ҳам қайниси, 16 ёшидаёқ ўғирлик билан қўлга тушиб, қамалиб чиққан Носир Нарзиевнинг кўмаги билан шу қишлоқнинг ёнида жойлашган дала ҳовлилардан бирига қоровулликка жойлашиб, хотин-бала чақасини кўчириб келди. Қоровулликдан беш-тўрт сўм тушиб турарди, дала ҳовлидаги томорқага у-бу нарса экиб, тирикчилигини ўтказиб турадиган бўлди. Ишсиз юрган Носир ҳам поччасига ёрдамлашар, нарда ўйнаб туришарди. Ёз-нинг иссиқ кунларидан бирида кечқурун Носир поччасиникига уч-тўрт йигит билан егуликлар кўтариб келиб қолди.

– Почча, ўз қўлингиз билан бугун бир ош дамлайсиз, майшат қиласиз, – деди Носир Ўралбойга.
– Кейин, баъзи бир гаплашиб оладиган гаплар ҳам бор...

Ош устида қиттак-қиттак қилишганидан ке-йин ҳамтовоқларнинг юлдузи юлдузига тўғри келди-қолди. Режалар пишди. Мол ўғирлаш билан шуғулланадиган бўлишди. Ишни Челакдаги катта бир дўкондор опанинг ўғли Шерзод Пардаев бошқарадиган бўлди. Шерали Нарзиев “Жигули” машинаси билан хизмат қиласди, Носир эса кўрсатилган жойдан молни олиб чиқади. Ўралбой қоровуллик қиласиган дала ҳовли эса молни тақсимлайдиган хилват жой сифатида жуда қулай...

– Йўғ-э, опанг қўймайди, қўй шу ишингни, Носир, – деди Ўралбой талмовсираб.

– Э-э, нега қўрқасиз бунча, йигитмисиз ўзи! – Шерзод зарда оҳангига сўз қотди Ўралбойга. – Сиз ҳеч нарсага аралашмайсиз, “доля”нгизни олаверасиз. Кароче, сиз бизнинг ишимизда “йўқ”сиз...

Хуллас, Ўралбой кўнди. Ҳамтовоқлар 2002 йил 20 июнь куни кечаси Самарқанд туманидаги “Ўзбекистон” ширкат хўжалигига яшовчи яна бир шериклари – Мурод Раҳимовни олиб, Пайариқ туманидаги Сартой қишлоғига кириб боришли. Мурод

били Носир бир ҳовлидан молни етаклаб чиққач, унинг оёқларини маҳкам боғлаб, машинанинг юкхонасига ортишди. Кейин ярим кечаси тўғри Ўралбой қоровуллик қилаётган дала ҳовлига келишди... Ана шу “операция”дан Ўралбойга 20.000 сўм тегди. Бундан Ўралбойнинг қадди ҳам анча тикланиб қолди. “Бўларкан-ку, – ўйлади Ўралбой. – Дала ҳовли менини бўлмаса, бор-йўғи қоровул бўлсан... Менинг бу ишларга алоқам йўқ-ку”.

Орадан бир ҳафта ўтиб, ҳамтовоқлар яна дала ҳовлида тўпланишди. Бу гал янги, лекин синалган шерик Толмас Улашев ўзининг “Тико”сида уларга хизмат қиладиган бўлди. Мўмай пулга ўргангандан ҳамтовоқларнинг нафси ҳаккалак отганидан ўпқонга айлана бошлади. Ўралбой ҳам четда қолгани йўқ – ҳар бир “иш”дан 20.000 сўмни жараклатиб чўнтағига ураверди.

6 октябрь куни навбатдаги ўғирликдан кейин ҳамтовоқлар олиб келган сигирга “клиент” топиша олмагач, уни 50 минг сўмга Ўралбойга оширишди. Ўралбой бундай олийхимматлилик эвазига зиёфат қилиб берди... 24 октябрь куни эса ҳамтовоқлар Жомбой туманидан мол ўғирлаб келаётганларида машина йўлдан чиқиб кетиб, унинг олд қанотлари, тўртта эшиги яроқсиз ҳолга келади. Улар шу ҳолда ўғрилик молни Мурод Раҳимовникига қўйишиб, Ўралбойнинг дала ҳовлисига келишади ва машинани тезроқ тузашиб тўғрисида бош қотиришади.

Ҳамтовоқлар ЙХХБдан маълумотнома талаб қилмай, машинани тузатадиган устани топишиб, у билан 250.000 сўмга савдолашишади.

Шундан кейин ароқ ичиб ўтирганларида ўғрибоши Шерзод Пардаев Толмасга: “Кўп хафа бўлаверма, машинангни ўзим тузаттириб бераман”, дея елкасига уриб қўйди. Толмас “Қандай қилиб?” деб сўраганида Шерзод: “Битта “Нексия”ни ёллаб келиб, қозоққа уриб юборамиз, ана сенга пул”, деб юборди. Уларнинг ёнида ўтирган Ўралбой бу гапдан довдираб қолди.

– Жуда ҳаддиларингдан ошиб бораяпсанлар, охирни баҳайр бўлсин, – деди бир зумдан кейин ўзига келиб. – Фақат бу номаъкулчиликни бу ерда қилмайсанлар...

– Ўрал ака, сизга нима бўлди? Машинани созлашга пул бўлади, сиз орада йўқсиз, жим ўтираверинг. Қолаверса, ҳаққингизни ҳам олиб келяпсиз-ку! – Шерзод билан Толмас бараварига унга дўқлашга ўтишди. – Бир нарса бўладиган бўлса, сиз ҳам оппоқ ойим эмассиз...

Ўралбой шаштидан тушди.

26 октябрь куни Шерзод билан бозордан майда-чуйда егулик билан бир ўрам энли скоч ҳам олиб келишди. Ўралбойнинг хотинига тўрт-беш сўм пул беришиб, қишлоқقا юборишли. Шундан кейин Шерзод билан Носир соат 14:00 ларда “Нексия” савдолашиш учун аввал Поворот бекатига, кейин Самарқанд автошоҳбекатига боришли. Бир-биридан чиройли “Нексия”ларни кўриб, Шерзод ўлжага ташланмоқчи бўлган қузгундай, қотмадан келган бир ҳайдовчига юзланди.

– Сизларга машина керакми? – йигит қўлидаги машина калитини ўйнатар экан, сўзида давом этди. – Мана иккита “клиент”им бор, икки киши бўлсаларингиз кетдик Тошкентга.

– Йўғ-э, биз Олмалиқقا боришимиш керак, – Шерзод Носирни кўрсатди. – Мана бу жиянди отаси поччам бўлади, шу Олмалиқда “ўтирибди”. Уйда опам билан онам ҳам бирга боришмоқчи...

– Ҳа, хўп, нархи келишса, бораверамиш, – деди йигит. – Олмалиқ бўлса Олмалиқ-да...

– Қанча берсак тўғри келади?

– Энди нархини ўзларингиз инсоф билан айтинглар-чи, шунга қараб савдолашамиз-да.

– Йигирма беш етадими?

– Қирқдан ками бўлмайди, Тошкентдан Олмалиқкача қанча масофа борлигини биласизларми?

...Хуллас, ҳайдовчи ўттиз минг сўмга кўнди. Ик-

кита йўловчини шеригига топшириб, Шерзод билан Носир кўрсатган дала ҳовли томонга машинасини ҳайдаб кетди.

Машина ичида улар танишиб олишди. Йигит исми Абдулҳай эканлигини, отаси билан алмашиб кирақашлик қилишларини гап орасида айтиб ўтди. Улар Ўралбой қоровуллик қиласиган дала ҳовлига етиб келишгач, Шерзод:

– Абдулҳай ака, машинани орқаси билан дарвозадан ичкарига киритинг, юклар бор, – деди.

Ўралбой дарвозани очди. Абдулҳай машинани орқаси билан ичкарига киритди. Дарвоза ёпилди.

– Хой ака, дарвозани нега ёпасиз, хозир кетамизку, – Абдулҳай каршилик билдириди.

– Ха, энди бегона кўз кўрмасин деймиз-да.

Ўралбойнинг файри-табиий ўқрайиши Абдулҳайга ёқмади. Кўнглига ғулғула тушди. Машина ўриндигига ўтириб, асабийлашиб сигарета тутата бошлади. Бирдан икки йигит келиб, уни машинадан судраб туширди, биттаси биқинига пичоқ тиради.

– Овозингни чиқарсанг, ўласан! – ваҳший қиёфага кирган Шерзод унинг чўнтагини ковлаб, 25 минг сўм пулини олди.

Таҳликада қолган Абдулҳай Толмас билан Шерзодни бир силташда иргитиб ташлади, эшиқдан чиқиб кетмоқчи бўлган вақтида Шерали билан Носир унга ташланишди. Ўғрилик молларни қандай чаққонлик билан боғлашган бўлсалар, шундай тезликда Абдулҳайнинг кўл-оёғи ҳам боғланди. Носир Абулҳайнинг камарини тақди, яна биттаси янги пой-абзалини кийиб олди.

– Мендан нима истайсизлар, – кўл оёғи боғланган Абдулҳай аянчли ингради. – Ана машина, ҳужжатлар, ҳамма нарсани олинглар. Фақат мени қўйворинглар. Тилхат керак бўлса, ёзиб бераман. Ноумид қилманглар, уйда болам, ҳомиладор хотиним бор.

– Мошинанг ўзингга буюрсин, – Шерзоднинг

кўзи чиябўрининг кўзидай муғомбирона йилтилла-ди. – Жимгина ётсанг, қозоққа ўтганимиздан кейин ўшандада ёзиб берасан. Бўлмаса ўлдирамиз.

У шундай дея Абдулҳайнинг оғзига энли елимли лентадан ёпиштирди.

– Қани энди ортинглар.

Абдулҳайн машина юхонасига молни ортгандай ортишиб, йўлга равона бўлишди...

Рулга Толмас ўтириди, ёнида Шерзод, орқа ўриндиққа Шерали билан Носир чўкди. Машина шиддат билан Имом Бухорий зиёратгоҳи томонга бурилганида Абдулҳайнинг навбатдаги тепкисидан унинг орқа ёпқичи очилиб кетди. Толмас машина-ни тўхтатиши билан Шерзод ундан тушиб, қўл-оёғи боғлиқ Абдулҳайнинг бикинига зарб билан мушт тушириди ва юхонани ёпди. Шу пайтда ёнига келиб тўхтаган оқ “Нексия”даги чолнинг “Ҳа, тинчликми?” деган саволига “Жўрамиз маст”, деб қўя қолди...

Шундан кейин жиноятчилар ўз фикрлари-ни ўзгартиришиб, машинани орқага буриб олиши-ди ва Зарафшон ёқалаб йўлга тушишди. Атроф қо-ронғилашиб, ҳаммаёқни зулмат қоплаб олганида жи-ноий гуруҳ Жиззах вилояти ҳудудида эди. Шерзод тоғли қишлоқларнинг бирида, кимсасиз жойда қўл оёғи боғланган Абдулҳайн юхонадан жаҳл билан олиб тушиб, бўға бошлади. Узоқдан қандайдир ма-шина чироғи қўрингач, уни “Нексия”нинг орқа сало-нига, оёқ остига жойлади. Рулга Шерали ўтириди.

– Орқа юхонани тепиб очиб, ўзингга ўзинг хукм ўқидинг, – деди Шерзод Абдулҳайнинг оғзи-даги елимли лентани олар экан. – Энди ўлигинг чиябўриларга ем бўлади.

– Акалар, мени ўлдирманглар, худодан қўр-кинглар! – Абдулҳай жон талвасасида ингради. – Ҳеч бўлмаса қўл-оёғимни ечинглар...

Абдулҳайнинг юракни эзадиган даражадаги ил-тижоси қотиллардан ҳеч бирининг кўнглини юм-шатолмади. Улар айланма йўллар билан Дўстлик

туманига етиб келишди. Шерзод ўша ерда азоблаб ўлдиришнинг янги усулини топди. Дорихонадан шприц олиб, Абдулҳайнинг вена томирига сув юборди. Шунда ҳам у ҳаракатдан қолмагач, лойқа сув билан укол қилди. Кейин машинани Арнасой туманидаги Наврўз хўжалиги йўли билан ҳайдаб, Тузконга 800 метрлар чамаси қолганда тўхтатди. Ярим тунда тўрт ваҳший қўл-оёғи боғланган нажотсиз бечора-га ташланишди. Носир билан Шерзод уни бўғишиди, Толмас билан Шерали бўйини синдиришиди. Жасад қимиirlамай қолгач, уни кўтариб йўлдан 20 метрлар чамаси нарига, буталар орасига ташлашди.

Қозоғистондан ўтишди. Уларни бир жойда тўх-татишди. Божхона постида машинанинг орқа юк-хонасини кўришиб, кўйиб юборишиди. Бу ёғига ишлар силлиқ кўчди. Мақтаорол туманининг Са-парбозор бекатида Шерзод билан Шерали машинани шу ерда қолдиришиб, алюмин билан савдо қилувчи Мухтор Анорбоев деган кишини топи-шади ва катта миқдордаги алюмин билан тушган-ликларини, “Нексия”ни 2.500 АҚШ долларига га-ровга қўймоқчиликларини айтишади. М.Анорбоев бошлиғи Мулдахон Исабоев билан маслаҳатлашгач, 2.200 АҚШ долларига машинани олиб қолишга рози бўлади. Шерзод машинанинг техпаспортини М.Анор-боевда қолдириб, ҳайдовчилик гувоҳномалари ва ишонч қофозини Толмасга беради. Толмас эса уни Сапарбозордаги ҳожатхонага ташлаб юборади. Ўша ердан ҳаммалари пулни тақсимлаб олишиб, тарқалишади...

Толмас Ўралбойга машина ҳақидан атиги юз доллар берди. “Бу ҳам сенга кўп, тилингдан алжи-санг, сени ҳам бўйинингни синдириб ўлдираман”, деб дағдаға қилди. Ўралбой бу ҳаром пулни ҳазар қилмай олди, индамади...

Шундан кейин бу қотилларнинг одатий мол ўғир-ликлари декабрь ойигача чўзилди...

2002 йил ноябрь-декабрь ойларида Пайарик туман

ички ишлар бўлимига уч-тўрт фукародан ҳовлидаги моллари номаълум кимсалар томонидан ўғирлаб кетилганлиги ҳақида шикоят аризаси тушди. Ушбу ҳолат юзасидан бўлим терговчиси А.Пайшанов томонидан жиноят иши қўзғатилди. Бу пайтда қизил “Нексия” операцияси бўйича гарчанд тергов ҳаракатлари тўхтатилган бўлса-да, прокуратуранинг топшириғи асосида Республиканинг барча худудларида жиноятчиларнинг изини топиш чора-тадбирлари давом этаётган эди. 2003 йилнинг февраль ойида Пайарик туман ИИБ томонидан қўйилган кузатув постлари орқали ўғрилик молларни Ўралбой яшаётган дала ҳовлига ҳайдаб бораётган икки киши қўлга олинди. Тергов ҳаракатлари давомида бу кимсалар шахси аниқланиши биланоқ ўз айбларини бўйинларига олишди. Ўғрилар ўзларини эркин тутишар: “Тириклий ўтмай қолганидан кейин бир марта шундай қилдик”, деб қасам ичишарди. Олинган оператив маълумотлар асосида прокуратура ходимлари Ўралбой қоровуллик қилаётган дала ҳовлига йўл олишди. Қўшнилардан сўраб-суриштирилганида улар бу дала ҳовли ўғрилар уяси бўлиб қолганлигидан, турли шубҳали одамлар келавериб, ҳаммани безор қилиб ташлашганликларидан шикоят қилишди. Сухбатлар орасида қизил “Нексия” ҳам тилга олинди...

Прокуратура ходимларининг таваккал қилишдан бошқа иложлари йўқ эди. Улар тўғри Ўралбойнинг уйига кириб боришли. Унга ўзларини таништиришибди. Кейин қизил “Нексия” қачон дала ҳовлига келиб кетганлигини суриштиришибди. Ўралбойнинг аввал ранги оқарди, кейин кўкарди, тиззалари қалтираб ўтириб қолди. Кейин бошига муштлаб: “Вой уйим куиди, шундай бўлишини билардим”, дея ўзини уларнинг оёклари остига ташлади...

Биринчи сўроқдаёқ Ўралбой Элмуродов бўлган воқеаларнинг ҳаммасини ипидан-игнасигача терговчиларга гапириб берди. Шу кўрсатма бўйича вақтинчалик қамокда сакланганж жиноий гурухнинг

қолган шериклари ҳам кўлга олинди. Улар юзлаштирилганларида амалга оширилган қабиҳ жиноятни яширишнинг ҳеч қандай имкони қолмаган эди.

Қотиллик бўйича 2003 йилнинг 3 март куни айбланувчи шахслар аниқланганлиги туфайли жиноят иши қайта тикланиб, Самарқанд шаҳар прокуратурасида тергов гурухи тузилди. 5 март куни айбланувчи Шерзод Пардаевнинг кўрсатмаси асосида Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги Арнасой – Наврӯз йўлидан Тузкон кўрғонига 800 метр етмасдан йўлнинг чап томонидан сочилиб кетган одамнига ўхшаш суюклар, “Casucci” ёзуви кора шим, “Marco Venture” ёзуви қизил ва оқ чизикли жемпер, латта ва энли елимли лента (скоч)лар қолдиқлари йиғиштириб олиниб, экспертизага тақдим қилинди. Суяк қолдиқлари Абдулҳай Обидовники эканлиги тасдиқланиб, бўйин аъзоларини бўғиши натижасида ўлим содир бўлган, деган хулоса берилди. А.Обидовнинг камари Н.Нарзиевдан, туфлиси Ш.Нарзиевдан олиниб, шим ва жемпер суратлари билан биргаликда унинг отаси Абдураҳмон Обидовга, онаси ва хотинига кўрсатилганида улар жигарбандларининг кийим-бошлирини таниб, уввос тортиб йиғлаб юбордилар.

Машина ҳам прокуратура ходимларининг фидо-йиликлари туфайли Мухтор Анорбоевдан қайтариб олиб келиниб, эгасига топширилди. Олти жилдан иборат жиноий иш якунланганидан кейин уюшган жиноятчилар устидан хукм ўқилди.

Суд залида баён этилган жиноятчиларнинг бир begunoҳ инсонга нисбатан қилган ваҳшиёна кирди-корларини, мурдорликларини тинглаб, йиғламаган одам қолмади. Инсонийлик номига иснод келтирган бундай разил кимсаларга шафқат ҳам, жамиятимизда ўрин ҳам бўлмаслиги керак.

2003 йил

НОШУКРИК

Ривоят қилишларича, бир йигитнинг бисотида биттаю битта букаси бўлиб, уни жуда меҳр билан парвариш қилар, топган тутганини шунга едирар экан. Кунлар ўтиб йигитнинг уйида ҳеч вако қолмабди. Ҳўкиз кун сайин семириб, йилтиллаб борар, йигит эса очликдан силласи қуриб, сўнаётган шамдай умри тугаб бораётган бўлса-да, охирги дамларгача ҳам ҳўкизини сўйишга кўзи қиймай оламдан кўз юмибди. Шундан сўнг унинг руҳини боқий оламга олиб кетиш учун келган фаришталар йигитнинг пешонасига битилган тақдирни азални очиб кўришса, унинг манглайига ёзилган ҳар куни биттадан ҳўкизни сўйиб ейиш ёзилган экан. Йигит эса ношукрлиги туфайли ўз умрига ўзи зомин бўлган эди...

Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими собиқ милиция старшинаси Нурали Икромов ҳам ношукрлик қилмаганида, ўз ишидан мосуво бўлиб, суд ҳукми билан мол-мулки мусодара қилинган ҳолда қаттиқ тартибли колонияда ўташ шарти билан беш йилга озодликдан маҳрум қилинмаган бўлармиди...

* * *

2000 йилнинг 11 декабрь куни Самарқанд шаҳар ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими 2-взвод сардори, милиция старшинаси Нурали Икромов ҳамкасби Барот Ҳамзаев ҳамда Қўриқлаш бўлими ихтиёрида бўлган “Дамас” микроавтобуси ҳайдовчиси Ҳасан Раупов билан белгиланган постларни кўздан кечириш учун йўлга чиқди. Даҳбед кўчаси бўйлаб кетаётганларида орқадан келаётган “Тико” автомашинаси “Дамас”нинг олдига ўтиб, унинг йўлини тўсганча, суваракдай олдинга интилди. Нурали илгари Давлат автомобиль назорати ходими бўлиб ишлаган эмасми, дарҳол “Тико” ҳайдовчиси томонидан йўл ҳаракати қоидаси бузилганлигини англади.

– Ҳайда, – деди у Ҳасанга. – Шу “Тико”ни қувиб ўтиб тўхтат, ҳозир онасини кўрсатаман.

Бу ёғи ҳаммаси силлиқ кўчди. “Дамас” “Тико”ни қувиб ўтаётганда Нурали ялтиллайдиган таёқчасини машина ойнасидан чиқариб “Тико” ҳайдовчисига тўхташни амр қилди. “Дамас” эса уни йўлдан қисиб тўхтатди.

– Инспектор Икромов, – ўзини ҳайдовчига таништирди Икромов. – Ҳужжатларингизни кўрсак.

Ҳайдовчи ҳужжатларини унга берди.

– Хўш, Рустам Мамасолиев, машина ҳайдаш ҳукуқи берилган муддатингиз тугабди-ку. Нега бундай қилиб юрибсиз?

– Болам касал эди, ака. Шунга аптекадан дори олишга бораётган эдим. Эртага муддатини узайтириб оламан.

– Эртага бошқа иш бўлади. Сен бугундан гапир. Ҳам ҳужжатинг йўқ, ҳам машина билан бизни қисиб ўтиб кетдинг. Шефмисан? Ўтир машинага. Ҳозир машинани стоянкага кўямиз, кейин сен билан гаплашамиз.

Рустам довдираб қолди. Ялинди, ёлворди, рози қиласман, деди, бўлмади. Нурали машинани шаҳар ИИБ жарима майдончаси ёнига ҳайдаб борди.

– Гапир, – Нурали Рустамга қаради, – машинани қамайликми ё...

– Ака, нима десангиз мен рози...

– Ўнта бўлади!

...Охири беш минг сўмга келишишди.

– Майли, ўзимиздан экансан, чиқар беш мингни...

Рустамнинг тўрт чўнтагини ковлаб санаган пули беш мингга ҳам етмади. Уйига бориб келишга Нурали қўймади.

– Насияни ўғри чиқарган, укам, – деди у. – Бирор нарсани гаровга қолдирасан.

Унинг кўзи Рустамнинг қўлидаги узукка тушди. Олиб бармоғига қадади.

– Ў-хўй, зўр экан-ку. Ма, калитинг. Эртага соат

бешда мана шу чорраҳада сени кутаман. Узук сенга, соққа менга. Бўптими...

* * *

Нурали тўғри Хишрав қўрғонида яшовчи тилла-
фуруш КенжА Тўхташеванинг уйига борди.

– Қалай, – деди тилла узукни қўрсатиб. – Бўла-
дими?

– Ўхў, – кампир тилла тишларини қўрсатиб тир-
жайди. – Тушум зўр-ку.

– Гаров бу, гаров. Нархи эллик минг.

– Э, буни йигирмагаям ҳеч ким олмайди. Сизни
алдашибди.

– Майли-да. Кечкурун эгасига қайтаришим керак.

– Ҳа, бўпти! Сиз учун ўттизта. Эски клиентлигин-
гиз учун.

Кампир уч пачка чиқариб ташлади.

– Йўқ-йўқ, буни мен қайтаришим керак.

– Ҳах, мелиса одам, бирор суриштириб ўтириб-
дими? Бирор баҳона топасиз-қўясиз. Узукни олга-
нингизда бирор киши бормиди?

– Йўқ...

– Демак, гувоҳлар ҳам йўқ. Олганим йўқ, дейсиз,
вассалом. Ҳеч ким исбот килолмайди.

Нуралида нафс балоси устун келди. Ўттизтани
чўнтағига уриб, ўзига ўқиладиган хукмга пойdevor
кўйди...

* * *

Роҳия опа ўғлининг бармоғида раҳматли эридан
ёдгорлик бўлиб қолган узукнинг йўқлигини дарҳол
пайқади.

– Ҳа, узук қани?

– Кеча машинада озгина йўл ҳаракатини бузган-
дим. Шунга гаровга ташлаб келдим...

– Кимга бердинг? Қаерда ишлайди?

– Нурали Йкромов деган старшина. Қўриқлаш бў-
лимида синфдошим Абдуқодир билан ишлашаркан.

– Топдингми?

– Синфдошим орқали уйини аниқлаб олдим. Кўркманг, узукни оламиз...

Роҳия опа шаҳар ИИБ қўриқлаш бўлимига борди. Н.Икромовнинг раҳбарларига учрашди. Воқеани ипидан-игнасигача айтиб берди. Улар опани тинчлантиришиб, узукни қайтариш чораларини кўришга ваъда қилишди. Ана шу тариқа сансалорлик бошланди. Рустам синфдоши Абдуқодир орқали Нурагини топди. Узукни сўради. Нураги “Узукни биттасига бериб қўйгандим, қайтариб бераман”, деди. Рустам раҳбариятга шикоят билан мурожаат қилди. Хизмат текшируви бошланганидан кейин Н.Икромов оёғи қалтираб А.Абдусаидов билан Роҳия Мамасолиеваникига борди.

– Топиб бераман шу узугингизни, – деди у жаҳл билан. – Бу пулларни бугун кўраётганим йўқ. Узук Нуротага борганимда кўйлагимнинг чўнтағида қолиб кетган. Шунгаям ота гўри қозихонами? Икки кундан кейин узук қўлингизда бўлади.

Ўн кун ўтди ҳамки, узук қўлга тегмади. Роҳия опа Рустам билан 2001 йилнинг 3 январида А.Абдусаидов ва Барот Ҳамзаев орқали яна Н.Икромовни топди. Иложисиз қолган Нураги уларни Кенжада Тўхтаеваникига олиб борди.

– Э-э, узукка келдиларингизми? Э, аттанг. Мен аллақачон у узукни ўттиз минг сўмлик гуручга алмаштириб юборганман... – Кенжада момо хунук кулади. Кейин Нурагига ўқрайди. – Ҳар хил қаланғи-қасанғиларни менинг уйимга олиб келаверма. Сендан қарзим йўқми? Ундей бўлса, кучала еган жойингга бориб тириш!

Нураги Икромов она-болага ўша куни узукни 25 январь куни олиб келиб бериши ҳақида тилхат ёзиб берди. Барот Ҳамзаев гувоҳ сифатида қўл қўйди. Шундан кейин яна сувга тушган тошдай гойиб бўлди. Охири она-бола Мамасолиевлар бу ҳақда 22 февраль куни Самарқанд шаҳар прокуратурасига мурожаат қилди.

Тергов суриштирувлари даврида ҳам Нурали Икромов бир неча бор прокуратурага таклиф қи-линганилигига қарамасдан келмаганлиги учун 28 март куни унга нисбатан қидирув эълон қилинди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача. Орадан бир ой муддат ўтгач, Н.Икромовни топиб келишиб, ай-блов хулосаси билан таниширишди, лекин у бу айбловларнинг бирортасини ҳам тан олмади. Ичидаги шайтон ғолиб келди. Тазарру қилмади. Буларнинг ҳаммаси душманларимнинг иши, деди. Ҳеч кимдан узук ҳам олган эмасман, тилхатни Р.Мамасолиевани тинчтиши учун ёзиб берганман, холос, деб туриб олди. Бироқ айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар билан юзлаштирилганида ҳамма нарса ўз-ўзидан аён бўлди-кўйди.

Суд ҳукми ўқилаётган пайтда беихтиёр Нуралининг оёқлари қалтиради. Оёқлари остидан ер сурилиб кетиб, муаллақ туриб қолгандай бўлди. Мени кечи-ринглар, ношукрлик қилдим, ёш хотиним, уч норасида фарзандим бор, етим қолмасин, демади. Узукнинг ҳам пулини тўлайман, қози бовалар, хато қилибман, демади. Айтмоқчи бўлди-ю, ичига ўрнашиб олган шайтон уни гапиртиргани қўймади. Одил судлов эса унинг шароитларини, ижтимоий аҳволини барибир ҳисобга олди...

Инсон инсон бўлиб дунёга келар экан, унинг ҳаётида бир умр битта мезон бўлади. Бу иймон бутунлигидир. Кишида иймон бўлмас экан, у тўнғиз қавмида кетади. Ҳар биримизни яратганинг Ўзи шайтон қутқусидан сақласин, мард бўлиб яшайлик. Ҳар биримизни ношукчиликдан ўзи асрасин.

ИСКАНДАРНИНГ ШОХИ СИНДИ

Искандарнинг шохи борлиги ҳақидаги ривоятни эшиитмаган киши бўлмаса керак. Шохли Искандар дунёни фатҳ этган, ҳад-ҳисобсиз бойликларни тўплаган ҳукмдор эди. Лекин вафоти олдидан у шун-

дай васият қилган экан: “Ўлсам, тобутимдан кўлимни ташқарига чиқариб қўйинглар. Одамлар кўрсингларки, шунча бойлик йифсан ҳам, у дунёга ҳеч нарса олиб кетмаяпман”.

Искандар бу билан одам пул, мол-дунё топишга ҳар қанча ҳирс қўймасин, унинг бефойдалигига ишора этган. “Қахрамон”имиз Искандар ҳам мол-дунё тўплашда кўпгина ҳукмдорлардан қолишина сади. У жиноий хатти-ҳаракатлари учун 1989 йилда Самарқанд туман суди томонидан етти йилга, 2001 йилда эса Боғишамол туман суди томонидан тўрт йилга озодликдан маҳрум этилган эди.

Амнистия туфайли озодликка чиқарилса-да, Искандар ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Самарқанд шахридаги “Сабина-И” масъулияти чекланган жамият директори ўринбосари вазифасига ишга кирап экан, нафси ўпқондек очилиб кетди. Товламачилик ва тамагирлик унинг шиорига айланди.

Искандар бу ташкилотда атиги 21 кун ишлади. Лекин шу қисқа муддатда салкам ярим миллион сўм пора олишга улгурди. Агар у 2002 йилнинг 13 февраль куни Самарқанд вилояти прокуратураси ва ИИБ тезкор гурӯҳи ходимлари томонидан қўлга олинмаганда, эҳтимол яна неча миллион сўмлик порани жигилдонидан ўтказарди...

Товламачиликда устаси фаранг Искандар Очиловнинг ҳаёт йўли жуда содда. У 1956 йилда Самарқанд туманида туғилган. Маълумоти тўлиқсиз олий. “Дўстлик” жамоа хўжалигининг Арабхона қишлоғида яшаган. 2002 йил 22 январь куни “Сабина-И” масъулияти чекланган жамият директори ўринбосари вазифасига ишга ўтди-ю, жиноий фаолияти бошланди. Жамият низомига аҳолига пулли транспорт хизмати кўрсатиш ҳам киритилганлиги бунда унга қўл келди.

Самарқанд шахридаги 6-автойўналиш жуда серқатнов ҳисобланади. Кимёгарлар қўргонидан “Университет” хиёбонигача бўлган бу йўналиш кечакундуз йўловчилар билан тирбанд. Афсуски,

хусусий машиналарнинг бу йўналишда тегишли хужжатларсиз қатнаши қонун билан чекланади. Искандарга шу масалада бошини уришга маҳкама тополмай юрган содда ҳайдовчилар керак эди. У 2002 йил февраль ойи бошида шахсий “Дамас” машинаси бўлган Аслам Богиров билан учрашиб қолади. Бу ҳайдовчидаги бўйича пулли транспорт хизмати кўрсатиш ваколати йўқ эди. Искандар пулли хизмат қўрсатишга ҳеч ким тўсқинлик қилмаслиги учун хужжат тўғрилаб бериш эвазига ундан 25.000 сўм пора олади. “Нарпай” кўчасида яшовчи Дилшод Зайневга ҳам шундай хужжат тўғрилаб беради ва 9 февраль куни ундан 20.000 сўм олади. Бел оғритмай топилаётган пуллар Искандарнинг нафсини борган сари ҳакалак оттиради.

Самарқанд тумани “Дўстлик” жамоа хўжалигининг Туркман қишлоғида яшовчи Вали Абдухалилов ҳам унинг қармоғига илиниб қолди. Унга ҳам б-автойўналиш бўйича йўл варакаси керак эди.

– Искандар ака! – қўлини кўксига қўйди Вали.

– Тушунарли! – айёrona кулди Искандар. – Отни бойловга ташлаб қўядиганга ўхшайсиз, шекилли.

– Йўғ-е! – Вали ним табассум қилди. – Сиздай акалар турганда бизнинг от бойловга тушадими? Йўлга чиқиш учун бирор хужжат тўғрилаб берасизми, деган умиддаман.

– Айтганингиз бўлсин. Лекин шапкаси баланд.

– Қанча?

– Юзта!

– Йўғ-е!? – катта суммани эшитиб, Валининг капалаги учди. – Сал пастроқ, деб эшитган жойимиз бор эди.

Ҳайдовчи минг бир илтимос билан 50 минг сўмни санаб берди-ю, йўл варакасини тўғрилаб олди. Искандарнинг ошиғи олчи бўлаётганлиги, ҳар бир порани хамирдан қил суғургандай ими-жимида олаётганлигидан оғзи қулоғида эди. Қувонмасдан бўладими, арзимаган йўл варакаси унга мўмай даромад кел-

тираётган бўлса? Бунинг устига ҳайдовчилар ҳам содда экан. Қанча кўп сўраса, шунча елпатак бўлишиб, ҳархолда хафа қилишмаяпти.

Искандар пора микдорини ошира борди. Самарқанд тумани, “Ғалаба” жамоа хўжалиги, Галаосиё қишлоғида яшовчи Жаъфар Ҳафизовдан 150 минг сўм талаб қилган эди, 10 февраль куни 90 минг сўмни санаб берди. Ҳайдовчининг ҳам пичоги мой устида бўлса керакки, машинасини гизиллатиб кетди.

Мўмай пуллар Искандарнинг кучига куч қўшгандай эди. У йўл варакаси сўраган ҳайдовчилардангина эмас, 6-йўналишда қатнайдиган ҳар бир ҳайдовчидан солиқ олиб туришни мўлжаллади. 7 февраль куни шу ният билан 6-йўналишга чиққан эди, қармоғига Маъруф Сатторов илиниб қолди. Маъруф отасининг “Дамас”ида тегишли ишонч қофози билан йўловчи ташишга чиққан эди. И.Очилов уни тўхтатар экан, йўналишда юриш учун жамиятга аъзо бўлиш кераклигини таъкидлади. Маъруф айбига иқрор бўлди ва эртагаёқ аъзо бўлишга вайда берди. Искандар эса ундан 15.000 сўм пора талаб қилди. Маъруф бунча пули йўқлигини айтгач, Искандар машинани ДАН ходими иштирокида жарима майдончасига келтириб қўйди.

Кинғир ишнинг қийиги чикади деганлариdek, одамлар орасида И.Очилов лавозимиidan фойдаланиб ҳайдовчилардан пора олаётганлиги тўғрисида мишмишлар тарқалиб кетди. Бу гаплар Маъруфнинг ҳам қулоғига чалинганди. Шу сабабли у ҳеч иккиланмасдан вилоят ИИБга “Сабина-И” масъулияти чекланган жамият директори ўринbosари Искандар Очилов “Дамас” автомашинаси билан аҳолига пулли транспорт хизмати кўрсатишига тўсқинлик қилмаслиги эвазига ундан 15 минг сўм пора талаб этаётганлиги тўғрисида шикоят аризасини ёзди.

Тамагирни қопқонга тушириш жараёни жуда оддий кечди. Келишувга биноан ҳайдовчи М.Сатторов Искандарнинг хузурига киритилди.

– Келтирдингми? – хонага тортинибгина кирган Маъруф ҳали гапиришга оғиз жуфтламасданоқ ўшқирди у.

– Ҳа! Лекин...

– Нимаси лекин? Камми?

– Искандар ака, аранг 13 минг топдим. Ишлатиб туринг, чаласини бугун-эрта етказаман.

– Бугун-эрта? – Искандарнинг қовоғи осилди. – Насияни ўғри чиқарган, деган гапни эшитганмисан! Ҳисобга тўғри қилмасанг, машинангнинг оёғига кишин соламан.

– Жон ака, ундаи қилманг! – Маъруф ялинган бўлди. – Рўзғор, тирикчилик дегандай... Ахир, шу машина орқасидан нон еяпмиз!

– Ана, ўзингдан қолар гап йўқ. Тез бор-да, қарз оласанми, молингни сотасанми, пулни бут қил!

Маъруф пулни бут қилиш учун ташқарига чиқди. Бу пайтда Кимёгарлар қўргонидаги “Завод” кўчасида жойлашган 1-уй олдига тезкор гуруҳ аъзолари етиб келишган эди. Маъруф яна хонага кирди ва “ваъда”ни узатди. Искандар пулнинг тўлиқлигига ишонч ҳосил қилгач, оғзининг таноби қочиб тиржайди:

– Бу бошқа гап! Йўлинг оқ бўлсин. “Дамас”ингни миниб, ишга киришавер! Ҳар қандай йўл ҳадигига мен балогардонман!

Шу пайт тезкор гуруҳ аъзолари И.Очиловнинг хонасига кириб келишди. Искандар эса жиноятини тан оладиган эмас эди. Уни пора олганликда айблаш ва гуноҳини бўйнига қўйиш бир оз қизиқарли кечди. Бинода электр бўлмаганлиги сабабли жиноий ишни кўздан кечириш харакатлари Кимёгарлар қўргонидаги 6-музиқа мактаби биносида давом эттирилди. И.Очилов эксперт томонидан маҳсус ОЛД-71 лампаси ёрдамида кўздан кечирилганда, унинг ўнг қўл ва чап қўл бармоқлари ва кафтида сарғиш рангли маҳсус кимёвий кукун излари аниқланди. И.Очиловнинг ва кафтида ҳам шундай кукун излари борлиги исботланди. Излар пахта билан суртиб олиниб, конвертга

солиниб, муҳрланди. Махсус кимёвий кукун излари унинг эгнидаги костюмнинг ички чап чўнтағида ҳам борлиги аниқланди. И.Очилов чўнтағидаги пулларни стол устига чиқариб қўйишга мажбур бўлди. Лекин у ҳали-бери айбини бўйнига олмас эди:

– Тухмат! Бўхтон! Ҳали қилмишларинг учун жавоб берасизлар!

И.Очиловнинг чўнтағидан чиққан пуллар ҳам маҳсус лампа орқали кўздан кечирилди. Пулларда сарғиши рангли кимёвий кукун излари мавжуд бўлиб, унинг оқ ҳошия қисмига маҳсус қалам билан “пора” сўзлари ёзиб қўйилганди. Бу 30 дона 500 сўмлик, яъни Искандар ўз нафси учун сўраган 15 минг сўмнинг ўзгинаси эди.

Жиноят ишлари бўйича Боғишамол туман суди пора олганликда айбланган И.Очиловнинг жиноий ишини кўриб чиқиб, уни олти йилу олти ойга озодликдан маҳрум этди.

Хулоса шуки, нафсга эрк бериш киши бошига шаксиз мусибат ёғдиради. Нафсига қул бўлганларнинг қисмати ана шундай шармандали ва аянчилидир.

УМИДСИЗ ШАЙТОН

Халқимизда “ноумид шайтон” деган ҳикмат бор.

Албатта, бу ҳикматнинг маъноси бисёр. Инсон ҳаётга келдими, эртанги кундан эзгулик истайди, ҳамиша ҳаётга яхшилик ҳамроҳ бўлишига умид билан қарайди. Ноумидлик эса шайтоннинг иши, ўзига ёмонликни касб қилган, инсонийлик қиёфасини йўқотган шахсларга хосдир.

Уммат ака биринчи оиласидан фарзанд кўрмади. Ниҳоят, 1977 йилда қайта уйланди. Икки фарзандли бўлди. 1985 йилда туғилган ўғил фарзандига яхши ниятлар билан Умиджон исмини қўйди. У улғайган сари ота-онанинг умидларини саробга чиқарди. Бирор ишни бажариб, оиласага фойда келтирмади. Ум-

мат ака оталик қарзи, деб уни уйлантириб қўйди. Афсуски, Умиджон ичкиликка берилиб, инсоний қиёфасини йўқота борди. Ўз отасига қўл кўтариш даражасига етди. Ота олдидаги фарзандлик бурчини адо этиш ўрнига...

Умид Жомбой туманидаги Саричашма қишлоғида ота-онаси қарамоғида яшар эди. Уммат ака 2007 йилнинг 30 июнида ўғлининг бошини иккита қилиб қўйди. Умид қишлоғидаги Гулжаҳон исмли қизга уйланди. Энди унга келинни боқиши мажбурияти юкланди. Бир ишнинг ёлчитиб бошини тутмаган Умид ҳам ўзи, ҳам хотинининг қорнини отаси ҳисобидан тўйғизишга вижданни қийналди шекилли, тўйдан икки ой ўтар-ўтмас иш излаб Қозогистонга йўл олди. Қишлоғида бир ишни тиндира олмаган йигитни жантат кутиб туармиди? Ишёқмас, ялқов Умиднинг бу ерда омади чопмади. Ота-онаси, хотинига пул жўнатиш у ёқда турсин, ўз қорнини тўқлашга ҳам қурби етмади. Нихоят, икки ойга етмай – ноябрда яна Жомбойга қайтиб келди.

– Омадим чопмади, – деди Умид қариндошруғларига. – Менга муносиб иш топилмади. Насиб бўлса Россияга кетаман, у ерга борганлар зўр топишаётганмиш...

– Ўғлим, – деди шунда Уммат бобо. – Узоқнинг донидан, яқиннинг сомони яхши. Мен ҳам саксонга яқинлашдим, қўлимдан ишни олиб, ҳовлининг тириклигини қилсанг, мол-холга қараб, томорқада ишласанг кам бўлмасдик.

– Кўйинг, ота, шу сафсатангизни, – падарини жеркиди Умид. – Бу ердаги бир йиллик даромадни Россияга борсам, бир ойда топаман. Ҳа, бир ойда! Ҳали кўрасиз, бу пастқам уйларни бузиб ташлаб, данғиллатиб сарой қурмасам, отимни бошқа қўяман.

Россияга боришининг ўзи бўладими? Қозогистондан бир чақа ҳам топиб келмаган бўлса. Нима бўлсада, Умид бир чора топиш устида ўйларди. Отаси Уммат бобо рўзғор тириклиги учун семир-

тириб юрган қорамолни бозорга чиқариб 260.000 сўмга сотиб келганди. Умиднинг кўзи отасининг сандигидаги ана шу пулга қадалди. Қани, уни олса-ю, Россияга жўнаворса.

2007 йилнинг 23 декабри. Совуқ ҳаддидан ошган бир палла. Умид одатдагидай бугун ҳам жўралари ҳисобидан хурмачасини тўлдириб, кеч соат 9 лар чамаси уйига келди. Отаси ошхонада ухлаб ётар, Гулжаҳон уйғоқ эди. Гулжаҳон қайнотасини уйғотди. Умид кекса отасидан Россияга кетишга пул талаб қилиб туриб олди.

– Ўғлим, молнинг пули рўзгорнинг ризқи. Агар сенга берсам, биз қийналиб қоламиз, – деди ота уни инсофга чақириб.

– Пулни бермасангиз, ўзингиздан кўринг.

Умиднинг кўзлари қонга тўла бошлади.

Уммат бобо ўғлининг важоҳатини кўриб, сеска-ниб кетди. Келини унга косада сув узатаётган эди, Умид хотинини итариб юборди. Гулжаҳон газ плитасига бориб урилди. Уммат бобо плиткада ёниб турган олов келинига тегиб кетмасии деб, газни ўчирган маҳал Умид бакирди:

– Сизга келин керакми ё менми?

Оқпадар фарзанд қўлини мушт қилганича, отасига яқинлашди ва бор кучи билан унинг кўкрагига урди. Уммат ота букчайиб қолди, келини бундан қўрқиб кетиб, қўни-кўшнини ёрдамга чақиришга чопди.

Ваҳший ўғил қони қайнаб, қўлига илинган таёқ билан отасини калтаклай бошлади. Зарбдан таёқ синиб кетгач, уйдан ёғоч дастали болтани топиб чиқди-ю, отасининг боши ва тана қисмига аямай урди.

Ота қонига қўли бўялган Умид қўшнилари ҳовлига кириб келганида, қотиллигини яширмоқчи бўлди. Уларга отаси билан бир оз гапи қочганлигини айтиб, уни касалхонага олиб боришни илтимос қилди. Қўшниси Ибод воқеани дастлаб тушунмаган бўлса-да, Уммат акани ўз машинасига жойлаб, туман

шифохонасига келтириди. Афусуски, Уммат ота падар-күш ўғли берган зарбадан аллақачон жон берган эди.

Умид терговда ўзини оқлаш учун турли уйдирмаларни тўқиди. Гўё отаси уни ҳақоратлаган эмиш-у, бунга чидай олмасдан, мастилик билан уни уриб юборган эмиш. Тиббиёт экспертизаси Уммат бобога нисбатан ўта шафқатсизлик қилинганигини исботлади: “Файзуллаев Умматнинг ўлимига бош миянинг оғир даражада лат ейиши, юмшоқ парда остига қон қўйилиши, калла суякларининг синиши сабаб бўлган. Ўнг қўлининг уч, чап қўлининг тўрт бармоғи кесилган. Ўнг кўзининг пастки қисми, қовоғи ва ёноқлари қонталаш. Пешонанинг ўнг томони, чап чакка ва асос суяклари кўндалангига чизиқсимон синган...”.

Саксон ёшли Уммат отанинг ширин жонига умидсиз шайтонга айланган ўғли томонидан қасд қилинди. Ота қадри ва меҳрини унугтган Умиднинг ҳам осойишта ва баҳтли ҳаётдан ризқи тийилди. У қотиллиги учун 17 йилга озодликдан маҳрум бўлди. Йиллар ўтар, Умид яна ота қишлоғига қайтиб келар. Лекин у отасининг руҳи чирқираб қолган хонадонда, қишлоқдошлари орасида яшай олармикан?

2007 йил

МУРДАШЎЙНИНГ ИҚРОРИ

– Айбланувчи Нусха Эшимова, сиз содир этилган ўта оғир жиноятга гувоҳ бўлган ҳолда бу ҳақда ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермасдан, уни яширгансиз. Шу иш юзасидан кўрган-билгандарингизни гапириб беринг.

– Ўзим Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳида фаррош бўлиб ишлайман. Савоб ишнинг айби йўқ, дегандай, зарурат туғилса, бандаликни бажо келтирган мўмина-муслималарнинг маййитини юваман, яъни мурдашўйлик қиласман. 2010 йилнинг 7 апрелида қизимникида маъракада эдим, бири 20, иккинчиси 25 ёшлар атрофидаги иккита бола мени излаб келиб

қолди. Улардан бирининг исми Фориғ экан, у тўрт яшар қизчаси дараҳтдан йиқилиб қазо қилганини айтиб, хизмат қилиб беришимни сўради. Мен улар келган машинада йўлга чиқдим. Пўлатдархон қишлоғидаги дала ҳовлига бордик. Қизчанинг маййити диванга ётқизиб қўйилган экан, ювиш учун сувга олаётганимда баданларида, кўз остида моматалоқ бўлиб кетган жойларига кўзим тушиб, уни ювишдан бош тортдим. Лекин унинг ўгай отаси Фориғ менга пул қистириб, илтимос қилиб туриб олди... Йўқ деёлмадим. Ҳа, ҳаммага Худонинг жазоси бордир, деб, ўз хизматимни бажариб чиқиб кетдим. Бўлган гап шу...

– Норасида жабрдийданинг қийноқлар қурбони бўлганини кўра-била туриб, виждонингиз қийналмадими?

– Шу воқеадан кейин уч кунгача ўзимга келолмадим. Қизчани отаси уриб ўлдирган экан, деган гапларни эшитганимдан кейин қотил берган пулларни ҳам далилий ашё сифатида қайтардим...

* * *

Бобоева Заринанинг биринчи турмуши бўлмади. Орттирган икки ўғил фарзандини қайнонасиликнига ташлаб, бошқа бирор билан қайта турмуш қуришга уриниб кўрди. Ундан ҳам бир қиз фарзандли бўлиб, баҳт тополмади. Иккинчи эрдан ҳам воз кечиб, Пўлатдархон ҚФЙга қарашли дала ҳовлида яшаётган Мавлуда деган холасиникидан қўним топди. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди, деганларидек, ейишичишига пул топиш учун ҳалол йўлни танламади – фоҳишлиқ йўлига кирди. У баъзан холасига билдиримай кечқурунлари катта трасса йўлига чиқиб турар, дуч келган машинани тўхтатиб, очиқдан-очиқ бадан савдоси билан шуғулланарди. Ана шундай қунларнинг бирида унинг олдига “Жигули” келиб тўхтади.

– Қаёққа борасиз, жонидан, ўтириңг, обориб қўяман, – деди машина соҳиби эшикни очиб.

– Пўлатдархондаги дала ҳовлида тураман, малол келмаса, олиб бориб қўйсангиз, ҳақини тўлайман...

– Ҳақини тұлаб овора бўлманг, бизга бошқача ҳақ ҳам бўлаверади!

– Ҳо, кўнглингиз кўчаси нималарни истамайди, ҳали бунга ёшлиқ қиласиз! – кесиб-кесиб гапирди Зарина.

Йигит индамай қолди. Зарина унга ўғринча назар ташлади. Ўзидан тўрт-беш ёш кичик, ҳали бўйдок бўлса керак, у билан илакишиб нима қиламан, деб ўйлади. Манзилга келганида унга йўл ҳақини узатди.

– Йигит кишининг гапи битта, боя ҳазиллашувдим, бир кўришда сиз менга ёқиб қолдингиз, шунинг учун машинани тўхтатган эдим. Йўқ демасангиз, бир-икки учрашсак, гаплашсак, юлдузимиз-юлдузимизга тўғри келса...

– Юлдузимиз-юлдузимизга тўғри келмайди, менинг ортимда юлдузчаларим бор! – Зарина шундай дея машина эшигини ёпиб, тушди-кетди.

Йигит шу ерда машинасининг чироқлари ўчирилган ҳолатда анчагача туриб қолди, кейин уни ўт олдириб, шахт билан хайдаб кетди. Лекин тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам-одам билан учрашади, деганлари тўғри экан, Зарина уйига қайтаётганида икки-уч марта ўша йигитга дуч келди. Йигит уни машинасида уйигача олиб келиб қўйди, ортиқча хиралик қилмади, берган пулини ҳам олмади. Охири бирор жойда учрашиб, ўтиришга розилигини олди.

– Тушунинг, Фориф, менинг уч нафар фарзандим бор, икки марта турмушга чиқсанман, жувонни бoshингизга урасизми, ана, кўча тўла гулдай қизлар, бирортасига уйланинг, тўйингизда мен ҳам хизмат қиламан, – инсофга келтирмоқчи бўлди Зарина йигитни.

– Ҳамманинг ўзига яраша таъби бор, мен учун ана шу кўча тўла қизлардан чиройлисиз, турмуш қурайлик, менга ўтмишингизнинг қизиги йўқ. Қолаверса, мен гарб тарбиясини олганман, у ерда бир-бiri билан севишадими, турмуш курганми-йўқми, суриштириб ўтиришмайди...

Хуллас, ўша куни Фориғ Заринанинг кўнглини топгандай бўлди, бирга жувон Мавлуда холаси ҳузурига келишиб, маслаҳат сўрашди. Мавлуда бу борада уларга бирор маслаҳат беришга ожизлигини айтди, лекин ахборот тариқасида Заринанинг иккита ўғил фарзанди биринчи қайноаси биланлигини, қизи Лола уч ойлигидан унинг қўлида тарбия топаётганлигини, агар мақсадлари қатъий бўлса, монелик қиласлигини билдириди.

Хуллас, ош пишди. Фориғ ота-онасидан берухсат шу яқин орадаги муллага никоҳ ўқитиб, Зарина билан Мавлуданикида яшай бошлади. Кейинчалик улар бўш турган қўшни дала ҳовлини ижарага олиб, ўша ерда яшадилар. Мавлуда Лолани ўзи билан олиб қолиш учун роса уринди, лекин Зарина рози бўлмади.

Бекор қилган экан. Уларнинг оиласида иккинчи қиз фарзанд туғилгач, Фориғда ўгай қиз – Лолага нисбатан қандайдир ғайирлик пайдо бўлди Аввалла-ри уни уришиб-сўкиб юрди, кейинчалик тўрт яшар норасидага қўл кўтарадиган бўлди. Зарина эса буни табиий ҳол, деб ҳисоблаб, индамасди.

Дала ҳовлиларнинг кўпчилиги табиий газ келмаганилиги учун электр печкаси билан иситида-ди. 2009 йил ноябрь ойларининг охирларида Лола совуқ туфайли кўчага чиқиб улгурмасдан, иштонини хўллаб қўйди. Буни кўрган Фориғ жанжал кўтарди, қизчанинг иштонини ечиб, даст кўтариб электр печкада қайнаб ётган човгум устига ўтқазиб қўйди, унинг жон талвасасида кўтарган фарёд-фигонига қарамасдан беш дақиқагача човгум устида ушлаб турди. Қизча хушидан кетди. Зарина фарёд кўтарди. Шундан кейин Фориғ уни човгум устидан олди. Қизчанинг думбаси куйиб, титилиб кетган эди. Зарина йифлаб-сиктаб норасиданинг куйган жойларига шама босди. Пиёз қўйди, аранг ўзига келтириб олди. То оёққа тургунича икки ой даволади.

Бу орада Фориғ пул ишлаб келиш баҳонаси билан декабрнинг охирларида Москва шаҳрига борди. У ёққа санғиб, бу ёққа санғиб юриб, арзирли ишга

бўйни ёр бермади. “Паспортимни йўқотдим”, деган баҳона билан 2010 йилнинг февраль ойида Зарина яшаб турган дала ҳовлига қайтиб келди.

Жонига етказилган ситамлардан митти юраги зада бўлган норасида Лола учун яна таҳликали кунлар бошланди. Фориғ уни ҳар хил баҳоналар билан ҳақорат килар, урап эди. Бир гал у менга “Эй дада” эмас, “дада” деб айт! дея кабоб сихини қиздириб, қизчанинг лабига босди. Лоланинг лаблари дўмбирадай шишиб кетди. Бошқа сафар Заринани ҳақорат қилиб: “Боланг жуда бебош бўлиб кетаяпти, сенинг эса парвойинг фалак, мана кўр, уни қандай тарбиялаш кераклигини!”, дея ҳўл хивич билан норасиданинг қўл-оёқларига, товоналарининг остига уриб, баданини кўкартириб ташлади. Зарина бунга эътибор қилмади, парвойи фалаклик билан “Қўйинг дадаси, энди бошқа шўхлик қилмайди”, деб кўя қолди.

Бу эътиборсизлик ўгай отани рухлантириб юборди. У 2010 йилнинг 30 март куни машинасини дала ҳовли дарвозасидан киритаётган пайтда Лола унинг эшигини ёпганлиги учун машинадан тушиб, норасиданинг оғиз-бурни аралаш уриб юборди. Бу ҳам етмагандай, дуч келган жойига уриб-тепди.

2010 йилнинг 4 апрель куни кечки пайт Зарина кичкина қизчаси билан овора бўлиб турган пайтида Лола Фориғдан Мавлуда холасиникига бориб келишга рухсат сўради. Бирор жойда ишлашга бўйни ёр бермай боқиманда бўлиб ўтирган сўлақмонга баҳона топилди

– Холангнида нима қиласан, калтак еганинг эсингдан чиқдими? Ундан бўлса, ҳозир сенга эслатиб қўяман, – дея у боланинг бошига қулочкашлаб туширди.

Муштаккина қизчанинг нима жони бор, у зарбанинг залворидан эшик ёнига учиб кетиб, йиқилиб қолди. Газанда қотил болага: “Тур ўрнингдан！”, деган бақирди. У ўрнидан қўзгалмагач, ваҳшийлашиб кетган ўгай ота қизчани бошининг тепасига даст кўтариб, бор бўйича полга ташлаб юборди.

Ҳаракатсиз қолган боланинг юзларига бир-икки шапатилаб кўрди, қизча сал инграгандай бўлди.

– Кўрсатиб қўяман сенга айёрик қилишни! – дея бу гал Лоланинг оёқларидан даст кўтариб, боши билан ерга ташлади.

– Вой, вой нима қилиб қўйдингиз, боламни ўлдириб қўйибсиз-ку! – фарёд чекди Зарина.

– Жим бўл, ҳозир сани ҳам ўлдираман! – дея ошхона пичоғини ўқталди қотил. – Агар бу гапни бирорвга айтадиган бўлсанг, сени ҳам сўйиб кетаман, тушундингми?

Аёл юм-юм йиғлаб, бошини эгди, ерга чўкка тушиб унсиз фарёд чекди. Бу пайтда қош қорайиб, ён-атрофга тун қоронғулиги чўккан эди. Фориғ зудлик билан дала ҳовлининг чироқларини ўчириди, атрофни зулмат қоплади. Кейин у танаси совий бошланган норасиданинг жасадини кўрпага ўраб, машинага жойлаштириди. Зарина билан кичкина қизчасини олдинги ўриндикқа ўтқазди. Машина чироқларини пирпиратиб зулмат қўйнига шўнғиди. Қотил йўлда машинага ёнилғи қуйиб олди, кейин Пайариқ тумани худудидаги Шахоб канали бўйлаб анча йўл юриб, кимсасиз бир жойда тўхтади. Машина юкхонасидан белкурак олиб, канал бўйидан чуқур ковлади ва норасиданинг жасадини ўша ерга кўмди. Дала ҳовлига қайтгач, Фориғ Заринанинг устидан қулфлаб, қаёққадир чиқиб кетди.

Орадан бир кун ўтгач, Ф.Холмирзаев Даҳбед кўрғонида яшовчи онаси М.Набиевага бўлган воқеани айтиб берди. Она қотил фарзандининг бу ваҳшиёна қилмишидан изтиробга тушди, кейин норасиданинг жасадини олиб келиб, жаноза ўқитиб кўмишни буюрди.

Ф.Холмирзаев 7 сентябрь куни Тоҳир Маҳмудов деган таниши билан норасиданинг жасадини кўмилган жойдан ковлаб олди, онаси айтган мурдашўйни маърака жойидан топиб, расм-руссмини қилдирди. Кейин жаноза ўқитиб, қўни-қўшнилар билан қабристонга кўмиб келишди. Қотил гар-

чанд қўни-қўшниларга “Лола касал эди, касаллиги туфайли вафот этди”, дея гап тарқатган, Зарина ва бошқаларнинг оғзини “қулфлаб” кўйган бўлишига қарамай, “Заринанинг холаси Мавлуда Лоланинг жасадини мурдашўй юваётганида ҳамма жойи моматалоқ бўлиб кетганини кўрган экан”, деган мишиш тарқалди.

Қотил жиноий жавобгарликдан қочиб, жуфтакни ростламоқчи бўлиб турган пайтда, 8 сентябрь тонгда норасида гўдакни ваҳшиёна тарзда қасдан ўлдирганликда гумонланиб, Оқдарё туман ИИБ ходимлари тезкор гуруҳи томонидан қўлга олинди. Холислар иштирокида норасида жасади эксгумация қилиниб, уларга кўрсатилди. Жажжигина Лоланинг баданлари моматалоқ, куйган, умуман соғ жойи йўқ эди. Қотилнинг болага нисбатан қилган ваҳшийлигини кўриб, йиғламаган одам қолмади.

Суд Ф.Холмирзаевни ўзини ҳимоя қилишга ожиз бўлган, вояга етмаган норасида Л.Бобоевани муттасил равишда ўта шафқатсизлик билан қийнаб келганликда ва бу билан ўта оғир жиноятни қасдан содир қилганликда ҳамда унинг ўлимига сабабчи бўлганликда айбор деб топди ва қотилни узоқ муддатлик қамоқ жазосига хукм қилди. Содир қилинган жиноятни кўра-била туриб, бу ҳақда тегишли идораларга хабар етказмаганликда айбор деб топилган Т.Махмудов, М.Нарзиева ҳамда Н.Эшимовалар ҳам ўз жазоларини олдилар.

* * *

– Айбланувчи Нусха Эшимова, сиз содир этилган мазкур ўта оғир жиноятни яширишга уринишда ўз хатти-ҳаракатингиз билан бевосита қотилнинг шеригига айланганингизни биласизми?

– Мен бундай бўлишини билмаган эдим...

– Қонунни билмаслик жиноятга шерикчилик қилган фуқарони жавобгарликдан кутқариб қолмайди. Шуни тушунасизми? Суд хукм қилади...

КИНОСЦЕНАРИЙ

ҚОТИЛ ЁЛЛАГАН АЁЛ

И ш т и р о к ч и л а р:

Алишер – хорижда ишилаб келган йигит.

Гулжакон – унинг турмуши ўртоги.

Гулбахор – Гулжаконнинг опаси.

Сайёра – Алишернинг опаси.

Шерали – тиши техники.

Амир, Мардон, Темур – Алишернинг фарзандлари.

Милиционер

Прокурор

Йўловчи

Темур, Азиз – ёлланма қотиллар.

Саҳна очилади

Шинам хона. Хорижий стол-стуллар, рангли телевизор, видеомагнитофон, видеокамера, столнинг усти тансиқ таомлар билан лиц тўла. Алишернинг хориждан эсон-омон қайтганлигини эшигтан опа-укалари, ёру дўстлари, хотини Гулжахоннинг қариндош уруғлари бирин-кетин кириб келишиб, Алишерга ўз хурсандчиликларини изҳор қилишмоқда. Гулжахон меҳмонларга елиб-югуриб хизмат қилмоқда. Атрофда болаларнинг шодон кулгуси. Дўстлар Алишер билан қучоқлашиб кўришишади.

– Хориждан келасолиб уйнинг ҳам додасини сотиб олибсан-да, муборак бўлсин энди.

– Пулинг бўлса халтада, дам оласан Ялтада, деганлари шу экан-да!

– Ҳа, қуллуқ. Келгунимча келинингиз сотиб олиб, жиҳозлаб қўйган экан, биз ҳам уй кўрди қилиб ўтирибмиз.

Гулжахон уларнинг сухбатини эшитиб, табассум қилди.

– Э, дидингизга қойилман, келин, қани энди ҳамма хотинлар ҳам сизга ўхшаб эрига жонкуяр бўлса...

Қолғанлар ҳам сұхбатга аралашишади. Ҳамма бири олиб, бири қўйиб Гулжаҳонни, Алишерни мақтاشади. Улар шарафига қадаҳ сўзи айтишади. Ҳамиша ана шундай вафодорлик, тотувлик тилашади.

– Хўш, энди режалар қандай? Ие, бу нима? “Алка-тель”. Ҳали уяли телефон ҳам олиб улгурдингми? Оббо, шоввоз-эй. Қойилман сенга. Шунча пулни сарф қилиб ким билан гаплашмоқчисан?

– Ҳа, энди бир ҳавас қилдик-да... Шу, гаплашсам уйдагилар билан кўча-кўйда бўлганимда гаплашаманда. Бошқа қаергаям қўнғироқ қилардим.

Алишер дўстининг қулоғига шипшиди:

– Шу десанг, учта “Тико”га етадиган пулим бор. “Пул бўлди, кул бўлди” деган гап бор. Шунинг учун бунақа тойчоқчалардан олиб, ижарага бериб, ўзим ҳам бирор ишнинг бошини тутиб, бола-чақа тарбияси билан шуғуллансан дейман. Нима дейсан?

– Яхши ўйлабсан. Мен ҳам худди шундай қилган бўлардим.

Гурунг қизиган маҳал ҳаладон устида турган телефон жиринглади. Алишернинг ўғли Амир югуриб бориб, телефон гўшагини кўтарди.

– Ая, Шерали акам чақиряпти, – чой ичиб ўтирган Алишер орқасига ўгирилди.

Ўғлига имо-ишора қилаётган Гулжаҳон бирдан котиб қолди. Ранги оқарди.

– Шерали ким? – фикрдан олдин тил калимага келди Алишерда.

– Шералими? – Гулжаҳон ранги ўзгарганлигини сездирмаслик учун кўзини ерга олди. – Анави, Гулбаҳор опамга тиш қўйган дўхтири. Менга ҳам тиш қўювди... шунга тишлар яхши ўрнашдими, деб телефон қилаётгандир-да ...

Алишер телефоннинг гўшагини олди. Гўшакда қисқа-қисқа гудок хунук дудутлаб турарди. Бу орада унинг олдига Амир югуриб келди.

– Вой, ада, Шерали акамни танимайсизми, менга ҳам тиш қўйиб берган...

– Менга ҳам, – Темуржон акасига қўшилди.

Алишер индамади. Чой чойлигича қолди. Орага тушган совуқлиқдан меҳмонлар ҳам бирин-кетин тарқалишиди. Сайёра укасидан кўзини яшириб чиқиб кетди. Гулбаҳор ҳам Алишерга тик қаролмади.

Эртаси куни Алишер хотинининг опаси Гулбаҳорниги келди ва:

- Шерали ким? – деди салом-алиқдан кейин.
- Шералими? – Гулбаҳорнинг рангидаги ўзгариш сезилди. – Шерали менинг тиш дўхтирим. Ҳа, тинчликми?
- Тинчлик, тинчлик... Шерали деганингиз болаларга ҳам тиш кўйиптими?
- Ҳа, тишини қурт егандан кейин болами, каттами фойдаси бор, пули бўлса бўлди. Шерали эса яхши дўхтур...
- Бошқа айтадиган гапингиз йўқми? – қайнопасига шубҳа билан қаради Алишер. – Гулжаҳон ҳам шунга тиш кўйдирдими? Нимага сизнинг тиш дўхтурингиз Гулжаҳонга кўнғироқ қиласи?
- Вой, нима деяпсиз, – қайнопаси жавради. – Шералига тиш кўйдирса нима бўпти? Керак бўлса, пулени тўллаганидан кейин Шералими, Нурагими, тиш кўяди-да! Телефон килган бўлса, мени сўрагандир, шунга ҳам ота гўри қозихонами? Ё синглумдан шубҳа қиляпсизми? Шубҳа қилмай қўя қолинг, Шералининг ҳам гулдек хотини бор. Колаверса, бирор гап-сўз бўлганида мана биз хабардор бўлардик-да...

Кечки кафе. Ишдан кейин Алишер уч фарзандини музқаймоқ едириш учун шу ерга олиб келган. Мусика садолари янграйди. Музқаймоқ еб турган вақтларида ўғли Амир чулдиради:

- Ада-чи, ада, бугун кундузи уйимизга Шерали акам келди...
- Аҳ! – Алишер ижирғанди. – Нима, аянгнинг яна тиши оғрияптими?
- Билмадим. Аям бизларни ўйнаб келинглар, деб ташқарига чиқариб юборди.
- Ў, онангни... – Алишер лабини тишлади. Ач-

чиғини ютиб ўғлини гапга солди. – Бу, Шерали аканг ким ўзи, фақат мен танимас эканман-да, а?

– Вой, Шерали акам-чи, тунов куни қўнғироқ қилган... Биз аям билан Шерали акамнинг вокзалдаги уйида ҳам кўп марта бўлганмиз. Сафия, Гули холамлар, Илҳом тоғам ҳам Шерали акамни яхши танишади. Ўзим аям билан бирга “Тико”ни ҳайдаб Шерали акамни уйига ҳам бир неча марта ташлаб келганман...

– Ҳм... Мен йўқ пайтим ҳам тез-тез келиб турармиди?

– Аям кўпинча кечқурунлари синглингни дўхтурга кўрсатиб келаман, эшикни қулфлаб ўтиринглар, деб чиқиб кетардилар...

– Хўш, кейин-чи? – Алишер ғазабдан қалтираёт-ганлигини сездирмасликка ҳаракат қилди.

– Кейин... – бола сўзлашдан тўхтади. – Аям бу гапларни дадангга айтма, деган. – Ўғли йиғлаб юборди. – Аям билсалар, энди мени ўлдирадилар...

Алишернинг ҳам хўрлиги келди. Ўғлининг елкасидан қучиб нима деди, нима қўйди, ўзи билмади. Ахир, шумиди унинг орзу умидлари?! Пул, мол тошидан мақсад нима эди? Энди нима қиласди? Шу топда унинг кўз олдида ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетди, ҳамма нарса ўз аҳамиятини йўқотди. Пул, мол, давлат ахлатга айланди. Қусгиси келди. Қусолмади. Куни билан сигаретдан бошқа ҳеч нарса оғзига олмаганлигини эслади. Болаларини уйига кўйиб, “Хозир келаман” деб машинани орқага бурди.

...Алишер тўғри опаси Сайёраникига борди. Ароқ сўради.

– Вой, ароқни нима қиласан, машинадасан, – опа қаршилик қилди.

– Борми, опкелайми, – Алишер ўрнидан турди.

– Вой, бор-бор, нима гап, тинчликми? – опа музхонани очиб, ароқ билан газакка помидор олди..

Алишер катта пиёлага тўлдириб қуиди. Ичди. Газак қилмади. Яна қуиди. Ичди. Учинчи пиёлани опа тортиб олди.

– Хой бола, тинчликми, нега мени қийнайсан, – опа йигламсиради. – Ёки келинни ... бир нарса қилиб қўйдингми, нима бало?!

– Мен икки йил ғарибликда ишлаб... у ялло қилиб... – Алишер бошини чангллади.

Опа лабини тишлади:

– Вой ўлмасам...

– Сиз ҳам ҳеч нарсани билмайсизми?! Ё билиб туриб айтмаяпсизми? Мен четда... У бу ерда ўйнаш билан... Ўлдир-раман! – Алишер шахт билан ўрнидан турмоқчи эди, идишларга сурилиб йиқилди. – Билардим, мендан яшириб юрганликларингизни... Ҳеч битталарингиз айтмадингизлар...

– Нима қилайлик, оиласнг бузилмасин дедик, укажон, – опа укасини қандай юпатишни билмас, нуқул ийғларди.

* * *

Гулжаҳон уйида ёлғиз ўтирибди. Кўзининг ости кўкарган, йиглаган... Унинг кўз ўнгида бундан бир йил муқаддам Шерали билан учрашган дамлар жонланди...

Стоматология кабинети. Гулбаҳорга тилло тиш қўяётган Шерали опаси билан бирга келган Гулжаҳонга зимдан бир-икки ўғринча караб қўйди. Гулжаҳон ҳам унга бир-икки сирли қарап қилди. Кейин...

Шерали:

– Сиз ҳам тиш қўйдирмайсизми? – деди.

– Тиш қўйиш текинми? – ҳазиллашди Гулжаҳон.

– Сиз учун текин-да... Телефон рақамингизни қолдирсангиз, ўзим сизни топиб оламан.

– Бу ёғи ҳам нақд-ку, – Гулжаҳон шарақлаб кулди.

– Ҳа энди, опасига хизмат қилған, синглисига ҳам хизмат қилсак-қилибмиз-да.

– Арzonроқ бўлса, чиндан ҳам қўйдирсам бўлар...

– Ҳа, энди от билан туж бўлармиди... Бирор нарса берасиз-да...

* * *

Гулбаҳор синглиси Гулжаҳонникига келса, у Шерали билан ўтирибди.

– Уятсиз, – деди бўғилиб. – Эртага эринг келса, қайси юз билан қарайсан?

– Нима қиласан, ўзи қўймаяпти, – Гулжаҳон қизарди. – Мен ҳам уни яхши кўриб колганга ўхшайман...

– Ҳе, бунақа бевақт севгини ел олсин. Нима қиласан бошингда эринг туриб, ўзингдан тўққиз ёш кичик, хотини бор одамнинг бошини айлантириб...

– Опа, ҳов опа, – Шералининг афти хунуклашди. – Бизнинг ишимизга аралашманг. У бундан буён Алишер билан яшамайди. Болаларни ҳам ўзим боқаман, билдизми?

– Ҳов бола, кучала еган жойингга бориб тириш... Бирорнинг оиласини бузиб нима қиласан, ордона қолгур?

– Гулжаҳон мен билан бўлади, вассалом!

Хотиралар гирдобида бўлган Гулжаҳон бир сесканиб ўзига келди. Ёнида турган телефон гўшагини олиб Шералига қўнғироқ қилди.

– Шерали ака... Ҳаётдан ҳам тўйиб кетдим... Менга ҳеч тинчлик бермаяпти... Кеча яна жанжал бўлди... У ҳамма нарсадан хабардор...

– Яхшиси, эринг билан ажрашганинг маъқулми, дейман...

– Ахир, болалар...

– Нима болалар? Бирга яшайверамиз-да, ўзим боқиб оламан. Данғиллама уйинг бўлса, машиналар сенинг номингда, нимасидан қўрқасан? Шартта развод беради, қўяди-да! Ана кейин кетаверсинг онаси-нинг Америкасига!

– Менга қаранг, бошқа бирор чораси йўқмикан...

– Қанақа чораси бўлиши мумкин?

– Сиз орада бўлмасангиз, муносабатларимиз яхшиланиб кетар...

– Нималар деяпсан, нодон! Ахир сени яхши кўраман-ку! Ҳай майли, эрингга шундай жазо берай-

ки, токи иккинчи марта қўзингни кўкартиришга ҳам қўли кўтарилмай қолсин...

* * *

Шерали қаҳвахонада иккита барзанги билан ўтирибди. Улардан бири Шералига пўписа қиляпти:

– Менга қара, оғайни, олган қарзингни берсанг-бердинг, бўлмаса мурдангни балиқлар ейди.

– Пул бўлса бир гап бўлар, қани бир пивохўрлик қиласайлик.

Пиво ичишаётганда Шерали гап бошлади.

– Сизларга бир иш бор. – У ҳамтовоқларига сирли қараш қилди. – Бир одам бор. Пулдор, доллари бор. Учта “Тико”си бор. Ўзи киракашлик қилади.

– Нима қилиш керак?

Шерали қўлини “пичоқ” қилиб бўйнига тортди.

– Фақат ҳеч ким билмаслиги керак. Уни ўртадан олгандан кейин хотини битта “Тико”нинг пулини беради.

– О, кей! – барзангининг бири ўрисчалади: – Только смотри, кидат будеш пинай на себя, горько плакат будеш.

* * *

Кечга томон.

Катта йўл. Уч шубҳали шахс бўш келаётган “Тико”ни тўхтатади. Савдолашишади. Охири “Тико” хайдовчиси Қарши шахрига уч кишини олиб бориб келишга ўттиз минг сўмга рози бўлади.

Йўловчиларнинг иккитаси машинанинг орқасига, учинчиси ёнбошига жойлашиб олишади. “Тико” хайдовчиси Алишер соатига қаради: яхши хайдаса уч соатда Қаршига бориб қайтади. Уч соатда ўттиз мингни ким ҳам берар эди. У машина ойнасидан йўловчиларга разм солди. Афтини танимади. Газни босди.

– Машина янгими, дейман-а ака, – Шерали гап отди, – ҳали бўёқ иси келиб турибди.

– Ҳа, янги олганман, – истар-истамас жавоб берди Алишер.

– Яхши кунларга буюрсин. Биз ҳам яқинда “Тико”

оламиз, деб юрибмиз. Аммо шу зўр машина чиқдида!

Алишер жавоб қайтармади. Машина шаҳар ташқарисига чиққач, кимсасиз йўлда, қоронгуда Шерали ташқарига чиқишни баҳона қилиб машинани тўхтатди.

Атроф коронгу, совук, изгирин. Алишер йўл четида моторни ўчирди. Шерали машинадан тушди. Келишишлгандай, Темур орка ўриндиқда ўтирган Азизга қаради. Азиз имони тушуниб, Алишерни икки кўли билан ўриндиққа тортди. Бу пайтда Темур қаршилик қилаётган Алишернинг қулоқ-чаккасига бир мушт тушириб, бўға бошлади. Ҳаётдан кўнгли совуган, орзуумидлари саробга айланган вужуд кутилмагандан нималар бўлаётганлигини ҳам тушунмай бирпасда жон таслим қилиб қўяқолди... Шерали машинага қайтиб келганида ҳайдовчи қимирламай ётарди.

Ёлланган қотиллар Шералига қарашибди. Шерали ҳаяжон титроғини сездирмасликка уринган ҳолда Темурга машинани ҳайдашни буюрди. Темур машинани ҳайдолмаслигини айтгач, мурдани орка ўриндиққа тортиб, ўзи рулга ўтируди. Машинани орқага буриб, бир оз ҳайдади, тоғ қишлоғига кетадиган йўлга қайрилди. 200 метрлар чамаси ўтгач, машинани йўл четига тўхтатди. Моторни ўчирди.

– Тушдик машинадан, – деди.

– Менга қара, жасадни панароққа ташлаб, Қаршига машина билан кетсан-чи? – деди қотиллардан бири.

– Эсинг жойидами, биринчи постдаёқ кўлга тушамиз. Буёғи келишилган, машина эгасига қайтгандан кейин, бир ҳафта ўтгач, пулга келаверасизлар...

Машинадан тушишибди. Атроф зим-зиё, тирик жон йўқ. Жасадни тиклаб, ҳайдовчини ўриндинига ўтқазилган ҳолда эшикка суюб қўйишибди. Ташқаридан қараган одам ҳайдовчи ухляяпти, деб ўйлаши мумкин бўлсин учун. Шерали машина салонига қаради. Ҳеч нарса қолмадими деб, кейин жасаднинг ёнида ётган “Алкатель” русумли телефонга кўзи тушди. Нима ўйлади, нима қўйди, телефонни ўзи билан оливолди.

– Кетдик, – деди.

Коронгуда уч қотил юз берган воқеадан ўзига келолмай, алпанг-талпанг юриб катта кўчага қараб боришаркан, ўзларини ўлим шарпаси, бегуноҳ ўлдирилган Алишернинг хуни ҳар қадамда таъқиб қилиб бораётганлигини ҳис қилиб туришарди...

Гавжум мавзеда жойлашган кўп қаватли уйлардан бирининг хонадонида тун яримдан оққанда телефон жиринглади. Суҳбат қисқа бўлди.

– Алло эшиштаяпсанми? Эрингни йўқотдим...

– Тушунмаяпман, очиқроқ гапиринг, кимсиз, – аёл киши уйқусираган овозда гапириди.

– Танимаяпсанми? Эринг энди йўқ, сен меникисан...

– Вой ўлмасам...

– Болаларингга ҳам уқтириб қўй, ҳеч биттанг мени танимайсан, акс ҳолда... кейин... пулни ҳам тайёрлаб қўй.

– Қанақа пул, нима деяпсиз?

– Гапни қисқа қил, акс ҳолда сени ҳам ўлдириб кетишиади. Пулни тайёрлаб қўй, вассалом... – телефонда қисқа-қисқа гудоклар хунук дудуллаб қолди...

Гулжаҳоннинг ранги оқариб, ўтирган жойида қотиб қолди.

* * *

Прокурор қабулхонаси. Гулжаҳон иш юзасидан сўроқ қилиньяпти:

– Эрингизнинг душманлари бормиди?

– Йўқ, душмани йўқ эди, сезмаганман...

– Уйингизга ўғри тушганми?

– Йўқ...

– Кимдан гумонингиз бор?

– Ҳеч кимдан...

– Эрингизнинг машинасидан бирор нарса йўқол-ганлигини сездингизми?

– Сезганим йўқ...

Прокурор учун жиноятнинг учини топиш мушкул кечди. Гулжаҳоннинг, Алишернинг қариндошла-

ри сўроққа чақирилди. Савол-жавобда Шерали деган шахснинг номи бир неча марта тилга олинди. Шерали тўғрисида маълумот йифилди. Алишернинг опаси Сайёра сухбат орасида қотиллик рўй берган куни укасининг уяли телефони орқали қўнғироқ қилиб гаплашганлигини эслади.

Телефон... Телефон қани? Машинадан чиқмади. Уйидамикан... Охирги марта қачон қўнғироқ қилинган... “Коском” қўшма корхонасидан олинган қўшимча маълумотга кўра, ана шу телефон орқали Алишернинг уйига ярим кечаси қўнғироқ қилинган. Уч минут гаплашилган. Ким қўнғироқ қилдийкин?

Хўш, телефон кимнинг қўлида бўлган? Алишер соат 19:00 ларда ўлдирилган бўлса, ярим тунда унинг уйига ким телефон қилган?

Прокурор Гулжаҳонни яна сўроққа чақирди.

– Эрингизнинг “Алкатель” русумли телефони борлигидан хабарингиз бормиди?

– Бор...

– Телефон кимда турарди?

– Эрим уни ўзи билан олиб юарди...

– Эрингиз ўлдирилган куни ярим тунда унинг телефонидан сизга ким қўнғироқ қилди?

Бундай кескин савол берилишини кутмаган Гулжаҳон нима дейишини билмай, бирдан довдираб қолди, ранги оқарди.

– М-менга ҳеч ким қўнғироқ қилгани йўқ...

– Ўзингизни гўлликка солманг, ҳаммасини аниқладик. Тўғрисини тан олсангиз, эрингизнинг қотиллари тезроқ топилишига ёрдам берасиз...

Гулжаҳон тўсатдан йиглаб юборди...

– Шерали... Шерали деган йигит... Тиш техники бўлиб ишлайди... Ҳаммасини ўша қилган...

Шундан кейин “Исканжা” амалиёти бўйича, ўша куннинг ўзида Шерали иш жойидан қўлга олинади. Унинг уйидаги мўри туйнугидан ашёвий далил

– “Алкатель” телефони топиб олинади. Сўроқ, юзлаштириш асосида қотилнинг шериклари ҳам қўлга тушади.

Суд зали. Панжара ортида Гулжаҳон, Шерали ва унинг шериклари ўтиришибди. Суд залида эса бевакт жувонмарг бўлган йигитнинг мотамсаро қариндош уруғлари, Алишернинг уч нафар фарзанди ҳам ўтирибиди.

Суд раиси ҳукм ўқияпти:

– Суд ҳукм қиласди. Гулжаҳон Юсупова ўз турмуш ўртогини ўлдиртириб, мол-мулкка эга бўлиш мақсадида Шерали Тўраев билан тил бириктирган ҳолда қотилликка қўл урганлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг...

Гулжаҳоннинг кўз олди коронғулашади. Ҳушсиз ийқилади. Қотилларнинг боши ҳам, жигарбандиндан айрилган ота-она, қариндош-уруғлар оғир мотамда, иифи, қарғишлар эшитилади.

Суд раиси ўқияпти:

– ... мол-мулки мусодара қилиниб, жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ шарти билан 18 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинсин...

Зал бирдан жимжит бўлиб қолади. Суд залида ўтирган бола – Алишернинг тўнғич ўғли Амир суд ҳайъатидан сўз сўради.

– Мени ёш деб гапларимни жиддий қабул қиласликларингиз мумкин. Лекин дадамнинг ўлимига сабабчи бўлган бу аёл бизга она бўлишга лойиқ эмас! У бизга она эмас! – бола йиғлаганича суд залидан югуриб чиқиб кетди.

Бироқ йиғи-сиғи эшитилаётган залда, йиғилгарнинг, қотилларнинг, ҳам эридан, ҳам фарзандларидан жудо бўлган, лаҳзалик айш-ишрат учун баҳтиқароликка юз тутган, бошидан ҳуши учган жувоннинг қулоқлари остида тирик етимга айланган ўсмирнинг фарёди анчагача садо бериб, дийдаси қаттиқ инсонларнинг ҳам жигар-бағрини қон қилди.

– У бизга она эмас!

– У бизга она эмас!

– У бизга...

– У...

СУҲБАТ ВА МАҚОЛАЛАР



АДАБИЁТНИНГ НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИ

Мухбир: Исматулло ака, ўз муҳлислариға эга ижодкорсиз. Касбингиз ҳуқуқшунос бўлса-да, кўп-лаб шеърий ва насрый асарларингиз чоп этилди. Видеофильмлар яратилди. Баракали ижод...

Ижодкорларга нисбатан айтилган ҳар қандай фикр нисбийдир. Адабиётнинг ўзига хос нисбийлик назарияси борга ўхшайди. Ижод ким учундир эр-мақ, ким учундир касб. Бу ҳақда сизнинг фикрин-гизни билмоқчидим.

I. Йўлдошев: Ёш ўғил отасидан “Нега бунчалик машхурсиз?” деб сўрайди. Ота – Альберт Эйнштейн шундай жавоб беради: “Шар юзасида ўрмалаб кета-ётган сўқир қўнғиз босиб ўтилган йўлнинг эгрили-гини кўрмайди. Менга эса буни кўриш насиб этди”. Нисбийлик Эйнштейн туғилмасидан олдин ҳам мав-жуғ эди. Файласуф Эйнштейн бу ҳодисани кўрди – эстетик идрок қилди. Физик Эйнштейн эса нис-бийликни қисмларга бўлиб, анализ қилиб чиқди ва ниҳоят нисбийлик назариясига асос солди. Биз учун муҳими файласуф Эйнштейннинг қарашлари. Адабиёт борлиқнинг физик хоссаларидан, олий математик ҳисобларидан эмас, балки, уларнинг уйғунлигидан озиқланади. Жюль Верннинг “Тўпдан Ойга” асарида ернинг тортиш кучи бутун парвоз да-вомида сезилиб туради. Вазнсизлик ҳолати ва унинг юзага келишини ёзувчи очиб беролмаган. Буюк фантастнинг хатосини Эйнштейн топди. Бироқ бун-дан Ж. Верн асарининг обрўси пасайиб кетгани йўқ, асарни ҳамон миллионлаб ўқувчилар завқланиб ўқишаётир. Асар нисбийлик назариясига нечоғлик мос келиш-келмаслигининг ўқувчига қизиғи йўқ... Муҳими, асаддаги уйғунлик бизни мафтун этиши-дир. Ойбекнинг “Навоий” романини ўқимаган ўзбек

ўқувчиси кам топилса керак. Улут шоир ҳақида биз жуда кўп маълумотларга эгамиз. Бу борада илмий адабиётларга, Навоий асарларига мурожаат этиш кифоя. Ҳўш, унда Ойбек романи нимаси билан бизга қизиқарли?! Асар Ойбекнинг Навоий ҳақидаги фикри билан, адаб онгидаги буюк аллома образи қандай тасаввур этилгани билан қизиқарли. Шунингдек, Омон Мухторнинг “Ишқ аҳли” романида Навоий образи бутунлай хаёллари билан очиб берилади. Навоий ҳақида ким нима ёзган бўлса, ҳаммаси нисбий тушунчалардир. Нисбийлик назариясининг адабиётдаги кўринишидир.

Адабиёт фан эмас, адабиётшунослик – фандир. Ижодкор бир вақтда ҳам санъат ва ҳам илмни ўзида намоён эта оладиган синтезатор (умумлаштирувчи, бирлаштирувчи)дир. Бошқача айтганда, ёзувчининг вужуди материализмга, қалби – идеализмга тааллуклидир. Ақл буни синтезлаштириб, рухга қанот бағишлайди. Асар туғилиши айнан мана шу жараёнда юзага келади. Барҳаётликнинг сири ҳам шунда.

Мұхбір: Яхшилик билан ёмонлик, мұхабbat билан нафрат ўзига хос симметризмни юзага келтиради. Бу сизнингча мутаносибликоми ёки нисбийлик?

И. Йўлдошев: Ўтмишни ўрганмай туриб, келажакни кўриб бўлмайди. Бу симметризм (уйқашлик, мутаносиблик)нинг ўртасида туриб, ҳам ўтмишга, ҳам келажакка қараб ижодкор ўз майдонини аниқлаб олади. Ўтмишни ўрганмай туриб, янги адабиёт яратиб бўлмайди. Ўтмиш билан келажак ҳамиша узвий алоқада.

Тасаввур қилинг: қори қироат билан Куръон сураларини ўқимоқда. Буни икки одам тингламоқда. Бири арабчани яхши билади, иккинчиси эса билмайди. Биринчиси учун қироат билан ўқилаётган оятлар мазмуни, иккинчиси учун қироатнинг ўзи мухим. Иккови ҳам айни бир вақтда руҳий чанқоқлигини

бартараф этади. Бири учун мазмун бирламчи, мусиқа иккиламчи! Иккинчиси учун қироат – мусиқа бирламчи, мазмун иккиламчи!

Бири сўз билан ифодаланувчи мазмун, иккинчи – мусиқа билан ифодаловчи мазмундир. Кори мазмунни кўриш орқали қабул қилса, тингловчи эшитиш орқали қабул қиласди. Буларнинг бири ёзувчи, бири шоирдир. Ақл кўз ва кулоқ орқали мазмунни тўлалигича қабул қила олади. Ўртада нисбийлик бор, холос.

Адабиёт муҳаббатдан дарс бермайди, куйлади! Яланғоч сўзга мусиқадан кийим кийдиради, сўнг мазмун учун шакл ҳозирлаб, руҳга уйғунлаштиради. Энди тош сўзлаши, куйлаши, дараҳт шивирлаб ўз моҳиятини очиши, майсаларнинг шудринг билан ўйнаши, гуллар кулиши, юлдузлар сирлашиши, борингки, бутун коинот – тасаввурга сиғадиган, сиғмайдиган борлик сиз билан бирга тил топишиши, уйғунлик касб этиши табий кечади.

Уйғунлик онг билан материянинг бир хиллигиdir. Ҳамма имконият даражасида, фикрлайди. “Энг кичик заррадан Юпитергача...” (Faafur Fулом) фикрлайди. Фикр самодан келади ва самога интилади. Масалан, гулларнинг фикрлаши аллақачон фанга маълум. Унга яқинлашмасингиздан туриб гул мақсадингизни англайди ва муносабат билдиради. Бир вақтнинг ўзида иккита гул уруғи экилади. Биррига оддий сув, иккинчисига руҳий медитацияга киришган одамнинг қўли ювилган сув қўйилади. Биринчи уруғ секин ўсиб чиқади. Иккинчи уруғ эса жуда тез кўкаради.

Мусулмонларда қиз билан йигитга никоҳ ўқиляётганда мулла бир коса сувга дам солиб ичиради. Бу ҳам медитацияланган сувдир. Инсон қадаҳ бўлса, муҳаббат – шароб. Қадаҳ шаробга тўлгач, жунунлик юзага келади. Муҳаббат сизни юксакларга парвоз эттиради, ҳайқиртиради, завқлантиради! Биринчи

гул билан иккинчи гулнинг фарқи йўқ, бироқ нисбийлик уларга қуйилган сувлардадир!

Олимлар узоқ кузатувлардан сўнг муҳаббат билан яшаб келаётган бир оиласга гул совға қилишади. Айни пайтда ўзаро жанжаллашиб турадиган носоз оиласга ҳам гул совға қилинади. Биринчи аҳил оиласдаги гул узоқ вақт яшнаб туради, иккинчи нотинч оиласдаги гул эса тез сўлиб қолади. Бу тажриба бир неча марта такрорланса-да, натижа бир хил бўлади. Гул нафратга тўла муҳитда яшай олмайди, у муҳаббат билан тирик. Адабиёт муҳаббатdir, нафратга қарама-қарши турган нисбийликdir.

Дунёнинг икки эшиги бор, бири нафрат, бири муҳаббат. Инсон мана шу “икки эшик ораси”да (Ўткир Ҳошимов) яшайди. Биринчи эшикдан кириб келганингда қаердан қаерга келганингни ва қаёққа чиқиб кетишингни билмайсан. Буни қисқагина қилиб, туғилиш, ҳаёт ва ўлим дейишади. Бунинг моҳиятини фақат англаб, ҳис этиб топиш мумкин. Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романидаги асосий мавзу – фалсафа мана шунга қаратилган. Моҳиятни англаш учун биринчи эшик иккинчисига нисбий қўйилган. Ҳолбуки, бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас.

Мухбир: Суҳбатимиз нисбийлик ҳақида экан, устоз ва шогирд ўртасидаги нисбийликка қандай қарайсиз?

И.Йўлдошев: Тажрибали ёзувчи билан бошловчи қаламкашнинг фарқи шундаки, бири озод, иккинчиси тобе. Ҳақиқий истеъдод ўзлигини енга билишда намоён бўлади. Ўзлигини енгишга уриниш – бошловчига хосдир. Бири устоз, иккичиси шогирддир. Бири тан ва ақлнинг қаршиликларини енгиб руҳий парвозда бўлса, иккинчиси тан ва ақлни енгиш учун ҳаёт-мамот жангини олиб боради. Барча уринишлар ўз йўлини, яъни ўз услубини топишга қаратилган. Устоз эса аллақачон ўз йўлини, услу-

бини топган. “Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар”. Нақадар топиб айтилган доно гап. Бу афоризмда устознинг аҳамияти нақадар катталиги, устоз кўрмаган шогирд бебаҳо неъмат – вақтни бой бериб қўйиши мумкинлиги уқтирилмоқда. Уста босиб ўтган йўлни қайтадан босиб ўтиш шарт эмас, бунинг учун шогирд устозини тинглай билиши керак. Пифагор шундай деб ёзган эди.

*Эшиш сўзларимни
юракка нақи эт –
шубҳалардан кўз ва қулогингни ёп...
Бошқалардан ўрнак ол, ўйла!*

Ўз услубинг ва йўлингни топишга баъзан умр етмайди. Пифагор шуни эслатиб, шубҳалар ва адашишлардан сақланиш лозим дейди. Устоз шогирдига бир умр ўқиган, ўрганган, билғанларини қисқа вақт ичида англатиши мумкин. Устознинг ҳаётини ўтиш шарт эмас, вақт ғанимат, устоз ҳам шошмоқда, билғанларини шогирдига ўргатиб, умри етмагани – моҳиятни очишга шогирдини тезроқ йўналтириши лозим.

Айтишларича, Арастунинг олдига иккита болани шогирдликка олиб келишибди. Арасту бирининг қўлига кўза бериб, ташқарида ҳовуз бор, шундан сув олиб кел, дебди. Бола чиқиб қарасаки, ҳовуз бор, унда сув жимиirlаб, тўлқинланиб турибди. Ҳовузга кўзани ботириши билан кўза қаттиқ нарсага урилиб синибди. Бола бўлган воқеани айтибди. Арасту уни ёнида қолишга изн берибди. Эртасига иккинчи болани олиб келишибди. Унга ҳам кўза бериб, ҳовуздан сув олиб келишни буюрибди. Бола бориб қарасаки, ҳовузда сув тўлқинланиб турибди. Бола олдин кўлтиқиб, сувнинг ҳароратини билмоқчи бўлибди. Шунда қўли қаттиқ нарсага урилибди. Кўзани синдириб қўймаганидан хурсанд бўлибди. Бироқ сувсиз қайтиб борса, қандай бўларкин?. Бола ҳовузнинг

ўртасига ҳайвоннинг расмини чизиб, қайтиб келиб шундай дебди:

– Ҳовузда сув бор экан, ололмадим. Чунки ҳовуздан бир йиртқич чиқиб менга ҳамла қилди.

Арасту болани етаклаб ташқарига чиқиб қараса, ҳовуз саҳнига йиртқичнинг расми чизилган. Бу ҳовуз ўша пайтда Арасту томонидан кашф қилинган шиша ҳовуз эканлигини ҳали ҳеч ким билмас экан. Боланинг фаросатига қойил қолган файласуф уни ҳам шогирдликка олибди.

Арастудан болаларнинг икковини ҳам шогирдликка олганининг сабабини сўрашганида:

– Кўзани синдириган боладан жамият учун яхши хизматкор чиқади. Кўзани синдиримаган боладан эса олим, файласуф чиқади, – деган экан.

Файласуф Г. Гружиев шогирдликка синамасдан туриб олмас экан. Унинг шогирдларидан бири – П. Успенский “Мўъжиза излаб” китобида шундай ёзади: “У менга бир варак оқ қофозни узатиб, қисқагина билганларим ва билмаганларим ҳақида ёзиб беришни илтимос қилди ва қўшни хонага йўналтириди. Жуда узоқ ўтириб, ҳеч нарса ёзолмадим, чиқиб қофозни тоза ҳолда қайтардим”.

Шундан сўнг Гружиев Успенскийни табриклайди ва уни шогирдликка олади. П.Успенский дунё танийдиган ва тан оладиган олим бўлиб етишди.

Устоз билан шогирд ўртасида ҳамиша психологияк нисбийлик бор. Устозининг умрини, ишини давом эттириб, ундан ўзган шогирд – ҳақиқий шогирд. Бунинг тескариси ўлароқ, ўзолмаган шогирд – хизматкордир!

Мухбири: Йсматулло ака, ҳозир шеърни ҳеч ким ўқимай қўйди, дегувчилар ҳам пайдо бўлди. Кўпчилик шоирларимиз ўзини насрда намоён қила бошлиди. Қолаверса, ўзингиз ҳам кейинги пайтларда насрда салмоқли асарлар ёза бошладингиз.

И. Йўлдошев: Яқинда бир таниш ижодкор менга

ҳеч ким шеър ўқимай қўйди, дея нолиди. Мен унга, эҳтимол, ўқувчининг руҳий-маънавий эҳтиёжини қондирадиган шеърни ҳеч ким ёзмай қўйгандир, дея жавоб бердим.

Сўнгра у менга бадиийлик ҳақида сўзлай бошлади. Фалончи ёзувчининг китобини ўқидим, бош қаҳрамоннинг юз тузилиши, юриши, қилиқлари, ўзига хос кийиниши-ю, қандай овқатларни хуш кўриши, табиат манзараларини кўрмадим. Асар бадиий жиҳатдан бўш, деди. Бу китобни мен ҳам ўқиган эдим. Ҳозир сотувда йўқ.

– Тўғри айтасиз, аммо мен уни бош кўтармай ўқидим. Бош қаҳрамоннинг ўй-фикрлари, мақсади, ҳаракати тасвирида янгилик бор. Ҳаёт ҳақида теран мушоҳада юритилган. Кўпчиликнинг дилидаги гапларни ёзувчи топиб ёзган. Муаммолар ечими ҳам биз кутгандай эмас, мутлақо бошқа йўсинда берилган, – дедим. – Мақсад ва моҳият тўлалигича фалсафий ечимга эга.

– Ҳа тўғри, мен ҳам бош кўтармай ўқидим. Сўнг таҳлил қилдим, – деди танишим.

Назаримда, у китобни ўқиётганида асардан камчилик топмаган, ўқиб бўлгач эса камчиликлар топа бошлаган.

Биз бир вақтнинг ўзида ҳам ўқувчи ва ҳам адабиётшуносмиз. Ўқувчи завқланади, олим ўйлайди, изтироб чекади. Ўқувчи асарнинг ичига кириб кетади, олим эса ташқаридан туриб кузатади. Ўқувчи асарда ўзини кўришни истайди, олим эса ёзувчини. Фарқи шунда.

Ўтган асрнинг буюк рассоми Пикассо асарларини биринчи кўрганингизда сизда фикр уйғонади. Фикрдан фикр туғилаверади, туғилаверади... Астасекин фикр ўрнини завқ-шавқ, туйғулар эгаллай бошлайди. Нихоят, сиз суратнинг кузатувчисига эмас, унинг қаҳрамонига айланасиз. Энди сиз ҳеч

киммассиз – туйғусиз, холос! Пикассонинг буюклиги ҳам шунда.

Ёзишларича, улкан ақл соҳиби Карл Густав Юнг эски бир қалъада яшар экан. Қалъада бир доскага қоқилган иккита қадимги соат бўлиб, одамлар бу соатларни томоша қилгани келишар экан. Қизифи шундаки, соатлар бир хил вақтни кўрсатар, агар биттасининг милини озроқ орқага сурсангиз, маълум вақтдан сўнг яна соатлар бир хил вақтни кўрсатаркан. Бу мўъжиза Юнгни қизиқтириб қолади ва ниҳоят олим бунинг сирини топади. Мўъжизанинг сири доскада экан. Доска ўта ҳис қилувчан дараҳтдан ясалган бўлиб, соатлар икки хил ритмда юра бошласа, доскадаги ички вибрация (тебраниш) қандайдир сирли тарзда уларни бир ритмга, яъни бир вақтни кўрсатишга олиб келар экан. Юнг бу ҳолни қандай аташ ва унга қандай ном бериш хақида ўйлаб, буни синхронизация деб атайди. Соатларнинг бири – ўқувчи, иккинчиси – бадиий асар, доска эса синхронизатор – ёзувчидир!

Асарнинг ички ритми билан ўқувчининг ички ритмини бир хилликка олиб келиш ёзувчининг маҳоратига боғлиқ!

Образли ифодаланган, Эйнштейн ўғлига “босиб ўтилган йўлнинг эгрилигини кўрдим”, дея машхурлигининг сабабини тушунтириб берганидек, ёзувчи ўқувчига ўзи англамаган “эгрилик”ни кўрсатиб бериши адабиётнинг қонунидир.

Мухбир: Мароқли сұхбатингиз учун раҳмат!

МУЛК ЭГАСИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Ҳамроқул Асқар, шоир: Инсон ва қонун мавзуси жуда қадимий. Оташпаратлик, Будда таълимоти, Забур, Таврот, Инжил, Қуръони карим каби илохий китобларда, Авестода ер юзида тирикчилик қилаётган Одам болаларининг ҳаётини тартибга солувчи қоидалар мужассамлашган. Азал-азалдан замона ҳукмдорлари ана шу илохий илмлардан улги олишиб ўз давлатларининг ҳуқуқий асосларини яратганлар. Нафақат кишилик жамияти, бутун борлиқ, коинот муайян қонуниятлар асосида яшайди, ҳаракат қиласи. Ушбу қонуниятлар бузилган пайтда табиат ғалаён қилиб, табиий оғатлар содир бўлади. Нафақат бу фоний дунё, у дунё – жаннат ва дўзахнинг ҳам ўз метин қонунлари бор. Муқаддас китобларимизда накл этилганидек шайтон қутқусига учган Момо Ҳавонинг гапига кириб жаннатнинг муқаддас қонунларини топтаганлиги учун Одам Отамиз Ер юзига бадарга этилган. Бу ибратли ривоят замирида мавжуд қонунларни поймол этишнинг жазосиз қолмаслигига ишора мавжуд. Қонунлар таҳлили билан жиддий шуғулланган киши инсон рухияти билан боғлиқ яна кўплаб синоатларни кашф этиши табиий. Биз аждодларимиз томонидан қабул қилинган турфа хил қонун-қоидалар муҳофазасида янги асрга қадам қўйдик. Айниқса, аждодларимиз ҳуқуқ фани борасида оламшумул ютукларга эришганлар. Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг “Бидоёт ал мубталаки таълим” (Фиқҳни ўрганувчилар учун дастлабки таълим) асари назарий жиҳатдан бағоят кучли. Ўша даврда бу асарни ўрганиб, амалиётга татбиқ этишдаги қийинчиликларни ҳисобга олиб, аллома ана шу китобларига “Кифоят ал мунтахий” (Фиқҳни ўрганишни якунловчи учун тугал таълим) номли 8

жилдлик кенг шарҳ ҳам ёзганлар. Марғинонийнинг ҳуқуқ илми борасидаги меҳнатлари ўз замонасидаёқ қадрланиб, Фақих ул-илми фикҳ, яъни фикҳ илмининг билимдони, деган олий рутбага сазовор бўлганлар.

Исматулло Йўлдошев, ҳуқуқшунос: Шу ўринда Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг: “Қаерда қонун ҳукмрон бўлса, ўша ерда эркинлик бўлади”, деган ўғитлари эсга тушади. XX аср охирига келиб Ватанимизнинг мустақилликка эришганлиги улуғ тарихий воқеа бўлди. Ҳукуқий жамиятни шакллантириш – тараққиётни жадаллаштиришнинг муҳим омили. Президентимизнинг: “Бозор муносабатларига ўтиш бирдан-бир мақсад эмас. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш тамойиллари асосида амалга ошириши шарт”, деган сўzlари ибратли. Ушбу икки фикрдаги ўзаро уйғунликка эътибор беринг. Илгари шўролар ҳукумати чиқарган қонунларга амал қилишга маҳкум эдик. Энди ўз давлатимиз, қонунларимиз бор. Уларни ўзимиз ишлаб чиқиб, муҳокама қилиб, сўнг қабул қиласиз, Уларда қандайдир ғализликлар бўлса, бунинг жабрини ҳам бирга тортамиз. Қонун лойиҳаларининг матбуотда эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамасига кўйилиши ҳам демократия кўринишларидан бири. Истиқлолимизнинг энг буюк неъматларидан бири – ҳукуқий давлатчиликка асос солинди. Секинлик билан бўлса-да, демократик тамойиллар ҳаётимизга кириб келаётir.

Х.А. Баъзан тарихимизни ўқиб, ғалати аҳволга тушаман. Не-не подшолар, хонлар, улуғ амирлар ўтган. Қани уларнинг молу мулклари, шону шавкатининг қонуний ворислари? Шундай улуғ ва бой тарихимиз, қарийб 30 миллион халқимиз бор.

Шуларнинг ичидан мана бу фалон хоннинг, мана бу фалон амирнинг зурриёти, авлоди деган хужжати

бор, бобомерос қасрида яшаётган меросхўрни топиб бера оласизми? Лекин, Оврупага борсангиз ўша Людовик, Хуан Карлослар қасрларида бугун ҳам уларнинг авлодларини, ўтган аркони давлат соҳибларининг меросхўрларини учратасиз. Чунки уларда суд, адвокатура, нотариус хизматлари ўша замонлардаёқ йўлга қўйилган эди. Мана мустақиллигимизга ҳам 12 йил бўлди. Фалончидан пулимни ололмаётирман, дея сарсон юрган, қўлида қонуний хужжати йўқ жабрдийдаларни ҳар куни учратамиз... Булар мавжуд қонунларга риоя қилмасдан олди-берди қилишнинг оқибатлари. На-войй бобомизнинг: мулк эгаси билан гўзал, деган ўгитлари бор.

И.И. Бугун бўй кўрсатиб турган камчиликлари-миздан бири – хуқуқий тарғиботнинг заиф ва ўта рас-мийлигидир. Хуқуқий мавзудаги адабиётлар олимга ҳам, оддий дехқонга ҳам бирдай тушунарли бўлиши керак. Эга-кесими келишмайдиган айrim матнларни ўқиб, баъзан хунобинг ошади. Улар оддий, жонли тилда, хаётий мисолларга бой бўлса. Назаримда, вақтли матбуотда, айниқса телевидениеда хуқуқий мавзудаги кўрсатувлар етарли эмас. Шунчаки, бирор сана муносабати билан ёки ойнаи жаҳонда кўриниш бериш учун қилинган телемулоқотлар ўрнига муҳим тергов жараёнлари таҳлили билан бой кўрсатувлар, хужжатли телефильмлар, суд жараёнларини намойиш этиш йўлга қўйилса ёмон бўлмасди. Яна бир долзарб муаммо – суд хукмларининг ижроси. Қўлида суд аж-рими билан сарсон юрганлар қанча? Вақтида амалга оширилмаган ижро одил судловнинг обрўсини туширади.

Х.А. Ҳа, хуқуқ соҳаси вакилларининг обрўси ма-саласи кўпчиликни ўйлантирадиган масала. Айrim, ўзларига бино кўйган айни соҳа ходимлари ҳақида Президентимиз: “Булар гўё осмондан тушгандек...”

деган иборани ишлатган эдилар. Берилган ваколатларни сунистельмөл қилиш ҳоллари учраб туради...

И.И. Ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходимлари ҳар куни ҳалқ билан бирга. Одамлар уларнинг яшаш тарзи, муомаласи, одамгарчилигини кузатиб туради. Прокуратура ходими осмондан тушган эмас. У ҳам аслида қонун номидан иш қўрувчи оддий бир фуқаро. Жиноят содир этса, эл қатори жазоланади. Самарқанд вилоят прокуратурасида сўнгти пайтларда ходимларнинг бурчларига масъулиятини ошириш, асоссиз қамоққа олишлар учун жавобгарликни кучайтириш, вилоят ва шаҳар, туман прокуратуроси масъул ходимлари билан турли ташкилотлар, ўқув муассасаларида ҳуқуқий мавзуларда сухбатлар ўтказиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ходимларнинг ҳуқуқий, сиёсий, маърифий билимларини такомиллаштириш, уларни малака ошириш марказларига юбориш, имтиҳон – аттестациялар ўтказиш йўлга қўйилган. Бу тадбирлар озми-кўпми самарасини бераётир. Вилоят прокуратурасида бўлиб ўтган йиғилишда жиноятнинг олдини олиш, унинг келиб чиқиши сабабларини ўрганишнинг муҳимлиги ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилади. Тугалланган жиноят ишларини таҳлил қилиб, вақтли матбуотда ёритишнинг аҳамиятига эътибор қаратилади. Муҳими, терговчиларимиз кўп ўқишлири, оламдаги янгиликлардан хабардор бўлиб, ўз устларида қаттиқ ишлашлари лозим. Прокуратура ходими ҳалқ ичидаги ёки матбуот орқали поклик, иймону эътиқоддан лофтурсаю, амалда тескари ишларга қўл урса, ҳамма кўриб, кузатиб турган бундай иккюзламачилик унга иснод келтиради.

Ҳ.А. Илгарилари мундир шаъни (часть мундира) деган баландпарвоз атамалар бўлар эди. Умуман терговчининг хатоси билан ноҳақ жавобгар бўлганлар ҳақида ўйлаб қўрганмисиз?

И.И. Одам борки, туҳмат деган бало ҳам бор. Баъзи кимсаларнинг фитнаси билан айбсиз одам жи-

ноятчига айланиб қолиши ҳеч гапмас. Терговчининг вазифаси бирор одамни албатта жавобгар қилиш эмас. Унинг вазифаси энг аввало ЖПК талабига кўра ҳақиқатни аниқлаш. Малакасиз жарроҳ адашиб уч-тўрт марта операция қилса, бундан тиғ жабрини тортаётган шўрлик жабр кўради. Тергов ҳам ана шундай. Ким томонидан содир этилмасин, инсон тақдирига нисбатан хатоликлар қонун доирасида баҳоланиши шарт. Жавобгарликка тортилган одамнинг айбизлиги маълум бўлса-ю, терговчи, прокурор ёки қозининг шаъни учун айблов давом этаверса. Аксинча, ўз вақтида хатосини тўғрилаган ходимни рағбатлантиришни йўлга қўйиш лозим. Қайсиdir аллома: “Жазолашдан аввал, гуноҳидан ўтишнинг иложи йўқмикан, дея мулоҳаза қилмайдиган қози жамият учун хавфли”, деган экан. Бу фикрдан завқланиб тўртлик машқ қилгандим:

*Афв этиши санъатин ўрганган одам,
Жазо усулларин билар мукаммал.
Ёмонлик шундай бир илмки, буюксан –
Яшасанг ўшанга қилмасдан амал.*

X.A. Динга муносабатингиз?

И.Й. Ўзини англаған сари инсон Худого яқинлашади. Улуг бобомиз Алишер Навоийни ҳам буюклик каҳкашонига кўтарган қудрат унинг қалбан Оллоҳга яқинлиги, деб ўйлайман. Ўз художўйлигини кўз-кўз қилувчиларнинг мусулмончилиги тилида бўлади. Сўнгги пайтларда юртимизда ҳожиларимиз сафи кўпайди. Тижоратчи ҳожиларимиз ҳам анчагина. Тилларида Оллоҳ, қўлларида тасбех, фойда келса ароқ, нос, сигарет сотишдан ҳам тоймайдилар. Бир танишим ҳаждан келиб, юртга ҳожилик ошини берди. Сафар таассуротларини тинглаб завқландик, ҳавас қилдик. Орадан кўп ўтмай ўша ҳожи ёшгина қиз билан зино қилаётib қўлга тушди...

Биз демократик хукуқий давлатчилик сари бо-

пар эканмиз, диндорларимиз ҳам амалдаги қонун-чиликдан яхши хабардор бўлишлари лозим. Қуръон илмлари ва улуг пайғамбаримиз ҳадисларига таяниб шарқ олимлари хуқуқ борасида оламшумул аҳамиятга молик асарлар ёзишган. Бу улкан маънавий меросдан баҳраманд бўлмаслик гуноҳ. Пайғамбаримиз ҳадисларидан бирида шундай марҳамат қилинади: “Ўзгалар олдида қилиш мумкин бўлмаган ишни ёлғиз қолганингда ҳам қилма”. Нақадар содда, нақадар тे-ран бу ҳикмат.

Ҳ.А. Ёшлиар тарбияси ҳамма замонларда кишилик жамиятининг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб келган...

И.Й. Кўпинча фалон-писмадон буюк бобокалонларимиз бор, дея мақтаниб юрамиз. Аслида, улар қолдирган бебаҳо меросга бефарқмиз. Фарзандларимиз тарихимизни яхши ўрганмасдан улгаймоқдалар. Замонавий техника – телевидение, радио, интернет тармоқларидан келаётган ахборотлар кўлами шу қадар каттаки, уларнинг кераклисини олиб, зарарлисидан ҳимояланиш зарур. Тинимсиз шовқин, урҳоур, ўлдир-ўлдирлар, яланғочлик, фаҳш, очиқдан-очик зинони тарғиб этувчи фильмлар ёшлиар тарбиясини бузиб, уларни фикрсиз зомбиларга айлантироқда. Юқори частоталик бақир-чақирлар, беҳаёларча ирғишилаётган хонандалар, ракқосаю раққосларнинг маймунваш жилпанглашларидан ҳатто Ғарбнинг ўзи безор бўлиб турганида айрим хонандаларимиз шуларга тақлид қилиб тириклик қилмоқдалар. Қандайдир диний оқимларнинг алмойи-алжойи варақаларини тарқатган кимсаларни қўлга оламиз, жазолаймиз. Тўғри, диний терроризмга қарши кураш долзарб масала. Лекин яширин варақаларсиз, ўз уйимиздаги ойнаи жаҳон орқали бизга, болаларимизга зўравонлик, ваҳшийлик, зинони очиқ ташвиқот қилаётган маънавий террор ҳақида нега бош қотирмаймиз? Радиони қўйсангиз, чет эл кўшиклари тўхтовсиз жаранглайди.

Ҳатто энг кўнгилчан миллат – фаранглар ҳам хорижий эшиттиришлар вақтини 25 фоиздан оширмасликнн белгилаб қўйганлар. Ички бозорни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоялаш ҳақида фармонлар қабул қилинди. Бебаҳо бойлигимиз – маънавий дунёмизни, фарзандларимизни хорижнинг зарарли мафкурасидан ҳимоя қилиш ҳақида жиддий бош қотириш вақти келди.

Х.А. Прокуратура тизимида ишлаш баробарида бадиий ижод билан ҳам жиддий шуғулланиб келмоқдасиз. Сўнгги йилларда “Ёлғизлик”, “Бунда тонглар кашф этар ўзни”, “Ҳабиб бўлгин менга муҳаббат”, “Армонли дунё”, “Ҳавас” номли шеърий тўпламларингиз чоп этилди. Сизнинг сценарийингиз асосида “Қабоҳатга қўйилган тузок”, “Жумбоқ” номли бадиий фильмлар яратилди. Ўтган иили “Бир ҳовуч офтоб” эссенгиз учун “Хуқуқ” газетасининг мукофотига сазовор бўлдингиз. Терговчи ва шоир бир қаращда ғалати туюлса-да, ҳар икки соҳанинг бошини бирдай тутиб келаётисиз. Сизни илҳомлантираётган омиллар, қийнаётган муаммолар, ижодий режаларингиз ҳақида гаплашсак.

И.Й. Нега ғалати туюлади? Республикализнинг турли идораларида ишлаб, айни чоғда бадиий ижод билан шуғулланаётган юзлаб кишилар бор. Уларнинг аксариятини яхши танийсиз. Балким, шеърий машқларимиз адабиётнинг айрим андозаларига унчалик ҳам тўғри келмас. Лекин юракни ғалаёнга солган туйғуларни шеърга солишини чеклаш ҳақида бирор қонун йўқ-ку.

Яқинда Самарқанд зиёратига келган давримизнинг даҳо адиби Чингиз Айтматов билан сухбатлашишга мусассар бўлдим. Чингиз оға билан мароқли сухбат чоғида у кишининг туркий халклар, айникса Самарқанд тарихини яхши билишидан ҳайратландим. Айни чоғда у киши мамлакатимиздаги истиқлолдан сўнг курилган бинолар, иншоотлар, бунёдкорлик иш-

ларига ҳайратини яширмади. Шунда мен тарихимиз, динимиз, тилимиз, миллатимиз бир қардошларимиз билан томирларимиз накадар чуқур, қамровли экан-лигини яна бир карра теран хис этдим.

Ҳ.А. Одам бир соҳада узоқ ишлагач, танишлари кўпайиб, ҳар хил илтимослар кўпаяди... Ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчиликка муносабатингиз?

И.Й. Шўролар даврида ошна-оғайнигарчилик, қариндош-урӯчиликка қарши курашамиз деган шиорлар бўларди. Бутун кишилик жамияти қариндошлиқ, дўсту биродарчилик, ўзаро бордикелдилардан иборат-ку аслида. Жиноят оламига мойил танишларингиз қўпайса, қонунга зид илтимослар кўпайиши табиий. Масъул лавозимларга етти пуштини суриштириб ишга олишнинг сабаби ҳам шунда. Танишингизнинг боласини ҳимоя қилиб, ўрнига бир бечорани қаматиб юборсангиз, ҳалиги жабрдийда бир куни ёқангиздан олмайдими? Илтимослар бўлиб туради. Бундай танишларимга яхши адвокат олишини маслаҳат бераман.

Ҳ.А. Тилакларингиз?

И.Й. Гоҳо мукаммал кўринган қонунлар ҳали инсон тақдери масаласида ожиз. Қалбинг билан идрок этган ҳолатлар гоҳо қонунларга зиддек... Ишқилиб, яратганинг ўзи бизни янгиштирмасин. Ҳеч банда тўғри йўлдан адашмасин. Ёлғоннинг умри киска бўлсин.

Суҳбатдоши Ҳамроқул Асқар.

ОЗОД ҲАЁТ ҚАДРИ

Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” деб номланган китобида бошқа махлукотлардан онги ва тафаккури билан устун турадиган инсон камолоти учун маънавий эҳтиёж биринчи ўринда туриши, бу эҳтиёжнинг инсон, ҳалқ ва жамият ҳаётида тутган ўрни атрофлича ёритиб берилган. Асарда таъкидланганидек, фарзандларимизнинг қандай инсон бўлиб етишишлари келгусида Ватанимиз тақдирини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Албатта, маънавияти юксак, билимли, кучли ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш бугуннинг кечичкириб бўлмайдиган вазифасидир. Зоро, ўтмишда жаҳонга Беруний, Ибн Сино, аз-Замахшарий, ал-Бухорий каби мутафаккирларни етиштириб берган, умумбашар маънавиятининг юксалишига ўз муносаб ҳиссасини қўшган ҳалқимиз ўз бой маданий маънавий мероси билан дунё ҳамжамиятида муносаб ўрнига эга. Бугунги вазифамиз – аждодларимиз ютуқлари билан фаҳрланибгина қолмай, балки уларни янада бойитиш, нафақат ҳалқимиз, балки умумбашарий аҳамиятга молик янгидан-янги кашфиётлар яратиб, маънавиятимизни бойитишга хизмат қиласидиган ёш авлодни тарбиялаб, вояга етказишдан иборатдир. Жумладан, асарнинг муқаддимасида шундай фикрларни ўқиймиз: “**Биз ҳалқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлиб яшashi учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масала да ҳушёрлик ва сезирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни**

ўз холига, ўзи бўларчиликкка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”.

Юртбошимиз халқимизнинг илдизлари азал-азалга бориб тақаладиган бой маънавияти ҳақида сўз юритар экан, уларни ёт қарашларга эга кучларнинг ғаразли муносабатларидан асрраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш биз учун ўта муҳимлигини алоҳида таъкидлаган. Зеро, “Дунёдаги зўравон ва тажовузкор қучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”. Дарҳақиқат, бунга тарихдан истаганча мисоллар топишимиз мумкин. Узокқа бориб ўтирайлик, халқимиз 150 йилдан зиёд вақт аввал Чор Россияси, сўнг собиқ Иттифоқ мустамлака сиёсати остида яшади. Ўтган мана шу давр ичидан қанчадан-қанча маънавий, маданий бойликларимиздан жудо бўлдик. Ўзбекона оддий қадриятларимиз босқинчилар томонидан ерга урилди, камситилди. Уларга амал қилган юртдошларимиз мустамлакачиларнинг қаттиқ таъқибиға учради. Мисол учун, агар бирор давлат аппаратида ишлайдиган юртдошларимиз уйида аза бўлиб қолса, марҳумга жаноза ўқилгани учун уларнинг қанча-қанчаси вазифасидан четлаштирилди. Албатта, булар бошқаларнинг онгига таъсир қилмай қолмади. Минг шукурки, Мустақиллик туфайли ўзлигимизга қайтиб, ўзлигимизни англай бошладик. Мустабид тузум таъсирида қатағонга учраган, камситилган миллий қадриятларимиз яна қайтадан тикланди.

Муаллифнинг таъкидлашича, “**Маънавиятга**

қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқизорзга олиб келиши мумкин”. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир мамлакат, хоҳ сиёсий, хоҳ иқтисодий, хоҳ ҳарбий жиҳатдан устун бўлсин, агар маънавият жиҳатидан ожиз бўлса, алал-оқибат таназзулга маҳкум. Агар ҳалқнинг маънавияти юксак, онгида мафкуравий жиҳатдан етарлича иммунитет мавжуд бўлса, шубҳасиз, бундай ҳалққа эга давлат ҳар томонлама тараққий этиб бораверади.

Жамиятдаги маълум бир тузум ўзгарганидан сўнг шу жамият аъзолари онги ва дунёкарашида маънавий бўшлиқ пайдо бўлиши турган гап. Агар мазкур бўшлиқ янги тузум ғоялари билан тўлдирилмас экан, шубҳасиз, у жамият учун ёт бўлган, бошқа бир кучли жамиятнинг тараққиётини кафолатладиган вайронкор ғоялари билан тўлдирилади. Зоро, Юртбошимиз айтганидек, “**Бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қиласи**”.

Ҳозирги кунда ана шундай маънавий бўшлиқни тўлдиришга уринадиган ва шунинг ҳисобидан ўз ғаразли мақсадларини амалга оширишни ўйлаб юрганлар кўп. Бу эса инсон қалби ва онги учун курашнинг глобал муаммога айланганлигидан дарак беради. Маънавиятига қарши қандайдир таҳдид пайдо бўлганлигини сезган ҳар бир онги инсон, ҳар бир ҳалқ ўзининг бугуни ва эртанги истиқболи ҳақида жиддий ташвишга тушиши шубҳасиз. Муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва ҳалқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Президентимизнинг ушбу китобида одамзод учун

ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳар томонлама кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этилади.

Асарда истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар ҳакида атрофлича фикр юритилади. Ҳар бир юртдошимиз буни тўғри англаб, бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, ҳалқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли гоя ва мафкуралар таъсиридан саклаш ва ҳимоя қилиш масалаларига онгли равишда ёндашишларида ушбу асар муҳим аҳамиятга эга дастуриламал бўлиб қолиши шубҳасиз.

Президентимизнинг таъбирича, ҳалқ – улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан карвон экан, уни йўлдан чалғитишга уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар ҳамиша топилади. Аммо **ҳалқ карвонини ҳеч қандай куч ортга қайтаролмайди. Нега деганда, ҳалқнинг қалбиде не-не авлодлардан мерос енгилмас куч – маънавият бор.** Зеро, маънавияти юксак ҳалқни дунёдаги ҳеч қандай куч енга олмайди. Чунки бу ҳалққа аждодларидан мерос қолган буюк маънавият ҳар қандай моддий бойлик, ҳар қандай ҳарбий қуролдан ҳам қудратлироқ куч бағишлайди.

Президентимиз таъкидлаганидай, “**Шонли тарихга садоқат билан қараб, бугунги озод ҳаётини қадрлаб, ўз келажагига катта умид билан интилаётган ҳалқимизнинг донишмандлиги ва матонати, унинг иймон-эътиқоди, мустаҳкам иродаси ва юксак маънавий руҳи доимо барқарор яшайди**”.

Мен бунга ишонаман.

ҚОНУН ВА ИНСОН ҚАДРИ

Мамлакатимиз Президенти томонидан 2005 йилнинг 1 августида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги қарори ҳамда 2005 йил 8 августдаги “Қамоққа олишга санкция бериш хуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармонга биноан 2008 йил 1 январдан эътиборан ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш ва қамоққа олишга санкция бериш хуқуқини судларга ўтказиш кўзда тутилган. Суд-хуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар жиноят, жиноят процесдуал қонун ҳужжатларининг босқичма-босқич либераллаштирилаётганлиги биргина мамлакатимиз фуқаролари томонидангина эмас, балки дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

Муқаддас китобларда ҳам, ривожланган мамлакатлар конституцияларида ҳам инсон ҳаёти дахлсиз эканлиги алоҳида таъкидланади. Зоро, Худо берган умрга барҳам бериш ҳақида хукм чиқаришга ҳеч кимга ваколат берилмаган. Мамлакатимизда инсон ҳаётининг, ҳақ-хуқуқларининг дахлсизлигига алоҳида эътибор бериб келинаётганлигини Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган ҳаётбахш қонунлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, яқинда Олий Мажлис Сенатининг бўлиб ўтган ўнинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар қаторида “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Қамоққа олишга санкция бериш хуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар

киритиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари муҳокама қилинди. Бу эса суд-хуқуқ тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилинган қонунга кўра янги жазо сифатида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилди. Қонунда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун тайинланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бу жазо аёллар, 60 ёшга тўлган эркаклар ва жиноят содир этган вақтида 18 ёшга тўлмаганларга нисбатан тайинланмайди. Шу билан бирга, тамом бўлмаган жиноятлар учун бу турдаги жазонинг қўлланилмаслиги ҳам белгилаб қўйилган. Жиноят кодексида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан жавобгарликка тортиш ва жазони ижро этиш муддатларини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал этилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1966 йилда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 6-моддаси 4-бандида амнистия, афв этиш ёки ўлим хукмини алмаштириш ҳамма ҳолатларда тухфа этилиши мумкинлиги белгиланган.

Жиноий жазолар тизимига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг киритилиши жиноят ижроия қонунчилигига ҳам айрим ўзгаришларга олиб келди. Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, умрбод озодликдан маҳрум этишга хукм этилган маҳкумлар жазони маҳсус сақлаш шароитларига эга бўлган маҳсус тартибли колонияларда ўтайдилар.

Президентимиз томонидан 2005 йил 8 августда қабул қилинган “Қамоқقا олишга санкция бериш

хукуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармонга мувофиқ ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Бунда дастлабки тергов жараёнида қамоққа олиш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестларни кўриб чиқиш хукуқи жиноят ишлари бўйича туманшаҳар судлари ва уларга тенглаштирилган судларнинг судъяларига берилади.

Айбланувчи ёки гумон қилинувчи шахсга нисбатан эҳтиёт чораси кўришга етарли асослар мавжуд бўлса, прокурор розилиги билан терговчи бу ҳақда судга илтимоснома билан чиқиши тартиби қонунда белгилаб қўйилди. Унга кўра, жиноят содир этишда гумонланиб турилган шахсни қамоққа олишга асос бўлувчи ҳужжатлар, тегишли илтимоснома жиноий иш қўзғатиш ҳақидаги қарор билан биргаликда ушлаб туриш муддати тугатилишидан камида 12 соат олдин судга тақдим этилади.

Суд эса ўз навбатида, ана шу 12 соат мобайнида ҳужжатларни якка тартибда ёпик суд мажлисида кўриб чиқади. Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини судда кўришда прокурор, айбланувчи, ҳимоячи иштирок этади. Шунингдек, гумонланивчи ёки айбланувчининг қонуний вакили ва терговчининг бу жараёнда иштирок этиш хукуқи кўрсатилди.

Шу билан биргаликда, ушланган шахсларнинг хукуқлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида ЖПКнинг 226-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, унда терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда суд қарори билан уларни ушлаб туриш муддати қирқ саккиз соатгача узайтирилиши мумкинлиги белгиланди. Қамоққа олишга санкция бериш хукуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси судлар ва прокуратура тўғрисидаги қо-

нунларга ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ҳуқуқий демократик, эркин фуқаролик жамияти барпо қилиш йўлидан оғишмай бораётган мамлакатимизда бундай қонунларнинг қабул қилиниши жамиятнинг ривожланишига, инсон ҳукуқ ва эркинликларининг кафолатланишига хизмат қиласи. Зоро, ҳар бир инсон дунёга келганидан кейин Оллоҳ берган умрни хайрли ишларга сарфлаб, жамият ривожига ўз хиссасини қўшиши лозим. Мабодо йўлдан адашиб қолган тақдирда ҳам ҳаётига узил-кесил нуқта қўймасдан, унга ўз қилмишини яна бир маротаба ҳар томонлама ўлчаб қўришга имкон қолдириш керак.

2008 йил

ФАРЗАНД КАМОЛИ – ДАВЛАТ ИҚБОЛИ

Халқимизда “Бола азиз, одоби ундан ҳам азиз”, деган пурмаъно ҳикмат бор. Инсон умрининг мазмуни яхши оила, салим фарзандлар камолини кўриш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат. Халқимиз бола деб яшайди, бола учун жонини беради, боласи бирордан кам бўлмаса, шунинг ўзини тўкис баҳт, деб тушунади. Шу билан биргаликда боласини мустақил ҳаётга тайёрлаш учун уни меҳнатга, сабр-қаноатга ўргатади. Ана шундай бебаҳо қадриятларимиз натижаси ўлароқ, жамиятимизда оиласий ажралишлар нисбатан кам, фарзанд улғайгач, ота-онасининг қаватига кириб, унинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилади, уларни ташлаб кетмайди. Кексалик чоғида эса ота-онага кўрсатиладиган эҳтиром янада кучаяди, иззатикром қилинади. Шунинг учун бизнинг жамиятимизда фарзанд тарбиясига эътибор ва ғамхўрлик БМТ томонидан қабул қилинган “Бола хуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияга нисбатан серқирра ва тўқисроқ ҳамда мазкур конвенция талабларига тўлат-тўкис жавоб беради. Бинобарин, жамиятнинг асосий негизи оила ҳисобланар экан, боланинг шахси соғлом бўлиши ва ҳар томонлама уйғун ҳолда камол топиши учун у оила ғамхўрлигига, давлат кўмагида улғайиши, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражадаги хуқуқий ҳимоя жиҳатидан кафолатланиши лозим.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида бу борада ратификация қилинган биринчи халқаро хуқуқий ҳужжатлардан бири “Бола хуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция бўлди. 1992 йилда бола хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича қатор халқаро хуқуқий мажбуриятларни ўз

зиммасига олган Ўзбекистон хукумати Конвенция қоидаларига мувофиқ БМТнинг бола хуқуqlари қўмитасига мунтазам равишда уни бажариш юзасидан даврий ҳисботларни тақдим этиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида Халқаро мажбуриятларни бажариш мақсадида халқаро-хуқуқий меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 5 февралда қабул қилинган “Она ва бола” давлат дастури тўғрисидаги қарорда оналар соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига эътибор қаратилган. Шунингдек, бу борада муайян тизим яратиш, болаларнинг ҳар томонлама жисмоний, маънавий ва ақл-заковатли бўлиб камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, педагогика ва психологиянинг замонавий усулларини қўллаш асосида уларни қатъий билимлар, эркин фикрлаш кўнижмаларини шакллантириш асосида, Ватанга ва халқقا муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ҳамда бола тарбиясида маҳалла ролини кучайтириш алоҳида таъкидлаб ўтилган.

2001 йилда қабул қилинган “БМТнинг бола хуқуqlари қўмитаси тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режаси”га биноан 2007 йилнинг 1 декабрида Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида Олий Мажлис қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Бола хуқуqlарининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни маъқулланиб, 2008 йил 8 январдан кучга кирди.

Қонуннинг асосий мақсади бола хуқуqlари соҳасидаги муносабатларни хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш ва қаровчиси йўқ болаларни ижтимоий ва хуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорли-

гини оширишдан иборат. Мазкур қонун тўртта боб ва ўттиз иккита моддадан иборат бўлиб, у “Бола хукуқлари тўғрисида”ги Конвенцияда, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола хукуқларининг барча асосий ва қўшимча кафолатларини ўзида мужассам этган.

Амалдаги қонунчиликда бола хукуқлари ва манфаатлари, шунингдек, уларнинг ҳимоясига алоҳида ўрин берилган. Қонунчилик асоси бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, бола дунёга келиши билан инсон ҳамда фуқаро хукуқ ва эркинликларига эга бўлади ҳамда бу давлат томонидан кафолатланади. Бош қомусимизнинг 65-моддасига мувофиқ фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади. Шунингдек, “Бола хукуқлари тўғрисида”ги Конвенцияга биноан Фуқаролик ва Оила кодексларининг қабул қилиниши бола хукуқлари ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Бола хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари унинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, бола хукуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш, болаларнинг ижтимоий қўнікмасига, вояга етмаганлар ўртасида хукуқбузарликларни камайтириш, ювенал адлия тизимини яратиш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашиш ва бошқалардан иборат.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари бола хукуқларини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширади ва шу бўйича устувор йўналишларни белгилайди. Бола хукуқлари,

эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ҳамда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ва давлат органлари, болалар муассасалари, ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда назорат қилиб боради. Бу тадбирлар давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади. Қонунда бола ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат органлари ва бошқа органларнинг шу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида бола ҳукуқлари бўйича ваколатли орган ташкил этилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007–2011 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича ҳаракат Дастури”га биноан илфор халқаро тажриба ва ҳукуқ тизими ҳисобга олинган ҳолда оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳукуқий асосини такомиллаштириш ва ривожлантириш, уларнинг моддий фаровонлигини мустаҳкамлаш, зарур иқтисодий шароитлар яратиш, 12 йиллик умуммиллий миқёсдаги таълим дастурини амалга ошириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, болаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами – ногиронлар, етимлар, кам таъминланган оиласлар фарзандларининг давлат томонидан ҳимояланиши кўзда тутилган. Бола ҳукуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки айниқса, муҳимдир. Бу ташкилот ва органлар болага унинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишда кўмаклашади, унга ҳукукий, услубий, ахборотга оид ва бошқа ёрдамлар кўрсатади.

Конунда боланинг яшаш, ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш, индивидуалликка эга бўлиш ва уни сақлаб қолиш, оилавий муҳитга бўлган ўз фикрини ифода этиш, шунингдек, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кафолатлари ҳамда бошқа ҳукуқлари қатъий белгилаб қўйилган.

Давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилиниш ва қўллаб-қувватланишга муҳтож болаларга мўлжалланган қўшимча кафолатлар давлат томонидан таъминланади. Бинобарин, давлат боланинг оиласада бўлишига тўсқинлик қилувчи шароитларни бартараф қилиш, бола оиласидан ажратилган ҳолларда эса уни оиласига тезроқ қайтариш юзасидан зарур чораларни кўради. Ногирон ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар тарбияланаётган оилаларга моддий ва бошқа хил ёрдам кўрсатилади ва улар қўллаб-қувватланади. Бундан ташқари, конунда оиласада тарбияланиш баҳтидан бебаҳра етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум болаларнинг муқобил ҳуқуқи (васийлик ва ҳомийликни белгилаш, болани фарзандликка олиш, оиласага тарбияга олиш (патронат), ихтисослаштирилган тарбия, даволаш муассасаларига, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштириш) ҳам белгилаб қўйилган.

Конунда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг жамиятга уйғунлашиш ҳуқуқи кафолатларини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Бунда ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан teng ҳукуқка эга эканлиги назарда тутилган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик шартлари асосида дастурлар ишлаб чиқишида давлат ташаббускор бўлади ҳамда зарур ресурслар ажратади.

Шунингдек, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, давлат таъминотида турган

ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасаларининг битиравчилари ёки жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган болалар, ижтимоий ҳимояга мухтоҷ бўлган бошқа тоифадаги болалар ўзлари илгари яшаган турар жой майдонига эга бўлиш ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой олиш ҳуқуқига эга. Етим ёки ота-онаси ва бошқа қонуний вакиллар қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бे-риш ҳамда уларни таъминлаш тўлиқ давлат таъми-ноти асосида амалга оширилади.

Ногирон, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқий кафолатлари давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ахолини ижтимо-ий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, шунингдек, ўз уй-ларида парвариш қилиниш ҳуқуқлари амалга оширилиши орқали таъмин этилади. Махсус педагогик ёндашувга эҳтиёжи бўлган болалар белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида би-лим олишлари учун зарур маблағлар давлат томони-дан ажратилади. Шу билан бирга бундай болаларга махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишлиярига мос бўлган таълим олиш (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассаса турини танлаш ҳуқуқи бе-рилади.

Дунёнинг бирор жойида бизнинг халқимиздай болапарвар миллат йўқ. Халқимиз ўз фарзандига сизлаб гапиради, уларни улуғ ва хайрли амалларга ундан, дуо қиласи, шундан ўз тафаккур нури билан ўн саккиз минг оламни чароғон қиласидиган аллома-ларни тарбиялаб етиштиради ва дунёга беради.

2008 ийл

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципларига асосланади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият ва ижро этувчи ҳокимият бир ёки бир неча давлат органлари томонидан амалга ошириладиган бўлса, суд ҳокимиятига нисбатан бу масала бошқачароқ ҳал этилади. Суд ҳокимияти барча суд органлари томонидан, қуйи судлардан бошлаб Олий судларгача бўлган тизим томонидан амалга оширилади. Чунки ҳар бир суд унинг суд тизимида тутган ўрнидан қатъи назар суд ишларини фақат қонунга бўйсунган ҳолда мустақил ҳал этади. Шундай қилиб, ҳар бир суд суд ҳокимиятини мустақил амалга оширади.

Демократик жамиятда суд ҳокимиятининг ижтимоий вазифаси турли хил ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиша Конституция ва бошқа қонунларда, қонуности ҳужжатларда ҳамда ҳалқаро шартномаларда назарда тутилган ҳуқуқларнинг устуворлигини таъминлашдан иборатдир. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятини амалга ошириш биринчи навбатда, мамлакатда қонун устуворлиги, ижтимоийadolat, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистонда фаолияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатда ижтимоий барқарорлик ва қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш миллий давлатчилигимизни ривожлантиришнинг бош йўналишларидан бири бўлди.

Амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида тарихан қисқа вақт ичida мамлакатимиз

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида чуқур ўзгаришлар юз берди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича яхлит ҳуқукий тизим яратилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқукий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. Суд-ҳуқуқ ислоҳоти давомида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал кодекслари ва бошқа қонунлари, хусусан, “Судлар тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниб, уларда судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаoliyatining ҳуқукий асослари белгилаб берилди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфатларини суд тартибида ҳимоя қилишнинг самарали ҳуқукий механизми яратилди. Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини кучайтириш, жиноятга оид сиёsatни эркинлаштириш, суд ишларини юритиш қоидаларини такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш юзасидан амалий ишлар қилинди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотини амалга ошириш натижасида мамлакатда яхлит суд тизими яратилди, жиноий жазолар либераллаштирилди, ишларни судларда кўриб чиқишининг процессуал тартиби такомиллаштирилди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида суд ҳокимияти мустақиллигини ва тезкорлигини таъминлаш ҳамда суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан қабул қилинган “Ўлим жазоси бекор

қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ва “Қамоққа олишга санкция бериш хуқуки судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари инсоннинг конституциявий хукуқ ва эркинликлари дахлсизлиги суд томонидан самарали ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириди.

Қонунда умрбод озодликдан маҳрум қилишга ёки узок муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахснинг тайинланган жазо муддатининг маълум бир қисмини ҳақиқатан ўтаб бўлганидан кейин афв этиш тўғрисидаги илтиноснома бериш хуқуки назарда тутилган. Бу жазо мақсадларига тўлиқ мувофиқ бўлиш билан бирга жуда инсонпарвар рағбатлантирувчи меъёрдир. Ҳар бир инсон ҳаётда умид билан яшайди. Бу меъёр кўрсатилган жазо чорасига маҳкум этилган шахсни тузалиш йўлига ўтишга, белгиланган тартибга риоя қилишга, меҳнат ва ўқишига вижданан муносабатда бўлишга ҳамда тарбиявий тадбирларда фаол иштирок этишга ундайди.

Шунингдек, қонунда умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тартиби бу борадаги халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган. Умрбод озодликдан маҳрум қилинганлар меъёрий сақлаш шароитларига эга бўлган маҳсус тартибли колонияларда сақланадилар. Улар жазони қаттиқ, одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларда ўтайдилар. Бу ҳам маҳкумларни тузалиш йўлига ўтишга рағбатлантиради. Чунки қонун қаттиқроқ сақлаш шароитидан енгилроқ сақлаш шароитига ўтказишни маҳкумнинг белгиланган тартибга риоя этиши билан боғлайди.

Қонун умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумнинг қайси сақлаш шароитида жазони ўтаётганига қараб ҳар ойда сотиб олиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, яқинлари билан учрашиш, телефон орқали сўзлашиш, посилка ва бандерол олиш микдорини белгилайди.

Бундан ташқари, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг прокурор илтимосномасига кўра суд томонидан қўлланилиши шахснинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик хуқуқининг асоссиз чеклашни олдини олиш билан бирга унинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатини кучайтиради.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини суд тартибида қўллаш суд мажлисида тарафларнинг тортишуви ва тенглиги принципларига мувофиқ амалга оширилиб қамоққа олинаётган фуқаронинг адолатли суд муҳокамасига бўлган хуқуqlари рўёбга чиқарилади. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш асослари ҳамда процессуал тартиби қонунда қатъий белгилаб қўйилганлиги бу жараёнда инсон хуқуqlарини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиради.

Ва ниҳоят, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш ёки бундай чорани қўллаш тўғрисидаги илтимосномани рад қилиш, худди шунингдек, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш билан боғлик суд ажрими устидан апелляция тартибида шикоят бериш механизми вужудга келтирилганлиги, ўзининг ҳимояяга бўлган хуқуқини рўёбга чиқариш учун айбланувчи (гумон қилинувчи) биринчи ва апелляция инстанцияси суди мажлисида иштирок этиши қонунда назарда тутилганлиги инсоннинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларини, дахлсизлигини суд тартибида самарали ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олиш-

га санкция бериш хуқуқини судларга ўтказиш вазифаси қўйилган пайтдан бошлабоқ судьялар билан турли хил машғулотлар ўтказилди. Жумладан, Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги юристлар малакасини ошириш марказида ташкил қилинган икки ҳафталик ўқув курсларида жиноят ишлари бўйича судларнинг барча судьялари малака ошириб қайтди. Дастреб ўлим жазосини бекор қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоларини тайинлашнинг, худди, шунингдек, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини суд тартибида кўллашнинг назарий асослари ўрганилди. Юқорида кўрсатилган қонунлар қабул қилинганидан кейин эса вилоят судида ташкил қилинган ўқув машғулотларида бу қонунларнинг ҳар бир моддаси атрофлича муҳокама қилиниб, судьяларда мазкур қонунларни амалиётда кўллаш юзасидан кўникма ҳосил қилинди.

Фикримизча, бу суд амалиётини тўғри шакллантиришга ва қонун талабларига оғишмай амал қилишга ёрдам қиласди. Барча судьялар ҳар иккала қонун, Олий судplenуми қарорлари матни, шунингдек, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини кўллаш масалаларига бағишлиланган амалий кўлланмалар билан таъминландилар.

Амалга оширилаётган суд-хуқук ислоҳотларининг бош мақсади инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш бўлиб, бу вазифа суд ҳокимиияти томонидан қонунларга оғишмай амал қилиш, суд тортишувчилик принципини таъминлаш, қабул қилинаётган ҳар бир қарорнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришиш орқали амалга оширилади. Бу ўз навбатида инсон хуқуқларини, эркинлиги ва дахлизлигини ҳимоя қилиш баробарида мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва тотувликни таъминлашга ҳам хизмат қиласди.

ҲАЙДАР ОТА

1991 йил. Августнинг охирлари. Қизил империя талвасага тушиб, ҳукмронлигини ҳар қандай йўл билан сақлаб қолиш учун турланаётган даврлар. Ҳамма жойда турли ваҳимали гаплар... Пароқанда бўлаётган тоталитар тузумни сақлаб қолиш учун сунъий равишда ГКЧП ташкил этилди. Бироқ энди тарих ғилдирагини тўхтатиб қолиши, орқага суришнинг иложи йўқ эди. Давр табиий ривожланиш ўзанига барча тўсиқларни парчалаб интиларди. Иттифоқдош Республикалар ҳётида туб бурилиш даври бошланганлигини шу жараённинг ўзи кўрсатиб турарди.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов Ҳиндистон сафарини тўхтатиб, мамлакатга қайтиб келди. Бундай пайтда иккиланиш, пайсаллаш ижтимоий инқироз билан баробар эди. Худди ана шу пайтлар депутатлар Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясига тайёргарлик кўраётган эдилар. Зудлик билан фавқулодда йиғилиш чақирилди. Унда мустақиллик пойдеворига биринчи тамал тоши қўйилди. Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларацияси қабул қилинди. Ўша пайтда Ўзбекистон Олий Кенгашининг депутати Ҳайдар Исломов ҳам Олий Кенгашнинг қонунчилик ва хукуқ-тартибот қўмитаси котиби сифатида ана шу тарихий воқеаларда бевосита иштирок этди ва мустақиллик дастурларини ишлаб чиқишида қатнашди.

– Ҳар куни рўй берадиган воқеалар шиддати, тезкор жараён кўп депутатларимизни эсанкиратиб қўйган эди, – деб эслайди Ҳайдар ота. – Чунки уларнинг кўпчилиги ҳатто мустақил харакат, мустақил фикрлашдан ҳам қўрқардилар. Лекин табиий танлаш туфайли, Ислом Каримов ташабbusи билан

Ўзбекистон ўз такдирини ўзи белгилаши керак, деган хуносага келинди. Бу бир қарашда қўрқинчли, ҳатто даҳшатли туюларди. Ҳамманинг хаёлида “Қандай қилиб?” деган савол турарди. Бироқ сал эсанкираш, қатъиятсизлик фалокатга олиб келишини ҳамма сезиб турарди. Ана шу тариқа Мустақиллик Декларацияси эълон қилинди.

31 август куни бошланадиган Ўзбекистон Олий Кенгashi сессиясида Ўзбекистон Иттифоқ таркибидан ажralиб чиқиб, Мустақил давлат деб расман эълон қилиниши керак, деган таклифлар ўртага ташланди.

– Бу нима беради? – эътиroz билдири депутатлардан бири. – Коғозда қолиб кетадиган нарса...

Мунозарага Президентимиз аралашди... Биз шунда ҳам бу тарихий жараёнга у кишичалик жиддий аҳамият бермаган эканмиз. Хуллас, ўша куни бу хужжат тайёрланиб, сессияда бутун дунёга Ўзбекистон Мустақиллиги расман эълон қилинди...

* * *

1941 йил. Урушнинг оловли тиллари қиличдай-қиличдай навқирон йигитларни жаҳаннам домига тортаётган дамлар. Пастдарғом туманидаги Жайра қишлоғида Мехнат артели раиси бўлиб ишлаётган 24 ёшли Ислом Сувонов куппа-кундузи уйига дала-дан қайтиб қолди.

Эндинга беш ёшга қадам қўйган Ҳайдар отасини узоқдан таниб, унга қараб югурди. Ислом ўғилчасини кўтариб, ҳовлида куви чаяётган хотинининг ёнига келди.

– Ўғилой, – деди у, – бугун ишларни эрта якунладим. Юр, Ҳайдаржонни шаҳарга олиб бориб, бир ўйнатиб келайлик...

Ўғилой: “Ҳа, нечук? Қуёш қаёқдан чиқа қолди?” дегандай эрига қаради.

– Ҳа энди... иш билан бўлиб, сизларга ҳам

қарамай қўйганимга анча бўлиб кетди, – сир бой бермади Ислом.

Ўша пайтларни Ҳайдар ота ҳозир ғира-шира эслайди. Улар Самарқандга боришидди, истироҳат боғида сайр қилишди, суратга тушишди. Ота урушга чақирув қофози келганини айтмаган экан, фронтга кетди. Шу-шу Ҳайдар отасини қайтиб кўрмади. Урушдан “бедарак йўқолди” деган билдирув хати келди. Ундан ёлгизгина ёдгор бўлиб бирга тушган сурат қолди, холос... Ўғилой бошқа эр қилмади – тул ўтди. Ўз умрини Ҳайдарнинг тарбиясига бағишлади...

* * *

1953 йил Ҳайдар ўнинчи синфни битираётган эди. Бир куни мактаб директори Фанижон Тожиев Ҳайдарни хонасига чақирди. Хонага тўладан келган, истараси иссиқ бир киши ҳам бор эди.

– Мана шу йигит! – таништириди Фанижон ака хонада ўтирган кишига. – Аълочи, ўз сўзида турадиган, бошига қилич келса ҳам тўғрисини айтадиган бола. Ўқиш билан бирга Эсабой қишлоғидаги бригадада табелчилик қиласди. Бу киши эса, – директор Ҳайдарнинг қаршисида ўтирган одамни кўрсатди, – Тошкент давлат юридик институтидан келиптилар. Домла Ориф Расулов бўладилар. Иқтидорли болалар бўлса, институтга тавсия қилишимиз керак экан. Сени шунинг учун ҳам бу ерга таклиф қилган эдим...

Ўша йили Ҳайдар Исломов мактабни кумуш медаль билан битириб, Тошкент давлат юридик институтига имтиҳонсиз қабул қилинди.

Ҳайдар Исломов елиб-югуришга ўрганиб қолган эмасми, институтда ҳам бирпас тинч турмас эди. Жамоатчилик иши қаерда бўлса, Ҳайдарни ўша жойдан топишарди. Студсовет раиси, ёшлар қўмитаси аъзоси, ташкилий ишларда бош-қош... Хуллас, студентлик йиллари ҳам ширин тушдай

бирпасда ўтди-кетди. Ҳайдар диплом ишини “Халқ депутатлари вилоят кенгashi ижроия қўмитаси компетенцияси” мавзусида ёқлади. Самарқанд вилоят ижроия қўмитасида практикада бўлди. Ўқишни битириб хукуқшунослик соҳасига ишга ўтмоқчи бўлганида Пастдарғом тумани ижроия қўмитаси раиси Кўпайсин Тўрабеков уни қўймай ўзи билан олиб кетди. Ҳайдар бу ерда масъул ходим, масъул котиб вазифаларида ишлади. Қараса, олган билими қумга сингган сувдек изсиз кетаяпти. “Илмига амал қилмаган муллодан устига китоб ортилган эшак афзал”, деб ўйлади Ҳайдар бир куни... Ва шу тариқа 1964 йилда у Самарқанд шаҳар прокурори ёрдамчи-си сифатида ўз касбининг бошини тутди...

Эҳ-хе, шундан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Ўтган йиллар мобайнида Ҳайдар ота Исломов Каттақўргон, Хатирчи, Иштихон туманларида прокурор, Самарқанд вилоят прокурори ўринбосари, бўлим бошлиги, вилоят адлия бошқармаси бошлиги вазифаларида ишлади. Чорак асрдан кўпроқ шу соҳанинг нонини еди, еганда ҳам ҳалоллаб еди. Бироннинг ноҳақ бурнини қонатмади, адолат, ҳақиқат нуқтаи назаридан иш кўрди. Ҳайдар ота ҳали ҳозиргача бу соҳани тарқ этгани йўқ. Ҳозир у Самарқанд адлия бошқармаси қошидаги малака комиссияси раиси, Республика “Адолат” социал-демократик партияси вилоят Кенгашининг иккинчи котиби сифатида фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга 500 нафардан ортиқ меҳнат жамоасига ўз хукуқий маслаҳатларини бериб туради.

Ҳайдар ота Исломов журналистларнинг катта дўсти, бир неча хукуқшунослар авлодининг устози, фарзандларнинг ғамхўр отасидир. Унга ҳамма ҳурмат билан “Ҳайдар ота” деб мурожаат қилишади. Қайси бир зиёли даврага кириб қолсангиз, кимли-гингизни, қаерданлигингизни суриштиришганидан кейин “Ҳайдар ота яхши юриптиларми?” дея

сүрашади. Ана шунда Ҳайдар отани танимасан-гиз ёки танимай қолсангиз, хижолатпазлик бошланади. Чунки Ҳайдар ота ана шундай бағри кенг, дұстпарвар, халқпарвар инсон. Ҳайдар отанинг бағри кенглиги ҳар бир кишининг қалбидә ёмғирдан кейин чиққан камалакдек ёки ёмғирдан кейин чиққан заркокил қүштедек таассурот қолдиради. Биз ҳам сўзимизни мухтасар этиб, “Қуёшингиз ҳамиша порлайверсин, ота!”, деймиз ва ушбу шеърни у кишига бағишилаймиз:

*Сизни ота деймиз, этамиз эъзоз,
Қалбингиз тафт олган меҳригиёдан.
Инсонлик бобида комил, мумтозсиз,
Оллоҳ умрингизни этсин зиёда.
Буюк қалбингиз бор бегубор, улуг,
Ҳайдар ота деймиз, қўйганмиз ихлос.
Юринг фарзандларга бош бўлиб, қутлуғ,
Юзга кириб юринг соғ бўлинг, устоз!
Бугун ер юзида дўстларингиз бор,
Абдулла Ориф ҳам Сизни тогам дер,
“Катта жуз”им дейди Нурсултон Назар,
Чингиз Айтматов ҳам улуг оғам дер.
Гоҳо расмий бўлиб, гоҳо норасмий,
Эллинг ваколатли ношибидирсиз.
Шу халиқ хизматида бўлдингиз доим,
Бугун-да чин ҳурмат соҳиби дирсиз.
Лимонни хуш кўрган гўдакдай тоза,
Болалик поклиги қалбда мужассам.
Юраклар тўрида жой бордур Сизга,
Кўнгил тозалиги энг олий ҳакам.
Ҳайдар ота деймиз, йўқ бизга ётлиқ,
Меҳру ҳимматимиз сизга зиёда.
Бу ҳаёт паст-баланд, аччигу тотлиқ,
Сиз каби инсонлар камдир дунёда.
Дунёга келдик биз бир дўст ахтариб,
Ҳаёт беланчакдир, ўсар имконлар.
Дунё ўзи шундай кўхна ва гарib,
Унга кўрк бағишилар Сиздай инсонлар.*

ИШЧАНЛИК ҚОБИЛИЯТИ

Мен ҳаётимда ғайратли инсонларни кўп учратганман. Уларнинг бошқалардан фарқли хусусияти – ҳар нарсадан нолиб, зорланиб ўтиришмайди, ўз касбининг фидойиси бўлишади. Уларни мансаб, мол-дунё қизиқтирмайди, лекин ўз севган касбида амалий натижа бўлиши учун сув келса симириб, тош келса кемириб кетаверишади. 1978–1985 йилларда Нарпайдага туманлараро прокурор ўринбосари, прокурор вазифаларида фаолият кўрсатганимда Абдурафиқ Аҳадов билан бирга ишлашга тўғри келган. У ўша йилларда Республика Давлат банки Нарпай тумани ва Оқтош шаҳридаги барча идора ва ташкилотлар, хўжалик ва муассасаларга хизмат кўрсатарди. Банк биноси прокуратуранинг шундоққина рўпарасида жойлашганлиги туфайли мен ўтирган жойдан А.Аҳадовнинг ишхонаси кўриниб турарди. У ўтирган хонанинг чироги ярим тунгача ўчмасди. Кейин мен унга қўнғироқ қиласдим:

– Абдурафиқ ака, бунча ишлаганингиз билан сизга ҳайкал қўйишармиди, ё орден олмоқчимисиз, давлатнинг иши тугамайди, чиқинг, бир чой ичайлик.

У ҳатто чой ичишга ҳам вақтини қизганарди.

– Ҳозир жуда бандман, ака, яна ярим соатдан кейин ишимни тугатаман, ўзим сизга қўнғироқ қиласман, – дерди.

Ўша пайтларда А.Аҳадовнинг ишчанлик қобиляти, тиришқоқлиги ва ғайратига ҳавас қилганман. Бу одам банк тизими соҳасида тинмай изланарди, ўзимиздаги банклар фаолияти билан боғлиқ барча хужжатларни, хориж мамлакатлари банклари тажрибасини ўқиб-ўрганишдан чарчамас-

ди. Ўз касбининг билимдони бўлганлиги туфайли чўрткесар, принципиаллиги ҳам бор эди, райком секретари томонидан зуғум остига олиниб, у ёки бу хўжаликка пул бериш ҳақида оғзаки топшириқ берилган тақдирда ҳам давлат маблағини ҳужжатсиз банкдан чиқармасди. Образли қилиб айтганда Абдурафиқ ака “Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси” филъ-мидаги разведкачи Николай Кузнецов – Штирлиц эди. Штирлицга бир мизғиб, ишчанлик қобилятини тиклаб олиш учун ўн дақиқа кифоя қилса, Абдурафиқ ака учун бир суткада ўттиз дақиқа етарли эди. Уйи банкнинг ёнида жойлашган бўлса ҳам, ишхонадан чиқмай, бир мизғиб олиб, ҳеч нарса бўлмагандай ишини давом эттираверарди.

Ўша пайтларда “Банк тизимида банкирлар ишлаши керак”, деган ёзилмаган қонун бор эди. Бошка соҳаларда ишлайдиган ҳисобчи, иқтисодчилар бу соҳага аралаштирилмас эди. Абдурафиқ аканинг ўрнига кўз тикиб юрган, ҳаром пули кўпайиб қолган ҳисобчилардан бири жойини эгаллаш мақсадида турли ташкилотларга, район партия кўмитасига унинг устидан имзосиз юмалоқ хатларни қалаштириб жўната бошлади. У даврда масъуль лавозимда ишлаган партия аъзоси устидан ёзилган юмалоқ хатлар ҳам текширилиб, райком бюросида муҳокама қилинар эди. “Тумандаги Ислом шоир номли хўжаликка банк қонунига зид равишда кўп миқдорда маблағ ўтказиб юборган” деб ёзилган ана шундай юмалоқ хат райком бюросида муҳокама қилингандаги эсимда. Мавсум пайтларидага хўжаликларга пул ўтказиш тўғрисидаги оғзаки топшириқлари бажарилмаганлигидан аламзада бўлиб юрган райком секретари йўлига тўсиқ бўлиб турган бу “ғов”ни олиб ташлаб, ўзининг гапига кирадиган садоқатли малайчаларидан бирини қўйиш фурсати келганлигидан хурсанд бўлиб, Абдурафиқ акани ўрнидан турғазиб ҳақорат қилди, уни “парти-

ядан ўчириб, ишини судга ошириш” ҳақида “хукм” чиқарди. Устига-устак вилоят Давлат банки раҳбари номига Абдурафик аканинг ўрнига олиш учун бошқа одамнинг номзодини кўрсатиб, унга “тавсиянома” бериб юборди. Абдурафик ака пинагини ҳам бузмади. Комиссия тузиб, шу ишнинг текширилишини қатъий талаб қилиб туриб олди. Унинг талаби билан бюро “Давлат маблағини талон-тарож қилиш масаласи бўйича комиссия тузиб, ишни текшириш ва шу асосда хулоса чиқариш” тўғрисида қарор қабул қилди. Банк томонидан Ислом шоир номли хўжаликка ўтказилган маблағ ва унга оид ҳужжатлар ипидан-игнасиғача ўрганилди, қўлга илинадиган ҳеч нарса чиқмади. Райком секретари уни кетказаман деб эрта қувонган экан, Абдурафик ака ишини ўжарлик билан давом эттираверди. Йўқ, тазиик шундан кейин ҳам тугамади.

Бир куни у тўсатдан менга қўнғироқ қилди. “Бу ёққа келинг, қизиқ воқеалар бўляяпти, тарих учун керак бўлади”, деди хотиржам оҳангда. Йчки ишлар тизимида “ОБХСС” деган бўлим бўларди. Банк биносига кирсам, ўша бўлим ходимлари хўжаликлардан келиб колхозчиларга пул тарқатиш учун маблағ олиб чиқиб кетаётган уч-тўртта кассирни тўхтатиб, олинган пул миқдорини санаб ётишган экан. Банқдаги сейф муҳранган, ҳеч ким ҳеч қаерга чиқарилмаяпти, тоза ваҳима. “Нима гап?” деда уларнинг каттароғидан сўрасам: “Бизга банк раҳбари колхозчиларга берилаётган пулдан ўмарид қолаяпти, деган тезкор маълумот тушди, шу бўйича текширув олиб бораяпмиз”, деди. Абдурафик ака менга: “Уларга халақит бермайлик, ишини тугатгучи юринг, чой ичиб турайлик”, деда хонасига бошлади. ОБХСС ходимлари хўжалик кассирлари олган пулларни, ҳужжатларини обдан текширишди, кейин сейфдаги пулларни санашибди, бу гал ҳам ҳеч нарса топишолмади. Текширув якунида “тезкор текширув

гурухи” раҳбари келиб, Абдурафиқ акадан кечирим сўради.

Абдурафиқ ака индамади, у кетганидан кейин деди:

– Исматулло ака, сиз биласиз, мен кечаю кундуз ишлашдан чарчамайман, лекин мана шу асоссиз текширувлар энди ғашимга тега бошлади. Бу муҳит мен учун эмас.

У шундан кейин устози – вилоят Давлат банки бошлиғи номига ишдан бўшатишларини сўраб ариза ёзиб борди. Бошлиқнинг ҳамма гапдан хабари бор экан, аризани йиртиб ташлади. “Бориб ишлайвер,— деди у факат қисқагина қилиб. – Бошқалар билан ишинг бўлмасин. Қачон сени ишдан бўшатиш керак бўлса, буни ўзим ҳал қиласман”.

Абдурафиқ ака Нарпай тумани ва Оқтош шахридаги қайси ташкилот ва корхоналарига банкдан маблағ берилса унинг қандай мақсадлар учун фойдаланилаётганлигини қаттиқ назорат қиласади, бир тийиннинг бекорга харажат қилинишига йўл қўймасди. Шунинг учун ўша йиллари унинг томонидан жуда катта микдордаги давлат маблағлари оғзаки топшириқлар орқали талон-тарож қилинишдан сақлаб қолинди. Эсимда, бу туман вилоятда катта салоҳиятга эга бўлган саноат ҳудуди бўлганлиги туфайли консерва заводи, комбинат ва шунга ўхшаш янги қурилаётган корхоналарга жуда катта қийматга эга бўлган техника воситалари олиб келиниб, вақтида ўрнатилмай, занг босиб ётганида банк ходимлари билан биргаликда тадбир ўтказиб, унга мутасадди шахсларни маъмурий, ҳатто жиноий жавобгарликка тортирганмиз. Бу тадбиримиз Республика прокуратураси томонидан маъқулланиб, бу тажриба барча вилоят, шаҳар, туманларда қўлланишга тавсия қилинган.

Хуллас, 1985 йилда мен бошқа ишга ўтиб кетдим, А.Аҳадов Самарқанд шаҳрида янги-

дан ташкил қилинган Темирийўл тумани банки бошқарувчилигига ўтди. У бу ерда ҳам умрини бекор ўтказгани йўқ – ўз фаолияти давомида барча талабларга жавоб берадиган янги банк биноси қурилишига бош-қош бўлди.

Вақтнинг пистирмада турган овчидай умрни овлашини қаранг. Қаерда бўлса ҳам ўз шаънига гард юқтирумай, ҳалол-покиза ишлаб, Худо берган ризққа қаноат қилиб чопқиллаб юрган Абдурафиқ aka ҳаш-паш дегунча 60 ёшни қоралаб қолибди. У киши ҳамон Ватан, юрт равнақи, ҳалқ фаровонлиги учун жон куйдираяпти. Ўша-ўша ишчанлик кайфијати, чўрткесарлиги хали ҳам қолмаган. Зоро, бундай одамлар фидойиликлари билан тириклигига ёк юракларда ўзига ҳайкал ўрнатади.

МУШОҲАДАГА ЧОРЛАЙДИГАН КИТОБ

Исматулло Йўлдошев ушбу китобига киритилган насрый асарлари ижодкорнинг яна бир қуррасини на-моён қиласди.

У мазкур асарлари орқали мустақил Ватанимиз, жамиятимиз равнақига тўғаноқ бўлаётган, сунъий тўсиқлар қўйишга интилаётган ҳуррият душманлари қиёфасини, уларнинг манфур кирдикорларини тасвирлаб беради.

Асар қаҳрамонлари прототипи асосан И. Йўлдошевнинг ҳуқуқшунос сифатида жиноий ишлар ечи-мини топшида ўзи учрашган кишиларнинг умумлаширилган образидир. Ҳаётий фактларга асосланган “Иблис талвасаси”, “Кўзойнак” сингари детектив қиссалар, публицистик мақолаларда муаллиф ҳуқуқшунос сифатида салбий иллатларнинг илдизига назар солади ва мантиқий хулоса чиқаради.

Баркамол авлод таълим-тарбияси бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилиган бир пайтда муаллиф ўз асарлари орқали маънавий дунё-мизни, фарзандларимизни хорижнинг зарарли “санъати” намуналаридан ҳимоялашининг ҳуқуқий томонлари тўғрисида мушоҳада юритади, зўравонликни, бузгунчиликни ошкора ташвиқот қилаётган маънавий террорнинг дозули ва тубан қиёфасини фош қиласди.

Иброҳим Ғафуров,
филология фанлари номзоди,
адабиётшунос.

МУНДАРИЖА

ПУБЛИЦИСТИКА

Бир ҳовуч офтоб	6
Боқий шаҳар	9
Мехр-муруваттаги йўли	15

ҚИССАЛАР

Иблис талвасаси	18
Кўзойнак	104
Кора фаришта	126

СУД ОЧЕРКЛАРИ

Она юраги	184
Лоқайдлик касофати	186
Бургут боланинг кузгунилклари	190
Қизил “Нексия” изидан	198
Ношуқурлик	209
Искандарнинг шохи синди	213
Умидсиз шайтон	218
Мурдашўйнинг икрори	221

КИНОСЦЕНАРИЙ

Қотил ёллаган аёл	228
-------------------------	-----

СУҲБАТ ВА МАҶОЛАЛАР

Адабиётнинг нисбийлик назарияси	240
Мулк эгаси билан гўзал	248
Озод ҳаёт қадри	256
Қонун ва инсон қадри	260
Фарзанд камоли – давлат иқболи	264
Инсон хукуқлари кафолати	270
Ҳайдар ота	275
Ишчанлик қобилияти	280
<i>Иброҳим Faуров.</i> Мушоҳадага чорлайдиган китоб	285

Исматулло ЙўЛДОШЕВ

ҲАЁТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

*Публицистика, қиссалар ва суд очерклари, мақола ва
суҳбатлар*

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2013

Муҳаррир *Вафо Файзуллаев*
Рассом *Шуҳрат Курбонов*
Бадиий муҳаррир *Умид Сулаймонов*
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Саҳифаловчи *Мастурда Атҳамова*
Мусаххихлар: *Маъмура Зиямуҳамедова, Шарофат Хуррамова*

Нашр лицензияси АI № 201, 28.08.2011 йил.

Теришга берилди 01.06.2012. Босишига 22.03.2013 рухсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. «TimesNewRoman» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоги 15,12+4 б. зарв. Нашриёт-хисоб табоги 12,29. Адади 1000 нусха. Буюртма № 0. Баҳоси шартнома асосида.

**«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси
100000, Тошкент шахри, Буюк Турон кӯчаси, 41.**